

992  
H79

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ



# ЧЕТДАГИ ОДАМ

821.512.133/Н 79

Норқобилов, Н.(Нормурод)

Аққинчи нашри. —  
2019. — 184 б. —

УДК 821.512.133ББК Ў32

/2-107.2021/2-108

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ

# ЧЕТДАГИ ОДАМ

*Ҳикоялар*



Иккинчи наشري

12+

Чўлпон номидаги нашриёт матбаа-ижодий уйи  
Тошкент – 2019

УЎК 821.512.133-3  
КБК 84 (5 ў) 6-44  
Н 79

**Норқобилов, Нормурод**

Н 79 Четдаги одам [Матн]. Ҳикоялар –Т.: Чўлпон номидаги  
НМИУ, 2019. – 184 б.  
ISBN 978-9943-05-862-0

Ёзувчи Нормурод Норқобилов билан суҳбат курсангиз унинг  
ниҳоятда камтарлигига гувоҳ бўласиз.

Ёзувчининг ҳикояларини ўқисангиз унинг камтарлигига яна  
бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Сабаби бундайин асар ёзган одам  
тасаввуримизча осмонларда юриши керак-да.

Ушбу китобдан ўрин олган ҳикояларида Н. Норқобилов  
инсоннинг ички кечинмалари, туйғуларини шундай ранг-баранг  
бўёқлар билан очиб берганки, ўт-ўланлар, ҳайвонлар ҳатто гармсел  
шамоллар билан сизни ошно қилиб кўядики мириқиб ўқиш ва  
завқ олишдан бошқа «чорангиз» қолмайди.

УЎК 821.512.133-3  
КБК 84 (5 ў) 6-44



ISBN 978-9943-05-862-0  
Норқобилов Нормурод, 2019  
© Чўлпон номидаги НМИУ, 2019  
© Чўлпон номидаги НМИУ, 2016

## ВАҚТ.

У ҳар сафар туғилган қишлоғидан тушкин ва эзгин бир кайфиятда қайтаркан, йўл бўйи нечунлигини англаёлмай баттар дилгир тортарди. Қизиқ, биров мушугини пишт дегани йўқ, синфдош жўралари, ўша-ўша керагидан зиёда даражада иззатини қилишди, боз устига, онаси меҳридан бас деганча баҳраманд бўлди.

Хўш, унда бу дилгирикнинг боиси нимада?

Нечун тириклик бу қадар маънос ва маъносиз?

Нечун олам бу қадар кўримсиз?

Йигит ўз уйида ҳам бу нохуш ўйлар исканжасидан халос тополмайди, келганидан бери атрофида парвона бўлаётган аёлининг майин табассуми ҳам уни чалғита олмайди. У дераза оша сершовқин шаҳар кўчаларига маънос термулади. Тиним билмас чумоли карвонидай гимирлаётган одамлар оқимиға ҳардамхаёл боқади. Кейин эса ўша оломонга қўшилиб, шаҳарнинг қоқ киндигидаги баланд иморатлардан бирининг энг юқори қаватидан ўрин олган устахонаси томон йўл олади.

Кўлидаги ясси калитни эшик кулфиға солганда, юраги бир қалқийди, деворлари мойбўёқда ишланган турли ҳажмдаги суратлар ила «безалган» кенг хонаға қадам кўйганда эса енгил тин олади, дераза қаршисига ўрнатилган мольберт қаршисига борганда, димоғида мойбўёқ ҳидини туйиб, шу дамгача ўзини азоблаб келаётган дилгирикни бутунлай унутади, ўзга олам, ўзга бир дунёға тушиб қолгандай, шуури тиниқлашиб, кўнгли орайиш топади. Хона пучмоғидаги китоб тўла жавонга бақамти жойлаштирилган кўҳна русумдаги чарм креслолардан бирига ястаниб, оёқларини чалиштириб, кўп эмас, атига бир зумга нафас ростламоқни ҳарчанд истасада, негадир вақтини қизганиб, бундан ўзини тияди, мўйқаламлардан бирини қўлиға тутиб, мольбертдаги битмаган суратта чалғийди. Аммо иш ва ижод билан бўлиб, вақти сурурли ўтаётганиға қарамай, кунлардан бирида кутилмаганда тағин қишлоғини кўмсай бошлайди, шунда, онамни соғинибман шекилли, деган ўйға боради. Бироқ

онаси ўзини соғинтириб қўядиган аёллардан эмас, ҳар икки-уч ойда бир ўғлиникига келиб туради.

Шунга қарамай, туйқусдан қўзғолган соғинч ҳисси уни тарк этмайди.

Нечун?

Мазкур саволга жавоб топгунча бўлмай, мана, у яна қишлоғида.

Бу гал қўпдан бери дилига туғиб келаётган режасини амалга ошириш, яъни дарагини эшитиши билан дарров йўқлаб келадиган жўралари кўзини шамғалат қилиб, бийдек дашт адоғида ястанган Ёмонқир томон жуфтакни ростлаш ниятида эди.

Афсуски, улгуролмади.

У эшик ёндорига суяб қўйилган чоққина мольбертга қўл узатгунча бўлмай, қия очиқ дарвозада аввалига жўрабоши Шавкат новчанинг озгин жуссаси қўланкаланди, сўнг унинг изидан яна икки оғайниси кириб келди. Ана, девор ортидан яна бир-иккисининг овози қулоққа чалингандай бўлди. Ва ҳовлида, ҳар сафаргидек, хушнуд хитоб жаранглайди.

— Ия-ия, Баҳром жўрамиз кеп қоптилар-ку!

У мезбонлик одобига кўра, кулча юзини табассумга тўлдириб, ўз навбатида, уларни қаттиқ соғинганини ич-ичидан туйганча, қадрдон жўралари томон ошиқади. Одатдагидек, бирин-сирин ачомлашиб кўришаркан, беихтиёр тарзда, узоқдаги Ёмонқирга таассуфла кўз ташлаб қўяди ва зумда идрок этгани шу бўлдики, энди қирни тушида кўради — бор-йўғи икки кунга, жуда нари борса, уч кунга чўзилиши эҳтимоли бўлган бу ташрифи ҳам доимгидек дўстлари «ардоғи»да кечади: жўралар даврасида мактабдан кейиноқ қатъий ва бузилмас қонун-қоидага айланиб улгурган кўникмага кўра, унинг қишлоққа келиш шарафига, шу бугуноқ ота ҳовлисида қанотланиши шарт ва лозим бўлган улфатчилик сўнг, навбати билан, жўрала-ри хонадонида бир-бир кўниб ўтади.

Бу одатга ҳеч бир ҳолат ва шунингдек, Баҳромнинг, гоҳ-гоҳида, кўп эмас, андаккина тутиб қоладиган, ижодкорларга хос инжиқ феъли ҳам раҳна сололмайди. Зеро, Баҳром эсли йигит, «инжиқ»-лик борасида доимо меъёрдан ошмасликка уринади, жўрачилик ҳақ-хурмати, андиша жиловини маҳкам тутайди. Биладики, мабода хиёлгина қуюшқондан чиқар бўлса ёхуд, билиб-билмай, уларнинг иззат-нафсига тегиб қўйса, орадаги дўстлик араз ва гина-кудрат тўзонига чулғаниб, пировардида адоватга қоришиб кетиши мумкин. Боиси, ўзига хос тушунча доирасига эга бўлган бу давра аҳли анчайин кекчи ва иззатгалаб йигитлар — аввало аразлашмасин, араз-

лашдими, тамом — сўнг қайтиб отингни тутмайди. Шунинг учун Баҳром қадимда ўтган донишлардан бирининг қуйидаги пурмаъно ўгитини ҳамиша ёдида сақлайди: «Меҳр ва адоват бир-бирига зид тушунча эрса-да, аммо улар ҳамиша бақамти ва ўртадаги нозик парда кузги тумандек ғоятда омонатдир».

У хушқол қиёфада йигитларни ҳовли адоғидан ўтган ариқча бўйидаги сўри томон бошлайди. Сўнг хонтахтани тевараклаб, эзмаланиб узоқ ҳол-аҳвол сўрашади. Бу орада у тагин узоқдаги қирга зимдан назар ташлайди, шунда, бугунги ўтиришни қирга кўчирсак қандай бўларкан, деган ўй хаёлидан лип этиб ўтади-да, шу ўй ва илинжда қошидаги йигитларга бир-бир боқади. Сўнг бу таклифи уларга маъқул келмаслигини тезда идрок этиб, чеккасини ғамгин қашлайди. Дўстларига олисдаги қирнинг зиғирча қизиғи, тариқча қадри йўқ, шу иссиқда пишириб қўйибдими, ё аждарҳога ем бўлмоқчимисан, дейишлари аниқ.

Аждарҳо — бир ривоят.

Аммо Омон отлиғ бир чўпон ва яна икки-уч киши қир оралиғида харидек йўғон илонга дуч келгани рост. Ушбу воқеа сабаб қир «Ёмонқир» деган номга эга бўлган. Ўшандан кейин бу афсонавий жонзодга ҳеч ким дуч келмаган эса-да, бироқ у ҳақдаги турлитуман ривоятлар ҳали-ҳануз эл оғзида чайналиб келади ва аксарият кишилар, жумладан, жўралари ҳам қирга ҳадик билан қарашади, Ёмонқирдан олисроқ юрган маъқул, дейишади. Бильакс, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ деганларидек, улардан бирортаси ҳам Баҳром каби Ёмонқирнинг ваҳимали ўнгуруларини бирма-бир кезиб чиқмаган, айиқ сиғарли тош уяларни, нелиги ноаён бўлган тошкавакларни, ғаройиб тошкапаларни, турли тус ҳамда шакл-шамойилдаги қоятошларни, қалин чакалакзорларни, қатор булоқ кўзларини, қисқаси, Баҳромнинг таъбири билан айтганда, кишини эсдан оғдирувчи чин ёввойи табиат тароватини ўз кўзлари билан кўрмаган ва ўз навбатида, бунга тариқча ҳам хоҳиш-истаклари йўқ. Ахир бекордан-бекорга заҳмат чекиб, аввалига юксаклиги ўртача тоғдан сал бери бўлган қир яғринига кўтарилиш ва сўнг қияликда тошларга қоқилиб-суқилиб, сирғалиб, қуйига — икки қир оралиғида яшил тасмадек базўр кўзга ташланиб турган чоққина водийга — «аждаҳо макони»га энишга кимда тоқат, кимда юрак бор дейсиз.

Агар ўшанда қандайдир доривор ўт илинжида бўлган Собир мерган қўярда-қўймай бошлаб чиқмаганида, эндигина олийгоҳни тутатган ва Ёмонқир ҳақидаги тасаввури жўралариникидан пеш бўлмаган Баҳром икки дунёда ҳам у томонга қадам босмаган бўларди.

Ўша куни Собир мерган тимирскиланиб ўт қидирган, у эса, мусав-  
вир эмасми, одам боласи томонидан даҳл қилинмаган ёввойи табиат  
қаршисида лол қолганча, қоғоз-қаламсиз, қуруқ қўл билан чиққа-  
нидан жуда-жуда ўкинган. Кейинчалик эса хотираси ҳамда тасавву-  
рига таянган ҳолда кўрган-кечирганларини аввал қаламда, сўнг мой-  
бўёқда акс эттирган. Бу суратлар ҳозиргача устахонаси тўрида қатор  
осиғли турибди.

Баҳром шуларни хаёлидан ўтказаркан, дафъатан миясига келган  
ўйдан сергак тортди. Шошма, ҳар сафар қишлоғига нисбатан кўнгли-  
да тўйқусдан туғиладиган соғинч ҳисси ўша суратлар туфайли эмас-  
микан? У соқи узатган пиёлани қўлига оларкан, манглайи тириш-  
ганча, ўйга чўмади: суратларга сал зиёдроқ тикилиб қолган кезла-  
рида юрагида англарсиз туйғулар кўзғолиб, сўнг у давомли соғинч  
ҳисига айланиб кетишини секин-аста идрок этаркан, натижада, шуни  
англаб етдики, бу ҳиссий жараён пайтида бутун фикр-ёди волидаси  
томон оққангандек эса-да, аслида кўз ўнгида Ёмонқир фониди  
мўъжазгина кўриниш касб этган она қишлоғидан ўзгаси гавдалан-  
мас ва бунинг акси ўлароқ, манову қадрдон жўралари ҳатто унинг  
эсига ҳам келмасди. Ёмонқирнинг чўнг салобати қаршисида қиш-  
лоғи ушоққина, ҳамқишлоқлари эса мисли заррадек, кўзга илган-  
масди. Кутилмаган бу ҳиссий эътирофдан Баҳром ҳаяжонга тушади,  
ўта муҳим бир сирнинг тагига етгандай, ўтирган ерида у ён-бу ён  
бетоқат тебранади. Қани энди, шу тобда адоқсиз фикрлар уммонига  
чўмсанг, рангин туйғулар сеҳрига маҳлиё бўлганча, шавққа тўлиб,  
кимгадир юрагингни тўксанг!

Аммо кимга?

Умрида илк бор жўралари рафторига малолланиб боқди. Мияси-  
дан, йўқ, буни англашга қодир эмас улар, деган оғриқли ўй ўтди.  
Чунончи, дастлабки икки қадахданоқ баданлари қизиб, бир-бирига  
гап бермай, бор овозда вағиллашни хуш кўрадиган дўстларига, жўра  
сифатида, унинг ўзи азиз, шавқли туйғулари ва тугёнлари эса, худ-  
ди ижоди каби тушунарсиз, демак, бефойда. Ахир кўнгли учунгина,  
йўлига, қачон бизнинг расмимизни чизасан, дўст, дейишдан нарига  
ўтмайдиган бу шўрликлардан яна ниманиям кутиш мумкин.

Кейинги пайтда дам-бадам калласида айланиб қоладиган бу каби  
нохуш ўйларга ортиқ изн бермаслик важдан у теваракка алаҳсиди  
ва шунда кўзи сўрининг кунчиқиш тарафида бўйланиб турган ёлғиз  
гулхайри бандида ўрмалаб бораётган бир жуфт хонқизига тушди.  
Қизиксиниб кузата бошлади. Ана, олдинда илгарилаб бораётган  
жонзотлардан бири ўртадаги шапалоқдай япроққа етганда, тўхтади-

да, аввалига япроқ сиртида обдон тараддудланди, сўнг қора холли қизғиш қанотларини икки ёнга керганча учишга ҳозирланди. Бироқ парвозни эплаёлмади, қуйига шўнғиди кетди. Иккинчи хонқизи эса хийла қатъятли экан, ўрмалашда давом этиб, тепадаги гул бандигача етиб борди. Баҳром бу ҳолатга ўзича маъно берган киши бўлди.

— Гўзалликка, э, йўқ, юксакликка интилияпти у! — деди ўзи сезмаган ҳолда, беихтиёр тарзда.

Сўнг туйғуга эрк берганидан ўнғайсизланиб, давра аҳлига хижолатомуз кўз ташлади. Ҳайтовур, жўралари баҳсга овора бўлиб, унга ҳеч ким эътибор бермади. Шунга кўра, бу сафар йигитларга жиддий ва синчков боқди. Шавкат новча ҳафтадирки устара юзини кўрмаган иягини олдинга чўзганча, ўзича ниманидир исбот қилмоқчи бўлар, сумбат жиҳатдан унинг ғирт акси бўлган Боир пакана деганлари, оғзидан тупук сачратиб, тинмай уни инкор этар, қолганлар эса узук-юлуқ гап-сўзлар билан баҳсга пишанг берар ва орада-орада қадаҳ уриштириб ҳам қўйишарди.

Уларнинг вағир-вуғуридан толиққан Баҳромда ўша таниш бир истак — ариқчадаги сувнинг шўхчан шилдираши-ю дарахтдаги қушлар овозини, аниқроғи, тинчлик ва сокинлик шовурини тинглаш хоҳиши хуруж қила бошлади. Бироқ жўраларининг шовқинли гурунги бунга монелик қилавергач, у тагин гулхайри томон юзланди. «Юксаклик»ка интилаётган хонқизи энди катта гул япроғида гимирлаб юрар, ярим очилган ёндаги гул эса кенг оқиш қанотлари қора доғлар билан зийнатланган йирик капалак томонидан банд этилган ва боя парвозни эплаёлмай қуйига шўнғиган «ношуд» хонқизи эса тагин юқорига интилмоқда эди.

Баҳром тўсатдан бир қалқиб тушди. Йўқ, у «ношуд» хонқизининг тиришқоқлигидан эмас, аввалига сезмай, сўнг тўйқусдан илғаган антиқа бир манзарадан қалқиди. Унинг бу қадар энтикишига сабаб бўлган мўъжазгина манзара шундоққина гулхайри ортида яшнаб турарди. У мусаввирларга хос ҳассослик билан манзара асосини ташкил этган «детал»ларга — ариқ бўйидаги якка қирмизи атиргулга, худди унинг ёлғиз қолишини истамагандек, уни теварақлаб ўсган бўлиқ отқулоқларга, улар ортидан шўхчан мўралаб турган сиёҳранг митти чечакларга, гўё аразлагандай, ариқдаги сувга бош эгиб турган оқиш-тоб, қуйи қисми эса қорамтир тусдаги жажжи гуллар шодасига ва бошқа турдаги ёввойи ўт-ўланларга ҳамда улар бошида парвона бўлаётган ари ва капалакларга бирма-бир боқаркан, уларда қудратли ҳаёт нафасини, ёввойи табиат тароватини теран ҳис этди. Сал нари-

даги кенг ва саронжам-саришта полиздан айро тушган, қуёш нуридан ранго-ранг тусда товланаётган кафтдек ердаги бу манзара зумда унинг ақл-хушини ўғирлаб қўйди. Бунда нур ва соя бўртиб, ажиб бир тусда балқирди, яшарди ва яшнарди. У зумга кўзларини юмиб, енгил хўрсинганча, қайта очаркан яна бир ажойиб ҳолатни идрок этди: бу томондан туриб қаралганда, капалак ва хонқизини «кафт»-лариди тутиб, оҳиста эркалаётган гулхайри ушбу манзара марказида акс этиб, яхлитлик, бир бутунликни ташкил этарди.

Баҳром одатига хос яна тафаккур қилди: «Бунда вақт яшаяпти!» Аммо тилида бутунлай ўзга хитоб жаранглади:

— Ажойиб композиция!

Даврадагилар ялт этиб аввал унга, сўнг у жиддий тикилиб турган томонга қарашди. Табиий, ҳеч нарсани илғашмади.

— Бир нима дегандай бўлдингми, дўст? — деди Шавкат новча.

— Дўст фикр қилаяпти, — дея ҳиринглади Боир бақалоқ.

— И-и, нима, шаҳарда фикр қип чарчамадингми, жўра, маза қип, айшингни сўрсанг-чи, дўст, — Шовкат новча унинг елкасига дўстона қоқиб, соқига, қўй, дея имо қилди. Сўнг афтига донолик тусини бериб деди: — Дунёга бир келамиз, икки эмас... — Бунга ҳам қаноат этмай, кўрсаткич бармоғини унинг тумшугига нуқиди. — Бир... тушундингми?

Баҳром улфатчилик таомилига амал қилиб, ҳамма қатори ичди, газак қилди. Сўнг гуруннга қулоқ тутди. Гап кимнингдир яқинда бўладиган тўйи ҳақида борарди. Тўй эгасининг қўли очиқлиги, сасийлиги, мардлиги таъриф-тавсиф этилиб, ҳалитдан танглайлари тақиллаб, ҳузурланиб, этга тоза тўйиб, роса ароққа чўмилишларини башорат қилишарди. Шу орада дастурхонга қовурдоқ тортилиб, яна қадаҳларга «жон» киради. Баҳром, мезбон эмасми, қани, олинглар, дея бир бўлак этни оғзига соларкан, тенгқурларига зимдан кўз ташлайди, уларнинг бу қадар иштаҳаси зўрлигидан ажабланади. Ўзининг чимхўрлигидан гаши келгандай, лагандан қўл тортади ва тагин қошидаги манзарага боқади, назарида, лаззатли таомга қўшиб, қимматли вақтини чайнаб ютаётгандек, дилгир тортади, сўнг яна ўзича тафаккур қилади: «Вақт кетаяпти, вақт ёнаяпти, ёниб кул бўлаяпти у!» Агар шу созда ялпайиб ўтираверса, ҳадемай қуёш нури нари силжиб, манову мўъжаз манзарадан асар ҳам қолмайди, ўзга тус олади у.

Балки эртага худди шу вақтда?..

Йўқ, эртага айни шу пайтда бугунги тўкин зиёфат Шавкат новчаникида давом этади. Ана, бир эмас, иккита курка сўяман, хотин-

ди нимаси кўп, куркаси кўп, керак бўлса, тўрттасини қозонга тикаман, дея ҳалитдан оғиз кўпиртирмоқда. Аммо димланган курка этига оғзи тегишдан аввал у мақтанчоқ дўстининг камсуқим аёлига рўпарў бўлиши ва унинг дардини эшитишига тўғри келади. Аёл доимгидек кейинги пайтда эрининг меҳнатга ҳеч ҳуши йўқлигидан нолийди, ҳамма иш мен ва болаларимга қолиб кетаяпти, дея шикоят қилади, жўрангизни шу-у биргина уришиб қўйинг ўзингиз, дея унга умид кўзларини тикади. У эртанги машмашани ўйлаб, кўз қирида Шавкат новчага разм солади. У сўзлана-сўзлана, берилиб суяк кемирмоқда эди.

Йўқ, у суякни эмас, ғафлат оғушида вақтни кемирмоқда!

Шу ўй миясига чақмоқ янглиғ урилиши ҳамон Баҳром илқис ўрнидан кўзғолди. Илдам бориб, эшик ёндоридаги мольбертни олиб, изига қайтди. Ва жўраларининг лолу ҳайрон нигоҳлари остида уни сўрига ёнига ўрнатди. Сўнг унга мато тортилган рамкани маҳкамлади.

— Нима қиляяпсан? — деди охири сабри чидамай Шавкат новча. Ортиқча изоҳ беришни истамаган Баҳромнинг оғзига келгани шу бўлди:

— Суратларингни чизмоқчиман, эсдаликка...

У шундай дейиши биланоқ йигитлар, худди фотоаппарат қаршисида тургандай, дарров сергак тортишди, сўнг, беихтиёр, тараддудга тушиб қолишди: бири ёқасини тўғрилаган, кимдир лаб-лунжини обдон артган-суртган, бошқа бири дўпписини қоқиб-суқиб, қайта бошига қўндирган, бахузур ёнбошлаб ётганлар ошиғич қаддини тиклаган, Боир бақалоққа ўхшаганлар эса эғнидаги ранги униққан қўйлагига, киши билмас, норози боққан ва ичида аёлини бўралаб сўккан, мольбертга тескари ўтириб қолганлар, нари силжиб, унга юзланган. Хуллас, шаҳарлик мусаввир жўраларининг кутилмаган бу хатти-ҳаракати уларни шошириб қўйган эса-да, бироқ бу ишга ҳамма ҳам хайрихоҳ деб бўлмасди.

— Тасаввур қилингларки, мен йўқман, — деди Баҳром, даврани совутаяпсан, деган маънода ўзига норози боқиб турган Шавкат новчага эътибор бермасликка уриниб, — яъни мени йўқ санаб, бемалол гурунгда давом этаверинглар. Чунки бу... зумда битадиган иш эмас, вақт ва сабр даркор. Агар менга имкон берсаларинг, маълум муддатга мени унутсаларинг, хайрлашув зиёфати, мана, мендан!

— Ия, қанақасига сени унутайлик! — деди Шавкат новча ошқорға гижиниб. — Ахир манову дастмоянгни нақ тумшукқа тираб қўйиб-

сан-ку, яна қанақасига сени унутайлик. Яхшиси, йигиштир бу ишингни! Эмасам, биз кетамиз!

Баҳромнинг бахтига даврада суратини чиздириш истагида бўлганлар кўпчилик экан, тезда жўрабошининг попугини пасайтириб қўйишди, ёқмаса, кўзингни юмиб ўтир, дейишди, иззатингни билиб, теккина ўтир, дейишди, агар кетгинг келаётган бўлса, ҳеч ким сени тутиб тургани йўқ, ана, катта кўча, дейишди.

— Хай, мана, биз оғизга кишан урдик, — нафаси ичига тушган Шавкат новча кўкрак чўнтагидан уринган қарта дастани чиқариб, ўртага ташларкан, барибир, жўрабоши сифатида, отдан тушсада, эгардан тушгиси келмай, Баҳромга юзланиб деди: — Балки эртанга қолдирарсан шу ишингни, а, жўражон?

— Йўқ, бу бугуннинг иши! — деди Баҳром бу сафар жиддий. — Чунки вақт ёнаяпти!

— Ҳа, кун ёнаяпти, — деди Боир бақалоқ елпинган киши бўлиб.

— Ҳа энди, ёзди куни шу-да, — деди кимдир бепарво.

— Қани, шунинг учун яна юзтадан олайлик, — деди бошқа бири.

— Унда мениям яхшилаб чиз! — деди охири мурсага келмоқдан ўзга чораси қолмаган Шавкат новча.

— Мениям, — деди Боир бақалоқ, ўзи билмаган ҳолда қайта ёқасини тўғрилаб.

— Ҳаммангни чизаман, фақат менга фурсат беринглар, — дея ёзғирди Баҳром ишга тутиниб. — Аммо олдин...

Бир муддатдан сўнг емак-ичмоқдан нафси қонган жўралар, чинданда Баҳромни унутиб, қарта ўйинига муккасидан кетишди. Қарта ўтиришнинг зўр бир эрмаги, агар қўйиб берса, тонггача ундан бош кўтаришмайди.

Айни шу ҳолат Баҳромга жуда қўл келди. У ўз устахонасида ёлғиздек ёхуд кимсасиз кенгликда танҳодек, фавқулодда илҳом ва шиддат билан ишлай бошлади. Қўлидаги мўйқалам худди сеҳрлангандай, унинг амри ва шуурига итоат этар, хаёлини ўғирлаб, уни қаттиқ ҳаяжонга солган мўъжаз манзара полотно юзига жуда энгил кўчар ва бунга сари йигитнинг илҳоми ва ғайрати жўшгандан-жўшиб борарди.

У суратни ўзи кутгандан кўра вақтлироқ тугатиб, роҳатланиб, энгил нафас олди-да, кўпда ҳаялламай яна ишга тутинди. Бу сафар мольбертга мато тортилган каттароқ рамкани маҳкамлаб, қўлига мўйқалам ўрнига, қалам олди. Бир ондан сўнг қалам сирғалиб, махсус ишлов бериб оқартирилган мато юзида, дастлаб, Шавкат новчанинг ирkit юзи, ғижим ёқаси, ўртадаги қарта устига ка-

мондек эгилган ориқ жуссаси акс этиб, салдан сўнг уни қаватида Боир бақалоқнинг ялқовлиги ва қатъятсизлиги аниқ сезилиб турган этдор афти жонланиб, бир оздан кейин тиззалари устига тўкилиб турган катта қорни намоён бўлди. Қисқаси, сўридаги жўралар қай алфозда ўтирган бўлса, худди шу ҳолатда бирин-сирин оппоқ мато юзига кўча бошлади. Баҳромнинг нигоҳидан тўкин дастурхондаги, унинг таъбири билан айтганда, майда-чуйда «детал»лар ҳам четда қолмади, бари маълум бир маънода суратга муҳрланди.

Аммо орқа фонда, яъни кенглик адоғида ястаниб турган Ёмонқирнинг тасвирига келганда, аввалига унинг эласгина шаклини бермоқчи бўлди. Сўнг бу фикридан воз кечиб, нелиги ноаён бўлган бўшлиқни тасвирлашга жазм қилди. Унинг режаси бўйича, суратда жўралари келбати ушбу маъносиз бўшлиқда маънисиз кўланкалар сифатида гавдаланиб, бўшлиқнинг туб қаъридан кўкка интилаётган уюрма – ғайритабиий бир ўкирик тимсоли акс этмоғи лозим эди.

Бу — беҳуда куйиб кул бўлаётган вақт фарёди эди.

Оқшом олди суратни тевараклаган жўралар унда ўз аксиларини кўриб, ўзларича шодланишди. Мени, йўқ, сени эмас, мени ўхшатиб чизибди, дея ёш болалардай бир майдон тортишишди, кейин эса Шавкат новчанинг ориқ жағи, Боир бақалоқнинг катта қорни устидан обдон кулишди ва Баҳромни тонг қолдириб, сурат қатига сингдирилган асосий маънони бирортаси илғамади ва илғашга ҳам уринишмади.

Сўнг бир четга авайлабгина суяб қўйилган манзарага уларнинг берган баҳоси шу бўлди.

— Ия, манову расмга ўхшатиб, нега бизни бўёқда чизмадинг?

— Йў-ўқ, қаламда чизганинг бизга ўтмайди.

— Ҳа, эртан бизни бўёқда чизмасанг бўлмайди...

Эртаси ҳамма йиғилса-да, Баҳромдан дарак бўлавермагач, Шавкат новчанинг ўзи дарвоза қоқиб келди. Ва унинг тонг саҳарда сирли равишда ғойиб бўлганини эшитиб, лол туриб қолди. Сўнг совуқдан-совуқ бу хабарни тезроқ етказиш ўйида жўралари хузурига ошиқди.

Бу вақтда елкасига мольберт осган Баҳром оёқ остидаги тошларга сирғала-сирғала Ёмонқир бағрига энмоқда эди.



## ЯНГИ ЭРТАК

«Бир бор экан, бир йўқ экан...»

Уф-ф... бунча қийин иш экан бу!..

Эртақ тўқиш ва уни қоғозга тушириш бу қадар оғир, бу қадар мушкул юмуш эканлигини хаёлига келтирмаган Ойдин қизалоқ, мана, неча кундирки, «бир бор экан, бир йўқ экан»дан нарига ўтолмай жуда хуноб эди. Бошда ёзилиши ўта жўндек туюлган эртақ қизчанинг онгу шуурида аллақачон пишиб етилган эса-да, бироқ қўлига қалам олди дегунча, сўз дегани сира тутқич бермас, мисли тариқдай сочилиб кетмоқда эди.

Қизча ўйчан нигоҳини олдидаги дафтар саҳифасидан узиб, аввалига, худди нажот қидиргандай, марҳума онасининг девордаги суратига тикилади. Бир муддатдан сўнг чуқур хўрсиниб, теваракка маъюс кўз югуртиради.

Шу тарзда у шифтдаги чироққа, девордаги сўзаналарга, бурчакдаги темир печкага, токчалардан бирига батартиб терилган китобларга, дераза ортидаги қоронғи тунга бирма-бир лоқайд назар ташларкан, охирида, хона ўртасига солинган қўш ўриннинг бирида баҳузур уйқуни ураётган ўғай опаси — Хадичага ҳавасланиб боқади ва ич-ичидан, қўлидаги ручкасини нимқоронғи кунжакка улоқтириб, опаси қаторида кўрпа тагига шўнғиш истагини туяди. Бироқ қандай бўлмасин эртагини тезроқ яқунлаши лозимлиги тагин эсига тушиб, бу фикридан қайтади. Ахир ўғай онаси — Садоқатнинг туғилган куни жуда яқин қолган, агар эртагини тезроқ тугалламаса, болдан тотли, шакардан ширин орзуси — байрам дастурхони устида ҳаммадан бекитиқча ёзган эртагини ўқиб, уйдагиларни, асосан, ўғай онасини қувонтириш нияти бутунлай пучга чиқади-да.

У зимдан қовоқларига тўр сола бошлаган уйқуни қувлаб, стол четида ётган қалин китобни қайта қўлига олади, ўзича тагин эртақларнинг ёзилиш сир-асрорларини ўрганмоқчи бўлади. Шу ўйда китобни хушсизлик билан бир-бир варақларкан, кўзи бот «Зумрад ва Қиммат» эртагига тушгач, қошлари норози чимирилиб, уни шартта ёпади-да, зарда ила нари суриб қўяди. Боиси, қизча яратажак эртақ мазмуни бу эртақка тамомила зид бўлиб, уни тўла инкор этарди. Ваҳоланки, яқин-яқингача, яъни эсини таниб, китоб ҳамда эртақлар дунёсига ошна тутинганидан бери айна шу эртақ унинг энг сеvimли, энг қадрли эртақларидан бири эди.

Энди эса...

Қизча ушбу эртақ туфайли чеккан руҳий изтироблари — Зумраднинг тақдири энди ўз бошига тушажагини ўйлаб, қўрқув ва таҳлика оғушида кечган кунлари ва тунларини ҳали унутмаганди.

Эсида, ўшанда ўгай онасининг ҳовлига кириб келиш онларини даҳшат билан кутган. Дарвоза ортида машина овози тиниб, эшикларнинг қарс-курс очилиб-ёпилиши қулоғига чалиниши билан елдай учиб бориб, сомонхонага бекинган, қўрқувдан япроқдай титраб, эшик тирқишидан дарвозага кўз тиккан. Ана, ҳозир ўгай онаси айнан Қимматга ўхшаш лаби дўрдоқ, сочлари патила, ҳаддан зиёд инжиқ ва ўжар қизини бошлаб дарвозадан кириб келади, шунчаки эмас, оғзидан ўт пуркаб кириб келади. Ва ҳовлига қадам қўйиши ҳамоноқ теваракка аланг-жалаң қараниб, ўгай қиз — Ойдинни қидиришга тушади ва сўнг уни бўғзигача юмушга кўмиб ташлайди. Мабода бўйин товлар бўлса, уради, сўқади ва оқибат, кунлардан биринда, ўрмонга адаштириб кел бунини, дея отасининг қўлига тутқазади. Отаси ўгай онага лом-мим демоққа журъати етмай, суюкли қизини ўрмонда адаштириб келади. У ўрмонда улоғиб юриб, тўсатдан дарахтга осилган ва шамолда тебраниб, «тақ-тўқ» қилаётган болтага дуч келади.

Бироқ шу ерга келганда қизчанинг боши қотади: хўш, отаси уни қайси ўрмонга адаштириб келади? Бийдек дашт киндигида жойлашган дўппидек овули теварагида ўрмон тугул, кафтдек чакалакзор ҳам йўқ-ку. Ана, у ёғи кўшни овулгача, бу ёғи эса олисдаги кўкиш тоғлар этагида ястанган қирга қадар яйдоқ даштлик — одам тугул, ушоқ чумолини ҳам адаштириб бўлмайди бу кенгликда. Ҳа-а, қийин-қийин, отасига қийин, қизини чалғитиб кетмоққа ўрмон, болтасини осмоққа дарахт тополмай тоза сарсонини чиқади энди. Ахир ўрмон бўлмагач, ўгай она амрини қадай қилиб адо этмоғи мумкин? Бундан қизчанинг кўнгли андак таскин топгандек эса-да, бироқ дарахтга осилган болтадан кейинги воқеа ривожи — ўзи дуч келиши лозим бўлган меҳрибон буви ҳамда у киши томонидан тортиқ этиладиган «қизил сандиқ»ни ўйлаб, бу атрофда ўрмон йўқлигидан жуда ачиниб кетади. Буви ҳада қиладиган «қизил сандиқ»ни ўз уйларида эмас, Холбуви холасиникига олиб боришни кўнглига тугади, ўзича сандиқ тўла қимматбаҳо совға-саломдан ўгай онани бебаҳра қолдирган киши бўлади. Холаси зўр — ўгай онага сандиқ тугул, ерда ётган чўпниям раво кўрмайди.

Фақат бу яқин-атрофда ўрмон йўқлиги чатоқда.

Аслида қизчанинг кўнглига «ўгай она» қўрқувини солган ўша Холбуви холаси бўлади. Шўрлик етимча, дея бошини силаган, ўгай

эна бошинга ит кунини солади энди, дея бағрига босган. Қўрқма, бу ёқда мен, итга итдай ташланадиган холанг бор, дея юпанч берган. Қизча холасининг бесўнақай жуссасига, табассумдан йироқ бадқавоқ афтига таажжубла боқади, уни, қозик тишларини иржайтириб, ириллаётган ит ўрнида тасаввур этиб, беихтиёр, кулгуси қистайди. Сўнг эркаланиб, қўйинг, хола, итдай тишлашгунча, яхшиси, бизга бир тандиргина нон ёпиб бера қолинг, дегиси келади. Бироқ бундай демоққа ҳадди сиғмайди.

Энаси ўлганидан бери ота-боланинг куни дўкон нонига қолган. Туман марказида ишлайдиган отаси ҳар кеч дўкондан олиб қайтадиган буханка нон қизчанинг таъбига ўтиришмайди, тандирда сингиб пишган нонни хуш кўради у. Холаси, ҳар борганида, тандирда ёпилган нон билан қорнини, шу кунларда келиши кутилаётган ўғай она ҳақидаги гап-сўзлари билан онгини тўйдиради. «Эшитдим! — дейди қошида боласи тенги хуркак бир қиз эмас, ўзи каби қилдан қийиқ ахтарадиган, олам ва тириклик ҳақидаги тушунча ва қарашлари томорқасининг кемтик деворидан нарига ўтмайдиган қўшни аёллардан бири тургандай туйқусдан тутақиб. — Топган ўша мегажини ўзи билан бир идорада ишларкан! Эри ҳайдаган бир тавия экан! Тағин сендан каттароқ бир қизиям бор экан, у яшамагурни! Ана энди... анову... нимаиди-я... анову кўҳна матал бор-ку... телибизирдаям кўрсатишади... Қиммат... йўқ, «Зумрад ва Қиммат». Ҳа-а, шу... Энди биринг — Қиммат, биринг — Зумрад бўлиб, эшакдай тепишиб, итдай тишлашиб юрасилар! Йў-ўқ, сен етимчага кун беришмайди улар! Қизи додингни беради, энаси эса, оғзидан ўт пуркаб, сен етимчани тириклайин қовуриб ейди! Ана шуни айтадиларда, энали етим — гул етим, отали етим — шўр етим деб! Сен манглайи қора, шўр етимсан-да!»

Уйига қайтгач, қизча, Зумрадни ўзига тақдирдош билиб, эртакка тақрор кўз ташлайди. Шўрлик Зумраднинг қора қисматига ачинидан ҳам кўра, эндиликда у тортган барча азобу уқубатлар ҳадемай ўзининг чекига тушишини ўйлаб, пинҳона йиғлаб, зимдан азият чекади. Кейин, зора, отам у аёлни уйга олиб келиш фикридан воз кечса, деган умид ва илинжда ҳовли юмушларини, қўлидан келганча, бекаму кўст адо этишга тиришади. Уйдаги саронжам-саришталикни кўриб, отаси уни алқайди, эркалайди, аммо қизча кутгандек, фикридан қайтмайди, кечки таом устида яқин жўраси ва қўшниси Салим муаллимга дейди: «Билсанг, дўстим, у оддий аёллардан эмас, фариштанинг нақ ўзи! Худо хоҳласа, ёқамни оқартириб, уйимни нурга тўлдиради у!» Шунда қизчанинг хаёли фариштага

кетеди. Бироқ ҳарчанд уринсада, ҳарир либосли ноаниқ шарпадан ўзгасини кўз олдига келтира олмагач, эртаси фаришта ҳақида тўла тасаввурга эга бўлмоқ ниятида тагин холаси ҳузурига зинғиллайди.

— Фаришта?! — ўчоқбошида тутунга кўмилиб ўтирган холасининг зардаси қайнаб, аввал елкаси оша, сўнг ўгирилиб қарайди. — Вой, ардона қолсин, ҳали у кишим фаришта бўп қоптими! Йў-ўқ, отанг кўр, яхши-ёмонни бир-биридан ажратолмайдиган, фаришта не, жодугар не, сира фарқига бормайдиган басир у! — Кейин одатига кўра, бирдан ҳовуридан тушиб, ўйчан бир тарзда дейди: — Ҳа-а, эрсиз аёлларнинг бўлари шу, эрга тегиб олгунча бари ўзини фариштадай тутиб, сўнг кўрсатади ҳунарини...

— Унда... фаришталиги ёлғонми, хола? — дейди қизчанинг ҳафсаласи пир бўлиб.

— Ёлғон!

— «Фаришта» дегани нима ўзи?

Бу саволни кутмаган хола бир осмонга, бир унга қарайди. Афтига тажанглик тепчиб, фаришта ҳақида эшитган ва билганларини хотирлашга уринади. Сўнг зиғирдек бир қизча олдида бу тарзда бош қотириб туриши ўзига эриш туюлиб, кўкка ишора қилиб, дейди:

— Нима бўларди, худонинг осмонда учиб юрган бир маҳлуқи... йўқ, жонзоти-да!

— Кўринмайди-ку, — қизча шишадек тиниқ осмонга тикилади.

— Йўқ, у кўзга кўринмайди.

— Нега кўринмайдими?

— Чунки... у фаришта-да...

— Фаришталар кўзга кўринмайдими?

— Йўқ, кўринмайди.

— Фаришталиги ёлғон бўлса... — қизча чуқур хўрсиниб, холасига умидвор тикилади, — отамга айтинг, уйимизга доритмасин уни.

— И-и, менинг гапимни корлармиди, у хотинбоз! — холанинг газаби кўзиб, ўчоқдаги ўтни титкилайди. — Қачон бир ишни биз билан ҳаммаслаҳат қилган у! Ярамас хотинбоз!

Бу гапдан сўнг қизчанинг отадан кўнгли қолади. Кундалик юмушга уннаб, кечгача тумшайиб юради. Аламини товуклардан олиб, уларни элдан бурун катакка қамайди. Тиззасига суйкалган мушугини жеркиб, оқшом ишдан қайтган отасига чирой очмасликка уринади.

Бироқ отаси эркалаб, бағрига босиши билан барини унутади.

Бири ўчоққа ўтин қалаб, бири қозон кавлашга тушади.

Кейинги пайтда кунда-шунда бўлиб қолган Салим муаллим эшикда қора бермагунча, қизча «ўгай она» ташвишини бир неча муддат унутади, Зумраднинг қора қисмати ортиқ уни ташвишга солмайди. Отаси кириб келиши билан юзага келган тароватли бир илиқликдан кўнгли яйраб, димоғи чоғланади.

Аммо эркаклар гурунгида ўша аёл номи тилга олиниши билан бу илиқликдан асар ҳам қолмайди, уй совуқ ва файзсиз тус олади. Қизча нимқоронғи бурчакка биқиниб олиб, тагин Зумраднинг аянчли тақдирини ўйлашга тушади. Охири буви томонидан инъом этиладиган «қизил сандиқ»ни кўз олдига келтириб, сандиқ воқеасигача рўй бериши лозим бўлган барча азиятларга бир амаллаб чидамоққа қатъий аҳд қилади. Негаки, «қизил сандиқ»дан кейин навбат «оқ сандиқ»қа келади-да. Ўгай она қистови билан адаштириб келинган ўгай опаси уйларига ичига аждаҳо бекинган ўша «оқ сандиқ»ни судраб қайтади-ю, у ўгай она зулмидан бутунлай халос топади.

Фақат бу яқин атрофда ўрмоннинг йўқлиги чатоқ-да!

Ана шундай оқшомлардан бирида аён бўлдики, эртага ўгай она қизи билан ташриф буюраркан, отаси Салим муаллим ҳамроҳлигида уларни машинада олиб келаркан. Шунда қизча, чиқмаган жондан — умид, дегандай Салим муаллимга илтижоли боқади. Унинг, и-и, кўй уларни, жўра, нима қиласан бошингга бало орттириб, дейишини кутади. Афсуски, сўнгги умидини пучга чиқариб, Салим муаллим бундай демайди, қайтамга, нимҳаяжонда ўтирган отасига пишанг бергандай, эртанги кун режасини муҳокама қилишда давом этади, ўзича дўстига йўл-йўриқлар берган киши бўлади. Насиб этса, эртан оқшом ошни келинни кўлидан ер эканмизда, дея тамшаниб ҳам кўяди.

Ўша тунни қизча алоқ-чалоқ тушлар оғушида ўтказди.

Тонгдан эса ўгай она ташрифини кута бошлади.

Пешинга яқин сомонхонага биқиниб, кўрқув ва ҳаяжондан қалт-қалт титраганча, эшик тирқишидан дарвозага кўз тикади. Қизчанинг назарида, дарвоза ортидагиларнинг ҳовлига ташрифи жуда чўзилиб кетгандай туюлди. Ахир машина овози тиниб, эшикларнинг қарс-курс ёпилгани ким қачон эди. Наҳотки, отаси ўгай онасиз, ёлғиз ўзи қайтган бўлса! Бу ўйдан қизча ўзида йўқ севиниб кетади. Бироқ унинг қувончи узоққа чўзилмади. Бир пайт дарвоза қорнидаги кичик эшик аввал қия, сўнг кенг очилиб, кўғирчоқ тутган, ўзидан хиёл тикроқ, оқиш юзли, хуркак нигоҳли бир қиз тортинибгина ҳовлига қадам кўйди. Унинг изидан эса шаҳарча урфда

кийинган хушрўйгина аёл пайдо бўлди. Қизча ўзи бир неча кундан бери таҳлика оғушида кутаётган ўғай она ўша эканини дарров ид-рок этди ва, ўз навбатида, оғзидан ўт пуркамаётганига ҳайрон бўлди. Аёлдан кейин катта-кичик сумка ва тугун кўтарган эркаклар кириб келишди. Отаси теваракка аланг-жаланг қараниб, қувноқ кайфият-да овоз берди.

— Ойдиной қизим, қайдасан!

Бу овоздан қизчадаги кўрқув ҳисси андак чекиниб, қалбида ийманиш, тортинишга ўхшаш ғалати бир туйғу уйғонди. У келиши-ни мутлоқа истамаган бу «меҳмонлар»га кўринишни хоҳламай, ими-жимида, астагина холасиникига жуфтак ростлаб қолмоқчи бўлди. Бироқ бу режаси амалга ошмади — дарвозада гоҳида оғир кирларини ювушга қарашиб, вақт-бевақт тансиқ таомлар билан сийлаб ту-радиган қўшни аёлга тўқнаш келди. Аёл унинг ниятини фаҳмлаб, шартта билагидан тутди-да, изига қайтарди ва ҳовли тўридаги уй эшигига етиб қолган ўғай онага рўпарў қилди.

— Танишинг, қизингиз...


Қизча ўғай онанинг кулиб турган кўзларига, хиёлгина қизил сурилган лабларига кўрқув тўла кўзларини тикаркан, ҳозир бу пуш-тиранг лаблар орасидан ўт сачрайди, деб ўйлади. Йўқ, қимирлаган лаблар орасидан ўт эмас, куйидаги майин хитоб сирғалиб чиқди.

— Вой, менинг болажоним!..

Қизча, қулоқларига ишонмай, ҳанг-манг туриб қоларкан, зумда ўзини унинг кучоғида кўрди. У ҳали ўзига бутунлай ёт бўлган бу кучоқда, одатда, холасининг ҳиссиз бағрида туядиган тер, чанг ва тугун исини эмас, димоққа хуш ёқувчи майин атир бўйини, чина-кам меҳр тафтини ҳис этди. Аммо шунга қарамай, ўзича осонликча бўй бергиси келмади, аёлнинг қайноқ оғушида гўё қоққан қозиқ-дай қотиб тураверди ва қачонки, хиёл нарида ҳануз малла сочли кўғирчоғини бағрига босганча, ҳокисорона жилмайиб турган қиз-чанинг ёқимтой чехрасига кўзи тушгачгина, ўзи кўрқиб кутган хавф-дан асар ҳам йўқлигини ичдан туйиб, беихтиёр аёлни маҳкам кучди. Она бағрини соғинган эмасми, кўзи тиниб, боши гир-гир айланиб кетди.

Қизча ўзига келгунча бўлмай, «ўғай опа»си бағридаги кўғир-чоқни унга узатди. Тўғридан-тўғри эмас, худди берган совғаси кес-кин тарзда рад этилиши мумкиндек, андак ҳайиқиб, қимтиниб, чўғдек қизариб, қизчага бутунлай ёт бўлган нозик бир ҳаракатла узатди. Сўнг оҳиста деди:

— Бу мenden совға!



— Раҳмат демайсанми, — кўшни аёл кутилмаган бу хил муомила-ю муносабатдан бутунлай гангиб қолган қизчанинг елкасига туртди-да, сўнг унга далда бериш мақсадида деди: — Хўш, сен бу асал қизга, опанга нима совға қиласан, а, Ойдиной?

Бу гапдан қизча дарров ҳушёр тортди.

Нима совға қилсам экан-а?

Шунда унинг эсига ўзи яхши кўрадиган сопол ҳайкалча тушди. Ўтган йили кузақда отаси билан бозорга тушганида, уни ёймачи бир кампирдан сотиб олганди. У ҳайкалчага турли кийимлар бичиб-тикиб, кийинтиришни яхши кўрарди.

Қизча кўғирчоқни бағрига маҳкам босганча, уйга ошиқди.

Бироқ у ҳайкалчани жойидан тополмади. Одатда, токчадаги китоблар қаторида турадиган ҳайкалча ҳеч қаерда йўқ эди. Бу орада қизчанинг ҳаяжони босилиб, бирдан бурчакдаги яшил тугунчани эслаб қолди. Ахир Холбуви холасининг, мана уй, мана жой, агар бирор гап бўлса, тўғри бағримга қайт, тўртта болам сиққан ерга сен ҳам сиғасан, деган гапига амал қилиб, кеча тундаёқ кийимлари ва бошқа лаш-лушларини йиғиб, чоққина тугун қилиб қўйганди-ку.

У тугунчани очиши билан кийимлари устида турган онасининг чоғроқ сарғиш рамкага солинган сурати пастга сирғалиб тушди. Бу нарсә отасининг таклиф ва қистови билан ийманибгина остона ҳатлаган ўғай она назаридан четда қолмади.

— Онажонингми бу? — деди у енгил эгилиб, суратни қўлига оларкан.

Қизча, кўзлари жавдираб, ҳа, дея бош ирғаркан, гўё онасининг сурати шу заҳотиёқ дераза оша ташқарига улоқтириладигандек, беихтиёр жаҳдланиб, унга қўлини чўзди.

— Суратни тугунга бекитиш керак эмас, жонқизим, — деди аллақачон не гаплигини англаб етган ўғай она кулимсираб. — Уни чиройли қилиб, деворга осиб қўйиш керак. Хўш, қаерга осамиз буни?

Бу гапни сира кутмаган қизча шошиб қолди. У сурат осиладиган жойга имо қилди-да, илдам бориб ўриндиқни олиб келди. Сўнг ўғай она кўмагида суратни кеча тунда олинган жойига авайлаб осиб қўйди.

Бир оздан кейин тугунчадаги кийимлари орасидан кийинтирилган сопол ҳайкалчани топиб, уни «опа»сига чиндилдан тортиқ қиларкан, муҳим бир синоатга — тақдир уни сийлаб, яхши одамларга рўпарў қилганини англашга ақли ва қурби етмаса-да, аммо қайноқ

меҳрни, тамкинлик ва бу ёруғ оламни қамрашга қодир инсоний бағрикенгликни ҳис этмай қолмади.

Бироқ қизчанинг бу бахтини хола идрок этолмади.

— Бўлиши мумкин эмас...

Орадан бир-бирини қувлаб кунлар ўтса-да, хола кўча-куйда шод ва бахтиёр чопқиллашиб юрган опа-сингилга неча-неча бор дуч келган эса-да, аммо унинг бу борадаги фикри барибир ўзгармади.

— Йўқ, сира бўлиши мумкин эмас...

Бу орада қизча зулмкор ўғай она ҳақидаги эртакка қарши ушбу эртакни ёзмоққа жазм қилди...

\* \* \*

Она чироқ ёниқ турганидан ажабсиниб, астагина қизлар бўлмасига мўралаганда, тун ярмидан оққан, қизча столга бош қўйганча ухлаб қолганди. У қизчани жойига ётқизиш ўйида столга яқинлашар экан, узатилган қўли қизчанинг яғринига етиб-етмай, нигоҳи қораланган дафтар саҳифасига тушди. Аввалига шунчаки кўз ташлади, сўнг, қаддини эгганча, қизиқсиниб ўқимоққа тушди: «Ойдин ва Хуршида», «эртак», «Бир бор экан, бир йўқ экан, бу дунёда Ойдин ва Хуршида деган жудаям бахтли қизлар бўлган экан...» Она эндигина бошланган ва ҳали ярим саҳифадан нарига ўтмаган эртакни ўқиркан, беихтиёр миждалари ёшланиб, бахтдан энтиқди ва шу энтиқишда қизчани авайлаб кўтариб олди.

— Энажон... — деди қизча уйқусираб.

— Болажоним! — деди она бот энтиқиб.

Бу пайтда ташқарида кўклам ёмғири шивалар, хўрозлар, гўё бири-бирига гал бергиси келмагандай, басма-бас қичқиривар, бу ёқда биз ҳам бормиз, дегандай узоқ-яқиндан итлар овози қулоққа чалинарди.



## БЎТАЛОҚ

Тоғаси Рўзивой полвоннинг кутилмаган ташрифидан сўнг Самандар шодлик не эканини унутди — боладан жонсарак йигитчага айланди.

У табиатан тийрак, бахт ва шодликка йўғрилган бола эди — тонгда тоғ бошидан аста балқийдиган куёшдан шодланар, оқшом

офтобнинг ботишидан ўзига хос сеҳр қидирар, тандирдан узилаётган иссиқ нон ҳидидан вужуди англрсиз қувончга тўлар, деворсиз кенг ҳовли саҳнида қайноқ гармселдан ҳосил бўлган чоққина уярма кетидан қувлаб, бошдан-оёқ чангга беланар, эшик олдида энаси ҳавасга эккан уч туп атиргулга кунда сув қўяр, ҳар янги очилган гулни завқланиб томоша қилар, мабодо қибла томондан тентак шамол қўзғалгудек бўлса, ҳовлининг жанубий чеккасидаги дўнгликка чиқиб, ҳализамон қанот қоқиб учиб кетадигандек, қулочини кенг ёзганча, кўксини шамолга тутар, тунлари эса юлдузлар билан сўйлашиб, сирли коинот сарҳади қаерга бориб туташи-ю ҳамда унинг бу қадар чек-чегарасизлигини ҳеч тасаввур доирасига сиғдиролмай, шу созда ширин уйқуга кетар ва навбатдаги оппоқ тонгни тагин хушнудлик билан қаршиларди. Боз устига, ҳафта бурун тевараги эгрибугри оғоч ходалар билан ўралган кўрада оппоқ бўталоқ пайдо бўлдию, унинг кундалик бир қувончи мингга айланиб, жониворнинг ёнидан нари жилолмай қолди. Аввалига қовоқлари солинган, лаблари шалпайган, қисқаси, шаклу шамойили беўхшов жониворга қизиқишдан бўлак туйғуни туймади. Қачонки унинг катта-катта кўзларида муҳрланиб қолган ададсиз мунгни илғагачгина, жониворга меҳри ортиб, уни хушнуд этиш тараддудига тушиб қолди. Бу борада қилмаган иши, қўлламаган амали қолмади — силади, сийпалади, бисотидаги бор ширин сўзлари билан эркалади, оғзига не бир емишлар тутмади. Жонивор емакдан бош тортмасди-ю, лекин кўзларига қўнган мунг арий демасди — етим қолган кўзичоқдай мунғайиб, дам-бадам зорли овозда бўзлаб-бўзлаб қўярди. У бўзлаган кезлари бола не қиларини билолмай, нажот қидириб, туганмас кундалик юмушлар уммонига шўнғиган кўйи, ҳовли юзида ғимирсилаб юрган энасига умидвор тикилади. Афсуски, аёл учун жониворнинг катакдаги чўлоқ товукчалик ёхуд ем қориладиган пачақ тоғорачалик қадри йўқ — бўталоқнинг зорланишларига жуда бепарво, ўта нари борса, унинг ўчқирни бунча овози хунук, деб қўя қолади. Отаси Ашур чавандоз эса қачонки ҳовлига бирор кимса ташриф буюрсагина унинг мавжудлигини эслаб қолади. Боиси, тоғли бу ҳудудга бутунлай ёт бўлмиш жонивор тури сақланаётган кўра ёнидан ҳалигача бирон кимса бепарқ ўтиб кетолмайди. Ўтган ҳам, қайтган ҳам бир дам тўхтаб, эрмакка уни томоша қиларкан, табиийки, чавандозни гапга тутмай қўймайди... Айниқса, дастлабки кунлари, яъни, Ашур чавандоз даштдаги кўпкарида бош соврин — туяни қўлга киритибди, деган хабардан сўнг, қишлоқда кўрани теваракламаган қишлоқ боласи қолмаган. Болаларни-ку қўяверасиз — ўша куни кўра атрофи нақ сайил-

гоҳга айланган. Болалардан фарқли ўлароқ, катталар — бари ўзларича чорванинг пири-ю ақл-заковатда тенгсиз эмасми — кўрада бўзлаб турган бўталокдан кўра, унинг фойда-зиёнига кўпроқ қизиқишган, буни сақлашдан не наф, не фойда, дея доноларча фикр юритишган. Айни шу ўй Ашур чавандознинг ҳам хаёлида эпкинланиб турган эса-да, ҳалича бирор тўхтамга келмаган, ҳозирча бор билгани шу — жонли бу соврин ғалабадан нишона бўлиб, кўрасини безаб тура турсин-чи, сўнг бир гап бўлар. Хуллас, туғилган гўшасидан айро тушган жониворнинг барча ички дарду азоблари қалқиб-силқиб турган мунг тўла кўзларга, боладан бўлак, ҳамма лоқайд — бир пулга қиммат гурунглари билан андарман ҳолда келиб-кетишаверади.

— Қордек оппоққина экан.

— Йўқ, оппоқ эмас, яхшилаб қарагин, ўнгирда туриб қолган кўкламги қорга ўхшайди.

— Ҳа, кирланган қорга ўхшайди.

— Сутдан чиққанмикан ўзи бу?

— Чиқмаган-ов.

— Овози ўзи каби жуда беўхшов экан.

— Буни ўстириб-ундириб, минги қилишмоқчимиз, нима?

— Буни, ана, эгасидан сўра.

— Буни миниб кўчага чиқса, тоза қизиқ бўлади-да ўзиям...

Минмоққа Ашур чавандознинг улови кўп — қўш отидан бўлак, машина ва кажавали мотоцикли бор. Агар шу ўринда гапни андак мухтасар қилар бўлсак, биринчи кунлари кимдир ажабтовур соврин билан уни қизгин қутлаган, яна кимдир... фақат биргина киши — қуйидаги сойнинг нариги бетидаги қуюқ теракзор соҳиби, собиқ Амин қотмагина, одатига кўра, юзинг-кўзинг деб ўтирмай, ўз эътирозини билдирган.

— Увол! — деган чавандозларга хос ўктам оҳангда. — Ашурвой, бу — увол! Сутдан чиқиб-чиқмаган ушоқ бир жониворни кўрага қамаб, одамларга намойиш этиб, ёт-бегона жойда жигар-баврини қон қиляпсанми, юрт кўрган, юган тутган сендай бир йигитга жуда уят — бу!

— Нима қил дейсиз? — кўра эшигидан сал берида, йигитлар даврасида шаънига айтилаётган мақтовлардан масрурланиб турган Ашур чавандознинг манглайи тиришиб, унга малолланиб боқади.

— Нима қилардинг, — Амин қотма, шуни ҳам билмайсанми, деган йўсинда унга чарсланиб қарайди, — буни пул топиб, ақл топмаган ўша аҳмоққа, тўй эгасига обориб бер! Танийман мен уни! Бир

чақалик обрў учун иштонини сотадиганлар хилидан у! Айт, буни уюридан, энасидан айирмасин. Тирик жонни буйтиблар азобга қўймасин! Аҳволига бир қарагин! Бунда ичикиб ўлади-ку бу!

Ашур чавандознинг зардаси қайнаб, ўлса-ўлар, сизга нима, дегиси келади. Лекин демайди, жойи келса, отасиниям аямайдиган, нимаси биландир доимо бошқалардан устунлиги сезилиб турадиган, ўрликда ҳар қандай одамнинг белини синдирадиган бу кимса билан ади-бади айтишиб, ҳали ҳеч ким баҳра топмаган. Шу боис, Ашур чавандоз, манглай қашлаб, юзага келган бу нохуш ҳолатдан тезроқ қутулиш чорасини қидираркан, орада бўталоққа шунчаки бир кўз ташлаб, сўнг дейди:

— Майли, бирор ҳафта туриб турсин-чи, сўнг... ўйлашиб кўрамиз.

— Ҳа, тезроқ ўйлаб кўр! — Амин қотма хиёлгина юмшаб, кунботишдаги тоғларга ишора қилади. — Эринма, бир тов ошсанг, даштта етасан...

Бу гап-сўзлар, ота бир ёнда қолиб, болага ўқдек таъсир қилади. Унинг юраги мисли ўтдек ёнади: «Агар отам бўталоқни эгасига обориб берар бўлса, бу киши кўрарини кўради мендан, уйда бутун ҳайкал қолдирмайман, барини битта қўймай чоғиб ташлайман!» Бола, хаёлан, кўлида болта, Амин қотманинг ҳовлисига аста пусиб кирди-да, сўнг соядай сирғалиб, қуйидаги теракзорга туташ кенг бостирма томон жилади. Тевараги симтўр билан ўралган ораста бостирмага, Амин қотма таъбири билан айтганда, «уй-музей»га кираверишда, дастлаб, кекса тутнинг йўғон бутоғидан ишланган улкан бўғма илонга дуч келади.

Ўткир болта зарбидан унинг тик кўтарилган боши қоқ иккига бўлинади. Салдан сўнг илоннинг сўл қаватидан ўрин олган, чамаси, ёнғоқ илдиридан ишланган маъюс қиёфали маймун ҳам шу тарзда бошидан жудо бўлади. Бироқ кулранг-қизғиш қоятош бўлаги — кўкка сапчиётган «Тоғ эчкиси»ни парчалаш осон кечмайди. Яхши-си, унга қотинмаган маъкул. «Тоғ эчкиси»га бақамти турган «Раққоса»нинг кўллари — заранг дарахти бутоқлари эса бир-икки енгил зарбданоқ чирт-чирт узилиб тушади. У шаклини йўқотиб, оддий кундага айланган «Раққоса»ни ҳатлаб ўтиб, беллашаётган «Алплар»га рўпарў бўлади. «Алплар» ҳамда уларнинг ўнг биқинида кўкка бўй чўзиб турган «Турна» зумда бир қучоқ ўтинга айланади. Олдинги ўнг оёғини хиёл кўтарганча, бошини нозла бир ён буриб турган «Кийик»нинг қисмати ҳам шу хилда якун топади. Эҳ-ҳи, бостирма тагида яна ўнлаб турли ҳайкал ва ҳайкалчалар бор, агар

жадалроқ ҳаракат қилинмаса, ҳализамон уй эгалари келиб қолиши мумкин.

Бостирма тагидан ўрин олган барча ҳайкалларнинг шакл-шамойили аслида табиат томонидан яратилган. Амин қотма уларга жиндек ишлов берган, холос. Унинг бу саъй-ҳаракати бошқаларга нечоғлик эриш туюлмасин, одатини сира канда қилмайди — тоғу тошлардан гаройиб шаклдаги тошу бутуқларни тергилаб келиб, те-ракзорнинг қуюқ сояси остида уларга сайқал бериб ўтиришни хуш кўради. У ҳақда неча бор газеталарга ёзишмаган, бир эмас, уч маротаба ойнаи жаҳон орқали намойиш этилган. Бироқ бу билан Амин қотманинг обрўи ошиб-тошиб қолмаган. Кишилар назарида, тайин-бетайин ишлар билан ўзини андармон қилиб юрадиган катта гўдак у. «Ахир ўзингиз бир ўйланг, соч-соқоли қировланган капкатта одамга тошу тараша қиртишлаб юриш ярашадиган ишми?», «Тагин газетга мақтаб ёзишганларига ўласанми!», «Тунов куни эса анову Ёртиқояни Алпомишнинг келбатига қиёслаб, тозаям энсамизни қотирди денг». Оқшом олди булоқ бўйидаги дўппидек дўнгликда қўним топиб, ўтганнинг ўроғига, кетганнинг кетмонига ёпишадиган қишлоқ катталари, гап йўғида, роса унинг ғийбатини қилишади. Бироқ қани энди, Амин қотма бу гап-сўзларга эътибор берса.

Бола ўз тасавурида Амин қотма «уй музей»ини яксон этган эса-да, амалда унинг бор кучи ўзи кашф этган «Қизикчи»га етади, холос. Кекса толнинг ён илдизидан ишланган бу шаклга сўнгги пардоз ишлари Амин қотма томонидан берилганлиги сабабли ҳам бола бор аламини ундан олади. Аввалига қўғирчоқни бошидан айлантириб отади. Қўра оғочларидан бирига илиниб қолган «Қизикчи», кучинг келиб-келиб менга етдими, дегандай тиржайиб тураверади. Бола зарда ила уни юлқиб оларкан, негадир бу сафар тақран ерга эмас, энишдаги гўнгтепа устига улоқтиради. Қўғирчоқ, аллақачон чап қўлидан мосуво бўлган эса-да, баттар аламини кўзитиб, кўкка боққанча, ўша-ўша масхараомуз илжайиб ётаверади. Бу орада бола бирдан инсофга келиб, зуғумни бас қилади. Қўғирчоққа зиён етказишга ортиқ қўли бормади. Ахир уни топган куни нечоғли қувонмаганди у.

Ўша куни у болалар билан Амин қотма «уй-музей»идан чиқиб, сой ичи бўйлаб келаркан, сел ювган жар бетиде чуваланиб ётган турли йўғонликдаги тол илдизларидан бирида гаройиб шаклни дафъатан илғаб қолади. Ўртача катталиқдаги ён илдиз бўртиғида ўта қувноқ бир қиёфа илжайиб турарди. Агар у шу тобда бостирма

тагида кўрган-кечирганлари таъсири остида бўлмаганидами, икки дунёда ҳам бу синоатга эътибор бермасди. Бу ҳақда тўп тегишга ошиқаётган ўртоқларига чурқ этмай, уйдан арра-теша кўтариб келади-да, илдизнинг «қувноқ қисми»ни авайлаб кесиб олади. Қўлидан келганча унга ишлов бериб, сўнг Амин қотмага кўрсатгани олиб борди. Амин қотма, уйдагилардан фарқли ўлароқ, аввалига болани мақтайди, сўнгра илдиз бўлагини наридан-бери пардозлаб, қўл-оёқ ўрнатади-да, оддий илдиздан қувноқ кўғирчоққа айланган шаклни «Қизиқчи» деб номлайди. Бола, ҳамма кўрсин ва қувонсин, дея уни мўланинг уйга қараган қисмига осиб қўяди. Бироқ қувноқ ўйинчоққа қия боқувчи бўлмади.

Бола қўлсиз қолган кўғирчоқни яна аввалги жойига авайлаб осиб қўяркан, қизиққонлиги учун ҳатто ундан кечирим сўраган киши бўлади. Сўнг, беихтиёр қуйидаги куюқ теракзорга ҳадикла кўз ташлаб қўяди. Ва, одатдагидек, шуни орзулайди — қани энди, Амин қотма деганлари ҳеч қачон теракзор бағридан қайтиб чиқмас-ю, бўталоқ хусусида ортиқ отасига тирғалмас! Бола пақир юқорига ўрлаган тор сўқмоқда Амин қотма пайдо бўлиши билан, ишқилиб, биз томонга қайрилмасин-да, дея ташвиш тортаверишдан жуда чарчаган эди.

У бу сафар яёв эмас, отда юқорилаётган Амин қотмани зимдан кузатаркан, ораста кийинганига қараганда, унинг олисга меҳмонга кетаётганини дарров фаҳмлаб, бундан ўзида йўқ севинди. Бироқ шу он кўра тарафдан келган дўрилдоқ овоз бола қалбида чечак отган қувончни ер билан яксон этди.

— Буни кўп бўкиртирмай қозонга босиш керак, почча.

У кескин ортига ўтирилиб, кўра эшиги қаршисида савлат тўкиб турган тоғаси — Рўзивой полвонни кўрди.

— Қўшилмада бешбармоқни қийиб ташлайдиган жўраларим бор, — деди тоға бўталоқдан нигоҳ узмай. — Бир оғиз айтсам, йўқ, дейишмайди, қайтамга, жон, дейишади. Ўзиям зўр маишат бўлади-да.

Рўзивой полвон бегона эмас, ўзиники. Бунинг устига, шу кунларда Ашур чавандознинг иши тушиб турибди унга. Зора бўзлашлари жонга теккан манову беўхшов махлуқ туфайли иши битиб кетса. Шунинг учун дадил деди:

— Ҳай, кунини айтинг.

— Янаги шанбага нима дейсиз?

— Маъкул-да.

Бу гапдан бола тош қотди. Туман марказида турувчи ва ондасонда қишлоқда бир кўриниш бериб, ҳар сафар ёлғиз ўзи яримта

қўйни паққос тушириб кетувчи бу одамга фақат Амин қотмагина бас келиши мумкинлигини ўйлади. Бу ҳолга бир неча бор гувоҳ бўлган ва тоғасининг ёзғириб: «Кайфиятни тоза дабдала қилди-ку бу, а! Бундан сўнг, агар бизни десангиз, почча, шу одамни даврага яқин йўлатманг», — деганларини ўз қулоғи билан эшитган.

У бу ўйдан жиндек таскин топиб, ўша куни алам устида қўлига болта тутмаганидан бир суюнса, аслида, амалда бу ишга ҳеч қачон қўли бормаслигини, дафъатан, юракдан ҳис этиб, икки бора суюнади. Ва шу кайфиятда сўқмоқ томонга ўгирилиб, уни бўм-бўш ҳолда кўради — Амин қотма аллақачон кўздан ғойиб бўлганди. Шу ондан эътиборан бола бу олам қувончини буткул унутади. Энди тонг сеҳрини сезмаганидек, оқшом шафағида қонли халқобдан ўзгасини илғамайди. Боз устига, қонталаш уфқ яна бир куннинг адоқланганию, машғум кун — шанба янада яқин қолганидан дарак бериб, баттар юрагини ўртади. У бир нарсани — суюкли оппоқ бўталоғини, худди товукдек, қозонга босиш мумкинлигини ҳеч идрок этолмасди. Бироқ бу борада унинг дардини ким ҳам тингларди дейсиз. Аксига олиб, мана икки кундир-ки, ҳануз Амин қотмадан дарак йўқ. Қани энди, тезроқ келиб, шунча қўй-эчкинг турганда, кунинг битта бўталоққа қолдими, дея отасини ғазабга олса!

Бугун эрталаб, ҳар дамгидек, бўталоқни емак билан сийлаб, уни силаб-сийпалаб, сўнг ночор бир кайфиятда кўрани тарк этаркан, бу гал ҳовлида чўғдек ёниб турган қирмизи атиргулларга қайрилиб ҳам қарамади — гўё дунёнинг бор қайғуси ёлғиз унинг бошига тушганидек, мотамсаро бир қиёфада ҳовли бўйидаги дўнгликка аста чўқаркан, беихтиёр ҳасрат тўла оҳангда пичирлади:

— Эртага... шанба!

У намланган мижжаларини кафти орти билан сурта-сурта, қуёш нуридан сирли ва фусункор тус олган кунботишдаги тоғларга, феълига хос бўлмаган, лоқайдлик билан назар ташлади. Кейин тоққа туташ қир бетига ёйилган сурувларга, илонизи сўқмоқда эшагини қичаб кетаётган нотаниш йўловчига, тошйўлда имиллаб, чайқалиб бораётган шалоқ юк машинасига ўша сўник, руҳсиз бир алфозда бир-бир разм соларкан, яноқларини юваётган қайноқ кўзёшларини бот суртиш ўйида кафтини юзига олиб борган ерида, туйқусдан миясига келган ўйдан сергак тортиб, кўтарилган қўли ҳавода муаллақ туриб қолди. У шу созда тоғ бурмаларига, ўнгирлар ҳамда яланғоч чўққиларга бирин-сирин разм соларкан, бир муддатдан кейин, худди дунё топган тентакдек, ўчиб ўрнидан турди-да, қалбини жўнбишга келтирган қувончини ким биландир бўлишгиси келган-

дай, ҳовли саҳнига ёниқ нигоҳ ила кўз югуртирди. Отаси тонгдаёқ отланиб, қаергадир кетган. Энаси эса холасиникига жўнаш тараддудиди. Ана, укаси ва синглиси, меҳмонга борамиз, дея боядан бери ирғишлаб юришибди. Шу пайт эшикдан чоғроқ тугун кўтариб чиққан энаси, сен ҳам юр, деган маънода унга юзланди. Бола, йўқ, ишорасини қилди. Она, унда қўрани супуриб қўй, деди. Бола, хўп, деди.

У ҳовлида ёлғиз қолгач, вақтни ганимат билиб, дарров кўра томон зинғиллади. Бўталоқнинг бўйнига арқон ташлаб, ташқарига етаклади. Бахтига жонивор тайсалламади, итоаткорлик билан эргашди.

Бола тоғ орти кенглигини умрида кўрмаган, Амин қотманинг гапига кўра, тасаввур этганди уни. Бироқ тоғ ортида у кутган чексиз даштдан асар ҳам йўқ — ўрталикда яна бир кичикроқ тоғ тизмаси чўзилиб ётарди. У хийла толиққан, ташналиқдан азоб тортаётган эса-да, изига қайтишни хаёлига келтирмади. Куриб-қовжираган лабларини тили билан ялаганча дадил илгарилашда давом этди.

Бола ҳали-ҳануз ўша умидбахш тасаввур остида олға интиларди — кутилмаганда қаршисида пайдо бўлган ушбу тоғдан ошиб ўтиши билан кенг даштда ўтлаб юрган туялар галасига рўпарў бўлади. Улар орасида бўталоқдек оппоқ она туяни дарров илғайди. Ана, юрибди бечора, атрофга мунгли-мунгли боқиб. У бўталоқни арқондан бўшата туриб, шодон ва тантанавор оҳангда дейди: «Бор, энангга!» Она-бола жониворларнинг бир-бирига талпинишларини кўриб, бу тортган азобларини зумда унутади.

Бироқ навбатдаги тоғ тепасига кўтарилган бола ҳайратдан донг қотди — қаршисида юз очган бийдек даштда на туялар галаси, на мўнгли оқ туя бор эди. Олис уфқда кичик бир овулгина элас кўзга ташланиб турарди. У аламдан йиғлаб юборди. Сўнг бўталоқни совринга қўйган тўй эгасини ўша қишлоқда гумон қилиб, бор умидини ўша овулга тикканча, жониворни етаклаб, энсиз сўқмоқдан қуйига эна бошлади.

Тоғдаги чўпон-чўлиқлардан, оппоқ бўталоқ етаклаган қандайдир бола, хусусидаги гап-сўзларни эшитган ва шунга кўра даштга от қўйган суворийлар уларни қувиб етишганда, қуёш эндигина уфққа бош қўйган, бўталоқ тизгинини маҳкам тутган бола эса шувоқзор дўнгликлардан бирида ҳолсиз чўзилиб ётарди.

Суворийлар худди ёвни қуршагандай, дарров уларни ўраб олишди. Ашур чавандоз, ўғлини соғ-омон кўриб, ҳар қанча ўзида йўқ шодланмасин, базўр қаддини ростлаган болага ўшқиришдан ўзини ти-

ёлмади: «Бу не ҳол, не қилиқ?!» Бироқ ўзга бир ўктам овоз шу заҳотиёқ унинг оғзига урди: «Эр йигитга бақирма, ув-в! Бунга бақирши эмас, алқаш керак, босган изларини ўпиш керак! Хай-й, бўталоқни менга бер! Обориб энасига кўшайин, тўй эгасини бошлаб тузлаб қайтайин!»

Бу — Амин қотма эди.

Суворийлар ортиқча шовқинсиз дарров иккига бўлинди — бир гуруҳ йигитлар бўталоқни етаклаганча, қонталаш уфқ сари йўналган Амин қотма изидан кетишди, қолганлар эса «эр йигит»ни отга мингаштириб, изларига қайтишди. Олам қувончини қайтадан туя бошлаган бола, илк бора уйдан бу қадар узоққа кетиши эмасми, йўлига илҳақ термулиб ўтирган энасининг ғамгин ҳолатини беихтиёр кўз олдига келтираркан, уни қаттиқ соғинаётганини ҳис этди. Ва ўз навбатида, бугун ҳовлидаги қирмизи атиргулларга сув қуймагани ёдига тушиб, ўзини гуноҳкор сезганча, чуқур хўрсиниб қўйди.



## ЛОЙХАНДАҚДАГИ БЕШ ҚИТЪА

Агар ўшанда Қосим муаллим уларни қир яғринига бошлаб чиқиб, ўзича «очиқ дарс» ўтмаганида ва бу нарса болаликнинг энг нурли, энг тотли онлари сифатида йигитнинг хотирасида бир умрга михланиб қолмаганида эди, Шойдул деганлари ҳозир мактаб ҳовлиси адоғидаги доирасимон кенг лойхонада лой кечиб юрмаган ва ўзининг бу хатти-ҳаракати билан пастак қоровулхонада тушки уйқуни дўндириб, энди бу ёғига не эрмак топорини билолмай, туси ўчган энсиз эшик ёнида ҳардамхаёл қашланиб турган Ҳамидни безовта қилмаган бўларди. Ўзи айтмишли, ушбу даргоҳда бошига оппоқ қировни қўндириб, ими-жимиди муаллимлик билан хайр-хўшлашиб, мактаб қоровуллигига ўтиб олган бу одам дастлаб андак малолланди, сўнг эса туйқусдан ҳушёр тортиб, худди кутилмаганда ўлжага дуч келган мушукдай кўзлари чақнаб кетди.

Ким у — мактаб худудида эмин-эркин кетмон кўтариб юрган?!

Аксарият қоровуллар каби овозига зўр бермади, нега деганда ҳали бу касбнинг тўла ҳадисини олмаган — истиҳола қилди. Кейин йўқ ердан эрмак топилганидан қувонгандай, муаллимликдан мерос қолган нимвиқор табассумни юзига қўндирганча, қўллари ортда,

бир-бир босиб, ўша томон юрди. Аммо йўл-йўлакай барибир қоролчасига тўнғиллади: «Бир оғиз сўраш йўқ-негиш йўқ, нимаси бу, э!» Шу йил баҳорда кўтарилган девор бошидаги кемтикларга кўз ташларкан, девор ортидаги тор кўча аҳлини кўз олдига келтириб, қизиқиши баттар кучайди: «Ким экан бу — лойхандақда лой чўқи-лаб юрган лойхўрак? Ё директор деворга уста солдимикан? Агар шундай бўлса, нега бундан менинг хабарим йўқ?» У шу хаёллар оғушида манзилга етаркан, берилиб ишлаётган Шойдулни танигач, ҳайрати баттар ошди.

— Эя, кемтикларни бутлаш энди ўқитувчиларга қолдими, Шойдулвой?

— Қанақа кемтик, устоз, — йигитнинг чеҳрасида шогирднинг устозга нисбатан эҳтироми акс этиб, кўришмоққа кўлини чўзаркан, қувноқ оҳангда гапда давом этди: — Мен... қитъа ва уммонлар рамзини яратаяпман. Қаранг, лойхандақдаги сув — уммонлар, қолдиқ лой уюмлари эса — қитъалар... Еврооооооо ва Африка жойида, Шимоллий Америка ҳам ўз ўрнида, фақат Жанубий Американинг ярми билан Австралия йўқ. Ҳозир шуларни тикласам, кўрибсизки, ажойиб дунё харитаси тайёр-да, устоз.

Ҳамиднинг таажжуби ортгандан ортиб, бир лойқа сув юзасида дўмпайиб турган қолдиқ лой уюмларига, бир тўпигигача сувга ботган йигитга боқаркан, кўлидаги кетмоннинг ихчамлиги ва бежиримлигига ҳаваси келди, аммо бўғзидан бутунлай бўлак сўз сирғалиб чиқди.

— Кутбларни нима қиласан?

— Уларни тиклаш қийин эмас.

— Кейин-чи?

— Нима кейин?

— Мактабда глобус уруғи қуриб битгандай, нима, дарсни шу лойхандақ бўйида ўтмоқчимисан сўгин?

— Балким...

— Бундай қила кўрма, кулгуга қоласан...

— Нима қилай, кўнглим шуни истаяпти-да, устоз.

— Айтганча, директордан рухсат олганмисан? — дафъатан қоролулиги эсига тушиб, Ҳамидни хиёлгина замзама қилгиси келди. — Ўзинг биласан, бунақа иш учун мактаб маъмуриятининг рухсати керак.

— Бугун якшанба... — Шойдулнинг энсаси қотди. — Эртан оларман ўша зормандани.

— Хафа бўлдингми?

— Йўғи-ий, устоздан ҳам хафа бўладими киши...

— И-и, устозлигимиз қоптими, — Ҳамид ўзича кўксини тўлдириб хўрсинган бўлди. — Мана, бир юмалаб қоровулга айланиб ўтирибмиз...

Шойдул унинг лоқайдлик тўнғиб қолган афтига таассуфла боқаркан, ўқувчилик даврини эслаб, табиатан муаллимликдан йироқ одам эдингиз, дарсдан кўра, давомат — болаларнинг тўлиқ келибкетиши кўпроқ қизиқтирарди сизни, Қосим домла айтгандай, ёниб яшамоққа қурбингиз етмай, хул ўтиндай писиллаб, мана, бир умр-нияма ўтказдингиз, дегиси келади. Бироқ андиша қилади, сиз биз учун умрбоқий устозсиз, дейди қайта ишга тутиниб. Бу гапдан Ҳамид ўзида йўқ масрурланади, сен энг зукко ўқувчиларимдан бири эдинг, келажакда сендан зўр одам чиқишига ишонардим, дейди. Ҳолбуки, Шойдулни, «серсавол», дея жини севмасди, умуман олганда, у касби, касби қатори ўқувчи зотини ҳам ёқтирмасди — яшаш лозимлиги учунгина муаллимлик папкасини маҳкам қўлтиқлаб юришга мажбур бир одам эди. У нафақа ёшини интиқ кутиб-яшади, нафақага чиқишим билан қайтиб мактабга қадам босмайман, юзига қайрилиб қарамайман, дея ичдан орзуларди. Йўқ, бу борада адашган экан — нафақага чиқиши билан ўртанчи ўғлини қоровулликка расмийлаштириб, ўрнида ўзи ишлай бошлади. Бу ҳаракатини, болаларга ўрганиб қолганман, уларнинг шовқунисиз яшай олмайман, дея хаспўшлади.

Бир оздан сўнг йигитнинг, унинг назарида, бу аҳмоқона иши, аниқроғи, ушбу ишга нисбатан беқиёс иштиёқи секин-аста гашига тега бошлади. Бирор жўяли баҳона топиб, Шойдулнинг ҳаракатига монелик қилмоқ истай бошлади. Қани энди, йигит лойхона лойини ташқарига ташмаласа-ю, йўлига кўндаланг бўлса, лой — мактабнинг мулки, жойига қўй, деса. У тирғалишга сабаб тополмагач, унинг ишидан камчилик қидиришга тушди.

— Бу... Шарқий Американг унча ўхшамабди.

— Ўхшатамиз, — деди хандақ тубидан лой сидириб Жанубий Американинг кемтик қисмини тўғрилайётган Шойдул. — Олдин кераклича лой тўплаб, нухасини тиклаб олай, пардоз-андозини кейин қиламиз.

— Африкани анча ўхшатибсан-у, лекин...

— Африка ҳам, Евроосиё ҳам айнан ўзи... — Шойдул лойхандақ четида турган харитага бирров кўз ташлаб қўяркан, бирдан қилаётган ишидан завқи тошиб деди: — Уммону қитъалар шундоққина оёғинг остида ястаниб ётса, бундан зўри йўқ-да, устоз. Бу нарса

ўқувчилар хотирасида, худди тошга битилгандай, абадий муҳрланиб қолади.

— Раҳматли Қосим домлага ўхшаб кетаяпсан...

— У кишининг таълимини олганмизда, устоз...

— Доим йўқ ердаги ишларни қип, мактаб маъмурияти билан қирпичоқ бўп юрди.

— Дарсниям зўр ўтарди...

— Мактаб қолиб, ўру қирларда дегин... — Ҳамид ҳиринглаб, кунчиқишда юксалган қирга маънодор қараб қўйди. — Эси бор одам ҳеч замонда ҳам ўру қирда дарс ўтадимми...

Шойдул кетмонга суяниб, қир сари ғамнок боқаркан, беихтиёр ўша биринчи дарсни эслади. Ушбу сабоқ нафақат тафаккурига, балки тақдирига ҳам жиддий таъсир этгани, яъни бу йил олий ўқув юртини тугаллаб келиб, ўз мактабида устози ишини давом эттираётганини ўйлади.

Ўшанда у қирга ўйинқароқ бола сифатида кўтарилиб, куйига ўйчан бола қиёфасида энганди. Бошда қирда ўтилиши кўзда тутилган бу дарсни бир ўйин деб билди. Саф бошида сўзланиб бораётган муаллимни ортда қолдириб, бир-икки олға интилди. Бироқ Қосим муаллим болаларнинг шаталоқ отмоғига изн бермади. Бу дарсни ҳам худди синфдагидек жиддий ўтди, теварақдаги қир-адирлардан кўргазма сифатида фойдаланди. Сўнг бир томони юмронқозиқ инлари билан безалган чоғроқ дўнгликка жойлашиб ўтириб олди-да, бўлиқ майсалардан бирини юлқиб, уни ҳидлаган бўлди. Кейин ошиқмай, бир маромда сўзламоқда давом этди. Бироқ қани энди бу гаплар Шойдулнинг қулоғига кирса. У, одоб сақлаб, муаллимнинг оғзига тикилиб ўтирса-да, шу тобда ягона орзуси шу эди — қани энди, қирнинг энг баланд чўққисига югургилаб чиқса-ю, у ердан туриб сервиқор тоғларни томоша қилса, майсалар оралаб юрган анову тошбақалардан бирини қўлига олиб, қизларни чирқиратиб қувласа, ёнбағирликдаги кўм-кўк майсалар устида сирпаниб ўйнаса...

У шу орзу ўйлар оғушида бетоқат ўтираркан, тўсатдан қулоғига ғалати гап-сўзлар чалина бошлади — ё дориф, кунчиқишда юксалиб турган анову чўнг тоғлар, улар тўшига бош қўйган манову бошкети йўқ қирлар бор-йўғи ернинг гижимланган юза қисми экан. Замин қаърида мавжуд куч олдида тоғ деганлари хасдек бир гап — мабода у ҳаракатга келар бўлса, чўнг тоғлар ўрнида уммонлар, уммонлар ўрнида эса тоғлар пайдо бўлиши тайин экан.

Бола Шойдул ваҳимага тушади — тоғ ва уммонларни кунпаякун қиладиган ўша даҳшатли куч нима экан? Ахир ер деганлари ўта

тинч, ўта сокин-ку, мана, устида ҳар қанча ирғишласанг-да қил этмай турибди-ку... Эя, гапнинг зўри ҳали бу ёқда экан-ку — ушбу гижимлар, яъни тоғу тошлар бўлмаса, ердаги ҳаётнинг мавжудлиги душвор — замин теварагини чир айланиб эсадиган қандайдир бетизгин шамол ер юзидаги тирикликни йўқлик чоҳига супуриб ташларкан. Яхшиям тоғлар бор экан. Тоғу тошлар уни жиловлаб, уммонлар эса, ув, ўпкангни бос, деб тураркан.

Бола қишлоғи бийдек кенгликда эмас, қир пинжидан ўрин олганидан илк бора ўзида йўқ севиниб қўяди. Тоғларга эса чексиз эҳтиром ила боқади.

У хотиржам тортиб, «эртақ»нинг давомига кулоқ тутати. Энди гап замин қаъридаги улкан оташ ҳақида борарди. Бола пақир, худди уйларидаги қора темир печкада олов лангиллаб ёнгандай, ер қаъри марказида ўт гуриллаб туришини ҳеч тасаввурига сиғдиrolмади. Аммо сўнг ўша оташсиз ер, мисли қоятошдай, ўлик сайёрага айланишини эшитиб, ҳайратдан бола шўрликнинг эси оғай деди.

Улар даврасига нарида қўйларини боқиб юрган Зафар миқти деган амаки келиб қўшилганди. У Қосим муаллимнинг сўл ёнида ёнбошлаб ётарди. Боланинг кўзи унинг юзидаги истеҳзоли табас-сумга тушиб, негадир енгил тортди — ана, Зафар амаки ҳеч нарсадан қўрқмаяпти-ку! Бу орада Зафар миқти тизза суякларини шиқирлатиб, аста ўрнидан кўзғолди. Қосим муаллимга бошдан-оёқ бир қур кўз ташлаб чиқди-да, кета-кета деди:

— Ўтирик<sup>1</sup>.

— Ҳа, у тирик, — деди Қосим муаллим.

— Нима тирик? — Зафар миқти юришдан тўхтаб, унга елкаси оша қаради.

— Ер... замин тирик!

— Лекин матал тўқишга жуда уста экансиз, домла, — деди Зафар миқти кесатиб. — Ер дегани тошу тупроқдан иборат бўлса, қанақасига тирик бўлиши мумкин у? Бу камдек, гўё ичига тушиб чиққандай, ичи тўла олов дейсиз. Энди ёлғон ҳам эви билан-да, домла. Тилим бор деб ҳар нарсани сўйлайверадиими одам.

Қосим муаллим баҳслашиб ўтирмади, хай, борақолинг, кўп вай-самай, дегандай бир қараб қўя қолди. Бундан Зафар миқтининг жони чиқиб, диконлаганча қўйлари томон кетди. Ўша куни сабоқда боланинг яна билгани шу бўлди-ки, олис замонда бу ҳудудда на тоғ, қирлар бўлган — кенгликда уммон мавжланиб турган. Сўнг

<sup>1</sup> Ўтирик — ёлғон.

ернинг ички кучи ҳаракатга келиб, уммон тубидан тоғлар ўсиб чиқа бошлаган ва сувлик кунботиш томонга чекинган — шу-шу бадар кетган. Бола кунботиш томон боқади, кўз илғамас текисликда улкан сувлик мавжланиб ётганини ҳеч ақлига сиғдиrolмайди. Шунга қарамай, қуйидаги қишлоқ болаларига раҳми келади, мабода яна денгиз пайдо бўлар бўлса, улар қаёққа қочади? У ўзи ўтирган қирнинг баландлигидан севинади кафти билан ерни силаб-сийпалаб қўяди.

У ўтган ҳафта болаларни қирга олиб чиқишни хаёл қиларкан, унинг бағрида ўйнаётган чангни кўриб фикридан қайтди. Боз устига, қирнинг ўша қисмида кимнингдир суруви уялаб ётарди. Ҳа, кўкламнинг йўриғи бўлак, дея тагин ўша дарсни ўйлади. Сўнг, ҳарна яқин, дея кемтик ошиб, мактаб ҳовлисига тушди. Бу қилиғимни биров кўрмадимикан, деган ҳадикда қаршисидан чиққан лойхандақни айланиб ўтаркан, бир синоатни пайқамай қолмади. Тўғри, аввалига эътибор бермади, кейин эса ундан нари кетолмай қолди. Аввалига у чиройли уйилган лойхонани кўрди, гирди силлиқ ва бир текис чопилган тўғарак хандақнинг шакл-шамойили бу ерда ғоятда уста лойкаш ишлаганидан дарак берарди. Миясига келган дастлабки савол шу бўлди, устаси ким бўлди экан бунини? Сўнг сув юзасига чиқиб турган лой қолдиқларига эътибор қаратди, қишлоқ боласи эмасми, кетмон билан нари-бери чалпиб, икки қоп сомон ташласа, девор юзини сувашга зўр лой бўлади-да ўзиям, деб ўйлади.

Бир муддатдан кейин қаршисида шунчаки лойхандақ эмас, дунё харитасининг чала нусхаси ястаниб ётганини фаҳмлаб қолди. Тасаввурига эрк бергани сайин, лойхандақ саҳнидаги қитъаларни аниқтаниқ кўра бошлади. Ана, лойхандақнинг юқори қисмида Евроосиё ястаниб ётибди, қуйи қисмидаги лой тўпи эса, худди қуйиб қўйгандай, Африка қитъасининг нақ ўзи. Агар Шимолий Американинг чала қисми бутланиб, Австралия қитъаси тикланса борми, дунё харитаси тайёр-да. У ўқувчиларига зўр совға қилмоқчи бўлди ва атай бугунни кутди.

У яратган дунё харитаси бир ҳафта мактабда шов-шув бўлди. Икки бор лойхандақ бўйида — дунё харитаси ёнида мароқланиб дарс ўтишга улгурди. Аммо олтинчи кун эшик қўққисдан очилиб, остонада ўқувчилардан бири пайдо бўлди.

— Муаллим! — деди у ҳовлиқиб. — Нурули уста ҳалиги... нима эди... лойхандақни яксон қилаяпти!

Шойдул лойхона бўйига учиб борди. Бу пайтда Нурули уста қўлидаги кетмон билан Американи яксон этиб, энди Африкага ўтган

экан. Шойдул ўзини тутиб туrolмади, лойхандақга сакраб тушиб, устанинг гарданига бошлаб бир мушт туширди. Уста Гинч океан устига ағдарилиб тушаркан, типирчилаб барча уммонларни чайқатиб, ўзга қитъаларни ҳам бузиб юборди. Шойдулнинг назарида у бутун оламни остун-устун қилган, нарида эса девор кемтикларини бутлашга директорни кўндирган Ҳамид қоровул илжайиб турарди.



## ЧОЛ ВА ИЛОНЛАР

Собиқ муаллим — Раҳмон чол ғайритабиий бу қўшничиликка бошида сира кўника олмаганидек, эрта бир кун келиб уларга қаттиқ боғланиб қолишини ва ҳатто юрагида соғинчга ўхшаш ажабтовур туйғуларни туя бошлаши мумкинлигини ўшанда хаёлининг етти кўчасига ҳам келтирмаганди.

Хуллас, дастлабки кезлари турқи совуқдан-совуқ бу жонзолардан қанчалик ҳайиққан бўлса, эндиликда чоғроқ ҳовли кунжагидан ўрин олган эски омбортом биносига бақамти тушган пастак ҳаммомнинг атай қия очиб қўйилган эшигидан уларнинг, ҳар галгидек, бирин-сирин ўрмалаб чиқишини шунчалик илҳақ бўлиб кутмоқда эди.

Ё аллақачон чиқиб бўлишдимикан?

Энсиз йўлак бўйлаб нари-бери бориб келаётган Раҳмон чол шу хаёлда ҳаммом қаршисидаги чоғроқ гулзор бўйида тўхтади ва хиёл энгашганча, одатда, илонлар кулча бўлиб ётадиган гултожихўроз пуштасига бот назар ташлади.

Йўқ, улар кўринмайди.

Ана, тонгда гулзор четига сепиб қўйилган ярим кафтча ун ҳам шу созда турибди, мунгли оқариб.

Чолнинг кўнгли беихтиёр гашланди, ё кетиб қолишдимикан? Йўқ, бўлиши мумкин эмас, ахир уларни безовта қиладиган бирон-бир ножўя ҳаракатга йўл қўймаган, ўзи айтмишли, қўлидан келганча доимо иззатини қилиб келган. Қизиқ, ё агар ун сепиб турсанг, смак ҳурмати ўзлари кетишади деганлари ростмикан?

Ё келини...

Йўқ, бу борада келинини айблаш ноўрин, негаки, ҳаммомда илонлар борлигини эшитган заҳотиёқ, у икки боласини олдида солганча, жуфтакни ростлаган, яъни одамгарчилик юзасидан, янада

аниқроғи, ўлганни кунидангина қайнотасининг ҳолидан бирровга хабар олгани келган жувонга зўр баҳона бўлган — бу. Яқинда кўзи ёриган кенжа қизининг иссиқ-совуғига қараб турган кампирининг ошиғич қўнғироқ қилишига қараганда, бу хабардан шаҳардаги барча хешлари аллақачон воқиф бўлганга ўхшайди. Акс ҳолда кампир, анову отинг ўчкирларни тезда йўқотмас экансиз, ҳовлингизга қадам босмайман, ўтираверинг ёлғиз ўзингиз бойўғлидай сўппайиб, дея замзама қилмасди.

Аслида шусиз ҳам чол ҳовлида ёлғиз эди.

Аммо бахтиёр эди.

Ахир қачон бўлмасин бир парча ерга эга бўлиш орзусида бутун умрини кўпқаватли уйда яшаб ўтказган бу одам шу ёз бошида ниҳоят ниятига етган ва мана, бир ойдан зиёдки, кампирини тўзгиган ҳовлига эмас, шинам ва саришта гўшага кўчириб келиш ўйида ҳовлининг майда-чуйда кам-кўстларини бутлаш билан овора эди. У ўтган вақт ичида уйнинг собиқ эгасидан қолган гулзорни дид билан парваришлади, қўлидан келганича экин-тикинларга қаради, ҳовли юзини тартибга келтириб, эски ҳаммомни дидига мослаб қайта таъмирдан чиқарди ва шу юмушлар орасида ҳеч кутилмаганда ғаройиб қўшниларга рўпарў бўлди. Бу қўшничилик, сен менга тегма-мен сенга тегмайман қабалида бўлгани сабаб, чол уларга даҳл қилмасликка уринади. Буни қарангки, жониворлар ҳам шу таомилга амал қилишади — зарур пайтлардагина ташқарига судралиб чиқиб, қолган вақт кўпда кўзга ташланишмайди. Аммо гулзор четига сепиб қўйиладиган унни канда қилмай ялаб кетишади.

Чол гоҳ гултожихўроз пуштасига, гоҳ қия очиқ эшикка ғамнак боқаркан, соғинчга ўхшаш ғалати бир туйғу бот юрагини чимчилаб ўтганини сезди. Агар айни шу тобда илонларни бирров кўрмаса, кўнгли хотиржам тортмайдигандек, чуқур хўрсинди — кимсасиз даштга тушиб қолгандек, илк бора ўзини ёлғиз ҳис эта бошлади. Зеро, шу дамгача бу мўъжаз маконда ўзидан бўлак яна бир жуфт хатарли жонивор мавжудлигидан доимо хушёр тортиб юргани боис, танҳолиги унча сезилмасди. Чунончи, айнан илонлар сабаб чолнинг тева-рак-атрофга нисбатан эътибори ортиб, у дов-дарахтлардаги турли қушларни, олма танасидаги чумолилар карвонини, чоққина экинзору гулзорда учиб-қўниб юрадиган капалакларни, омборхона сахнида онда-сонда кўзга ташланиб қоладиган жимитдек югурик сичқонларни, томдаги мушукларни, йўлак ва эгатларда тинмай уймалашадиган серҳадик чумчуқларни ва шунингдек, гулзорнинг экинга

туташ қисмидаги майин тупроқли кафтдек майдончада илонларнинг ора-сира қуёшга тобланиб ётишларини илғайдиган бўлди. Бурун у ён-атрофга бутунлай бефарқ эди, яъни бутун диққати юмушда бўлиб, серчаккак кампирини тезроқ ҳовлига кўчириб келишдан ўзгасини ўйламасди. Ана шундай серташвиш кунлардан бирида тўйқусдан илонларга дуч келди-ю, чолнинг кўзи ярқ этиб очилди — ҳовли дегани шаҳардаги шинам квартира эмаслиги, унинг таъбири билан айтганда, бу «бир парча тупроқ» ўзидан бўлак ўзга жонзотларга ҳам тегишли эканлигини фавқулудда англаб етди.

Бу ҳолат чолга жуда хуш ёқди.

Ахир бир умр шуни орзулаган эмасмиди? Табиий, у шуни орзулаган эса-да, аммо илонлар билан қўшничилик қиламан деб сира ўйламаганди.

Ўша даҳшатли сонияни эсласа, ҳали-ҳануз чолни совуқ тер босади. Шу кезгача, яъни жиддий огоҳлантирувчи «ссс-с-с-с» деган сасни эшитмагунча, бу дунёда «хавф» деган бало борлигини хаёлига ҳам келтирмаганди: дастлаб у қўрқувдан тарракдек қотганча, ўзидан атига икки қарич нарида бошини хиёл кўтариб турган илонга бақадай тикилиб қолди, унинг бошидан думи учига қадар чўзилган жигарранг тасма ҳамда тасманинг икки ёнидаги жимжимадор катта-кичик нақшинкор безаклар ушбу лаҳзанинг мингдан бир улушида чолнинг шуурига умрбод михланиб қолди. У ҳатто хиёл нарироқда ўзига ҳадикла тикилиб турган иккинчи жониворнинг яғринидаги узун тасма жигарранг эмас, балки қорамтир тусда эканини ҳам илғашга улгурди. Қўрқувдан онги қарахтлашган, жўяли бирор чора ўйлаб топгунча бўлмай, илонларнинг ўзи кетди, гулзор оралаб кўздан ғойиб бўлди. Кутилмаганда юз берган бу учрашувдан сўнг чолнинг бир тўхтамга келгани шу бўлди: «Ҳа-а, газандалар чумчуқ эмас, қўл сирмасанг пир учиб кетадиган. Улар билан ўйнашиб эмас, ўйлашиброқ муомила қилмоқ лозим!» Шу-шу у ҳар тонг биринчи бўлиб илонлар емагидан хабар олади — гулзор четига ярим кафтча ун сепгандан кейингина, кўнгли жойига тушиб, бошқа юмушларига уннайди.

Бугун у эрта пешинданоқ ҳаммомга ўт ёққан. Сув қизигач, ўзи ҳавасга ўрнатган ялтироқ ваннага қайноқ сувни очиб қўйиб, илонларнинг ташқарига чиқишини кутиб, ҳовлида кезиниб юрарди. Бироқ орадан хийла вақт ўтган эса-да, негадир улардан дарак йўқ эди. Ҳолбуки, жониворлар ванна сирти қизий бошлаши билан дарров ҳаракатга тушиб, атайдан қия очиқ қолдирилган эшикдан бирин-кетин ўрмалаб чиқиб келишарди. Сўнг уй эгаси ювиниб бўлма-

гунча гултожихўроз пуштасида кулча бўлиб ётишади. Чол ҳаммомдан хузурланиб, қизариб-бўртиниб чиқаркан, ҳар сафар ўта қувноқ кайфиятда уларга қарата дейди:

— Қани энди, жойларингга би-ир жўнаб қолингларчи!

Бироқ жониворлар жилишга ошиқмайди, қачонки ҳаммом ичкараси хийла совугандан кейингина бир томони очиқ ҳолда, қолган қисмига гир айлантриб гишт терилган ванна тагига кириб кетишади. Бироқ, бугун, мана, ванна яримляпти-ки, ҳануз уларнинг қораси кўринмаяпти.

Раҳмон чол ҳовлига сиғмай қолди. Бир хаёли ҳасрат истаб тўғридаги қўшнисиникига чиқмоқчи бўлди. Бироқ нима дейди? Илонларим кетиб қопти, дейдими? Мабода у, ажаб бўпти, ахир шуни ўзингиз истагандингиз-ку, деяр бўлса, аввал истардим, энди эса йўқ, дейдими? Тўғри, шундай деган тақдирда ҳам қўшниси унинг устидан кулмайди — кўпни кўрган зиёли одам у. Лекин бу хил гап-сўзлар ўзидек кап-катта бир одам тилида эврилишининг ўзи қандайдир эриш туюлмоқда эди. Аммо илонларга тўқнаш келган биринчи кун илони ўпкасини қўлтиқлаганча зинғиллаб чиққани рост. Бироқ хурмо дарахти тагидаги кўҳна тўғарак столга ўмганини берганча қандайдир қалин журнални варақлаб ўтирган қўшниси у кутганча ҳовлиқмаган, қўлига кетмон ёхуд белкурак тутиб, ёрдамга ҳам ошиқмаган. Бошидаги дўпписини энсасига суриб, қалин ойнали кўзойнаги тепасидан бир муддат тикилиб турган-турганда, сўнг пиёлаларга чой қўятуриб, ўта сокин ва хотиржам оҳангда деган: «Оллоҳга нимангиздир хўш ёқибди-ки, ҳовлингизда жониворлар пайдо бўпти, қўшни. Уй илони — барака рамзи. Шунингчун, зинҳор уларни безовта қила кўрманг...»

Кейинчалик улар орасида шу суҳбат бўлиб ўтган.

— Қалай, қўшнилар омон юришибдими?

— Омон-омон, сепган унимга қаноат қип юришибди.

— Ўзлари кетмагунча, қотина кўрманг ва ун сепиб туришни ҳеч қанда қилманг.

— Кўникиб ҳам қолдим, кетмагани дурустми дейман?

— Ҳа, энди, ҳовлида бирор жонзотнинг бўлгани яхши-да.

Чолнинг ҳовлисида илонлардан бўлак муштдеккина оппоқ ити ҳам бор. Аммо итнинг илонлар билан иши йўқ, куну тун дарвозани кўриқлаб ётади. Аммо ўнта бўлса ўрни бошқа дегандай, шу онда чолга илонларнинг ўрни ниҳоятда билинмоқда эди.

Илонлардан дарак бўлавермагач, у кайфиятсиз ҳолатда сувни ўчирди.

Келини қайраган шекилли, салдан сўнг ўгли кўнғироқ қилди, йўлига ҳол-аҳвол сўраган киши бўлиб, илонларни зудлик билан йўқотишни илтимос қилди. Чолнинг энсаси қотиб, илоннинг энг зўри кўйнингда-ю, нима қиласан ҳовлимдаги жонзотларга қотиниб, дегиси келди, лекин демади. Илонларга тушган зиғирдек меҳри нечун ўз келинига тушмаганидан ажабланиб кўя қолди. Аслида келинига меҳри тушганди, фарзандларим яна биттага кўпайди, дея суюнганди. Бироқ салдан кейин сездики, уйнинг сири ташқарига силқиб, келини кампири билан тенгма-тенг тишлашмоқда. Чол уларни феъли торлик ҳамда нодонликда айблаб, ўзича насиҳат қилган, муросага чақирган бўлди. Бироқ аёллар муросага келмади. Шундан сўнг чол азалий орзусини тезроқ рўёбга чиқариш пайида бўлиб, ниҳоят шаҳар чеккасидан ҳовли сотиб олишга муваффақ бўлди. Илонлар билан қадрдонлашиб олганидан бери мудом бир савол уни ўйлатади: «Жониворлар билан муросага келишиш мумкин бўлган ҳолда нечун одам боласи бир-бири билан ҳеч тил топиша олмайди, а?»

Ўша кунни чол ёдидан чиқармайди.

У илонлар ванна тагини макон тутганига тўла амин бўлгач, ўзича ёмон бир шумликни ўйлади — ваннага қайноқ сувни оқизиб кўйиб, ўзи гулзор четида томошабин бўлиб турди. Бироздан сўнг эшиқдан жигаранг тасмали илон, кейин иккинчиси ўрмалаб чиқди-да, тўғри гулзорга шўнғиди. Чол ўзича тантана қилди, илонларни инидан қувиб солдим деб ўйлади. Бироқ сувни ўчириб кўйиб, сўнг бундай разм солсаки, гўё ҳеч нарса бўлмагандай, жониворлар шамоллатиш учун очиб кўйилган ҳаммом эшигидан ичкарига судралиб кириб кетмоқда. Бу ҳолни кўриб, унинг бошига қон тепди, сўнг қўшнисининг куйидаги гапини эслади: «Муросани зинҳор унутманг, кўшни. Боиси, жонзодлар муросани тушунишади. Мабода халақит бераётганини сезишса, сиз ҳайдамасангиз-да, ими-жимида ўзлари кетади. Айтганча, онда-сонда ун сепиб туришни хаёлдан қочирманг. Улар бун «яхшилиқ» деб билади, ризқ ҳақ-ҳурмати бу даргоҳдан ўзлари кетади». Бироқ кунда ун сепса-да, илонлар эшиги ҳамиша қия очиқ қолдириладиган ҳаммомни тарк этмади. Чол ваннага қайноқ сув оқизганда, ташқарилаб, сўнг яна ичкарига кириб олади. Чол бунга кўникиб кетди. Мана энди, кўриниш беришмагач, уларни соғина бошлади.

Шу куни чолнинг кўли ишга бормади, ҳатто ити ҳам ғамнак кўринди кўзига. Орада эгилиб, ванна тагига кўз ташлаб чиқди. Йўқ, жониворлар изсиз йўқолган, ана, сепилган унга ҳам тегмабди.

Кампири яна телефон қилди.

— Анову отинг ўчгирларни йўқотдингизми?

— Йўқотмадим, ўзлари кетди, кампир.

— Хайрият, «дом»даги илон камдек, энди ҳовлидаям илонлар билан яшайманми деб кўрқиб кетдим-да, чол.

— Булар безиён эди.

— Вой!

— Булар билан муроса қилса бўларди.

— Одамни кулдирманг.

— Уларсиз кўнглим бўшаб, кимсасиз уйда хувиллаб қолди, кампир.

— Қизиқчи бўп қопсизми, чол?

— Ҳаётни ўзи қизиқ-да, кампир.

Чол йўлак четидаги омонат оғоч курсига хомуш чўкди. Илонларнинг тўсатдан ғойиб бўлишини нимага йўйишини билолмай бош қотди — яхшиликками, ёмонликками?

У жавоб қидиргандай, энсасини қашлай-қашлай, қошидаги олма танаси бўйлаб тинимсиз ҳаракатланаётган чумолилар карвонига, гулзор узра учиб- кўниб юрган оппоқ капалакларга, худди ким ёхуд ниманидир кутаётгандек, дарвоза тагидан кўчага термулиб ётган оппоқ итига, дов-дарахтдаги қушларга ва кўшни томларга ҳардамхаёл боқаркан, шунда кўзи ҳаммом тоmidан омбортом чордоғи томон ўрмалаб бораётган илонлардан бирига тушиб қолди.

Чол, илонлар эмас, гўё аразлаб кетган яқин қадрдони тўсатдан қайта кўриниш бергандай, ўзида йўқ севиниб кетди ва дарров идрок этди-ки, жониворлар уни ортиқ безовта қилмаслик ва-жидан ҳаммомни тарк этиб, омбортом чордоғига кўчибди.

У ўрнидан илқис кўзғолиб, енгил ва илдам одимлар билан гулзор четида борди-да, сочилган унга назар солди.

Ун аллақачон ялаб кетилганди.

Чол яна ун олиб келиш учун ошхона томон жиларкан, тагин кўнғироқ қилган кампирига, йўл-йўлакай, беихтиёр, ўз қувончини ошкор этди.

— Илонлар қайтди, кампир! Улар қайтиб, мана, боврим тўлиб қолди, кампир!



## ЭНАТОШ

Энасининг етгиси ўтказилган куннинг эртаси юмушга чиққан Тоғай оқшом олди овули томон ўша-ўша ғамнак бир кайфиятда қайтаркан, кунчиқишдаги адирлик қўйнига шўнғиган қўйи, ғуборли олис уфқ қаърига сингиб, изсиз йўқолган кенг асфальт йўлнинг ўнг тарафидаги тоғолди кенглиги узра мисли бодрокдек сочилган пасту баланд тепаликлар орасида энг маҳобатлиси бўлмиш Чўнгтепа пойига етганида, ҳар сафаргидек, оёқ илиб, тепалик белига чирмашган ингичка сўқмоққа андак малолланиб боқди, ўз навбатида, аввалига тепалик ёнлаб бориб, сўнг наридаги дўнгликлар оралаб чуваланиб кетган энсиз тошйўлга ҳардамхаёл назар ташлаб қўйишни ҳам унутмади. Бежизга эмас, негаки, катта йўл бўйлаб энлаб тушган Чўнг тепа ортидаги кичик водийда жойлашган мўъжазгина овулига ҳар иккиси ҳам олиб боради, фарқи — бири ҳаддан зиёд тик, юқорига ўрлагунигча тоза тинканг қурийди, бири эса айланишли, дўнгликлар оралаб хийла улоғиб юришинга тўғри келади.

Аслида тоши енгил, пойи-пиёда одамга ушбу тор сўқмоқдан сози йўқ, чунки Чўнгтепа деганлари бу томондан тик ва баланд эсада, терс тарафи водий сатҳига туташ қиялик, қуйига ўйнаб-ўйнаб энасан киши. Бироқ қуйига ўйнаб-ўйнаб эниш учун эса аввало узук-юлуқ, ингичка, сирпанчиқ сўқмоқдан бир амаллаб тепанинг тошлоқ яғринига чиқиб олмоқ даркор. Шунинг учун, овул ёш-яланглари демаसा, катталар сўқмоққа яқин йўлашмайди, андак айланишли бўлса-да, шу ўзимизнинг кўҳна йўл дуруст, дейишади. Тоғайга келсак, Чўнгтепа елкасига оёқ қўйиши ҳамон дарров кўзга ташланадиган оч жигарранг тусдаги баланд қоятош — Энатош бағрида ҳар шом йўлига кўз тикиб ўтирадиган энаси — Адолат кампир важдан сўқмоққа тирмашишни одат қилган. Бу гал ҳам ушбу кўника бўйича, боясароқ салгина севалаб ўтган кўклам ёмғиридан намланган сўқмоқдан, тийғана-тийғана, аста юқорилай бошлади.

Тоғолди заминига хос, Чўнгтепа асоси қоятош, юзасидаги бир энлик соз тупроқ эса ёғин-сочинга бардошсиз. Шунинг учун, юқорига тирмашган одам йўл-йўлакай турли қоятошларга манглай урмай, сўқмоқ бўйидаги сертиканак аччиқ бодом буталарига «таланмай» сира иложи йўқ. Аммо болалигидан турли-туман тик сўқмоқларга ўрлашнинг обдон ҳадисини олган Тоғай каби йигитларга бу хил нокулайликлар чўт эмас, манглайи терчиб, эгни тердан намиқиб, зумда юқорига чиқиб олади.

У базўр нафасини ростлаб, тепанинг кенг, унинг таъбирича, забардаст яғринига қадам қўяркан, одатига кўра, қаршисида юз очган манзара қошида бир зум тек қотди-да, сўнг яшил водий кунботишида, санокли қўрғонлардан иборат жимитдек овул жойлашган дўнглик бетида кўкка бўй ростлаб турган Энатош — бошида лачак, сўл қўли кўксига ёпишган, ўнг кафти тиззасида, тепалик сари хаёлчан термулиб ўтирган аёл тимсоли — улкан қоятош бағрига ғайриихтиёрий тарзда ошиғич кўз ташлади.

Вожаб, Энатош бағри бўм-бўш эди.

— Ия, энам қани?!

Йигит кўксидан беҳос кўчган бу нидо кечки шабада қанотига илашиб улгурмай, волидаси бир неча куннинг нарисидида бандликни бажо келтиргани ва энди ҳеч қачон Энатош тиззасида — унинг ушоқ ва жонли нусхаси бўлиб — ҳар кеч йўлини пойлаб ўтирмаслиги дафъатан эсига тушиб, бўғзига йиғи тикилди, мижжалари ёшланиб, аламдан муштумини тишлади. Сўнг гўё бу жудоликни кўтармоққа ортиқ ҳоли қолмагандек, ёнидаги кулранг харсанг четига ғамгин чўкди.

Энатош бағридек, кўнгли бўм-бўшлиги боис, шу ондаёқ ўта файзсиз тус олган қоятошга ортиқ қарамасликка тиришиб, эндигина қизара бошлаган уфққа, водийни тевараклаган дўнгликларга, виқорли тоғлар пойига бош қўйган қирларга, наридаги қорли чўққиларга, яшил водий пучмоқларига ҳамда тебранаётган майсалару турфа митти чечакларга бирма-бир разм солган — ўзини алаҳситган бўлди.

Бироқ ўзини ҳар қанча чалғитишга уринмасин, назарида, кимдир шу томонга зимдан тикилиб тургандек туюлаверди. Бу хил ғайритабиий туйғуни ҳали уйланмаган, шўхликдан тийилмаган, яъни тепалик бошидаги харсанглар ортига атай биқиниб, шусиз ҳам ўзини илҳақ кутиб ўтирган энасини андак хавотирга солишга уринган кезларида ҳамиша юрак-юрақдан ҳис этарди. Адолат кампир аллақачон унинг қорасини илғаган ва бундан кўнгли таскин топган эса-да, токи ўғли қошига келиб босмагунча, ўрнидан жилай демасди, ўтираверарди қоядай тош қотиб, сўнг саломига алик олиш ўрнига айтган гапи шу бўларди: «Сен тийиқсизни тезроқ уйлаб қўймасам, ҳеч қуйиладиганга ўхшамайсан!»

Охири бўлмади — у ич-ичини тирнаётган соғинч ва қандайдир ундовга бўйсиниб, секин ўша тарафга бош бурди.

Энатош!

Худди энасидек ўзи томон хаёлчан термулиб турарди.

Бу қадар ўхшашликни кутмаган, аниқроғи, шу лаҳзагача буни илгашга ҳатто ҳаракат ҳам қилмаган йигитнинг юраги бир қалқиб тушди.

Ё алҳазар, нечун буни шу дамгача пайқамади экан?!

Чинданда нечун?

Нечунлиги шундаки, аксарият кишилар каби ўзи униб-ўсган муҳитга нисбатан анчайин лоқайд бўлган Тоғайнинг бор диққати шу дамгача қоятош кучоғида суюкли ўғлининг йўлига кўз тикиб ўтирадиган энасига қаратилгани, бунданда ночори, овулдошлари сингари, бу кўҳна заминда ким ёхуд нимагадир ўхшаш тошдан ками борми, деган ўта ланж кўникмага эгаллиги туфайли орадаги бу ўхшашликка ҳеч қачон жиддий аҳамият бермаган, янада аниқроғи, худди бошқа жой қуриб қолгандай, овул ўртасида қўнқайган қандайдир кампир нусха жўнгина бир тош эди, унинг учун. Бу хил ғалати шакл-шамойилга эга тошлар водийда қаҳат эмас, санасанг — ўндан ошади. Ана, улардан яна бири — улкан Айиқтош. Турибди, Энатощ бўй ростлаган бетнинг жанубий қисмида овул томонга тумшуғи ҳамда сўл панжасини дўстона чўзиб. Қисқаси, водий ҳудудида эътиборга арзигулик турли ғаройиботлар етарли даражада эса-да, бироқ уларни илғайдиган нигоҳ, англай оладиган идрок ғоятда тақчил эди. Овул аҳлига уларнинг ҳеч бир қизиғи ва шунингдек, заррача қадр-қиммати йўқ эди.

Бироқ овул аҳлидан фарқли ўлароқ, мазкур «тошҳайкал»ларга чет кишилар — айрим жўшқин феълли сайёҳларнинг эътибори ва муносабати бутунлай бўлакча эди. Қайсидир бир йили кичкина сарғиш чодирини кўтариб келган ана шундай сайёҳлардан бири Энатощни она тимсолига қиёслаб, суратини олган ва унга саккиз қатор шеър бағишлаб, газетага босиб чиқарганди. Ушбу воқеа сабаб қоятош Энатощга айланган эса-да, барибир овул кишиларининг айрича эъзозига сазовор бўлмаган, қайтамга ўша «шоир» сайёҳ устидан анчагача кулиб юришган: «Бечора ғирт етим экан-да, а, тошни энамлаб қопти!»

Ўша кулганлар орасида Тоғай ҳам йўқ эмасди, ҳиринглаш борасида овулдошларидан ўзган бўлса ўзгандирки, лекин асло ортда қолмаган. Мана энди, жудолик туфайли юзага келган соғинч ҳиси тўйқусдан унинг мудроқ шуурига кескин таъсир этиб, ҳайрат тўла нигоҳини қоятошга михлаб қўйганди.

У елкасидан тоғдек босиб турган ғам балосини, зумга бўлса-да, паққос унутганча, қоятошнинг келбати ва қиёфасидан энасига ўхшаш жиҳатларни қидиришда давом этди: бошидаги лачак... манглайи... бўртиқ яноқлари... чўзинчоқроқ юзи... ўнг елкаси сўлига қараганда

бир оз кенгроқ демаса... ўнг тиззаси устидаги қўли... хиёл олдинга эгилган қомати — о-о, бари жуда-жуда ўхшаш... Оқибат, кенжа ўғил сифатида ҳамиша Адолат кампирнинг алоҳида меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган, чунончи, энасини акалари ва бошқа хешларига нисбатан бўлакча суйган бу эркатоброқ ўғилнинг ним очиқ лаблари орасидан бисотида бўлмаган, бўлган тақдирда ҳам, бугунга қадар бирон марта тилига олмаган қуйидаги ибора, беихтиёр, сирғалиб чиқди.

— Мўъжиза!

Бу сўзни ярим овозда такрор ирод этаркан, вужудида тийиқсиз бир ҳисни — энасини ҳар кеч пўстак ташлаб ўтираверишидан ойнадек силлиқ тортган қизғиш тош юзасига — Энатошнинг сўл тиззасига бир дамгина бош қўйиш истагини туйди. Бироқ бу истакни қондирмоқ учун аввалига қуйига эниб, сўнг бетга ўрлаши лозим эди. Боз устига, хоҳласа-хоҳламаса, бу амални жигарлари кўз ўнгида адо этмоғи даркор эди. Агар шундай қилар бўлса, турган гап, бу қилиғидан бошда улар анқайишади, сўнг, мияси суйилиб қопти бунинг, дея устидан кулишади.

— Қани, кулиб кўришсин-чи!

Тоғайнинг юраги тўйқусдан оловланиб, кишини англашдан кўра, унинг устидан кулишни хуш кўрадиган хешларига нисбатан адоватга ўхшаш оташли бир туйғуни ҳис этиб, аччиқ-тиззиқ гаплар билан барини бошлаб қамчилашни кўнглига тугди: «Куйдирган калладай тиржайишни бас қилиб, аввал манову гапни эшитинглар! Бугун мен буни илкисдан билдим, баримиз кўр, Энатошни айнан энамга ўхшашини билмайдиган даражада басир эканмиз! Қаранглар! Ҳа-а, тузуклаб қаранглар, кимга ўхшайди бу?! Энамга ўхшайди! Энди гап шу, бундан сўгин ҳар куни Энатошни тавоф қиламиз! Бугун кеч, эртан пойига бир жонлиқ сўямиз, қон чиқарамиз! Нимага деганда, бу тош нафақат энамга ўхшайди, унга, ҳа, унга, энажонимнинг руҳ-рухсори сингган! Бугун менга бошқача қаради! Ҳа, худди энамдай қаради!» Бу гап-сўзлари жигарларига нечоғли жиддий таъсир этишини ўзича тасаввур этиб, юзига тунд табассум инди. Кейин эса, табиатнинг бу қадар моҳир, бу қадар чеварлигини гўё энди теран идрок этаётгандек — аслида ҳам шундай — кўз ўнгида бутунлай ўзгача маъно ва мазмун касб этган теварак-атрофдаги бошқа шакл-шамойилдаги қоятошларга, жумладан, Айиқтошга айрича эътибор билан назар ташлади. Ўз навбатида, умрида илк бора, феълидаги лоқайдлик сабабини қидириб, унинг таъбири билан айтганда, онгини чўкиб қолган лойқа-луйқа ва қўқимлардан тозалашга уринар-

кан, салдан сўнг ўзини оқламоққа топган баҳонаси шу бўлди: «Вақтида ёлчителиб ўқимаганмизда, агар ўз вақтида манову пишмаган хумкаллани тошларга уриб-уриб ўқиганимизда борми, бу қадар оми, бу қадар фикри султ танбал бўлмасдик... Қаранг-га-а, ахир бунинг бари шунчаки тош эмас, моҳир уста қўли билан ясалган тошхайкалларга ўхшайди-ку...» У боя ўзига жуда ёқиб тушган ўша янги иборани қайта тилга олди:

– Мўъжиза!

Йигитнинг ёниқ нигоҳи энди овул бўйлаб кезина бошлади. Эна-тош пойига қадар чўзилган кенг йўлакнинг сўл томонида катта акаси – Абдуқаҳҳорнинг баланд тош иморати савлат тўккан, ўнгдаги ихчам кўрғон ўзиники. Кичик акаси Абдуназарнинг анчайин дидсизларча қурилган кўрғони дўнглик тепасида бўртиб турган бармоқ нусха тошбўртиқ – қоятош пойидан ўрин олган. Ундан хиёл қуйроқда қатор тушган тўрт кўрғон эса узоқ-яқин хешларига тегишли. Ўша қатор чеккасида Абдуқаҳҳор иккинчи ўғли – Рауфга атаб ташлаган янги иморат ўрни – чала-ярим пойдевор қорайиб турарди.

Овулда фақат биргина Абдуқаҳҳорнинг кўрғони, бошқаларники каби белга етар-етмас тошқалама билан эмас, тепаси тунукаланган бўй баравар пишиқ-пухта тошдевор билан ўралган. Акасининг феъли шу – кимда нима кўрса, ўшандан ўлгу олишга уринади. Туман марказида кимнингдир данғиллама уйига ҳавас қилиб, ушбу иморатини бузиб, қайта солган. Бўлмалари ўнга яқин, бироқ келин туширган бўлишига қарамай, ҳалигача ярмидан кўпига биров бош суқмайди, қурилганидан бери чанг босиб ётибди. Бу йил эса Рауфнинг уйини янада баланд кўтармоқчи, агар имкон топса, бир эмас, қўшқаватли қилиб.

Нечун?

Бу каби саволлар уни ўйлатмайди.

Ҳозирча ягона орзуси шу – ўғлини бу атрофда танҳо бўлмиш қўшқаватли уй соҳибига айлантириш. Уй – ўғилга, обрўй эса – отага. Ахир, ўғил мулки – ота мулки, деган гап бор-ку. Бу ўладиган дунёда шу каби орзу ҳаваслардан бўлак яна нима керак кишига! Айтадилар-ку, ё донғинг чиқсин, ё чангинг деб! Отаси Ҳайдар чавандоз ушбу овулга тамал тошини қўйганидек, ўзидан ҳам бирор-бир ёдгорлик, ҳечқурса бир-иккита қасрнома тошиморатлар қолсин-да! Бу ҳақда бировга чурқ этмаса-да, бироқ тутумидан шу нарса аён. Устига устак, ўлгудек ишчан, чорвасига бир эмас, тўрт нафар чўпон ёллаган бўлишига қарамай, кети ер искамайди – йиллаб йиқ-

қанини йўқ ердаги орзу ҳаваслар йўлида аямай совуришдан қайтмайди.

Бундан етти йилнинг нарисида дорилфанодан дорилбақога риҳлат қилган Ҳайдар чавандоз томонидан асос солинган бу мўъжаз овул водийда танҳодек туюлса-да, аслида якка-ёлғиз эмас, тепасида тошбўртиқ бўйланиб турган дўнглик ортидаги қуйи ялангликда жойлашган Ўртаовулнинг узвий қисми — айро тушган бўлаги. Номи ҳам шунга яраша — «Айриовул». Дарвоқе, уни асосий овулдан ажратиб турган тошбўртиқ — «Бошбармоқ», водий эса — «Ялангқафт» деб аталади. Бу каби ғалати номланишлар бежизга эмас, эътибор билан қаралса, водий сатҳи чинданда бармоқлари яримдан кенгроқ ёзилган яланг қафтга, унинг шарқий-шимолий сарҳадида кўкка бўй чўзиб турган тўрт қоя — тўрт бармоққа, қибла томондаги тепа қисми чатнаган тошбўртиқ эса, бошбармоққа ўхшайди. Ялангқафт замини тош, тошкафтни энлаган қалин тупроқ унумдор, водийнинг тоққа туташ қисмида тўрт булоқ жилдираб, яна иккиси овул биқинида қайнаб турибди, сув дегани мўл — хоҳлаганча деҳқончилик қилиш мумкин. Бироқ овул аҳли экин-тикиндан кўра, чорвани хуш кўради. Бу кичик овулдан бир Тоғайгина четда — туман маркази биқинидаги корхонада ишлайди, қолганлар чорва этагидан маҳкам тутган — туёқ сонини кўпайтириш илинжида қуйиб-пишиб юришади.

Тоғай оний лаҳзада жўн қоятошдан муқаддас тошга айланган Энатошга ўзгача эҳтиром ила қарай-қарай, қуйига энаркан, овул кўним топган бетга етганда туғишганларининг мотамсора кўнглига ортиқча ғиди-биди сиғмаслигини назарда тутиб, ҳозирча туйғуларига эрк бермасликка, бугун айтилиши лозим бўлган гап-сўзларини сал кейинроққа қолдиришга аҳд қилди. Агар шу тобда биров, йўлига, «энамов» деса, қўшилиб йиғлашга ҳозир эди у.

Йигит шу андишада қуйидан бетга кўтарилар экан, тўсатдан аёл кишининг азадор муҳитга ёт қувноқ кулгусини эшитиб, таажжубга тушди. Бу пайтда у бўй баравар тошдевор ёқалаб бормоқда эди. Қувноқ кулгу бот такрорлангач, ҳайрати чўнглашиб, ўз эшиги қолиб, зумда оғасининг ланг очик ҳашамдор дарвозаси қаршисида пайдо бўлди.

Қизик, кўнглига кулгу сиққан ким бўлди экан?

Кўзи кенг ҳовли ўртасида, тепаси ёпиқ оғоч сўрида ўтирган бир тўп қиз-жувонга тушди. Аксарияти азадор кийимда эса-да, худди гап-гаштакка йиғилгандай, хушҳол гурунглашганча, бири сабзи тўғраб, бири пиёз арчиб кечки таомга ҳозирлик кўришар, нарироқда янги сўйилган қўй нимталари осиглиқ турар, ойнаванд пешай-

вондан эса эркакларнинг гангур-гунгури қулоққа чалинар, гўё яқиндагина бу овулдан ўлик чиқмагандай, Тоғай кутган хазин кайфиятдан асар ҳам йўқ эди. Ана, ўз аёли Хадича ҳам ийманибгина кулгуга жўр бўлмоқда.

Аёллар дарвозада туриб қолган Тоғайнинг қорасини илғашга улгурмай, ичкаридан акаси Абдуқаҳҳор, тиш кавлаганча, нотаниш йигитлар — ўтган кузда янги иморат пойдеворини чала-ярим қўйиб кетган усталар билан бошлашиб чиқиб келди. Демак, у қурилишни бошламоқчи.

Намунча ошиқмаса!

Қошига соядай сирғалиб келган йигитларнинг қайси бири билан сўрашди, қайси бири билан кўришди — Тоғай тузукроқ англаёлмади, қоққан қозикдай, тураверди серрайиб. Авзойидан аёллар дарров сергак тортишган эса-да, аммо эркаклар унинг тунд афтига тарикча эътибор беришмади, ўзаро суйлашганча, Энатош томон юришди.

Тоғай ҳовлига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай, сўридан сирғалиб тушганича, ўзи томон жонсарақлиниб келаётган аёлига қовоғини уюб қараб тураркан, тақ-тўқ овозни эшитиб, аста Энатош томон ўтирилди. Қараса-ки, белбоғига чоққина чўкич қистириғли, манглайи кенг, яноқлари бўртиқ, кўзлари қисик, мўйловдор устабоши қоятош пойида уюлиб ётган катта-кичик тошлардан бирини олиб, бирини қўйиб кўрмоқда. Қолганлар эса унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб, жимгина туришибди.

Нима қилаяпти бу?

Тоғай эс-хушини йиғишга улгурмай, қулоғига шу гап чалинди.

— Пойдеворга бемалол етса керак...

— Камигачи? — ўсмоқчилаб сўради Абдуқаҳҳор, деворни назарда тутиб.

— Агар ҳақи тўланса, — устабоши елка учириб, қитмирона илжайди-да, Энатошга ишора қилди, — манову томони серқатлам экан... бир ҳаракат қилсак, камигаям етказамизда, бойота. Ё олис дарадан тош опкеб берасизми?

Акасининг тошиморати Энатош биқинидаги кичик қоятошни комига тортгани ёдига тушиб, Тоғай хушёр тортди.

— Пулсиз ҳатто йўталмайман денг? — деди акаси ачитиб.

— Пулсиз йўталиб бўларканми, бойота, — устабоши мўйловини бураб, ёйилиб кулди. — Томоқ қирилиб кетади-ку...

У қишин-ёзин бошидан тушмайдиган яғир телпагини энсасига суриб, манглайини енгилгина қашладида, сўнг сўзлана-сўзлана, та-

бий тош зиналарни бир-бир босиб, Энатошнинг «тизза»ли қисмига кўтарилди, гўё тошнинг ойнадек силлиқлигига ҳаваси келгандай, сўл «тиззатош»нинг қизғиш сиртини кафти билан силаб-сийпалади. Кейин худди ўша ерга оёқ кўйиб, «тизза» устига чиқди. Қоятошдан намуна олиш ўйида белидаги чўкични кўлига тутди. У «уста» мақомига эга эса-да, тошларнинг хили ва созига кўпам ақли етавермасди. Аммо ўрни келганда, ўзини кўрсатишга ғоятда моҳир эди. Ҳозир ҳам кўйида турганлар эътибори ўзига қаратилгани сабаб, ўта билагон киши сифатида қоятош бағрига, шунчаки йўлига, чўкич ўриб кўриш ниятида эди. Бироқ мароқ билан бошлаган «ўйин»ини адоқлай олмади — тўйқусдан кўпқон ғайритабиий бир ўқирикдан шўрликнинг эси тўнқарилиб, чўкичи кўлидан тушиб кетди.

— Қани, туш пастга! — дея қайта бор овозда ҳайқирди унинг Энатош «тизза»сига, йўқ-йўқ, Энатош «тизза»сига эмас, энасининг табаррук тиззасига оёқ кўйганидан қутуриш даражасига етган Тоғай, мезбонлик таомилини паққос унутган ҳолда. — Эмасам, ҳозир чатоғингни чиқараман!

Устабоши базўр ўзини ўнглаб, «ҳозир-ҳозир, мана, ҳозир» дея зинғиллаганча пастга энаркан, инисининг бу қилиғидан бошқалар қатори ҳанг-манг туриб қолган Абдуқаҳҳорга, нимаси бу, деган маънода кўзларини жавдиратиб қаради.

— Нима гап ўзи? — деди бегоналар олдида қаттиқ хижолатда қолган Абдуқаҳҳор, ниҳоят ўзига келиб. — Англат... бундай!

— Агар яна тошга қотинар бўлсанг, нақ қаншарингдан отаман! — деди Тоғай тахмон кунжагига бекитиб кўйилган қўшоғиз милтигини назарда тутиб, важоҳат тўла оҳангда. — Ҳа, икки қошингни ўртасидан отаман!

— Ув-в, нималар деяпсан сен ўзи? — Абдуқаҳҳор овозини бир парда кўтарди. — Жин чалгандай намуноча бўкирасан, а?

— Жин мени эмас, сизни чалганга ўхшайди, ака! — деди Тоғай қаҳр тўла кўзларини устабошидан узиб, унга ўқдек қадаркан. — Иморатни деб, энди бу тошниям гумдон қилмоқчимисиз? Йўқ-қ, кечирибгина кўясиз! Бу тош сиз ўйлаганчалик оддий тош эмас! Энамнинг руҳи ва рухсори бу! Қаранг, бундай! Наҳотки бунда энамнинг қиёфасини кўрмаётган бўлсангиз?! Қаранг, яхшилаб қаранг! Менинг энам! Бу оқшом энам ўрнида эна бўп кутиб олган энажоним менинг бу!

Бу гап-сўзлардан ҳамма лол туриб қолди, сўнг барча, жумладан, аллақачон сўрини тарк этиб, можаро томошабинига айланган

аёллар ҳам Энатош томон ўгирилишди. Бироқ у яқиндан кўпам мархумага ўхшамасди, унинг бутун сир-синоати кунчиқиш тарафдан туриб қарашга боғлиқ бўлиб, шунда ҳам хиёл олислаброқ боқиш лозим эди.

— Ҳа-а, энанг ўлиб, сен бечоранинг бутунлай эсинг оғиб қопти! — деди Абдуқаҳҳор ҳам ачитиб, ҳам ачиниб.

— Йўқ, энам ўлмаган! — деди Тоғай қайсарона бир оҳангда. — Мана, у киши тепамизда савлат тўкиб турибди!

Абдуқаҳҳор қизиқсиниб қоятошга қайта тикилди. Бироқ бир туки қилт этмади, қайтамга ажабсинди: «Бунинг нимаси энамга ўхшаркан, а? Лачак ёпинган қандайдир алвасти-ку бу!» Қоятошнинг энасига ўхшаш-ўхшамаслиги эмас, аксинча, унинг ўнг биқинидаги иморатга яроғли тошлар қатлами кўпроқ қизиқтирмақда эди уни. Ахир бурни тагида шунча тош зоҳираси бўла туриб, нега энди, чиқим қилиб, олис дарадан тош ташиб юриши керак? У шу ўйда Энатошга бошдан-оёқ разм соларкан, тўсатдан тош инисининг қўрғонидан кўра, ўзига яқинроқ ерда жойлашганини пайқаб қолди.

— Кўп бошни қотирма! — деди писанда оҳангда. — Қара, бу тош сендан кўра, кўпроқ менга товин...

— Қачондан бери эна кимгадир товин бўлиб қолди? — деди Тоғай унинг шаъмасини англаб.

— Ахир бу энанг эмас-ку, нодон!

— Йўқ, менга эна! — деди Тоғай қатъий йўсинда. — Бундан кейин ҳар оқшом ишдан қайтишимни илҳақ кутиб оладиган энам бу менинг! Ундан кўра, тавоб қилинг! Эртан, йўқ, шу жумада пойига жонлиқ сўяман! Теварагини тозалаб, обод қиламан!

— Элга кулгу бўласан...

— Энам учун кулгу бўсам-бўпман-да!

— Йўқ, бунинг сенга бермайман, ўзимга керак бу.

— Тириклиги малол келарди... — деди ачитиб Тоғай. — Энди тоши керак бўп қолдимиз сизга!

— Ҳаддингдан ошаяпсан!

— Мен эмас, сиз ошаяпсиз!

— Демак, бермайсан?

— Худди шундай.

— Ахир...

— Ахир-пахирини йўқ!

Усталар олдида ноқулай аҳволга тушиб қолган Абдуқаҳҳор, бир хаёли, қаҳр отига ирғиб миниб, укаси устига от сурмоқчи бўлди.

Аммо, агар жаҳлланса, унинг ҳеч нарсадан тап тортмаслигини билгани учун, шу хил қалтис пайтларда отаси қўллайдиган ибратли амаллардан бирини ишга солмоқни маъқул топди.

— Ҳай-й, бу масала ечимини сену мен эмас, — деди дарров юзига ниқоб тортиб, юрт кайваниларига хос салобатли оҳангда, — эл-улус ҳал қилади. Эл нима деса — шу! Қани, айтингларчи, бу тош чинданда мархума энамизга ўхшайдими, ё йўқми? Агар ўхшаса, тошга қотиниш йўқ, ўхшамаса... акси бўлади.

Даврага оғир сукунат чўкди.

Абдуқаҳҳор юзага келган бу сукунатни инкор маъносида қабул қилиб, ботинан ўзида йўқ севинганча, энди тантана қилмоқчи ҳам эди-ки, аёллар тўпидан Хадичанинг журъатсиз овози эшитилди:

— Ҳа-а, чинданам ўхшайди, бойоға.

— Балким ўхшар... — Абдуқаҳҳор, ичидан қиринди ўтса-да, сир бой бермасликка тиришиб, ўша виқор, ўша салобат билан ҳар бир сўзини чертиб-чертиб деди: — Бироқ бу йиғинди сенинг гапинг инобатга олинмайди, келин. Эл, эрининг тарафини олаяпти, деган ўйга бориши мумкин. Шунинг учун биз холис одамлар фикрини эшитамиз. Хўш, ким нима дейди?

— Мен гапирсам майлими? — деди кутилмаганда ўн уч ёшли катта қизи Ойсанам, худди муаллим қаршисида тургандай, беихтиёр, қўлини кўтариб.

— Гапир қизим, — Абдуқаҳҳор унга умидвор тикилди.

— Бу тош... чинданам момомга ўхшайди, — деди қиз. — Буни мен момомнинг ўзигаям айтганман. Ўлсам, мендан силарга ёдгорлик бўп қолади, дея кулган момом.

Худди шу эътирофни кутгандай, даврада ғала-ғавур кўтарилди.

— Ҳа, ўхшайди.

— Унча ўхшамайди.

— Йўқ, ўхшайди.

— Ҳа, момонинг худди ўзи.

Абдуқаҳҳор, оббо бу ёғи чатоқ бўлдики, деган маънода усталар томон ўгирилди. Қарасаки, улардан иккиси — устабоши ҳамда қуюқ қошли бир йиғит олислаб қоятошга тикилиб туришибди.

— Қани, усталардан ҳам фикр эшитайлик-чи, — деди сўнги илинж билан Абдуқаҳҳор.

— Ҳақиқатдан ҳам момога ўхшаркан, — деди «қуюқ қош» унинг гапига аҳамият бермай, ошкора ҳайрат билан.

— Ўхшайди-ўхшайди, — деди устабоши ҳам ўзи билмаган ҳолда унинг гапини маъқуллаб. — Бунақа тошни қайси бир кинода ҳам кўрганман.

Абдуқаҳҳор бугун усталарнинг келиши шарафига жонлиқ сўйганига қаттиқ пушаймон еди: «Иззатни билмаган, нокаслар! Буларни одам десам, фирт хоин экан-ку!» — деб ўйлади алам билан. Сўнг Тоғайга юзланиб, пичингла деди:

— Ҳечқурса, тагидаги тошларни йиғиб олишга рухсат берарсиз, а, хўжайин?!

— Бемалол, — деди Тоғай пичингга аҳамият бермай. — Шусиз ҳам теварагини тошлардан тозалаш ўйидаман.

Абдуқаҳҳор қоятошни энасига ўхшашлигидан ва бу нарса қизинлик билан эътироф этилганидан, ўзи қолиб, инисининг тегирмонига сув қуйган бефаҳм усталардан ўпкаланиб, мағлуб бўлганидан ўксиниб, секин даврани тарк этди.

\* \* \*

Эртаси оқшомга яқин юмушдан қайтаётган Тоғай Чўнгтепа белига ҳарсиллаб-гурсиллаб кўтариларкан, бу сафар қаршисида маҳобатла юз очган манзарага эмас, биринчи галда Энатошга кўз ташлади. Қараса-ки, Энатош, Энатош эмас, энаси — Адолат кампир, қачон келасан, ўғлим, дегандай у сари хаёлчан термулиб турибди.

Тоғай бундан енгил тин олди.

Тоғай бундан суюнди.

Тоғай бундан кўзини ёшлади.

Бироқ Тоғайнинг бу қувончи узоққа чўзилмади.

Аввалига дўнгликнинг шимолий қисмида уймалашиб юрган қорақура кўланкаларга эътибор бермади. Сўнг кўнгли қандайдир нохушликни ҳис қилиб, беихтиёр, ўша томон кўз ташлади. Не кўз билан кўрсинки, усталардан иккиси катта замбилғалтакка тош юк-лашмоқда, аллақачон сўл панжасидан айрилган шўрлик Айиқтош эса, бу не ҳол, дегандай овул тарафга тумшугини мунгли чўзиб турибди.

Тоғай қаттиқ сўкинганча қуйига отилди.

У ўзи сезмаган ҳолда водийдаги фаройиб «тошҳайкал»ларнинг чин кўриқчисига айланиб улгурганди.



## ЧЕТДАГИ ОДАМ

У қизни ёмон кўргани учун эмас, унинг падари бўлмиш Муса фермага нисбатан юрагида тўнғиб қолган алами туфайли урди. Ургандаям номардларча, яъни кўча юзида ўз майлида суманглаб юрган ювош малла итни баҳона қилиб урди. Сўнг эса жони азобда қолган шўрлик қизнинг фарёди остида жуфтак ростлади.

Акс ҳолда...

Акс ҳолда нима бўларди?

Муса ферма, ўзидек ювош, тўриқ отини аччиқ қамчилаганча, мисли қуюндек елиб келармиди, ё қизнинг илдам юришли, ғайратда тенгсиз энаси — Нормул чаққон келиб, ёқасини чоклармиди? Ё... Нима бўлганда ҳам вақтида қочиб дуруст иш қилди. Ана энди эса, қиз томоннинг ҳовуридан тушмоғини кутиб, тутзорда теккина биқиниб ўтирмоғи лозим. Сўнг, дуч келар бўлишса, айтмоққа баҳонаси тайёр — итни урмоқчи эдим, бехос тегиб кетди.

Ўша «бехос»лик туфайли навниҳолгина, бироқ ғайрат бобида энасининг ғирт акси бўлмиш, ҳалим табиат, беозоргина қизнинг манглайи тарс ёрилди. Аслида уни уриш нияти йўқ эди. Бари ҳеч кутилмаганда юз берди: қиз, оёқлари остида сув тўла челақлар, қаршисидан лоп этиб чиққан дугоналаридан бири — қорамағиз, дуркун қиз билан хушҳол суҳбатлашиб турарди, шу пайт, фалокат босиб, нарида искаланиб юрган ит улар ёнига бориб қолса бўладими. Бола қишлоқда «тухум ўғриси» дея ном олган бу жониворни қўпам жини севмасди, кўзига чалинди дегунча, қўлига илинган нарса билан сийлашга уринарди. Бу сафар қўлига илингани тошу кесак бўлди. Отган тоши итнинг яғрини оша кўча юзига тарс этиб тушгач, қиз, чеҳрасида ўша сокин табассум, нима гап, дея у томонга ялт этиб қаради. Бояқишнинг ана шу боқиши боланинг кўнглида бадкир бир ниятни — отанинг ўчини қизидан олмоқ истагини туғдирди. У кафтидаги кесак тандир кесаги янглиф тошдек қаттиқ эканини теран ҳис этаркан, кутилмаганда юзага келган қасос онидан ҳаяжони тошиб, ўз навбатида, бундан бадхоҳларча суюниб, ҳануз қизлар яқинида ўралашиб юрган ит бир ёнда қолиб, «ганим» манглайини нишонга олди.

Мана энди қилмишининг оқибатини ўйлаб, тутлар соясида, бўлиқ ўт-уланлар орасида тиззаларини кучганича, маҳзун хаёлга чўмиб ўтираркан, бугунги қилиғи одатдаги шўхликка эмас, балки ўта жиддий тўполонга сабаб бўлмиш безориликка йўйилишини англаб, идрок эта боргани сари кўз ўнгида қуйидаги кўнгилсиз манзара тобо-

ра кўпчиб, ёлқинланиб борарди: ана, кўча бошида манглайи танғилган қизининг қўлидан тутганча Нормул чаққон пайдо бўлди, улар қаватида, ҳар сафаргидек, бир тўда ҳангаматалаб қишлоқ болалари, қизнинг онаси табиатан илдам, шиддаткор эса-да, аммо аксарият қишлоқ аёллари каби шанғи эмас — кўчани бошига кўтариб ўтирмай, тўғри ҳовлига бостириб киради: «Улинг қани?!» — дейди ғазабини зўр-базўр босиб, лаб-даҳани қалтираганча. Қизнинг рафториданоқ дарров барига тушунган энаси, одатдаги дийдиёсини бошлайди, бола эмас, бало бўлди бу, дейди, отаси ўлгунча, менгина ўлсам бўлмасди, дейди, сўнг қаршисида ўқдек қадалиб, еб-ютишга ҳозир турган аламзаданинг кўнглини юмшатиш илинжида дейди: «Ҳали кесин, қўлгинамга тушсин, ўзим жонини суғуриб оламан уни!» Бироқ боласи тушмагур осонгина жон суғуртириб қўядиган анойилардан эмас, томорқаларида бир эмас, уч туп ҳайбатли халоскори — бобомерос ўрик дарахти бор, хавфни сезиши ҳамон улардан бирига маймундай тирмашиб чиқиб олади, калтак тутган энаси дарахт тагида қолаверади, қарғаб-сиқтанганча.

Бу кеч тагин дарахтга тирмашишига тўғри келишини ўйлаб, у ичидан зил кетади. Қизиқ, яқингача буни ор деб билмасди, қайтамга ўзининг эпчиллигидан масрурланиб юрарди. Шу бир оқшом девор ёқалаб қатор тушган ўрик дарахтларидан бири ҳовлисига соя ташлаб турадиган ўнг ён қўшнисини Чори доно деганлари уни суҳбатига арзитди-ю, ўшандан бери бола дарахтга тирмашишдан номусланадиган бўлиб қолди. Бироқ, ҳамма бало шунда эди-ки, энанинг қўлидаги калтак ҳар қандай номусу ордан устивор келарди — ҳар сафар қандай қилиб дарахтга тирмашганини сезмай қоларди. Бунақа пайтда Чори доно тайинли бир сўз айтмаса-да, аммо, сени қара-ю, деган маънода таассубла бош чайқаб қўйишни сира қанда қилмасди. Унинг айни шу қилиғи болага нақ айилдек ботарди.

Боланинг мавжудлигини гўё сезмагандек, Чори доно илгари унга ортиқча эътибор бермасди. Ўша оқшом дарвозаси биқинидаги оғоч ўриндиқда, ширакайф ҳолда, ичидаги дарду ҳасратини кимга тўкиб-сочарини билмай, ўзи айтмишли, олам ва одам ҳақида ўй суриб ўтираркан, эшигидан бўй кўрсатган болани катталар ўрни ва қаторида кўриб, уни ёнига имлаб чақирди. Сўнг, одатига кўра, саломга алик олмоқни насия айлаб, хийла шикаста оҳангда салмоқлаб гап бошлади.

— Ўйлаб кўрсам, иним, бу оламда одам боласидан разилроқ махлуқ зотининг ўзи йўқ экан! Агар билсанг, ўтган оқшом анову ярамасларнинг олдига боримни тўккандим, янгангни чириллатиб, ик-

кита товуғини қозонга босгандим... Ейишди, ичишди... Бугун эса... мана... мени унутишди! Боясароқ Соли узундан эшитдим, бўлак ерда бўлак одамлар билан тоза маишат қилишаётган эмиш. Йў-ўқ... дўст эмас улар менга! Хай, бунинг нима деб аталишини биласанми? Билмасанг билиб қўй, бу — хиёнат!

У яғир дўпписини энсасига суриб, бошини кафтлари орасига олади. Шу созда бир муддат тургач, ҳолатини ўзгартирмаган кўйи, зора, номард жўраларимдан бирортаси қорасини кўрсатса, деган илинжда бармоқлари орасидан кўча адоғига назар ташлайди. Кўзи кенг дашт кўйнига сингиб бораётган отлиқ — Муса фермага тушгач эса, уни бу томонга доримай кўйганини эслайди.

— Бу... Муса ферма кеп турибдими?

— Йўқ.

— Ана, яна бир хиёнат! — Чори доно гўё дарди аригандай, дарров қоматини ростлайди. — Ахир отанг гўрга кирмасидан бурун тўкин дастурхон тўри уники эмасмиди? Нега индамайсан, уники эди! Мана энди, отанг йўқ — дўстлариям йўқ! Етимларнинг ҳолидан хабар олиш йўқ, бари етти ёт бегонага айланди. Бу — хиёнат! Бошқача атаб бўлмайди буни! — У соқоли қиртишланмаган иягини чангаллаб, ғижимлаб тагин кўча адоғига қарайди. Афсуски, интиқ кутишлари бесамар — жўралари унутишган уни. Бундан баттар алами кўзийди, тиззасига мушт тушириб дейди: — Йў-ўқ, мен уларни икки дунёдаям кечирмайман! Эртан бир қоп ёлғон тўқиб олдимга келишса, кўрасан, ҳаммасини итдай уриб ҳайдайман! Ҳа, тепкилаб ҳайдайман! Сенам Муса фермани тепкилаб... э, йўқ, кечирма! Асло кечира кўрма! Нега деганда, хиёнаткорларни кечириб бўлмайди!

Гап ёмон — боланинг Муса фермадан қаттиқ кўнгли қолди. Шу дамгача, отаси ҳаётлигидаги каби, унинг отда дарвозадан кириб келиши ва уловини бурчакдаги охур ёнига қантариб, сўнг қўлидаги букланган қамчи билан тўни барини қоқиб-суққанча, ошиқмай, кенг ҳовли киндигида бўй ростлаган қайрағоч остидаги баланд супа томон юришини болаларча соғинарди. Қизиқ, отаси тириклигида ҳафта сайин келиб турарди, энди эса қорасиниям кўрсатмайди. Доно кўшниси ҳақ — отасига хиёнат қилди у! Кўзи тириклигида лаганлаган ошини еб, вафотидан сўнг унутди уни! Шуларни хаёлидан ўтказаркан, Муса фермага нисбатан боланинг юрагида кучли адоват ҳиси пайдо бўлди. Бу орада Чори доно гурунгни баттар қиздириб, дедики, худди сендай пайтимда Саҳат бригадир энамни қамчилади, нега даштга чиқмадинг, деб. Энам, энамга жўр бўлиб икки опам қашқирдай ув тортиб йиғлайди дегин. Бошда улар қаторида мен

ҳам ув тортдим, кўзимнинг сийдигини тоза оқиздим. Сўнг бирдан танамга ўйлаб қолдим, шошма, ахир мен эркакман, йигитман-ку, дедим. Ўзимга ўзим, ув тортмай ул, дедим. Ҳафта чора қидириб, охири ўч олмоқнинг йўлини топдим-да, тутзорга биқиниб, унинг келишини пойладим. Шомга қолмай отда ўтиб қолдилар, акам, минг қўйли бойдай гердайиб. Шу десанг, тутларнинг панасидан туриб, солдим бошига тош билан! Худди ўқ теккандай отдан тўнкарилиб тушди! Э-э, нимасини гапирай, ўт эдим, олов эдим, сенга ўхшаб дарахтга тирмашиб, қочиб юрмасдим. Ёмонлик қилишга ҳадди етган ҳар қандай касни, ким бўлишидан қатъий назар, бошлаб адабини бериб қўярдим. Хиёнатни-ку асло кечирмасдим! Ҳозир ҳам шу — сира кечириш йўқ!

Бу гурунг кўклам ўртасида бўлиб ўтганди.

Ҳозир эса ёз боши.

Чори донодан ўлгу олган бола шундан бери эшикларини унутиб қўйган Муса фермадан ўч олиш қасдида ёнади. Оқшом олди тутзорга биқиниб олиб, неча бор унинг йўлини пойламади дейсиз. Афсуски, барча уринишлари беҳуда — ҳар сафар отда даштдаги фермадан қишлоққа қайтаётган ғанимининг сокин, ўйчан чехрасига кўзи тушиши ҳамон бўғинлари ўз-ўзидан бўшашиб, қўлидаги тошни отмоққа ҳоли ва чоғи етмай қоларди. Сўнг тутзор ёқасига чиқиб, олислаб кетган суворий ортидан аламнак тикилиб қоларкан, газаб ва нафрат деганлари икки томонлама бўлмай туриб, қарши томонга қўл кўтариш ғоят душворлигини ўйлайди, Худодан Муса фермага ўзига нисбатан қаҳр беришини сўрайди. Кўча-кўйда рўпарў келиб қолар бўлса, атай қовоғини солишга уринади. Аммо, қани энди, Муса ферма унинг тумтайишларига эътибор берса — кўзи болага тушиши биланоқ худди айбдордек, хижолатомуз кулимсираб, сўрашмоққа тушади. Сўрашганда ҳам бошқалардек сўз деганини қалаштириб ташламайди: «Қалайсан?» дейди. Қолган лутфини қарашлари орқали ифода этади: «Катта йигит бўлаяпсанми, энанг, укаларинг яхши юрибдими, ишқилиб, ҳеч нарсадан зориқиш йўқми?» Шу орада чўнтак кавлашга ҳам улгуради ва, ширинлик олиб ерсилар, деган гапни кўйидаги йўсинда ифода этади: «Иниларингта...» Хайрлашаркан, нигоҳида ҳамиша ушбу маъно акс этади: «Ҳа-а, дўстнамнинг ули-я! Шу бўй-бастингни отанг кўрмай кетди-да!» Хуллас, бутун учрашув давомида унинг бор айтган гапи шу икки сўз бўлади: «Қалайсан?», «Иниларингта...»

Унинг бу ҳолати ўтмишни эсига солади. Отасининг тўрт-беш оғайниси бўлиб, улар орасида энг камсуқим, энг камгапи Муса

ферма эди. Яна бир айро жиҳати, паловни ўлгудек яхши кўрарди. Ошни катта-катта ошамлаб ерди. Сўнг бир четда гуруннга қулоқ тутиб, мийиғида жилмайиб ўтираверарди. Ўта ҳокисор ҳамда ўта хушфёллиги учунми, бола уни бўлакча яхши кўрарди. Мабода шу кунларда йўқлаб, атиги бир бора дарвозада кўриниш берса борми, бола қалбида алам ҳисидан асар ҳам қолмасди.

Афсуски, у қорасини кўрсатай демасди.

Бола тутзорда биқиниб ўтираверишдан зерикди. Бироқ ҳозир уйига бориш аждарҳо комига тушишдек бир гап — энаси бугунги қилмиши учун асло аяб ўтирмайди. Аммо оч қорин билан яна қанча биқиниб ўтириши мумкин? У бирдан қишлоқнинг жарга туташ қисмида турадиган аммасини эслаб қолди. Аммаси энасининг гирт акси — ҳар қандай ҳолатда ҳам аввал қорнини тўйгазиб, сўнг тергайди.

Амма оқил ва оғир аёл — сўзни беҳуда исроф қилмайди. У ҳафтада бир узун енгида, ойда бир чоғроқ бўз халтада озиқ кўтариб, ҳовлига кириб келаркан, қўшни қишлоқда турадиган жиккак хола-си каби қилган яхшилигини ҳеч вақт миннат қилмайди. Қўлидаги тўла бўз халтани супа четига кўяркан, негадир, ҳамиша қандайдир ийманиш оҳангида дейди:

— Мановуни... бўшатиб берасизми, келин.

Кўтариб келган тўрт дона тухуми учун сингисини алқайдиган энаси аммасига қолганда, бир оғиз лом-мим демайди. Мижжалари хиёл намланиб, супа четида оқариб турган халтага наридан кўз ташлаб кўяркан, аммасини эмас, бутунлай ёт бир кимсани назарда тутгандай, хўрсинганча, аста дейди: «Барака топсин!» Бўз халтани эна қолиб, ҳамиша бола бўшатади. Унда мошу гуруч ва бошқа турдаги озиқлардан ташқари, албатта, алоҳида тугилган озгина ширинлик бўлади.

Бола уни укалари билан талашиб-тортишиб ейди.

У яшил бўёғи униқиб кетган дарвозадан кириб борганида, аммаси ишком соясида кўрпа қовув ўтирган экан. У болага кўз қирини ташлаб, ошхонада кўйманиб юрган келинига қисқагина қилиб, чалоб, деди-да, тагин ишида давом этди. Бола унинг авзойидан бугунги воқеадан бохабарлигини дарров фаҳмлади ва юраги сиқилиб, сўри четига омонатгина чўкди.

— Тепароққа чиқ! — деди аммаси қўлидаги игна-ипдан кўз узмай. — Бу... нима ишлар қип юрибсан?

— Ҳеч нима, — бола тамшанганча ошхона томонга қараб кўяркан, тезгина ютадиганини ютиб, ура қочишни ўйлади.

— Хў-ўш, бу... нега энди Зарнигор қизнинг бошини ёриб юрибсан? — дея сўроқни бошлади амма, қачонки бола қўлидаги емакдан бўшаган косани дастурхон четига қўйгандан сўнггина тиззасидаги кўрпани нари суриб, қаддини ростларкан, оғир тин олиб.

Бола қия очиқ дарвоза томон кўз ташлаб, оёғини қўлга олишни хаёл қиларкан, ейилган таом ҳақ-ҳурмати бир муддат сабр қилиб ўтирмаса, уят бўлишини ўйлаб, шаштидан қайтди. Биладики, қилган гуноҳи учун аммаси уриб-сўкмайди, нордон гаплар билан сийлаб, тузлаб қўя қолади. Муҳими, бундай пайтда одоб сақлаб, бош эгиб ўтирмоқ лозим. Қилмишидан уялган, кўзини ёшлаган киши бўлиб, ора-сира атай шўлқиллатиб бурун тортиб қўйса-да зарар қилмайди. Аммо бу сафар бурун тортишга улгурмади, ҳайрати ошгандан ошиб, дастлаб англагани шу бўлди-ки, бугунги қилмиши ҳеч қанақа ваҳимага сабаб бўлмапти, яъни қизнинг онаси уйларига дов тўкиб бормабди. Воқеа қуйидагича — амма касал овсинини кўриб қайтаётса, шўрлик қиз қонига беланиб, кўчада йиғлаб турган экан, уни уйига бошлаб кирибди, бошини боғлашибди. Болани айблаш ҳеч кимнинг хаёлига келмабди. Қиз, итга отилган тош менга тегиб кетди, дебди. Буни дугонаси ҳам тасдиқлабди. Қисқаси, бу ҳодисадан энасининг мутлақо хабари йўқ. У эса, аҳмоқ бўлиб, кечгача тутзорда биқиниб ўтирибди-я. Вой, тентаги-ий!

Ўзига нисбатан ҳеч қанақа хавф йўқлигига тўла ишонч ҳосил қилгач, амманинг койишлари болага малол кела бошлади. Қарасанки, аммаси уни ғирт нодонга чиқараяпти. Ахир у нодон бола эмас, ганимдан ўч олмоққа қодир йигит-ку! Қачонгача бу аёл уни бола ўрнида кўради? Эя, қўли қийшиқ мерган деяптими? Ахир қишлоқда мендан ўтадиган мерган йўқ-ку. Керак бўлса, чумчуқнинг кўзидан ураман! Ия, иштони сўкилган шумтақаси нимаси?! Тагин, шу қизни сенга обераман, деганига ўласанми! Тавба, хиёнаткорнинг қизига уйланиб, эсимни ебманми мен! Уф-ф, тагин қўли қийшиқ мерган дейди-я!

— Ҳечам қўлим қийшиқ эмас! — деди охири боланинг сабр тўлиб. — Отаси учун ўч олдим! Тўғри-да, отам тириклигида кунда шунда эди, энам пиширган паловни лаганлаб ерди! Энди эса қорасиниям кўрсатмайди. Хиёнаткор у! Шунинг учун, ит баҳона, қизини урдим! Ҳали ўзиниям ураман!

Амма қаршисида ўзи билган бола эмас, кутилмаган мўъжиза туфайли, тўйқусдан эр йигитга айланган ўзга бир кимса тургандек анқайиб қолди. Шу анқайишда жиянига бошдан-оёқ зимдан кўз ташларкан, унинг ҳозирги ҳолатида марҳум инисининг сиймосини

кўргандек бўлди. Бир муддатдан сўнг, ҳа-а, бу улғайибди, болалиги қолмабди, деган тўхтамага келди-да, зардали оҳангда деди:

— Тул хотиннинг уйига номаҳрам эркак кириб-чиқиб юрса, қишлоқда нима гаплар кўпишини биласанми? Ё эл оғзига элак тутиб юрмоқчимисан?

Анқайиш навбати энди болага етди — Муса ферманинг келиб-кетишида бирор ёмонликни кўра олмаганидек, киши оғзига элак тутиб юришини ҳеч тасаввурига сифдиrolмади. Қизиқ, элакда ун эланади, бугдой эланади... қанақасига уни киши оғзига тутиб юриш мумкин? Аммам мени калака қилаяпти-ёв!

— Барибир ўчимни оламан! — деди ўжарлиги кўзиб, элак масаласига ақли етмаганини сездирмаслик учун.

Амма қовуётган кўрпасини тиззасига тортиб, сукутга ботди, недир сўраш ниятида қошига келган келинини имо билан нари ҳайдади. Сўнг болага синчков тикилганча, айтар сўзини ичида узоқ мулоҳаза қилди. Охири бир қарорга келди шекилли, қатор ишқом устунларидан бирига осиб қўйилган бўз халтага ишора қилди.

— Анову бўз халтани танияпсанми?

Аммасининг дарвозадан озиқа тўла бўз халта кўтариб кириб келишлари эсига тушиб, бола хижолатомуз бош эгди.

— Ҳи-и, нима бало, тилингни ютдингми, сасинг чиқмай қолди? — дея замзама қилди амма. — Ҳозиргина жуда бурро эдинг-ку!

— Танидим, сизники... — дея минғирлади бола, бўлак нима деярини билмай.

— Ҳа, у меники, — деди амма. — Аммо ичидаги емишлар Муса тофангники. Шўрлик, жўрамнинг сағирлари ҳеч нимага зориқмасин, ҳарна арқонга қил қувват, дея ҳар ой мен орқали силарга озуқа киритади. Манову жар ичидан отда кеп, анову дўнгда хуржинини бўшатиб кетади. Мен уларни бўз халтага жойлаб, силарга элтаман. Ҳар келганида, сувга ташладим, балиқ билсин, балиқдан ўзга бирор жон билмасин, хайми, янгажон, деб кетади. Мана энди, сен билдинг.

— Йўғи-ий, амма... — бу гапдан боланинг эси оғай деди. — Мен ўйлабманки, сиз... сизники бари!

— Йўқ, энгимдагиси меники... — Амма узун, кенг энгини аввал намоишкорана силкиб, сўнг ҳимаради. — Бўз халтадаги бари уники! Энди бор-да, миясига тош билан туширавер! Ахир сенда уят борми! Агар озгина уятинг бўлганида, қизини қизил қонига белармидинг!

— Нега ўзи... — бу савдонинг тагига етолмай, болапақирнинг боши қотади. — Нега ўзи обормайди, амма? Уйимизга ўзи оборса бўлади-ку.

— Жуда билгинг келаяптими? — Амманинг зардаси қайнаб, қош чимиради.

Бола, кўзлари жавдираб, бош ирғайди.

Амма бу гал феълига хос бўлмаган ўта кўрс оҳангда дейди:

— Ўзи оборса, одамлар уни энангга ўйнаш тутишади...

Бола ниманидир англаб, ниманидир англашга эса чоғи етиб-етмай ташқарига чиқди. Тўғри Муса ферманинг кўчасига борди. Аммо муюлишдаги оғоч дарвозага яқин бормоққа юраги бетламади. Юраги бетламади эмас, юзи чидамади. У олға жилишга истиҳола қилиб, кўча юзини супураётган манглайи танғилган қизга бир зум тикилиб тураркан, қалбида унга нисбатан чексиз акалик меҳрини хис этганча, ўз кўчаси томон қайрилди.

Кўча бошидаги бўйрадек ялангликда Чори доно ўзининг ўша «хиёнаткор» улфатлари билан яримтани майдалашиб, вағиллашиб ўтирар, айна шу тобда Муса ферма бўз халтанинг навбатдаги таш-рифини назарда тутиб, қишлоқ дўконидан марҳум дўстининг болаларига ширинлик — ҳолва харид қилмоқда эди.



## ЙЎЛАК

Қия очик оғир ва кўпол оғоч дарвоза тирқишидан якка кифт ҳолда сирғалиб ташқарилаган Мурод кўчанинг нариги бетига — икки ҳовли оралиғидаги энсиз, узун йўлак бошида тонгги эпкинда сокин тебраниб турган ёлғиз ўрик дарахтига ошиғич кўз ташларкан, енгил тин олди.

Хайрият қотинишмабди!

Кеча оқшом кўшни эркалар орасида бўлиб ўтган жанжалдан сўнг дарахтнинг омон қолмоғи қийин эди — бири дарахтни таг-томири билан кўпориб ташлаш қасдида, иккинчиси эса уни арра-лаб, болталаб, тандирга тиқиш жаҳдида роса гувранишганди.

Ўрикни зиён-заҳматсиз кўрган йигитчанинг кўнгли ётоғидан эндигина бош кўтарган эрта кўклам офтоби янглиғ чароғон тортиб, ўтган ёзда пишиқ-пукта асфальтланган кўча юзига, ярим тунда ёғиб ўтган жаладан қолган катта-кичик халқобларга, бошидаги лоларанг

тусдаги рўмолини қошигача тушириб, эшиги олдини супураётган икки уй наридаги янги тушган келинчакка бир-бир назар ташларкан, катталардек чуқур нафас олиб, тагин дарахт томон юзланди ва шу қиш ичи режалаштирган навбатдаги суратини бот кўз ўнгида гавдалантириб, бу сафар ўриikka умид ва синчковлик билан разм солди. Афсуски, аллақачон оппоқ гулга кириши лозим бўлган дарахт ҳануз уйкуда, новдалардаги пушти куртаклар шу созда миқ этмай турарди.

Ўрикнинг кеч уйғонишига гўё кўкда сузиб юрган булутлар айбдордек, у осмонга малолланиб боқди. Сўнг қўшни боғларга кўз югуртирди. Қизиқ, бошқа ўриklar аллақачон оппоқ гулга кирган, ҳатто ўз боғларидаги кечки икки ўрикнинг тепа шохлари оқиш тус ола бошлаган. Бу ўрик эса яланг даштда бўронда қолган чўпондек мунғайибгина турарди. Боз устига, бошқа ўриklar каби бўлиқ ва бўйчан ҳам эмас.

Катталар наздида, тенгқурлари қатори маза қилиб тўп тепиш, чиллак ўйнаш ёхуд бошқа ўйинлар билан машғул бўлиш ўрнига нуқул йўқ ердаги нарсаларнинг суратини чизиб юрадиган жиддий ва хаёлчан бу боланинг ниятидан бохабар одам: «И-и, мужрайган бу дарахтнинг нимасини чизасан, ундан кўра анову ўриklarнинг суратини сол. Савлатини қара, чимилдиққа қадам қўйган келинчакдай сузилиб туришларини қара...» дейиши тайин эди. Бироқ, ҳамма гап шундаки, уни мисли келинчакдай сузилиб турган қўшни ўриklar эмас, айнан йўлак бошидаги ушбу дарахт қизиқтирар ва мана неча кундирки унинг тезроқ гулга киришини илҳақ кутарди.

Суратда у йўлак пойини тилимлаб, адоқ томон ипдек чўзилиб кетган ингичка сўқмоқ бошида — биринчи планда, сўнг эса оқимтир тақир сўқмоқ акс этмоғи лозим эди. Мурод ўрикни ёнлаб ўтган сўқмоқни шунчаки бор ҳолича тасвирлаб қолмай, уни оч камалак тусдаги сирли фон — нелигини англаш ва идрок этишдан кўра, тасаввур қилиш минг чандон завқлироқ бўлган ўзга бир олам, яъни айнан мавҳумлиги билан дилга англарсиз сурур баҳшлайдиган ёндош олам бағрига сингдириш ўйида эди.

Сўқмоққа боғлиқ бу ғайритабиий шуур болага, эс-хушини танибдики, яқин йўлдош бўлиб, ҳалигача тинчига қўймас — андак хаёлатга эрк бериши ҳамон қалбида ўша ғаройиб ҳис қайта бош кўтарарди-да, натижада, у худди дунёни энди-энди таниётган гўдакдек сарпойчан сўқмоқ бўйлаб югургиси ва шу югуришда йўлак охиридаги нотаниш олам бағрига бутун вужуди билан шўнғиб кетгиси келарди.

Аслида сўқмоқ унинг хаёлат дунёсидаги сирли олам қучоғига эмас, бор-йўғи, йўлак адоғининг ўнг кунжагидан ўрин олган «етим эшик»ка олиб борарди, холос. Шу ўринда, мазкур йўлак хусусида яна шуни айтиб ўтиш жоизки, унинг ҳолати ва манзараси кўчалари бир тўқисда асфальтланган бугунги обод қишлоқ қиёфасига кўпда мос тушмасди — умрида сувоқ юзини кўрмаган пишиқ-пухта, баланд пахса деворлар тизими, бамисли тик жардай, икки ёнда қомат кериб турар, адоқдаги сертиканак чоғроқ бутазор ҳамда тақир сўқмоқ ёқасида бултурдан қолган янтоқ, каврак ва яна аллақандай тиканлар йўлакка ёввойи дашт тусини бериб, кенг кўча ҳуснига ярашмайроқ турарди. Агар четроқдан туриб қаралса, негадир ҳануз уйғонишга ошиқмаётган ўрик дарахти ораста кўча бўйида эмас, кенг даштда кўп учрайдиган жарликлардан бири оғзида бўй чўзиб тургандек туюларди. Хуллас, бошқалар назарида, қаровсиз торкўча мақомига эга бўлган йўлакнинг айнаи шу ёввойи ҳолати болага ғоятда қадрли бўлиб, юқорида таъкидланганидек, гўдаклигидаёқ уни адоқдаги сирли олам сарҳадига элтувчи афсонавий йўлка сифатида тасаввур этарди. Ҳолбуки, адоқдаги сирли олам, яъни кунжакдаги «етим эшик»нинг сўл қаватини энлаб тушган қуюқ буталар ортидаги пастак девордан нариси кеча оқшом ўрикни болталаш жаҳдида хийлагина қуюшқондан чиққан Содиқнинг томорқаси эди.

Анчайин мўмин феълли Содиқнинг ҳовли-жойи кенг бўлиб, ранги униққан каттакон дарвозаси кўча четидаги чоғроқ майдонга қараган, бир одам базўр сифарли йўлак пучмоғидаги «етим эшик» эса, Содиққа қасдма-қасд ҳолда, ўрикни таг-томири билан кўпориб ташлаш ниятида ўзича обдон чиранган Бозор бодига тегишли эди. Дарвоқе, унинг шаҳар нусха каттакон дарвозаси қўшни кўчага қараган эса-да, «етим эшик» боис, Бозор боди бу кўчанинг ҳам одами ҳисобланарди.

Бироқ бу эшикдан кирди-чиқди жуда кам эди.

Агар гапни сал наридан бошлайдиган бўлсак, йўлак ўрни, кеча Бозор боди даъво қилганидек, унга эмас, аксинча Содиққа қарашли эди. Қай бир йили энаси Машир кампир яқин дугонаси бўлмиш Норчучук кампирнинг кириб-чиқмоғи ҳамда келиб-кетмоғига ўнғай бўлиши учун ҳовлисининг бир ёнидан, бор бўйича, йўлакка жой ажратиб, раҳматли чолига деворни икки қулоч беридан олдиртирган эди. «Етим эшик» дейилишига келсак, буни Норчучук кампир ўйлаб топган, ўзимдан бўлак сўровчиси — кириб-чиқувчиси йўқ, етимгина эшигим, деган.

Мурод уларни яхши эслайди.

Йўлакда ирғай ҳасса тутган Норчучук кампир пайдо бўлиши билан бу ёқдан урчуғини кўтариб, сўл қулоғига райҳон қистирган, Машир кампир чиқиб келар, сўнг икки дугона дарвозанинг ўнг биқинидаги қорайган харига ёнма-ён чўкканича, одатдагидек, эзмаланиб гуруннга тушишарди.

Кампирлар бирин-сирин дунёдан ўтишгач, улардан хотира бўлиб ушбу ёввойи йўлак қолди. Агар кеча Бозор боди ўзича қилиқ қилмаганида – бодиликни обдан қиёмига етказишга уринмаганида, йўлак ўрни ўзга бировга эмас, айнан ўзига тегишли эканлиги икки дунёда ҳам Содиқнинг эсига келмасди.

Бари ҳеч кутилмаганда содир бўлди.

Содиқ табиатан дала одами эмасми, юмушсиз қиш-қировли кунларни ўлгудек ёмон кўрар ва бекорчиликдан ториғиб ўлиш даражасига етганча, ҳар сафар кўклам келишини зор-интизор кутарди. Ана шундай интиқиб юрган кунлардан бирида дарвозаси ортига қандайдир машина келиб тўхтади-да, чўзиброқ сигнал берди.

У, меҳмон-пеҳмон келди-ёв, деган ўйда шошиб ташқарига йўналди. Қараса-ки, қаймоқранг, яп-янги машина дарвозасига тумшуқ тираб турибди, улов эгаси Бозор боди эса машина эшигини ошиқмай қулфляпти. Содиқ шу яқинда уни машина сотиб олганини эшитган ва ҳали қутлашга улгурмаган, шу сабаб, бошда жиндек хижолат тортди. Сўнг, ҳечдан кўра кеч, дея муборакбод этмоқ ўйида, илжайганча, у томон интилди. Бироқ чўзилган қўли ҳавода муаллақ туриб қолди. Раҳматли кампирларнинг хоҳишига кўра, тўн ёпинишган дўсти – Бозор боди, кўзлари тўла кибр, кеккайганча осмондан боқиб турарди. Бу ҳолдан Содиқ уни отлиқ, ўзини эса пойи пиёда ҳис этди. Бундан дили оғринса-да, дўстининг бу хил куракда турмайдиган ажабтовур қилиқларига кўниккан эмасми, аввалига эътибор бермасликка уринди. Бироқ қани энди, Бозор боди ҳаялламай, тезроққина пастга туша қолса, йўқ, қайтамга қошида қимтиниб турган дўстини ҳатто чумоли ўрнида кўргиси келмай, таниш бир оҳангни димоғида хиргойи қилганича, қўлидаги бир талай калитларни атай шиқирлатиб, солланиб йўлак томон юрди.

Содиқ, шусиз ҳам сиқилиброқ турган эмасми, бирдан жини кўзиди, ўзини тутолмай, машинанинг олд филдирагига ўхшатиб бир тепти. Оёғи тегиши билан машина бор овозда «дод»лашга тушди. Уловининг тепкиланиши Бозор бодининг иззат-нафсига теккан эса-да, сир бермасликка тиришди, виқорла ўтирилганча, гўё ёш болани тергагандай деди:

– Ув-в, мошинга тегма, нари тур!

Машинанинг бехос «фарёд» кўтаришидан қаттиқ чўчиб кетган Содиқ, ранг-қути учганча, ҳануз ғўдайиб турган улов эгасига айбдорона боқаркан, дафъатан, унга ҳам ҳаваси, ҳам ҳасади келди. Аммо зумда ҳаваси ҳасадга қоришиб, кўнглида нохуш бир туйғу — ғаламислик қанотланди-да, йўлак ўрни манови ғўдайган «отлиқ»қа эмас, «пиёда»га, яъни ўзига тегишли эканлиги бирдан, ўз навбатида, илк бора эсига тушди, ҳатто шунча ер бекордан-бекорга ётганига ичи ачишиб кетди. Етар, эртадан «етим эшик»ка тамба ураман, йўлакни бўйлатиб-бўйлатиб, қаторлатиб-қаторлатиб терак экаман, дея қатъий қарорга келди.

— Ортиқ бу томонда қорангни кўрмай! — деди ўзига эрмак топилганидан ичдан қувониб. — Эртан йўлак тўрини ёпаман! Ҳи-и, нега безраясан? Нима, йўлак ўрни сенга эмас, менга товунлигини билмайсанми?

Бозор боди буни биларди. Билса-да, бу нарса жондек жўраси томонидан, худди манглайига ургандай, алоҳида таъкидланишини сира кутмаган — энсасига бехос туртки еган одамдай, бир қалқиб тушди. Алам ва ҳаяжони зўрлигидан лаблари қуруқшиб, бояги виқоридан асар ҳам қолмади. Бир хаёли, шу қаровсиз йўлак сенга керакми, ана, ол, тўй, дея ўзича этак силтаб, аразлаб кетмоқчи бўлди. Бироқ алам араздан устивор келди — йўлақдан осонликча воз кечмасликка аҳд қилди. Аммо бунинг учун жўяли бирор баҳона топиши лозим эди. Айни шу аснода унинг кўзи ўрикка тушиб қолди.

— Бекорнинг бештасини айтибсан! — деди кўрққан олдин мушт кўтарар қабилида. — Биласанми, манову ўрикни ким эккан? Менинг энам эккан. Демак, йўлак сенга эмас, менга тегишли! Унутма, ўрик — бу белги! Энам менга шундай деган. Шунинг учун йўқ ердаги гаплар билан кўп бошимни қотирма! Эмасам, бекордан-бекорга тебалашиб қоламиз!

Ўрикни унинг энаси — Норчучук кампир эмас, омон бўлсак, соясига тўшамча ташлаб, сўйлашиб ўтирамиз, дея Машир кампир кўшни болаларга эктирганди. Ўша болалар орасида аллақачон эсини таниб улгурган кичкина Мурод ҳам бор эди. Ўшанда Машир кампир ҳовлисидан кўтариб чиққан кўчатни унга узатган, у эса уни нарида чуқур қазиётган болаларга обориб берган. Сўнг эса кампирлар томонидан тез-тез улашиб туриладиган ширинлик илинжида, улар қаватига чўккан ва қуйидаги гуруннга гувоҳ бўлган.

— Бунинг тутмайди-ёв, Машир, — деган Норчучук кампир бу ишга кўпда рўйхушлик бермай. — Тутсаям, кўй-эчкилар кўймайди, каллаклар кетади.

— Тутмаганига қўймайман, — деган Машир кампир қўчат тубига тупроқ тортаётган болаларга кўз-қулоқ бўлиб. — Бунга ўзим қараб тураман.

— Бундан кўра тиканак эктирганинг дурустмиди дейман-да.

— Ўл-л, сен, ҳеч тиканакка тўймас экансан-да.

— Тиканаклар олис даштдаги тувган овулимни эсимга соп туради-да...

— Янги тушган келинмидинг, бунча овулимлайсан...

— Тиканакларнинг ҳидиям бошқачада бўлади-да...

— Сен тиканак ҳидлама, райҳон ҳидла!

— Йўқ, менга тиканаклар иси ёқади.

Кейинчалик Мурод шуни англаб етди-ки, йўлакнинг ёввойи рухсори Норчучук кампирнинг даштпарастлиги туфайли экан. Йўлак тўридаги сертиканак ёввойи буталарни ундирган ҳам, сўқмоқ ёқасидаги янтоқ ва бошқа хил дашт ўсимликларининг эмин-эркин ўсмоғига тўла изн бериб, уларга кетмон урдирмайдиган ҳам у эди. Бола Норчучук кампирнинг ёлғиз йўлак бўйлаб хаёлчан сайр қилиб юришларини кўп бора кузатган. Айтганча, сайрчилардан яна бири — унинг ўзи эди, ялангоёқ ҳолда сўқмоқ босиб юришни ҳаддан зиёд яхши кўрарди. Айниқса, йилнинг илиқ-иссиқ кунларида йўлак салқин ва ғоятда оромбахш бўларди — кампир атай эктирган шувоқлардан ёқимли бўй таралган, ўт-уланлар орасида турли майда жониворлар питирлаган, гимираган, турфа ёввойи чечаклар узра капалаклар қанот қоққан, икки ёндаги девор юзи эса катта-кичик калтакесаклар билан «безанган»... Бунинг бари — Норчучук кампирнинг мулки, сўнгги нафасигача тилидан қўймаган ўша олис даштнинг бир бўлагиди эди.

Кампирнинг вафотидан кейин йўлак шу созда — ёввойи ҳолича қолди, уни саришталаш Бозор бодининг хаёлига келмаганидек, бу нарса, шу кунгача кераксиз ҳудуд санаб келингани боис, Содиқни ҳам ортиқ безовта қилмасди.

Чунончи йўлак эгаси — Норчучук кампир Содиққа бегона эмас, онаси қатори азиз бир инсон эди. Аммо Бозор бодининг йўқ ердаги даъвосидан сўнг момонинг нурли сиймоси хира тортиб, мархумага нисбатан Содиқнинг юрагида биринчи бор ётлик ҳиси пайдо бўлди. Бу шўр ишларнинг барига ўша тиканакпарвар кампир сабабчи, деб ўйлади. Ва шунингдек, энаси — Машир кампирдан ҳам ўпка-гина қилишни унутмади, аслида барига сиз айбдорсиз, эна!

— Такрор айтаман, бу белги — ўрикни менинг энам ўз қўллари билан эккан! — деди жўрасини бир зум хаёлга толишини ўзича

тушунган Бозор боди баттар қариллаб. — Шунингчун кўпам ўзингдан кетаверма!

— Энанг? — Содиқ, бунинг эси бутунми ўзи, деган маънода унга ёнлаб қараркан, сўнг ҳар бир сўзини чертиб-чертиб деди: — Бу ўрикни умр бўйи ҳассадан ўмган узолмаган энанг экибдими?

— Унда сени энанг эккан экан-да, а? — деди Бозор боди унинг шаъмасини англаб.

— Эмасам-чи.

— Агар шу гапинг чин бўлса, — Бозор боди энди ўрлик отига минди, — шу тундан қолмайди бу! Анову Тоҳир жўрамнинг трактрини миниб келаман-да, кўрасан, таг-томири билан суғуриб ташлайман!

— Овора бўлмай кўя қол! — деди Содиқ ундан улгу олиб. — Агар бу ўрик чинданам энанг айтган белги бўлса, билиб кўй, мен бундай-чикин шум белгини эшигим олдида кўклатиб қўймайман! Болтанинг остига оламан! Ҳа, майдалайман, бурдалайман, тандирга тикаман, ўчоққа ўтин қиламан! Танасидан тамба йўниб, «етим эшик»-ни бир умрга таққа-тақ ёпаман!

— Сен?.. — жанжални кутилмаганда бу тахлит жиддий тус олишдан Бозор боди андак саросималанди.

— Ҳа, мен!

— Ахир йўлақда энамнинг излари қолган-а...

— Бор эди, энди йўқ!

— Шу гапни сен айтаяпсанми?

— Нима, шубҳанг борми?

— Яқин жўрам...

— Эди... — Содиқ унинг оғзига урди. — Энди у йўқ!

— Нима, тўнгиз кўптими?

— Ундан баттари...

Бозор боди сўз қидириб, чайналиб, бирпасда дўстан ганимга айланган жўрасига қаншари остидан хўмрайиб боқаркан, алами кўзиб, хўрлиги келиб, ич-ичидан ундан қаттиқ ўпкаланди: «О-о, номард, шу биргина эркалимимни кўтара олмадинг-га! Тагин бу кишим тўн кийишган дўст эмиш!..»

Бу жиҳатдан Бозор боди ҳақ эди.

Унинг режасига кўра, Содиқ, доимо тўсатдан бодилиги тутиб қоладиган жўрасининг бу галги қилиғига ҳам, одатдагидек, кўпда эйтибор бермай, аввалига ҳавас ва иштиёқ билан машина атрофини айланиши, о-о, зўр-зўр, бизгаям буюрсин-бизгаям буюрсин, дея улов сиртини силаб-сийпалаши, худди улоқчи отни эркалагандай,

енгил-енгил шапатилаши, сўнг эса нарида жўрттага гўдайиб турган боди жўрасига юзланиб, ув-в, хода ютган, бодиланмай, берман ке энди, биргина бовримга босай сени, дейиши лозим эди.

Бозор боди шуни кутганди.

Қутловдан сўнг машина капоти устига кичкина дастурхон ёзиб, олдинги ўриндиқда ётган икки шиша ароқдан бирини жўраси билан баҳам кўрмоқчи эди.

У шу ширин ниятда бу томондан юрганди.

Афсуски, Содиқ барини расво қилди.

Кечаги бу жанжалнинг бугун қайта кўпишидан хавотирланган Мурод ёввойи йўлак манзарасини тезроқ полотнога муҳрлашга аҳд қилди. У мактабга боришнияма унутиб, отаси юмушга отланиши билан дарров ишга киришди. Аввалига кишилар диққатини жалб этмаслик учун мольбертни боягидан кўра, хиёл кенгроқ очиб кўйилган дарвоза ортига ўрнатди. Сўнг...

У ошиқарди.

Ўрикнинг гулга киришини кутиб ўтиришга энди унинг фурсати йўқ — бир хуруждан фавқулудда омон қолган дарахтга исталган пайтда болта урилиши мумкинлигини англаган ҳолда мўйқаламни кўлига олди.

Қизик, йўлак бир четда қолиб, нечун улар нукул ўрикка ёпишишди экан, а?

Бола мана шунисидан ҳайрон эди.

Ота кечки пешинда маҳзун бир кайфиятда уйга қайтганда, сурат яқунлаб қолган — бола қутлашга арзигулик ишни ниҳоялашга улгурган, йўлак оғзидаги мудроқ ўрик ҳамда адоқ томонга чўзилган оқиш тусдаги сўқмоқ бир-бирига уйғун ҳолатда бинойидек тасвирланган эди.

Бироқ ота, одатига хилоф равишда, бу сафар суратга қия боқмади. Уйга кириб, зумда кийимини алмаштириб чиқди-да, дарвоза ташқарисида туриб кимнидир кута бошлади.

Кўп ўтмай қаршидаги дарвозадан кўчалик тўнини эгнига илиб Содиқ чиқди.

Салдан кейин уларга яна икки киши келиб кўшилди.

Кўшнилар бир уловга жам бўлиб, бугун тушга яқин катта йўлда фалокатга йўлиққан Бозор бодининг ҳолидан хабар олгани туман марказига жўнашди.

Бу воқеадан огоҳ бўлган бола куйинишиниям, суйинишиниям билолмай боши қотди — куйинай деса, ушбу фалокат туфайли ўрик омон қолди, унга қотиниш энди кимнинг ҳам кўнглига сиғарди

дейсиз; суйинай деса, ўз майлида дайдиб юрган бирор-бир саёқ ит эмас, одам боласи ҳалокатга учраган — қувониш уят.

У пароканда хаёлларини жамлаш ва жиловлаш ниятида суратга олислаб боқаркан, унда нимадир етишмаётганини ичдан туйди.

Нима экан?

Аммо шунча уринса-да, тополмади.

Оқшомни қоралатиб уйга қайтган отасидан шу гурунгни эшитди. Боши бинтланган, синган оёқлари осилган Бозор боди йиғлаб Содиққа деганмиш: «Жон дегани чумчуқдай ҳуркак, умр дегани тонгги шудрингдай омонат нарса экан, жўра! Буни билиб-билмай, талашган нарсамизни қара-я! Уятдан ўлай деяпман! Кечир мени! Кечирмасанг бўмайди! Эсим оғиброқ ётганида, энам... йўқ, эналаримиз тушимга кириб, тоза мени буровга олишди! Ишқилиб, ўриққа тегмадингми? Хайрият-хайрият! Тегма, асло тега кўрма унга!..»

Бу гапни эшитган Мурод суратда нима етишмаётганини дарров фаҳмлади. Суратда бири райҳон ҳидини, иккинчиси эса, аксинча, ёввойи ўт-уланлар исини севадиган ва бундан ҳам кўра, оқшомлари кўчани шовқинга тўлдириб ўйнайдиган болаларни меҳрла тергаб ўтиришни хуш кўрадиган ва кўнгиллари бу олам айвонидан ҳам кенгроқ бўлган — Машир ва Норчучук кампинг нуроний сиймоси етишмасди. Боланинг назарида, уларсиз нафақат бу ёруғ олам, ҳатто дарвоза биқинидаги кўҳна хари ҳам ўксикдек эди.

Момоларга боғлиқ нурли хотиралар гирдобида қолган бола шу кеч бўлак бир нохушликка дуч келди — отасидан не гаплигини билиш ниятида чиққан қўшни эркаклар йўлига Бозор бодининг абгор аҳволига ачингандек бўлишди-ю, сўнг уни бутунлай эсдан чиқаришиб, ҳафтага етмай дабдаласи чиққан янги, янгигина эмас, яп-янги машина ҳангомасини бошлаб юборишди.

Гурунг қатига яширинган лоқайдлик, лоқайдликдан ҳам кўра, пинҳоний мамнунлик ҳисини туйган бола даврадагиларнинг бари-ни йиғнаб, қора-қура ранглар уммониغا итқитгиси ҳамда уларнинг асил қиёфасини ушбу бўёқда акс эттиргиси келди. Бироқ бир муддатдан сўнг эса бу хаёлий истакдан тезда воз кечди — бисотида мавжуд бўлган бир донагина қора сиқма мойбўёғини қизғанди — уларни ҳатто салга чапланиб, ўчиб кетадиган жўнгина сувбўёққа ҳам арзитмади.

Эртаси тонгда эса ғаройиб манзарага рўпарў бўлди ва бир тунда оппоқ гулга кирган ўрик қаршисида анг-танг туриб қолди.

Бу не синоат?

Бироқ бу олам синоатларини англашга у ҳали ожиз, жуда ожиз эди.



## БУЛОҚ

Кўҳна булоқ қаватидан, ерга ярим ботган қизғиш харсангтош биқинидан янги булоқ кўз очганида, олатасир кўклам жаласи энди-гина тинган, ёмғир ювган ям-яшил майсалар мисли увада пахтадек титилган булутлар орасидан чўчиброқ мўрамамоққа тушган куёш нуридан ял-ял товлана бошлаган, хув наридаги ёнбағирликка сочилган паст-баланд буталар эса намдан залвор тортган, эгилган нозик новдаларини тезроқ селгитиш умидида ҳар ёмғирдан сўнг кунботиш томондан кўзголадиган эпкинни илҳақ кутиб, қўнишибгина турардилар. Улар эпкин эсиши билан жонланиб, роҳатланиб адоқсиз кўшиқлари — шитир-шитир ва шивир-шивирини бошлаб юбориш илинжида эдилар.

Кўп ўтмай бўлиқ майсалар бошини силаб-сийпалаб, эшилиб-эркаланиб энгил эпкин ҳам етиб келди. Ёнбағирликдаги яшил буталар шодланиб, кулранг япалоқ тош тагини макон тутган чумолилар ғимирлаб қолди. Бироқ инлари оғзидаги ёмғир сувидан ҳосил бўлган кафтдек қўлмакча уларга бамисоли уммондек кўринди шекилли, тараддудланганча туриб қолишди. Бу орада аввалига қаердандир оппоқ капалаклар пайдо бўлиб, сўнг визиллаганча арилар етиб келди. Улар майсалар оғушидаги турфа ранг митти чечакларни танлаб-танлаб «бўса» олмоққа тушиб кетдилар.

Куёш қиздириб, ер селгигани сари теварак тобора жонлана бошлади.

Эндигина кўз очган булоқ учун буларнинг бари жуда қизиқ, жуда ҳайратланарли эди.

У оламнинг бу қадар фусункорлигидан ҳаяжони тошиб, ғайрати жўшиб, шўхчан-шўхчан шилдиради.

Овози тиниқ ва ўта нафис эди.

У ўз овозига ўзи маҳлиё бўлиб, янада қувноқроқ чулдирашга уринди. Бироқ унинг бу тахлит тўлганиши-ю тўлқинланишига эътибор берувчи бўлмади. Борлиқ ўз майлида тўлиб-тўлиқиб яшнарди, ялтирарди: яшил майсалар баҳорнинг бу илиқ-иссиқ кунлари му-

ваққатлигини сезгандай, енгил эпкин измида беармон эркаланар, турфа хил мўъжаз чечаклар ўпич умидида бошлари узра тинмай визиллаётган ариларга нозу карашма қилишар, оппоқ капалаклар эса, умрлари атиги бир неча кунлик бўлишига қарамай, худди бу дунёда мангуга қоладигандек, оламга сифмай майсадан гулга, гулдан майсага учиб қўнишарди. Дарвоқе, чумолилар офтобда қурий бошлаган кўлмакни ёқалаб ўтиб, аллақачон узун карвон ҳосил қилганди.

Янги булоқнинг сўраб-суриштирадиган нарсалари жуда се-роб эди. Минг афсуски, шундоққина ёнгинасидан, бу дунёга бегонадек, сассиз-садосиз, ҳорғин ва толғин оқаётган кекса булоқ унинг барча саволларини жавобсиз қолдирмоқда эди. Бунга сари энди кўз очган булоқнинг қайнаб тошгиси ва ўзининг дилбар қўшиқлари билан бутун борлиқни шодликка кўмиб ташлагиси келарди.

Унинг кекса булоққа берган сўнгсиз саволларидан бири охири шу бўлди:

— Нечун бунча ғамгинсиз?

Кекса булоқ бу сўроқни ҳам одатдагидек жавобсиз қолдириб, маҳзун оқишда давом этди.

— Қарибсиз... жуда қарибсиз! — бу таъна янги булоқнинг тилидан беҳос кўчди ва сўнг одобсизлик қилганини фаҳмлаб қолиб, хижолатомуз чулдираб қўйди.

Кекса булоқ эса унинг мавжудлигини пайқамагандай, ўша-ўша лоақал қия боқишни лозим топмади. Бундан янги булоқнинг ёмон алами кўзиди. Кўҳна булоққа қасдма-қасд, тиришиб-тирмашиб ўзига янги ўзан оча бошлади. У йўлида учраган майсаларга салом бериб, уларнинг олқишидан роҳатланиб, тўлғаниб-тўлғаниб оқди. Табиатан шўх эмасми, рўбарў келган қурт-қумурсқаларни елкасига опичлаб қитмирланиб-қитмирланиб оқди. Ундаги бу тизгинсизлик соз тупроқли дўнгликкача давом этди. У йўлида учраган тўсиққа манглай уриб тўхтаркан, бу нимаси дегандай, бир зум анг-танг туриб қолди. Бир қарашда, энди унинг кекса булоқ оқимиға кўшилмоқдан бўлак иложи йўқдай эди. Аммо у бўй беришни истамасди. Шунинг учун зўр сабр-бардош билан дўнглик четини юмшатиб, аста «кемира» бошлади.

У ёш ва кучли эди.

Соз тупроқли дўнглик унинг тиришқоқлигига бардош беролмай, нурай-нурай, охири бағрини очди. Янги булоқ ўзининг дастлабки ғалабасидан беҳад шодланиб, тевааракка голибона бир қур на-

зар ташлади. Кўрдики, кекса булоқ ўзанидаги сувнинг мазаси йўқроқ. Бу туришида узоққа борадиган эмас. Бироқ у йўқ-бор нарсалар ҳақида бош қотириб ўтиришга ҳали одатланмагани боис, дўнгда ушланиб қолганлик ҳиссасини чиқармоқчидай, шиддатла олға интилди. Ва тезда шуни англадики, ўзининг кўз очганидан майсалар хурсанд. Ана, чечаклар ҳам эпкинда чайқалиб-чайқалиб чапак чалмоқдалар. Оппоқ капалаклар эса, назарида, бошидан нари кетмай қолди. Бундан у ўзида йўқ масрурланиб, чулдираганча қўшиғини энг авж пардасига чиқарди. Наздида, қўшиғини бор жумлаи жаҳон жон қулоғи билан тинглаётгандек эди. Йўқ, унинг шўх ялласини ҳамма ҳам тингламаётган экан. У кутилмаганда ҳавони титратиб юборган қаҳрли овоздан чўчиб тушди. Атрофга аланглаб, ҳали умрида кўрмаган жонзотлар — икки нафар одам боласига нигоҳи тушди. Улар тизза бўйи кўтарилган тошдевор ёнида бир-бирига хезланиб туришарди. Боягидек қаҳрга тўла хитоб бу сафар янада баланд оҳангда такрорланди.

- Мен сенга девор эгирма деганман!
- Эгираман!
- Кўлингни уриб синдираман!
- Синдириб бўпсан!
- Этингни бурда-бурда қип ташлайман!
- Мен сенинг этингни сихга тортаман!

Бу пайтда энди кўз очган булоқ навбатдаги чоғроққина дўнгликка етганди. У теваракка тузукроқ разм солиб, ўзича не гаплигини англамоқчи бўлди. Бироқ, турган гап, ҳеч вақога ақли етмади. Ҳалиги иккисининг жанжали эса, борган сари баттар авжланарди. Уларнинг бақир-чақирга паррандалар дош беролмади, биринчи бўлиб улар нари учиб кетдилар. Сўнг булоқ бўйидан капалаклар узоқлашиб, кўп ўтмай ариларнинг ҳам уни учди. Чечаклар бўй таратишдан тийилиб, майсалар қўнишиб олди. Фақат кўпни кўрган кекса булоққина бепарво, одатдагидек, бамайлихотир оқишда давом этарди.

У жуда кекса эди. Кўп эмас, оз эмас, нақ минг ёшни уриб қўйганди. Шунинг учун ҳам бу дунё ишлари ҳақида кўп нарсаларни билар ва бир олам воқеа-ҳодисаларга гувоҳ бўлганди. Фақат ҳамма бало шундаки, унинг дарди ва хотираларини тингловчи йўқ эди. Қаватида чулдираб оқаётган янги булоқни эса, бу ҳали гўдак, ниманиям тушунарди, деган ўйда ўзига тенгситмай турарди.

Янги булоқ йўлига кўндаланг бўлган бу дўнглик замини тошлоқ экан, шунча уринса-да, тўсиқни емиролмади. Оқибат, у сўлга қайрилишга мажбур бўлиб, кекса булоқ ўзанига янада яқин келиб

қолди. Лекин ҳали ҳавоси жуда баланд эмасми, унга қўшилмади ва нишобликдан фойдаланиб, ортиқча азиятсиз илгарилай бошлади.

Бу орада ҳалиги кимсаларнинг бақир-чақириғи кучайгандан-кучайиб, улар қаторига икки аёл ҳам қўшилганди.

Энди кўз очган булоқ тўлғаниб, жаҳл билан чулдиради:

— Булар ким, нега бунча бақаришаяпти, а?

Кекса булоқ қаватида шилдираб оқаётган ҳамроҳига илк бор назар соларкан, чуқур уҳ тортиб деди:

— Булар пастдаги кўшнилари, сен билан мени бўлишолмай хуноб бўлишмоқда.

Янги булоқнинг нигоҳи шундагина қуйидаги қишлоқни ва берирокда қўнқайган икки кулбани илғади.

— Нега энди бўлишаркан, нима, бизнинг уларга қарашли жойимиз борми? — деди у ичи ёниб.

— Йўқ, биз ҳеч кимга қарашли эмасмиз.

— Унда нега улар бизни талашшяпти?

— Нодонликлари туфайли.

— Нима дегани у?

Кекса булоқ ортиқча изоҳга хоҳиш сезмади. Нимага деганда, «нодонлик»нинг нелиги сўзнинг ўзидан аён, уни ҳижжалаб тушунтирмоққа не ҳожат, деган хаёлда тагин сукутга толди.

Кекса булоқнинг ўйлайдиган, хотирлайдиган нарсалари мўл эди. Кўпи унутулиб, кўпини яхши эслаб қолганди. Эсида, юз йилнинг нарисиди ҳозирги қишлоқ ўрни бийдек яйлов эди. Ёз олди яйловга чорвасини ҳайдаб чиқадиган чорвадорлар ҳамиша булоқ бўйини макон тутардилар. Ўтовлар тикиб, кузни шу ерда охирлатардилар. Кундузи молларини боқиб, тунлари олов атрофида алламаҳалгача ўйин-кулгу қилишарди. Кекса булоқ бу фараҳбаш дамларни, ўзидан сал наридаги тошлоқ сайҳонликда ёқиладиган катта гулханни ва гулхан билан шуъла талашган осмон тўла юлдузларни, тўлин ойли тунларни ҳеч унутолмайди, ҳали-ҳануз қўмсайди.

Кейинчалик яйлов ўрнига бирин-сирин томсувоқ уйлар туша бошлади. Қишлоқ кенгайгандан кенгайиб, ажабтовур замонлар бошланди. Учли қалпоқ кийганлар у ён-бу ён от қўйиб ўтдилар. Алп келбатли йигитлар улар билан аёвсиз олишдилар. Бу нотинч замонларда кекса булоқ суви кўплаб одамларни — яхшиниям, ёмонниям қонини ювди, ташналигини қондирди. Ўқ ва тигдан яраланган не-не азаматлар бир қултум сув илинжида унга етолмай шаҳид бўлиб кетдилар.

Ундан наридаги замонлар ҳам ажабтовур ва ҳар бири ўзига хос бир тарих эди. Лекин шу пайтгача ҳали ҳеч ким бугунгидек булоқ талашиб жанжаллашмаганди. Бу ҳол кекса булоқ ҳаётида илк бор юз бермоқда эди.

Янги булоқ ўзининг кимгадир тегишли бўлишини ҳеч ҳазм қилолмади. Чулдираб савол деганларини қалаштириб ташлайверди. Унинг бу феъли, яъни бировга тегишли бўлишни ис-тамаслиги кекса булоққа жуда ёқиб тушди. Меҳрини ийдириб, кўнглини юмшатди. Бу қишлоқ одамларининг барини танигани боис, кексаларга хос эзмаланиб, воқеани ўзи билганича ҳикоя қилишга тушди.

Кекса булоқнинг фикрича, ўрдаги-қирдаги нарсаларга девор эгиришни аввалига Рауф мўнди бошлаб берган. У тоғ бағридаги дўло-назорни тошдевор билан ўрай бошлаганида, одамларигина эмас, қиш-лоқнинг бурга босган мушугию чўлоқ итигача ҳайрон қолган. Рауф мўнди деганлари тошдеворга жуда кўп куч сарфлади. Ҳадеб тош кўтараверганиданми, чурраси тушиб, мана энди яримжон бўлиб ўтирибди. Не машаққатлар билан кўтарилган тошдеворининг ярми ағнаб, ярми ўпирилиб ётибди.

Бир-бирига ҳезланган кўйи, ҳануз бақир-чақир қилаётган манову иккисига келсак, фикри бузуқлик аввал бошда Товқора чўтирдан чиққан. Ёнбағирликка туташ нишобтоб сайҳонликда жойлашган бу булоқ суви ҳар иккисининг томорқаси оралиғидан ўтиб, наридаги сойга бориб қуйилади. Фарқли жиҳати, булоқ кўзи Товқора чўтирнинг томорқасига хиёлгина яқинроқ эди. Шу бир куни тонгда у ювиқсиз бет билан ёнбағирликка чиқиб келади-да, ҳали уйку тўла тарк этмаган мудроқ нигоҳини теваракка югуртириб, ўзича ниманидир қидиргандай бўлади. Бу унинг азалий одати, тонгдан вайсашга тушадиган аёлининг овозини эшитмаслик учун кўпинча ёнбағирликдан паноҳ қидиради. Четдан қараганда, у табиат гўзаллигига маҳлиёдек туюлади. Аслида эса гўзаллик уни мутлоқа қизиқтирмайди, бу каби нозик туйғулар унга етти ёт бегона. Кўзи очигу, лекин ҳеч нарсани кўрмайди. Лекин бу сафар у Рауф мўнди эгирган тошдеворга негадир ўзга бир йўсинда назар ташлади. Тошдевор алақачон заволга юз тутган эсада, ундан куйидаги ном қолган: «Рауфнинг жойи». Бу ном энди йўқолмайди, бир умр сақланиб қолади. Худди «Яшин урган қоя» ёхуд «Ит улиган дара» каби. Қай бир замонларда кунчиқишдаги қоя бошини яшин уриб, юқори тизмадаги дарада туни билан ит улиб чиққан экан. Шундан буён бу жойлар юқоридаги номлар билан атаб келинади.

Товқора чўтир шуларни хаёлидан ўтказаркан, аллақердан бамисоли қовоқаридай гунғиллаб етиб келган бир ўй миясига чиппа ёпишди қолди. Минг ҳайдаса-да нари кетмай, қайтамга тилида қуйидаги равишда эврилди: «Товқоранинг булоғи». У булоқ томонга ушшайиб тикиларкан, сув эгаси бўлишдек ҳавойи бир ҳисдан қувониб, руҳланиб кетди, зумда девор эгирилиши лозим бўлган ўринни белгилашга ҳам улгурди. Илгариям булоқни томорқасига қўшиб олишни бир-икки ўйлаганди, лекин бугунгидек қатъий тўхтамга келмаганди. Бу ишидан қўшниси Тоҳир қоранинг ғазабга келишини билганди-ю, аммо жанжалнинг бу қадар жиддий тус олишини хаёлига келтирмаганди.

Мана ҳафтадирки, иккиси қирпичоқ. Тизза бўйи тошдеворнинг ҳар икки ёнида туриб олиб, бир-бирига айтмаган сўзи, отмаган тоши қолмади. Бугун эса Товқора чўтир йўқ ердаги даъвони илгари сурди, эмишки, қадимда бу ерлар бобосига тегишли бўлган экан. Бу ўринсиз даъводан Тоҳир қора қолиб, кекса булоқнинг ҳайрати ошди.

— Бу ерга унинг бобоси эмас, отаси кўчиб келганди-ку! — деди хуноби ошиб.

Бунга жавобан янги булоқ норози чулдираб қўйди. У кекса булоқнинг узундан-узун ҳикоясидан зериккан, одам боласининг бақир-чақиригидан ҳуркиб қочган қушларни, оппоқ капалаклар ва ариларни соғинганди. Шунинг учун жанжалкаш кимсаларни деворпеворига қўшиб оқизиб кетгиси келади. Бунга чоғи етмаслигини англаб, қаватида ҳануз сўзланиб оқаётган кекса булоққа умидвор тикилади. Бироқ кўрадики, ҳамроҳи хаста, унинг кучи хотиралар сўзламоққа етади, холос.

У ҳавога қалқийётган хитобларни эшитиб, баттар ташвишга тушади.

— Агар ниятингдан қайтмасанг, булоқ кўзини ёпаман! — деди Тоҳир қора.

— Тихирлик қилиб, ҳадеб жонимга тегаверсанг, мен уни портлатаман! — деди униси.

Унинг бахтига яхшиям тун бор экан, одамзодни алаҳситувчи чеки-чегарасиз оқшом юмушлари бор экан. Дўнгда қишлоқ подаси кўриниши билан аввал аёллар кетди. Сўнг ишдан эмас, жанжалдан ҳориган эркакларнинг қораси ўчди.

Тун ором ўтди.

У кекса булоқнинг қуриб қолганини саҳарга яқин билди. Бундан қайғуришнIAM, қувонишнIAM билмай турганида, қушлар са-

ломга етиб келишди. Тунги енгил шудринг остида ором олиб ётган турфа чечаклару майсалар қуёшдан олдин уйғонишиб, аввал унга, сўнг офтобга олқиш йўллашди. Кейин арилар кетидан оппоқ капалаклар пайдо бўлиб, олам дилкаш бир шовурга тўлди. Кечаги гурбатли кун тушида кечганидек, у яна борлиққа маҳлиё бўлди. Гўдак-лигига бордими, кекса булоқ фожиасини тўла ҳис этмаган ҳолда ундан қолган ўзанни тўлдириб, яйраб-яшнаб оқа бошлади. Агар тўсатдан қоқ белига калладай тош келиб тушмаганиди, у бор овозда қўшиқ ҳам айтмоқчи эди.

У чўчиб қарасаки, Тоҳир қора деганлари тошқаламаларни бузаяпти, деворни тепиб-сепиб, қўлига учраган тошларни чор-тарафга улоқтираяпти. Шу пайт қуйидан ҳайқирганча Товқора чўтир чиқиб келди. У бу сафар Тоҳир қора билан ади-бади айтишиб ўтирмади, девори нураганидан алами ва газаби тошиб, шартта қўшнисининг ёқасига ёпишди. Улар ола-тасир олишиб кетдилар. Бу ҳолдан янги булоқ жуда қўрқиб кетди. У замин қаъридан нажот қидирди. Заминнинг бағри кенг эди, уни ўз қўчоғига олди, авайлаб эркалади. Сўнг уни ер ости дарёси ўзани томон буриб юборди.

Қош-қовоғи шишган, ёрилган қўшнилари манглай қонларини ювгани узун-қисқа бўлиб, булоқ бўйига эндилар. Булоқ ўрнида кичкина кўлмак кўрдилар. Бири кўлмак сувини қизартириб, ёрилган қаншарини юваркан, тепасида кафтини лунжига босиб турган шеригига ўшқирди.

— Булоқни... ебсан-ку, исқирт!

— Бу сенинг ишинг! — деди униси булоқдан сув қочганини энди пайқаб. — Тунда нимадир қилгансан сен!

Қуриган булоқ ҳудудини аввал капалаклар, сўнг арилар тарк этишди. Митти чечаклар эса паноҳ қидириб, бўлиқ майсалар пинжиги суқилишди. Бироқ майсаларнинг ўзи паноҳга муҳтож эдилар.

Бу ҳолга фақат кўкдаги қуёшгина бефарқ эди. У, олди ёз эмасми, заминни одатдагидан кўра кўпроқ қиздирмоқда эди.

Қоқ тушга бориб қуриган ўзан ёқасидаги майсалардан бири астанидо таратди, сўнг унга бошқалари жўр бўлди.

— Су-ув!

Уларнинг ҳорғин овози қайноқ ҳавога сингиб, маъносиз бир ифода касб этди-да, сўнг кенглик бағрига сочилиб кетди.



## МУНГ

Чол, одамларнинг таъбири билан айтганда, ҳафтада уч-тўрт бор айнийди. Айниб-ку, бирор ёққа улоқиб кетмайди, шунингдек, биров билан ёқалашмайди. Бор-йўғи «увлайди». Яъни четлари нураган баланд супада чордана қуриб ўтириб олади-да, секин-аста тебранганча сўзсиз бир кўшиқни бўғиқ овозда узоқ куйлайди. Мижжалари юмуқ-бунақа пайтда ҳеч нарсани кўрмайди, эшитмайди. Кўз ёшлари ажин тилимлаган юзларини ювиб, мошгуруч соқолида марварид доналаридай қотаркан, ботаётган қуёшнинг қизғиш нурида бамисоли ёқутдай товланади. Куйлаётганида, чол бу оламнинг одами бўлмай қолади. Овози ўтмишнинг теран чоҳларидан силқиб чиқаётгандек, кишида ғалати бир ҳисни туғдиради – этни жунжиктиради, ҳам хаёлга толдиради. Дунё кўҳна, у эса дунёдан ҳам қадим туюлади. Кўшиғида гоҳ йилқи уюрига тўла кенг дашт шовури, чапдаст ва ботир йигитларнинг ҳайқириғи, сочпопукли сулув қизларнинг шўх кулгуси акс этиб, димоққа тутун исига қоришиқ шопирилаётган қайноқ сут ҳиди урилгандай бўлади. Қизларнинг тилла жаранггидай нафис ва майин кулгуси еллар қанотига илашиб, оҳиста оламни кучади. Гоҳо бу ажиб манзара бирдан кунпаякун бўлиб, қовжираган яйдоқ дашт юзага қалқиб чиқади. Қайноқ гармсел юзни куйдиради. Кўкламдан умр, саратондан завол топган қуриган хаслар осмон бўйи уюрмада чирпирак бўлиб айланади. Уюрма ер юзини супурмоққа қасд қилгандай, тиккайган нимаики бор комига тортмоққа уринади. Аммо бетдаги якка бута унга бўй бермайди. Кутурган шамол уни ер бағирлатади, новдаларини тортқилайди, япроқларини юлқиб, чор тарафга сочади. У эса яшаш истагида адл турмоққа интилади, сабр ва сабот ила қутурган кучга бардош бермоққа тиришади. Баъзан бу манзара изсиз йўқолиб, бирдан дунёни сел босади. Сел мисли сарғиш аждаҳо янглиғ бор-йўқни ямлаб юта бошлайди. Шунда бахт деган мавҳум тушунча моддийлик касб этиб, аёл қиёфасида жонланади. «Бахт» аждаҳо чангалида тўлғанади, чинқиради. Уни сиз қизғиш рангда тасаввур этасиз. Ва ҳадемай ҳайқираётган лойқа тус юҳо бу қизғиш нуқтани ютиб юборади. Шундан сўнг мунгли кўшиқда кўройдин кимсасиз даштда жуфтидан айрилган жондорнинг ғамнок тентишини кузатасиз. Олам жуда кенг, лекин зигирдек ушбу жонивор бу оламга сиғмайди. Кунни кеча жуфти иккисига ошён бўлган бўзранг дўнгликка чиқиб, беадад бўзлайди. Бу пайтда чолнинг кўшиғи ночор қолган бўри увлашига монанд мунгли ва ғамгин тус олади. Юракни эзиб, жигарни тилкалайди.

Бироқ буни тушунадиган банда йўқ. Жуда нари борса, чоли тушмагур тагин хумга бош суқибди-да, деб қўя қолишади. Одамлар учун у унутилган буюмдек бир гап, уни чиқсагина эслашади, қолган пайт ишлари ҳам йўқ.

Чолнинг қишлоқ четидаги хароб кулбасига ҳатто энг ўйинқароқ болалар ҳам яқин келишолмайди. Гирди қалин пахса девор билан ўралган ҳовли, унга туташ токзор, адоқдаги томорқа бу дунё ишларидан ҳоли — ўзга олам, ўзга тириклик. Чол кўрғони атрофида ўралашганларни ёқтирмайди. Норозилигини билдириб бир сўз айт-маса-да, оқи қонталаш кўзларини ўқдек қадаб ҳар қандай одамни ёмон довдиратиб қўяди.

Бирон-бир зарурият демаса, бўлак вақт у ҳовлисидан кўпам узоқлашмайди. Доимий ҳамроҳлари — кулбет эшаги-ю, қари ити. Чол уларнинг томоғига яхши қарайди. Гоҳида ити билан туппа-тузук тиллашгандай бўлади. Бу ҳол кўпинча оқшом қизларнинг даладан қайтишида юз беради. Одатдагидек, кечки пайт, ташқари кўзга ташланадиган даражада баланд қурилган супада чордана қурган чол Хўжа узуннинг қизи Ойсулувнинг кулгусию овозини узоқдан танийди. Кафтини ўнг қулоғи ортига тутиб, нафасини ичига ютганча, диққатла тинглайди. Бахмалдек юмшоқ, чинни овозидек жарангдор бу кулгудан алланечук жонланиб, тийрак тортади. Юзидаги ажинлари текисланиб, ёноқлари пуштиланади. Сўнгра кўксидан бўғиқ, хирқироқ хитоб қалтираб чиқади.

— Худ-ди ўзи-и...

Қуйида ётган ит гап ўзига қотилгандай, аста дум силкийди. Бир муддатдан кейин чол ички бир зўриқишга хос ҳаяжон билан яна ўша гапни такрор этади.

— Худ-ди ўзи-и-я!

Ит шўхчан ғингшиганча, ақлли кўзларини унга қадаб, эгасининг юзидаги ҳар бир ифодани илғамоққа уринади. Чол унинг қарашини сезгандай, чуқур хўрсинади. Лаблари қимирлаб, нимадир демоққа чоғланади. Лекин демайди. Совуқлик ариган кўзларини бир нуқтага тиккан кўйи қизнинг овозини жон қулоғи билан тинглашда давом этади.

Бироқ унинг бу хилдаги «масъуд» дамлари ҳар вақт ҳам бир зайлда кечавермайди. Баъзи кунлари қизлар ўтиб кетар-кетмас, тупроқ йўлда подадан адашган эчкисини қидириб, чолнинг кейинги хотинларидан бири Рўзихол дингак пайдо бўлади. Чолнинг нимтабас-сумдан ёришган чеҳраси яна тундлашади. Қизларга кўзларини лўқ қилишдан ийманмаган чол кампирга адоватла тикилади. Аёл, ичида

қарганиб, кўздан ғойиб бўлмагунча шу тахлитда ҳўмайиб қараб тураверади...

— Қарға! — дейди сўнг бу сафар ғижирлаган овозда. — Кўзни чўқийдиган қарға!

Ит энди дум силкимайди. Гапнинг оҳангидан чолнинг дили озорланганини сезиб, аста ғингшийди. Кейин бунга қаноат этмай, олдинги панжаларини супа лабига қўйиб, олға чўзилади-да, эгасининг ғадир-будир қўлини ялайди. Чол қилт этмайди. Ўтмиш қаърига сингган хотиралари каби оқшом пардаси қатида кўланкаланиб, тобора кўздан йироқлашаётган аёл ортидан тикилиб тураверади. Ит бошини унинг тиззасига суйкаб, тагин ғингшийди. Шундан кейингина чол ўзига келади. Ҳа, деган маънода итига қарайди. Бунга жавобан ит бот ғингшийди. «Кетди, — дейди чол хирқираб. — Арвоҳдайин кунимни хиралатиб, хунуклатиб кетди». Ит кўзларини жовдиратиб, ингиллайди. «Зулмат тортиб кетди! — дейди чол энди итига далда берган оҳангда. — Кетди, қораси ўчди...» Сўнг у итни ўзидан четлатиб, пастга тушади. Ўчоқ бошига юради. Томоқ пишириш лозимлигини ўйлаб, иштаҳаси, ундан ҳам кўра ҳафсаласи йўқлигини англайди. Аҳён-аҳёнда бир коса-ярим коса иссиқ овқат чиқиб турадиган олисроқдаги қўшни уйга умидвор боқади. Боқиши билан ўзини тиланчидай ҳис этиб, ори кўзийди. Кейин ўчоққа ўтин қалай туриб, бирдан айвон тарафга йўрғалаб қолади. Бурчакдаги катта хумни оғзини очиб, унга коса ботиради. Қўли хиёл қалтираб, косадаги тиниқ, қизимтир суюқликни симиради. Бир оздан сўнг бадани қизиб, ўзини хушҳол сезади. Ўчоққа ўт ёқиб, қозон осади.

Мусаллас тайёрлашни чол азалдан билади. Боғидаги узумларни уdda қилолмай қолганида, узоқ йили ўлиб кетган ошнаси ўргатиб кетган. Чол унда анча ёш эди. Бу дунё лаззатларидан унчалик ҳам тортиниб ўтирмасди. Ўшанда ошнаси қўлбола мусалласни «иштаҳа дориси» деганди. Чол ҳозиргача шу фикрда. Боғидаги сара узумлардан тайёрланадиган бу нордон суюқликдан иштаҳаси йўқ, шунингдек, кайфияти тушкун кезлардагина фойдаланади. Лекин одамлар ўйлаганчалик, мусалласнинг кайфи туфайли куйламайди. Куйлаш истаги унда турлича кечади — гоҳ юраги ториққанида, гоҳ нурли хотиралари жунбишга келганида, гоҳ эса нимадандир қаттиқ озорланганида. Турган гап, бу ишда хумдаги суюқликнинг таъсири бўлмай иложи йўқ. Чол унга худди нос каби ўрганиб қолган. Мусалласни ўз қўли билан тайёрлагани боис, уни ҳаром санамайди, узумнинг ачиган суви, дейди. Қисқаси, куйлашига мусаллас сабабчи эмас, шунчаки кўмакчи, холос.

Чол куйлай бошлаганида, ўткинчилар қадамларини сустлаброқ босишга урунадилар. Табиийки, чолнинг ҳурматини деб эмас, унинг овозидаги мунг кўнгилларига англрсиз ваҳима солгани боис, беихтиёр қадам санашга тушадилар.

Кулбанинг ғариб кўринишидан, томи қийшайган ошхонанинг афтодаҳол ҳолатидан, қўйингки, ҳовлидаги жамики нарсадан, ҳаттоки лойсувоқ том устидаги қуриган хаслардан, девор ёқалаб ўсган баланд супурги ўтлардан, кўча чангги ўтирган ишкомлардан ёлғизлик нафаси уфуриб туради. Чолнинг ноласи эса бу мудҳиш манзаранинг фиғонидек туюлади. Ўткинчилар ҳар сафар айни шуни ҳис этадилар ва тезроқ кулбадан узоқлашишга ҳаракат қиладилар. Аёллар эса йиғлоқи болаларини чолнинг номи билан кўрқитишади. Қишлоқ боласи чолдан чўчиб улғаяди. Эсини танигач эса, ундаги кўрқув туйғуси доимий ҳадик билан алмашинади.

Чолнинг бу қилиғидан номус қилган хешлари унинг овозини ўчирмоққа кўп бор уриндилар. Аммо кўлларида келмади. Чол уларга «хўп» ҳам, «йўқ» ҳам демайди, ҳовлисидан ҳайдаб ҳам солмайди. Бутун таъна-дашномларини жимгина эшитиб, хўрсиниб қўя қолади. Кейин яна... Хешлари хумдаги мусалласни ағдариб ҳам кўрдилар. Бироқ чол мусаллассиз ҳам мунг тортавергач, қўл силтаб, ўз ҳолига ташлаб қўя қолдилар.

Чол хешларининг жонқуярликлари меҳрдан йироқ, шунчаки номўсга йўғрилганини яхши билади. Бироқ бу ҳақда уларнинг ўзларига чурқ этмайди. Сўнг итига гап қотади: «Кўрдингми, номус қилишяпти мендан». У бу гапни ўйчан бир тарзда чўзиб айтади. Ити гингшиб жавоб қайтаргач, ўша оҳангда дейди: «Қариндош дегани ҳамишяам дардкаш бўлавермайди. Гўри бўлак уларни, гўри бўлакнинг дарди бўлак деганлар. Ий-й, мениям дардкашим бор эди. Сел деган бало ютди уни...» Шундан сўнг чол чуқур хаёлга толади. Кўз ўнгида куйидаги воқеа такрор гавдаланади.

У умри бино бўлиб, ажални сел тимсолида кўрмаган эди. Бу бало куёш чарақлаган куни, тоғда роса жала қўйган экан, тўйқусдан юз кўрсатди. Бу пайтда чол сой тубида тимирскиланиб юрарди. Дўнглик белидаги ўтов ёнида куйманиб юрган Хайринисо аввалига бақирди, сўнг боласини хавфдан қутқаришга ошиққан онадай қуйига интилди. Чол аёли ўзига етиб улгурмай, соини тўлдириб келаётган тошқинни дабдурустдан кўрди, бўғиқ сасини эшитди. Ҳафтадирки бир томчи ёмғирдан дарак йўқ, бу бало қаердан пайдо бўлди, дея бир зум ҳанг-манг туриб қолди. Кейин аёлининг бот чинқиригидан ҳуши ўзига келиб, жонҳолатда юқорига тирмашиди. Тирмашиш ас-

носида селнинг ўзига тортувчи қудратли кучини ҳис қилди. Шунча чақираман, қилт этмайсиз-а, деган маънода ўзига қўрқув ва таъна билан тикилиб турган аёлига «қочдик» дея, уни қўлидан тутди. Назарида, бир амаллаб ўтовга етса, омон қолишадигандек эди. Аммо ўтовга етишолмади, пишқириб етиб келган сел иккисиниям оғушига олди. Лойқа ва оғир сув остида қолган эр юқорига талпинаркан, оёқлари остида улкан тошларнинг қатир-қутир оқишини сизди. Сув юзида бамисоли хасдек оқиб келаётган харилардан бирига тирмашиб, атрофга аланглади. Аёли анча нарида оқиб борарди. У қулоч отиб ўша томон интилди. Кўйлагидан тутди. Бироқ қутурган оқим уларни чирпирак қилиб, эрни Ўрдаксойда, аёлни эса беш чақирим наридаги Бешқўтон яқинидаги соҳилга чиқариб ташлади. Одамлар уни оқшомга яқин биқини эзилган, қўл-оёғи акашак бир ҳолда топдилар. Чол, чангалида кўйлак парчаси, базўр ўзига келди. Аёлининг жасадини эса эртаси пешинга яқин топдилар. Кўпчиликка қулфат келтирган офат умумий бўлса-да, қайғу барибир бўлак эди. Суйганидан жудо бўлган эр ўшанда ақлидан айрилай деган.

Чол бу воқеани эсласа, ҳали-ҳануз мижжалари ёшланиб, нафас олиши оғирлашади. Унинг кўзларида ёш пайдо бўлиши билан оёқлари остида мўлтираб ётган ит нолакор гингшишга тушади. Сўнг қорни билан силжиб, унга янада яқин келади-да, қўлларини ялайди. Чолнинг негадир итга раҳми келади: «Бас, йиғлама! — дейди овози товланиб. — Сен йиғласанг мен ҳам йиғлайман. Асли сен одам бўлишинг керак эди. Э, йўқ, одам бўлсанг, сўгин мени тушунмай қўясан. Шу созда юрганинг дуруст». Ити гўё ҳализамон одамга айланиб қоладигандек, чол унга ҳадикли боқади. Кейин бошини силайди. Жонивор бундан таскинланиб, кўзларини юмади. Шу созда улар пича туриб қолишади. Сўнг чол секин куйлашга тушади. Фамгин оҳанг қалқий-қалқий, аста парвоз қилмоққа бошлайди.

Агар у тўсатдан ҳаётига кириб келмаганида, чол фамгин нолалар билан қолган умрини тинчгина адоқлаган бўларди.

Аввалига марҳум укасининг вилоят марказида яшовчи ўғли оиласини қишлоққа кўчириб келганини эшитди. Лекин жиянини эшик қоқиб келишини кутмади. Хешларининг йўқламаслигига аллақачон кўникиб қолган эмасми, бундан гина қилиб ўтирмади. Умуман олганда, у бировдан ўпқаланмас, кўнгли иззатталабликдан йироқлиги боис, ҳар неки нарсани бор ҳолича қабул этишга одатланган эди.

Шунинг учун эртаси қариндошчилик ҳақи-ҳурмати учун жиянининг ҳовлисига ўзи ўтди. Ташрифидан дарак бериб, йўтала-йўтала остона ҳатларкан, очиқ эшикда пайдо бўлган сиймони кўриб,

ҳайратдан ҳанг-манг туриб қолди. Шу дамгача юрак оғриғи нелигини билмасди, чап кўксида нимадир сирқираганини илк дафъа ҳис қилди. Сирқираш бирдан юз бермади. Дастлаб худди ток ургандай бутун вужуди титраб кетди, сўнг юраги бир-икки санчиб, аста сирқирамоққа тушди. Оғриқ бироз пасайгач, бармоқларини билан кўзларини ишқалай-ишқалай, яна тикилди. Йўқ, қаршисида рўё эмас, бутун алам ва армонларининг сабабчиси, мунгли кўшигининг илҳомчиси Хайринисо мисли офтобдай чарақлаб турарди. Ҳаяжондан қулоғи том битган эса-да, салом берилганини англашга чоғи етди, лекин алик олмоққа қуввати етмади. Маъносиз гулдираб, нимагадир суянмоқ истади. У беихтиёр суянчиқ қидираркан, ўзига ажабланиб тикилиб турган малакнинг ўнг юзида мошдек холи борлигини сўнг пайқади. Хайринисонинг юзи ҳолдан ҳоли эди. Кейин у жуда дуркун эди. Бу эса сояда ўсган гулдай нимжонроқ экан.

Агар «Эя, амаки, келинг» деган овозни эшитмаганида, чол ҳалибери жойидан қимирламасди. Йўғон овоз сархушлигини тилкалаб, хушини ўзига келтирди. У ёнига ўгирилиб жиянини кўрди. Кўнглида унга нисбатан норозолик ҳис этиб, кўришмоққа қўл чўзди. Қани энди, бир зумгагина унини чиқармай турса, деган ўйга борди. Йўқ, гулдираган овоз яна ҳовлини тутди. Чол жунжикди, қунишди. Мастлиққан буқага дуч келгандай, унга ҳайиқиб боқди. Барига қўл силтаб, армонлари дунёсига қочмоқ истади. Бу истаги юз-кўзига тепчиди. Бироқ ҳирсдай бақувват жияни буни ийманиш деб билди, уни бағрига тортиб, чир-чир айлантирди. Чол куч дегани, агар жойида қўлланмаса, жирканч бир нарса эканлигини илк дафъа туяркан, жувоннинг кўзига заиф ва нотавон кўрингиси келмади. Ҳайри шуурий бир ҳаракат ила юлқиниб, девдай йигитнинг қучоғидан чиқди.

Ҳовли тағин қаҳқаҳага тўлди.

— Бақувватсиз-ку, а, амаки.

Чол жиянига тийиқсиз куч ато этган Худодан хафа бўлиб кетди. Остонадан берида хиёл қимтиниб, майин жилмайиб турган Хайринисо тимсолини унинг оғушида тасаввур этаркан, юраги бир қалқиб тушди.

У йигитдан ирганди.

Уни одобга ундаб, тўнғилларкан, айтган гапи шу бўлди.

— Келин... момонгга ўхшаркан!

— Қайси бирига? — Жияни тағин хахолади. — Момоларни қаторлаштириб ташлаган бўлсангиз, қайси бирига ўхшаркан бу, а?

Чол изза бўлди.

Назариди, жувоннинг нигоҳига жирканишга ўхшаш нимадир кўнгандай бўлди. У томон ҳадикла назар ташлади. Жувоннинг кўзларида қизиқишдан ўзга ифодани кўрмагач, енгил тортди. Суяги илиб, уни бир кўришдаёқ яхши кўриб қолганини ниҳоят фаҳмлаб етаркан, бундан жуда уялиб кетди. «Келиним-ку, ахир, — деб ўйлади ич-ичидан кўтарилган андишага бўйсингиси келмай. — Келиним сифатида яхши кўраман-да». Аммо ўзини алдаётганини ичдан ҳис этиб тураркан, бу ҳовлига кирганига пўшайман еди, шартта изига қайрилиб кетгиси келди. Бироқ энди бунинг иложи йўқ эди.

У жувонга эмас, унинг Хайринисога ўхшаш рухсорига ошиқ бўлиб қолганди. Аммо бу фарқни пайқамас, пайқамгани боис, ўзини гуноҳкор санаб, ич-этини емоқда эди. Ишқилиб, овози хунук, феъли дағал бўлсин-да, деб Яратгандан илтижо қиларди. Агар жувон шу қусурларга эга бўлса, қалбини жунбушга келтирган гўзал рухсор бирдан хира тортиб, у жўнгина аёлга айланар ва бундан чолнинг кўнгли оройиш топиб, гуноҳ хаёллардан фориғланиши мумкин эди-да. Масалан, кулгуси ва овози Хайринисоникига ўхшаш Хўжа узуннинг қизи Ойсулуннинг кўримсизлиги чол учун айни муддао эди. У қизнинг кулгусини ёқтирар, ўзига нисбатан эса тариқча илиқлик сезмас, чигирткадай қоп-қора ва жиккак бу қизнинг ғоятда нафис кула олишига ҳамиша таажжубда юрарди.

Шунинг учун ҳам келин бўлмишнинг шанғи ва дағал овозда гап қотишини жуда-жуда истар, дилида уйғонган илиқ майлни шу асосда маҳв этиб, унга лоқайд муносабатда бўлишни хоҳларди.

Хайринисодан сўнг чол бир неча бор уйланганди. Кўнгил хоҳишига бўйсиниб эмас, одамларнинг гап-сўзи деб, кексаликда ёлғиз қолишдан чўчиб, ўзга аёлларни тўшига тортганди. У пайтларда тирикликка нисбатан муносабати бошқаларникидан сира фарқ қилмас ва қабул қилинган умумий қонун-қоидаларга итоат этиб яшарди. Кейинчалик у ўз турмуш тарзига тийрак нигоҳла назар ташлашга қандайдир куч топа билди. Қарасаки, у хотинларига шунчаки кишилик эҳтиёжи учунгина керак экан. Дейлик, супра ёхуд қозон рўзғорга қанчалик зарур ҳисобланса, унинг оиладаги ўрни ҳам шунга яқин экан. Ўртада муҳаббатдан асар йўқ, тириклик кишини тортирувчи аллақандай мажбуриятлар асосига қурилган. Оқибат, чолнинг оилавий ҳаётдан кўнгли қолди. Бу камдек, сўнгги аелининг укалари томонидан қонига белаб уриб кетилиши эса дард устига чипқон бўлди, аёл зотидан бутунлай совуди. «Одам ҳиди ёқмас» банда сифатида кишиларнинг нафратига сазовор бўлди. Негаки, можарога сабаб бўлмиш гап ўта жўндек эди: «Бўрига ўхшаб увлаш-

ни бас қилинг!» Бор гап шу. Бироқ чол учун бу фожеанинг нақ ўзи эди. Аввалига сергак тортди, сўнг пича хаёлга толди, қозон-товоғини шарақлатиб ҳануз минғирлаётган аёлининг сўзи ва қилигида нозик туйғуларига нисбатан тажовузга ўхшаш нимадир борлигини туйгач эса, бирдан қутуриб кетди. Ахир аёли унинг энг нодир бисоти — кўнгил эркинлигини жоҳилларча топтаган, қолаверса, ўтмиш хаёллари, илк муҳаббатига йўғрилган, шаклланган ва ўзлик деб аталмиш шахсиятини оёқ ости қилган эди-да. У бир сўз демай, аёлини майда ўрим қамчи билан тортиб-тортиб юборди, сўнг, юқорида таъкидлаганимиздек, қайниларидан букиб калтак еди.

Хотини кетди, кўшиғи эса ўзи билан қолди.

Рухсори Хайринисоникига ўхшаш жувонга нисбатан фавқулодда туғилган туйғу чолнинг кўнгил оламини остин-устун қилиб юборган эса-да, унинг аёл зотига бўлган нафрати камаймаган, қайтамга келинини ўша ёмон кўрган аёллари сафига кўшишга уринарди. Аммо ҳамма илтижолари зое кетган, жувоннинг лутфида Хайринисога яқинлик бор эди.

Чол ичидаги ғалаённи жияни пайқаб қоладигандек, унга ҳайиқиб қараб қўяркан, йўқлаб келганига яна ва яна минг бор пушаймон еди.

У дастурхон бошида қалтироғини зўрға босиб ўтираркан, хонтахта устини қишлоққа хос бўлмаган тарзда турли ноз-неъматлар билан тўлдириб ташлаётган келинга қарамасликка ҳарчанд тиришса-да, кўзи ўз-ўзидан кетиб қолаверди. Жувоннинг ҳаракатлари назокатли, юз-кўзидан табассум аримас, тутумидан оғир жисмоний меҳнатдан ҳоли ўсганлигини сезилиб турарди.

Чол у чой қўйиб узатган пиёлани титроқ бармоқлари билан аста тутаркан, беихтиёр хотиралар измига тушиб қолди.

Узоқ ўтмиш қатидан аввалига кигизлари униққан ўтови қалқиб чиқди. Ўтови алмисоқдан қолган, кигиз устидаги арқонларга тугун тушган. Ўтов ва унга алоқадор барча воқеа-ҳодисалар тез-тез тушига кириб турганлиги сабаб у камтаргина ёзги хўжалигини бор ҳолича эслаб қолганди. Бор гап шундаки, ўша кўримсиз ўтови Хайринисо туфайли доимо жонланиб, нурланиб турарди. Назарида, у вақтларда қуёш бошқача нур таратар, ҳаттоки кўкдаги булутлар ҳам ҳозиргисига ўхшамас, қандайдир фусункор ва салобатли эди. Йилқилар ёйилган яшил дала таровати ҳамда кўкдаги тўрғайларнинг вижир-вижирини таъриф этмоққа сўз дегани жуда ожизлик қиларди.

Аёли унинг ўзинигина эмас, қалбини ҳам эркаларди, майин ва ҳокисор табассуми билан дунёни нурлантириб турарди. У ўтовини ватан, эрини эса Худо деб биларди. Шунинг учун ҳам эри нима демоқчилигини қарашиданоқ англарди. Чол айти шу нарсани кейинги хотинларидан қидириб, кўп сарсон бўлди. Анчайин тўпори эди улар. Бу дунёда умрбоқийдек, турмуш икир-чикирларини ҳамма нарсадан устун қўйишарди. Эзгу ҳисларни йироқ тутиб, нафрату адоватни аъло даражада ардоқлашарди. Кейинги хотини унга бир ўғил туғиб бериб, уни отага қарши нафрат руҳида тарбиялади. Ўша нафрат туйғуси ҳозиргача ўртада баланд девор бўлиб турибди.

Қишлоқ аҳли чолни саркашликда қанча айбламасин, унинг ўз ҳақиқати бор эди. У барча кўниккан жўн турмуш тарзига бўйсинишни истамади. Чунки у кўрган, яшаган, яъни дунёда тўқим табиатли хотинлар қаторида кўнгилни аллаловчи аёллар борлигини биларди. Мана энди ўша аёлдан хотира қолди, мунгли кўшиқ ҳамда кўйлагининг бир парчаси қолди.

Чол дастлаб кўшиқ айтмасди.

У кўшиқни илк бор Хайринисони кўмиб келишган куннинг эртаси сел олиб кетган ўтов ўрнида чўкка тушиб айтди. Чайқалиб-чайқалиб, телбаларча йиғлаб-йиғлаб айтди. Ўшандан бери у кўшиқ айтади. Кўшиғида сўз йўқ, оҳанг бор, маъно бор, ғам ва алам, шунингдек, тотли ва бахтиёр кунлар хотираси бор. У ҳар куйлаганида, Хайринисо унинг хаёлида қайта жонланиб, қайта тирилади — суҳбатлашади, эркалайди, эркаланади.

Бунга сари чол баттар бўзлайди.

— Амаки, чойингиз тўкилаяпти.

Чол бошини кўтариб, жиянига боқаркан, унинг қаватида қимтиниброқ ўтирган жувонга кўзи тушиб, беихтиёр қалқиб кетди. Сўнг пиёладаги чойни ҳўриллатиб ичди. Унинг киртайган кўзлари, кирланган эгнига қараб жиянининг раҳми келди.

— Нима, ўғлингиз ҳалиям хабар олмайдими? — деб сўради.

— Энаси томонни хеш тутиб кетган у, — Чолнинг овози одатдагидек хирқираб чиқди. Қошидаги ўтирган келинга қарамасликка тиришиб, яна ўша хирқи оҳангда кўшиб қўйди. — Бетиям эсимдан чиқиб кетган...

— Бетига уни... — Жияни жуда кўпол сўкинди.

Унинг шундай жувон олдида сўкиниши чолга гумроҳликдек туюлди. Жиянига норози тикилди. Аммо йигит чолнинг қарашига парвоям қилмади. Ҳар сафаргидек, яна ҳазил-ҳузулга ўтди.

— Юраверасизми шуйтиб энди, биттасини топиб берай, амаки,  
— деди шанғиллаб.

Чол кўз қирини жувонга ташлаб, индамади.

— Танлаганингиз бўлса, айтинг, ўзим кўндириб берай. Наҳотки, шундай катта қишлоқда тиши тушган бирор кампир бўлмаса? Юракни очинг-гий, амаки.

Чол, кўп бетамиз бўлма, дея тўнғиллади. Жияни кула-кула аёлига изоҳ берди:

— Амаким кўз очиб кўрганларини суйиб олган. Ҳозиргача ўшани унутолмайди. Содда-да, содда.

Чолга қизиқсиниб қараб турган жувон бирдан ирғиб ўрнидан турди-да, нариги хонадан уринганроқ тоза кўйлак олиб чиқди. Уни эрига узатиб, алмаштиринг, деган маънода имо қилди-да, ўзи секин ташқарига сирғалди.

Жияни чолга тоза кўйлагини кўярда-кўймай кийинтириб, яғир яктакни айвонга отди.

— Келинингиз ювиб беради.

— Келинга иш бўлади-да.

— Касби нима, ювмай, — жияннинг юзида кибр акс этди.

— Сен келинга қаттиқ гапирма, — Чол соқолини тутамлаб, ташқарига ўгринча қараб қўйди. — Яхшини сийлашга ўрган.

— Қариндош уруғ билан унча созингиз чиқишмас эмиш, — дея феълига хос яна тоғдан келди жиян. — Нима гап? Уруғимизнинг улуғисиз. Улуғликдан фойдаланиб бундай керилиб юрмайсизми, амаки.

— Уларга улуг эмас, — Чол истехзоли жилмайди. — Ёмон бўлсада, нафи тегадиганлар керак.

— Уларни ҳам тушуниш керак, амаки.

Чол ташқарига илҳақ термилди. Келин қайтиб киравермагач, жиянининг гап-сўзларини ортиқ ёқтирмай, ўрнидан турди. Ҳовлида гимирлаб юрган жувонга кўзи тушгач эса, тағин энтикди. Шунинг баробарида қаватида ҳануз чакак ураётган йигитга истиҳола аралаш қараб кўяркан, ичидаги тишида акс этиб қолишдан чўчигандек, кўзларини ерга қадади. Қачонки қаршисида ёқимли шарпани ҳис этгандан кейингина бошини кўтарди. Қарасаки, рўпарўсида келин, ювиб, дазмолланган яктакни кўлида тутиб турибди.

Бу ҳолдан чол баттар довдиради.

У ички бир истакка бўйсиниб, жувоннинг сочларини силаб-сийпалагиси, сендан Хайринисомнинг иси келаркан, илоҳим умринг ўхшамасин, дея ширин сўзлар билан эркалагиси келди.

Ботинолмади.

Бу хатти-ҳаракатини одобдан ташқари деб билди. Аниқроғи, уларнинг нотўғри тушунишларидан қўрқди. Аммо шу кичкина ғам-хўрликдан боши осмонга етди.

У кўчага бутунлай ўзгариб чиқди. Эғнида қордек оппоқ кўйлак, юраги тўла англрсиз ҳаяжон, кулбаси томон илдам кетиб бораркан, куёш нури ҳар галгидан чароғон, яшил бутуқлар ранги эса янада куюқлашгандек туйилди. Бўғзига кўшиқ келиб тақалган чол, ҳовлисидан ўзга ерда куйлашга одатланмагани боис, ўзини бир амаллаб тийди.

Ўша оқшом итини севинтириб, майин ва хўш оҳангда узоқ куйлади.

Эртаси эса келинни соғиниб уйғонди. Сўнгги йиллар ичида биринчи бор бировни қўмсаши ва соғиниши эди.

У бўзараётган осмонга бир муддат хушҳол термулиб ётаркан, сўнг илдам кўзголиб, супадан пастга тушди. Ўзига қолса, ҳозироқ жияниникига жўнарди-ю, лекин тонг-азонда унга кимнинг кўзи учиб турибди денг. Кейин нима деб боради? Сени ёхуд силарни кўргим келди, деёлмайди-ку.

Чол, қўли ишга бормай, кун ёйилгунча хаёл суриб ўтирди. Кейин баҳона топилганидан ўзида йўқ қувониб, диконлаганча томорқаси томон йўрғалади. Челакни яримлатиб помидор териб чиқди.

Келин кечагидай хуштабассум билан кутиб олди. Олдига дастурхон ёзди. Аммо чол ушоқ тотмади. Жиян қани, деб сўрамади. Чой ичган киши бўлиб, кўз қирида зимдан жувонни томоша қиларкан, хаёлан уни эркалатди, сўзлатиб ҳузур қилди. Раҳматли Хайринисомга ўхшайсан, деч киприкларини намлади.

Кейинчалик бу ҳол кунда бўлмаса-да, кунора такрорланадиган, яъни чол томорқасидаги бор нарсани жияниникига ташийдиган ва унинг бир ярим яшар ўғилчасини ўйнатган киши бўлиб, келиннинг суҳбатидан роҳатланиб ўтиришни одат қилди. Лекин оқшомлари кўшиқ куйлашни канда қилмади. Энди унинг кўшиқларида ададсиз қайғу эмас, худди Хайринисони топгандек, тўлқинли гўзал туйғулар акс этарди. У собиқ аёли Рўзихол дингакка ортиқ ўқраймай кўйгандек, Хўжа узуннинг қизи Ойсулуннинг кулгуларини ҳам этиборидан мосуво қилди. Ахир бор-йўғи уч ҳовли нарида Хайринисонинг тирик сиймоси турганида, у бу каби майда-чуйдаларга диққатини бўлиб ўтирармиди. Тўғри, унга қотиниб бўлмайди. Аммо кўз билан кўриши, ширин лутфларидан баҳра олиши мумкин.

Бу чол учун катта бахт эди.

У ўзи сезмаган ҳолда жувон учун яшай бошлади.

Бироқ ана шундай масъуд кунлардан бирида у жуда совуқ хабарни эшитди. Эмишки, қишлоқнинг турғун ҳаёти жонига теккан келин-куёв шаҳарга қайтмоқчи эмиш. Чол бу хабарни ўзгалардан эшитди. Эшитган заҳотиёқ бодринг тўла челакни бир четга улоқтириб, жияниникига чопди. Шу гап ростми, деб сўради ҳарсиллаб. Жияни унинг бу қадар ҳаяжонланишидан бошда ажабланди, сўнг ўша совуққонлик билан тасдиқ ишорасини билдирди.

— Кетманглар! — Чолнинг оёқларидан мадор кетиб, тиззанлаб қолди. Умрида биринчи бор бандаси олдида тиз чўкиши эди. Аммо бундан тирноқча уялмади. Қайтамга тиззаси билан жияни томон силжиди: — Кетманглар! — деди хирқираб. — Кетар бўлсаларинг мени кўмиб кетинг! Ё мениям шаҳарга опкетинглар! Томорқаларингга қарайман, болаларингни... ўйнатиб юраман, фақат... ташлаб кетманглар!

— Қишлоқ тўла қариндош, — деди жияни унинг аянчли ҳолатидан ғижиниб. — Кунингиз бизга қараб қолмагандир, амаки.

— Улар силарга («келин» деёлмади) ўхшамайди, — деди чол титраб. — Кетманглар!

Жияни пинак бузмаган эса-да, унинг ер бўлиб ёзғиришларига келин чидаёлмади.

— Кетмаймиз, амаки, — деди уни юпатиб. — Биз ҳеч қаёққа кетмаймиз.

Чол бу гапга ишонса-да, кўнглидан ҳадик аримади. Кулбасига қайтиб ҳам бир жойда тек ўтиролмади. Хешларини қандай қилиб тутиб қолишни ўйлади. Тахмон четидан носшишасини қидираётиб, кўлига қандайдир тугун илинди. Уни тортқилаб чиқарди-да, тугунини ечди. Кўзи даста-даста пулга тушди. Бу пуллар ўлимлиги эди. Чол пулга ўч эмасди, ортганини ташлаб қўярди. Ҳали бирон марта санаб кўрмаган эди. Санамаса-да, жуда кўплигини, ўзига ўхшаган бешта чолни кўмишга етишини биларди. Уларни қайта тугунлаб, қўлтиғига урди. Мана, топганим силарники, фақат кетманглар, демоқни дилига туғиб ташқарига интилди.

Очиқ дарвозадан, кавушини шалоплатиб, бу сафар ошиғиб кирди.

Ҳовлида зоғ йўқ.

У том соясида бир зумга нафас ростлади. Кейин илдам илгарилар экан, очиқ деразадан эшитилаётган қаттиқ-қуруқ овозлардан қулоғи динг бўлди. Овоз жиянники, чамаси, келинни ғазабга олмақда эди. Чолнинг юраги сиқилиб ярим йўлда тўхтади. Гап қан-

дайди пул ҳақида борарди. Чол хушнид жилмайди: «Пул деяптими? Мана пул! Қанча керак? Э, нодон бола-ей!»

Шу аснода келиннинг чийилдоқ овози ҳовлига ситилиб чиқди.

– Қўйган жойингизни ўзингиз билмасангиз, мен қайдан билай.

– Қўйган жойимда йўқ-ку, қанот чиқариб учиб кетмагандир ахир.

– Билмадим, яхшилаб қараб кўринг.

– Қидир сенам!

– Қидирмайман.

Келиннинг майин лутфига ўрганган чолга унинг ғазаб ва зардага қоришиқ чийилдоқ овози жуда эриш туюлди. Жувоннинг бу оҳангда гапира олишига ишонгиси келмади. Аммо кар эмас, суюкли аёли аксарият қишлоқ хотинлари каби эрига терс гапириб, шаллақилик қилмоқда эди. Хайринисога бу қусур бегона эди. Шунга қарамай, чол келинни оқлаб, жиянини қораламоққа баҳона топган бўлди: «Бу ўзи ёмон-да, одамни кофир қилиб юборади». Лекин билмасдики, лоқайдлик ва бепарволик замирида калтабинлик бикиниб ётгандек; айрим кишиларнинг терс ва шаллақи феъли, тарбия туфайли, ширин лутф ҳамда майин табассум қатида пинҳон сақланиб, фавқулодда ҳолатлардагина ўзлигини ошкор этади. Бироқ ҳаммани ўзидек тўғри сўз деб ўйлаган чол одам боласининг бу қадар туслана олишини қаердан ҳам билсин.

У қолишини ҳам, кетишини ҳам билмай тураркан, бирдан кўқисдан ўқ егандай букчайиб қолди. Қулоқларига ишонмай дераза томон қаради. «Йўғи-ий», деди базўр шивирлаб. Аммо келиннинг: «Балки анову амакингиз олгандир, худди биз у кишининг помидор-момидорига зордай, кунда шунда. Ҳозир одамларга ишониб бўладими», деган гапи миясида тобора катта куч билан чарх уриб, жисми-жонига қаттиқ оғриқ бермоқда эди.

Чол юрак санчигини умрида иккинчи бор ҳис этаркан, ичидан нимадир узилиб кетгандек бўлди. Қадди дол ҳолда аста изига қайрилди. Тутмаса йиқилиб тушадигандек деворга суянди. Кўксидаги оғриқ кучайиб, оғзини кап-кап очиб нафас олди.

У йўлда ҳеч нарсадан уялмай, сассиз йиғлаб бораркан, яккаш кулбасига тезроқ етмоқни ўйларди. Кўчадан йиқилиб қолишдан чўчирди.

Кулбасига кира-кира, биринчи қилган иши тугундаги пулларни сочмоқ бўлди. Сўнг бир-бир босиб бориб, тўрдаги ўринга ўзини ташлади. Қўллари кўксида, кўзлари шифтга қадалган – шу созда ўлиб қўя қолишни ўйлади. Кейин инқиллаганча ўнг қўлини ёстиғи

тагига тиқиб, униққан, тўзиган мато — кўйлак парчасини олди-да, аввал ёш қалқийтган кўзларига суртди, сўнгра димоғига олиб борди. Оғриқ кучаётганидан қувониб, қўлидаги мато парчасини қайта ва қайта ҳидлади. Бироздан кейин ҳушини йўқотиб, қўли кўксига сирғалиб тушди. У ўзини ёмғир ювган ям-яшил далада кўрди. Хайринисо, эғнида ўша чит кўйлак, даланинг бир четида туриб, уни ўзи томон имларди. Чол суюкли аёли томон интилди. Бироқ оёқларига ботмон тош осилгандай, у ҳеч ўрнидан жилолмасди. Хайринисо аразлаган киши бўлиб, узоқдаги уюрлар томон кета бошлади. Чол аламдан додлаб юборди. Додлаши баробарида ҳушига келди. Кўзи чирк шифтга тушиб, кўргани рўё эканини англаб, бўғзига йиғи тиқилди. Бундан унинг нафас олиши оғирлашиб, типирчилади, хириллади. Бахтига, бир муддатдан сўнг бўғзидан «тош» ариб, кўксидан фарёд аралаш нола отилиб чиқди. У аёлини йўқлаб, куйлай бошлади. Ноласи зах кулбага сигмай, ташқарига қанот қоқа бошлади.

Аmmo бу олам унинг ноласига бепарво эди.

Куз олди бўлишига қарамай, қилт этган шабада йўқ, қуёш ўша-ўша қаттиқ қиздирар, гўё табиат одамлардан андоза олгандек, ўта ланж ва беғам эди. Фақат биргина ит тийрак ва безовта эди. У аввалига фингшиб, эшик тирнади, кейин дераза раҳига олд панжаларини кўйиб, ичкарига мўралаб-мўралаб ангиллади. Чол эса, суюкли аёлидан ўпкагина қилганича, нега мени ташлаб кетдинг, дея баттар нола қиларди.

Ит мунгли нолага тоқат қилолмай, эшик ва дераза ўртасида зир югураркан, охири кўмак истаб, ўрик тагида мудраётган эшак ёнига борди. Фингшиб, акиллаб ўзича нимадир деди. Эшак эса пинагиниям бузмади. Ит яна кулба томон чопди. Деразага сакраб, эшикни тирнади. Бу ҳол бир неча муддат давом этгач, у яна эшак ёнида пайдо бўлди. Бошда фингшиди, сўнг қутурганча қаттиқ-қаттиқ хурди. Бунга жавобан эшак сал нари жилди-да, тагин мудрашда давом этди. Ит изига қайтди. Бу сафар олдинги жонсараклиги такрор этмади, тақдирига тан бергандай дераза тагига узала тушиб ётиб олди. Чол ун берганда, фингшиб, жим бўлганида сергак тортиб, ярим тунгача ётган жойидан жилмади.

Тун ярмига борганда, чол ўзида йўқ қувониб кетди. Негаки, бу гал Хайринисо оппоқ либосли бир аёл билан ташриф буюрганди-да. Чол онасини дарров таниди. Она, кетдик, дея имо қилди. Хайринисо ёқимли табассум билан уни қувватлади. Чол унинг юзидаги кулгичини аниқ кўрди. Шуурсиз бир ҳолатда улар томон интилди.

Оёқларида оғирлик ҳис этмади, худди пар янглиғ уча бошлади. Олам ям-яшил, руҳи эса ҳаводек енгил эди.

Ит бирдан қаттиқ сесканди. Туклари ҳурпайиб, сакраб ўрнидан турди-да, деразага ташланди. Сўнг эшикка югурди. Инграшга ўхшаш галати овоз чиқариб, эшикни жон-жаҳди билан тирнашга киришди. Кейин кутилмаганда тек қотди. Бошини солинтириб, шу созда анча туриб қолди. Сўнгра ер сузиб супа томон жилди. Чол оқшомлари чордана қуриб ўтиришни хўш кўрадиган жойга чўнқайиб, гўё эгасининг кўшиғини давом этиришга аҳд қилгандай, тумшуғини кўкка чўзганча, хазин ва мунгли овозда увлашга тушди.

У туни билан увлаб чиқди.

Одамлар чолнинг ўлиmidан тонгда огоҳ бўлдилар. Чолнинг ўнг панжасида кўйлак парчаси, чехрасида эса гўдакларга хос маъсум табассум қотиб қолганди.



## ҚЎШНИЛАР

У Қизилқия яғринидаги кўзиқоринсимон харсанг остида, ўмганини ерга берганча, пусиб ётаркан, яратгандан яккаш бир нарсани — бўриларни ини ёнидан тезроқ нари кетишини сўрарди. Умрида Худодан икки ўғилдан кейин қиз фарзанд беришидан ўзга нарса сўрамаган бу одамнинг эндиги илтижоси қанчалик ҳайратомуз туюлмасин, бу ҳақиқат — яратгандан у бўриларнинг тезроқ кўздан даф қилишини илтижо қиларди. Аксига олгандай, қоринлари тўқ шекилли, йиртқичлар жойидан жилай демас, арлони бўри оқиш харсанг қаватида, урғочиси эса ер бағирлаб ўсган арча пойида бамайлихотир чўзилиб ётарди. Қуйроқдаги тош ва буталардан ҳоли кафтдеккина сайхонликда эса болалари — олти чоғли бўриваччалар беармон шўхлик қилишарди. Катта йиртқичлар зоҳиран боқибеғам кўринса-да, ҳамишагидек, кулоқлари ўта динг, озгина сас ҳам улар эътиборидан четда қолмасди. Бироқ шунча хушёрликларига қарамай, атиги уч юз одимча наридан одам боласи ўзларини кузатиб ётганини хаёлларига ҳам келтирмасди.

Тесқари ел бунга монелик қилмоқда эди.

Этиги қўнжидаги мол сўядиган суяксопли пичоғидан бўлак яроғи йўқ Кўкан бўриларнинг пайқаб қолишидан ҳам кўра, жияни Софинтойнинг милтиқ кўтариб келиб қолишидан кўпроқ хавотирда

эди. Агар у келар бўлса чор-тарафи чўнг қоялар билан қуршолган бу овлоқ гўшада не воқеалар кечишини тасаввур этгани сайин баттар ташвиши ортмоқда эди. Бахтига, беш йилнинг нарисиди қишлоқдаги барча милтиқлар йиғиштириб кетилган. Бироқ қидирган одамга яроғ дегани у қадар қаҳат эмас, битта-яримта милтиқ ҳаминша топилади, бу қишлоқдан бўлмаса, у қишлоқдан. Айниқса, Софинтойга ўхшаган иримчи йигитлар қидирган нарсасини тупканинг тагидан бўлсаям топмай қўймайди.

Кўканга қолса-ку, икки кун бурун қишлоққа келиб, тўкин дастурхон тўрида ҳануз бировга гапини бермай ўтирган вайсақи жиянини аллақачон келган жойига ҳайдаб соларди-ю, бироқ, табиий, бунинг сира иложи йўқ. Агар бирор ножуя гап айтар бўлса, шусиз ҳам сози чиқишмай юрган янгаси Турсунтошга худо беради кейин. Қайним бизга душман, қўйнида тоши бор унинг, дея қон-қариндошлик ришталарига теша эмас, болта ура бошлайди. Боз устига, кўпроқ пул топиш дардида ўзга юртдан бери келмай қўйган тўнғичлари Софинтойга уларнинг меҳри ҳаддан зиёд баланд. Бехос ёнидан ўтиб қолар бўлсанг, боламга шамолинг тегди, дея ёқангдан оладиган ота-оналар хилидан улар. Шунинг учунми акаси Қаҳҳорбек ўғлининг ташрифи шарафига бир эмас, икки қўй сўйдирган, янгаси Турсунтош эса худди ёш қизлардай, қадамидан ўт чақнаб, пиширкуйдиру бошқа хизматларни дўндирмоқда эди. Фақат Кўкангина қувонолмай гаранг эди. Қариндош сифатида қувонишга ҳарчанд уринса-да, бунинг уддасидан чиқолмай, дилтанг эди: «Одамга ўхшамай қоляпман лекин...» Сўнг бунинг боисини қидириб, ўйга чўмади. Йўқ, у хешларини ёқтирмайдиган банда эмас, ҳатто айтиш мумкин, ҳаддан зиёд жигарчил. Акс ҳолда ўзиникини бағрига тортиб, эр тарафникини нарига итарадиган Турсунтошнинг куракда турмайдиган қилиқлари туфайли аллақачон акаси билан юз кўришмас бўлиб кетарди. Хўш, унда нега жондек жияни Софинтойга кўнгли исимаяпти? Ё унинг келган куниёқ, бу тоғу тошларни едириб, ямлатиб, кўра-кўра қўй қиламан, катта бизнесни йўлга қўйиб, Софинтойбой номини оламан, деган гапидан оғриндимикан? Ё давранинг тўрида кариллаб ўтиришини ёқтирмаяптимикиан? Бироқ маст-аласт давра аҳли Кўканнинг узоқ ўй сурмоғига қўймайди. Қўлига ичимлик тўла пиёлани тутқазиб, амаки сифатида сиз ҳам бир тилак айтинг, дейишади. Шунда у бу дунёда тилак билдиришдан қийини йўқлигини англайди. Айтган сўзлари ўзига ёлғон туюлиб, даврадан тезроқ қочмоқни ўйлайди. Бугун тонга яқин қочган жойи ака-ука хонадони оралиғидаги кенг сайҳонлик бўлди. Яланглик ўртасида

бир тус чўзилиб ётган қучоққа сифмас хариға етгачкина енгил тортади. Хари сабаб кеча оқшомдаёқ жияни билан жиндек қизишиб олгани шундагина эслайди.

— Буни арралаб... майдалаш керак, амаки.

Кўканнинг кўзи теварақдаги тоғларда эди, э, буям янганинг кутқусига учаяптими, деган ҳадикда қаватида ўтирган Соғинтойга хавотирла боқади. Нега деганда, аёлидан пишанг олган акаси Қаҳҳорбек йилда бир хариға тирғалиб кўради. Бироқ ҳар оқшом харида қалдирғочдай тизилишиб ўтиришни хуш кўрадиган қишлоқ чоллари дарров унинг попугини пасайтириб қўйишади: «Бу сеники эмас, умумники, агар хариға қотинар бўлсанг, жаппалашиб қарғаймиз!» дейишади. Қаҳҳорбек қарғиш олишдан кўрқади. Турсунтош эса, бу ишда қайнимнинг кўли бор, чолларни гиж-гижлаган шу, деган гумонга боради. Кейин аллавақтгача чирой очмай юради.

— Сўғин бу ерга минг қўй сифарли кўтон эгираман, — дейди Соғинтой орзу ҳавасга берилиб. — Сизни эса бош чўпон қип тайинлайман. Етар шунча дайдиганим, шу ерга томир отиб, шу ерда палак ёзмоқчиман.

Кўкан жиянининг кўлида бош чўпон бўлишидан эмас, унинг хариға қотиниш ниятидан оғринади.

— Бу жамоаники, жиян, чоллар эшитса, озорланишади.

— Тушунмадим, нима жамоаники?

— Харини айтаман...

— Қанақасига жамоаники, бизники бу! — Соғинтойнинг рангги гезариб, ўрусчалаб ёмон сўкинади.

— Қачондан бери?! — энди Кўканнинг ҳам газаби қайнай бошлайди.

— Бунинг аҳамияти йўқ.

— Худди товдан ўзинг судраб тушгандай гапирасан-а, жиян.

Хари қачон ва ким томонидан судраб келинган, буни ҳеч ким билмайди. Кексалар, бу селнинг иши, деб тахминлайдилар. Боиси, тоғлар орасидаги бу мўъжаз водийда илгари қишлоқ бўлмаган, одамлар ўн беш йилнинг нари-берисида кўчиб кела бошлашган. Санаб келсанг, саноғи ўттиздан ошмайдиган бу қишлоқ хонадонлари бири-биридан анча айро тушганига қарамай, оҳанграбоси борми, кундузлари болалар, оқшомлари чоллар, қоронғи тунлари эса турли ёввойи жониворлар ўралашишади хари теварагида.

Кўкан бошқалар билмайдиган яна бир сирдан, яъни хари ва қуйидаги тошлоқ сойнинг нариги юзидаги Чўнгхарсанг тоғ жониворларининг ўзаро сўзлашув манзилгоҳи эканлигидан ҳам бохабар.

Тунда хари ёнига қандай турдаги жониворлар келиб-кетган, у буни шалпангқулоқ итининг авзойига қараб аниқлайди: тонгдан хари теварагини айланиб-ўргилаётган ити энгил-енгил акилласа, кечаси бу ерда майда жониворлар айланишган, агар шалпангқулоқнинг яғрин туклари хўрпайиб, худди нимадандир қаттиқ кўрққандай, хув адоқдаги кўра биқинидаги ертўласимон инига биқиниб олар бўлса, демак, тунда хари ёнига қўшнилар — бўрилар кўниб ўтган бўлади. Кунчиқишдаги тоғ дараларидан бирида яқин беш йилдан бери умргузоронлик қилиб келаётган бу бир жуфт бўрини қишлоқ аҳли ярим чин, ярим ҳазил оҳангда «қўшнилар» деб атайди. Қишлоққа уларнинг зарари йўқлиги сабабли одамлар бўриларга ола қарашмайди.

Кўкан эса ўтган қиш чилласида юз берган бир воқеани ҳеч эсидан чиқаролмайди. Ойдин тунда қор кечиб келаркан, бўриларни гоҳ чап ёндаги арчазор дўнгликда, гоҳ ўнг томондаги қияликда кўриб, бошда улардан кўрққан. Қачонки, улар қишлоқ этагидаги Учқиядан изига қайтиб кетишгандан сўнггина, бўрилар ўзини узатиб келганини пайқаган. Ўша тунда кўшни қишлоққа ўзга бўрилар тўдаси даф қилиб, кишилар молига зиён етказганини эшитгач эса, яна нималарнидир англаб етгандай бўлган. Қисқаси, гайритабиий бу қўшничиликка ҳар икки томон ҳам кўникиб кетган. Соғинтой эса айни шу қўшничиликка раҳна солмоқчи. Бу борада қисман Кўканнинг ҳам айби йўқ эмасди. Агар тонгдан харига чўкмай, ичкарига, аёлининг ёнига кириб кетганида борми, бу шўришлар йўқ эди.

Тунги, Кўканнинг таъбири билан айтганда, бир чақага қиммат аҳмоқона зиёфатни тонгда адоқлаган улфатлар шовқинлашганча ташқарига чиқишганида, Соғинтой кўрадики, боя даврани тарк этган амакиси Кўкан фусункор тонгнинг танҳо эркаси бўлиб, ялангликдаги харида ёлғиз ўзи ўтирибди. У оғайнилари билан наридан-бери хайрлашиб, амакиси томон юради. Зиёфатни элдан бурун ташлаб кетгани учун ундан бир оз ўпкаланмоқчи бўлади. Аммо унинг харига етиб келиши қийин кечади, ярим йўлга етиб-етмай, ҳайратдан шамдай қотади. Сўнг бўғзидан таажжуб ва ундов оҳанглари қоришиқ ғалати бир ун силқиб чиқади. Кўкан у имлаган томонга ўгирилиб, тошлоқ сой ёқалаб бамайлихотир йўртиб бораётган қўшни бўриларни кўради. Ана, улар қуюқ чангалзор оралаб зумда кўздан ғойиб бўлишди.

— Амаки, ҳозир нақ жинни бўп қоламан, кўрганим итмиди ё бўримиди?!

Оҳ, шунда Кўканни жин чалади, чалгандаям ёмон чалади. У йиртқичлар билан қўшничиликда яшашларини айтиб мақтангиси ва шу билан жиянини лолу ҳайрон қолдиргиси келади. Агар вақтида Соғинтойнинг кўзларида ёлқинланган ғалати ифодани сезиб қолмаганидами, харини жониворларнинг ўзига хос сўзлашув манзиллари-дан бири экани ҳақида ҳам гапириб бермоқчи эди.

— Тонгдан бўрини кўриш яхшилик аломатидир, амаки! — деди Соғинтой ҳаяжонланиб. — Мен ирим қилдим, амаки, ирим қилдим! Агар улардан бирини отиб олсам, ишларим янада юришиб кетишини кўнглим сезиб турибди! Иримда гап кўп, амаки, иримда гап кўп! Мен ирим қилдим!

— Кўкан шошиб. — Сўгин жондорлар бизга кун бермай кўяди-я!

— Биз уларни тирик қолдирмаймиз-да, амаки!

— Осон эмас бу иш, жиян, осон эмас!

— Нимаси қийин, амаки, ундан кўра менга битта милтиқ топиб беринг.

— Йўқ милтиқни қаердан топаман сенга, барини узоқ йили милисалар йиғиштириб кетган.

— Анқонинг уруғи эмасдир, топилар битта-яримта.

— Унда излаб кўр, — Кўкан аразлаган киши бўлиб, юзини терс ўгириб олди.

— Мен сизга ирим қилдим деяпман-ку, амаки! — деди Соғинтой ҳам гижиниб. — Энди ернинг қаъридан бўлсаям милтиқ топишимиз шарт! Акс ҳолда... Амаки, илтимос, ёрдамингизни аяманг! Иложи йўқ дейсизми? Унда ўзимиз иложини қиламиз! Лекин сиздан ёмон кўнглим қолди, амаки! Қариндошга ўхшамай қопсиз!

Улар тунги зиёфатдан сўнг бир зумга тин олишни насиёга қолдириб, бири қишлоқ оралаб милтиқ қидириб кетди, бири эса уйига бирровга бош суқиб, бу томонга йўл олгани. Мана энди ўмган ташлаб ётибди, бўриларнинг тезроқ кўздан даф бўлишини кутиб.

У ялангтошга манглай кўйиб, орада икки бор мизғиб ҳам олди. Азбаройи ториққанидан ич-ичидан жияни Соғинтойни яниб-яниб кўйди: «Энангга ўхшаб иримчи бўлмай, ўл! Энанг ҳам шу, йўқ ердаги нарсаларни ирим қилиб, доим нам олиб юради».

Охири Худо Кўканнинг оҳини эшитдими, аввалига урғочи бўри, сўнг арлони бўри аста ўринларидан кўзғолди. Урғочиси теваракка сочилиб ўйнаб юрган болаларини турткилаб-сурткилаб инига ҳайдай бошлаганида, арлони бўри чўнқайган кўйи теваракка кўз-қулоқ бўлиб турди. Сўнг урғочиси ортидан йўртиб, кунботиш томон йўл

олди. Бу пайтда қуёш тоғлар ортига оғиб, ҳаво ҳийла салқин тортиб қолганди.

Кўкан йиртқичлар қояни айланиб ўтиб, наридаги довон юзида бир зум кўзга ташланиб, сўнг муюлишдан қайрилиб, қўшни водий томонга ўтиб кетмагунча ўридан жилмади. У не бир қалтис ишга қўл ураётганини ва мабода бўрилар сезиб қолса, ўзининг бу хатти-ҳаракати муқаррар фожеа билан якун топишини яхши биларди. Шунинг учун йиртқичларнинг узоқлашиб кетганига тўла ишонч ҳосил қилмагунча жойидан жилмади. Овга чиққан бўрилар, айниқса, болали йиртқичлар нафси қонмагунча изларига қайтмаслигини тажрибадан яхши билса-да, унинг харсанг пойидан қўзғолиши барибир хийла қийин кечди. Кейин эса бу ёғи жуда тезлашиб кетди. Азбаройи ҳаяжонланганидан, тураётиб қаншарини тошга уриб олди. У ғурра бўлган пешонасининг оғришига эътибор ҳам бермай қуйига энди. Тошлардан сакраб, паст-баланд буталарни айланиб ўтиб, зумда бўри инига етди. Бахтига, ин у қадар чуқур эмас экан. Шунга қарамай, ин оғзидаги бир-икки тошни олиб ташлашига тўғри келди. Сўнг ҳадик ва ҳаяжондан бутун авзойи бадани титраб, жиққа терга ботиб, ичкарига қўлини тикди. Ин тўрида қўрқувдан бирибининг пинжиги тикилиб, ғуж бўлиб олишган бўри болаларидан қўлига илинганини тортиб олди. Ҳозир онаси келиб қолса, мени тириклайин еб қўяди-я, деган ўйда чўнқайганча, телпаги қатидан игна билан ип олди...

Бу пайтда Соғинтой милтиқ топса, ўқ-дори тополмай сарсон бўлиб юрарди. Ва эртаси кунигина қўшни қишлоқлик Эсонали мергандан озгина ўқ-дори ундириб, қишлоқда кўпчиликка маълум бўлган Қизилқиядаги бўрилар ини томон жадал жўнади. Унинг қаерга ва нима учун кетганлигини яхши билган Кўкан эса шомга қадар ўзини қўярга жой тополмай, сайҳонликда айланиб юрди. Чакалакзор бетда Соғинтойнинг қораси кўриниши билан узоқ сафарга кетган боласига интиққан отадай, йўқ, бамисоли онадай унга пешвоз юрди. Югургилади деса уят бўлар, юрди. Яқинроқ бориб, жиянининг қўлини бўш кўргач эса, ўзида йўқ қувониб кетди. Шундан сўнг ортиқ ҳовлиқмай, беихтиёр юришини секинлатди.

Унинг бу ҳаракатларини ўзича хавотирга йўйган Соғинтойнинг кўнглида амакисига нисбатан меҳр ийди. Жигарда, алағда бўпти, деган ўйга борди. Кейин юраги тўлиб-тўкилиб, унга дарди ҳол қилди.

— Бизди сафар қариди, амаки! — деди кўзларининг гирди намланиб. — Энди бу ерда ишим юришмаслиги аниқ! Қизилқияда бўри

тугил, унинг тезагиниям учратмадим. Бу яхшилик аломати эмас, амаки!

Кўкан унга ҳамдардлик изҳор этгандай, гамнок бош эгаркан, ўзи кутган қуйидаги воқеа кўз ўнгида гавдаланади: бўрилар ярим тунда инларига қайтишсаки, болаларидан бирининг ҳаловати йўқ, вангиллаб дарани бошига кўтармоқда. Улар инларига одам боласи дориганини у қолдирган ҳиддан дарров илғашади-ю, лекин ўша одам боласи бўшонолмай қийналаётганидан узлуксиз «дод-фарёд» кўтараётган бўриваччанинг кетини атай тикиб кетгани идрок этишолмади. Уларнинг савқи табиий ила англаганлари шу бўлдики, зудлик билан инларини ўзгартиришлари лозим. Акс ҳолда тинимсиз вангиллаётган бўривачча гўшалари қаердалигини одамларга сездириб қўйиши мумкин. Бу эса йиртқичлар табиатига тўғри келмайди. Бўрилар азобда қолган боласини тишида кўтариб, қолганларини эса эргаштириб, ўша заҳотиёқ одам оёғи етмас қоялар томон кўчадилар.

Эртаси Соғинтойнинг тўсатдан кетаманга тушиб қолишидан хешлари ҳам ҳайрон, ҳам хафа бўлишди. Уни кузатаётганлар орасида Кўкан ҳам бор эди. Табиий, у ҳам бошқалардан кам гамда эмасди. Бироқ Кўкан жиянининг аҳдидан эмас, у туфайли бўриларнинг кетишга мажбур этганидан, аниқроғи, уларнинг кетиб қолганидан жуда хафа эди.



## ҚУЁШ ТУТИЛГАН КУН

Қишлоқда хунук гап тарқалди.

Эмишки, яккабулоқлик Боборайим гов ҳамқишлоқлари бўлмиш Собир полвоннинг қонини ичмоқ қасдида юрганмиш. У мени тупроққа қориб кетди, энди мен уни қизил қонига белейман, пичоғим қайроқ устида, ўчим тўш остида, деганмиш.

Собир полвон бу гапларни кенг ҳовли ўртасидаги супада ёнбошлаган кўйи, қонталаш ўнг манглайини силаб-силаб, хаёлчан бир тарзда тингладики, авзойидан не воқеа юз берганини ҳализамон ошиқмай тўкиб соладигандек эди. Бошда, яъни жўралари ҳовлига гуруллаб кириб келишганида, шу истаги йўқ эмасди. Сўнг бирдан айниди. Оғзига тикила-тикила, бирин-сирин супага жойлашаётган йигитларнинг нигоҳларида ҳамдардлигу хавотирдан кўра қизиқиш

аломатлари кучлироқ эканлигини сезгач, воқеага сабаб бўлмиш қўшни қизнинг «чайнаш»ларидан ҳадикланди. Боз устига, қиз ғаним оиладан. Бир кўрпада тепкилашиб улғайишган тоғаси Баҳромнинг қотили Ваҳобга жондек сингил... Ҳодисани эшитгач йигитларнинг ҳар бало деб вайсашлари турган гап.

Шу тобда Собир полвоннинг ортиқча гап-сўзларга тоби йўқ. Кўнглида кечаётган ғаройиб бир туйғудан таажжубда эди. Буни қарангки, кечагача мавжудлигини билишнйам, сезишнйам истамаган қиз хаёлидан кетмай қолганди. Дастлаб Боборайим говнинг тунги тажовузидан чўчиб, буни шунчаки хавотирга йўйганди. Тунда ҳар эҳтимолга қарши уч бор қизнинг ҳовлиси атрофини айланиб келиши шундан эди. Аммо тонгда дарвозаси олдини супуриб юрган қизни кўргач, ич-ичидан нимадир гупураётганини аниқ ҳис этди. Нечун у кўзига бу қадар иссиқ кўриняпти? Демак, кўнглида хавотирдан бўлак яна нимадир уйғонибди-да. Ахир ўртада ҳеч бир куч йиқа олмайдиган адоват девори савлат тўкиб турарди-ку. Наҳотки, у тонгда қизнинг биргина кулиб қарашиданоқ емирилиб тушган бўлса?!

Супани тўлдириб ўтирган йигитлар эса унинг ҳоли-жонига кўймай, тинмай саволга тутишади:

- Айт, нима бўлди ўзи?
- Нега у қутуриб юрибди?
- Нима, оғзингга талқон солганмисан?

Собир полвон эса чуқур хўрсиниб, сўзламоққа унчалик ошиқмайди.

Кеча қиз тутзордан ўқдек отилиб чиққанида, ўртадаги адоватни ўйламаганини аниқ эслайди. Боз устига, вазият ортиқча ўйга изн бермаган. Қиз, оғажон, қутқаринг, дея аввал қичқирдим, ё кейинми, ҳарҳолда жон ҳолатда кучоғига отилган ожизанинг ҳаракатидан лолу ҳайрон бўлиб турганида, кутилмаганда тутзордан Боборайим гов югуриб чиқади. Оёғида рангги уникқан кирза этик, ёқаси йиртилган, хунук башараси тимталанган.

Бамисоли қутурган итдай, даҳшатли важоҳатда бостириб келади. Собир полвон бағрига суқилган қизни ўзидан четлатиб, беихтиёр Боборайим говга бет бўлади. Қиз эса чинқирганча унинг ортига бекинади. Боборайим гов ёмон сўкинади. Йигитнинг елкаси оша қўл чўзиб, қизни тутмоққа интилади. Ундан тер, вино, тамаки ва яна алламбалоларни иси анқирди. У лақабига яраша хўкиздай кучли эди. Собир полвон миқтироқ бўлса-да, ундан бақувват, ҳам ёш эди. Биринчи ҳамладаёқ Боборайимни кўтариб ерга уради.

Қоқ туш.

Ёзнинг жазирама офтобидан дашт ёнай дейди. Теваракда қимирлаган бирор зоғ йўқ. Тизза бўйи тупроқ йўлда бир-бирига тирмашган икки гавда-ю, ёлғиз бир гувоҳ...

— Эшитдинларми, эрта-индин қуёш тутиларкан.

Собир полвондан тузукроқ жавоб олишолмаган йигитлар аллақачон ўзаро гапга тушиб кетишганди.

— Шиша топиб, қорайтириб қўйиш керак экан.

— Қора кўзойнак ҳам бўлаверади.

— Салимнинг дўконидан унақасидан қомабди, барини опқўйишибди.

— Охир замон бўлади-ёв деб, чоллар қўрқиб юрганмиш.

— Тоза қизиқ бўлса керак ўзиям, а? Бор қуёш бир зумда йўқолиб қолса.

— Йўқолмайди, юзи тўсилиб, кун жуда хира тортади.

Айни шу ҳолатни Собир полвон кеча бошидан кечирганди. Кўкка ўрлаган чангдан бир одим нарини кўрмоқнинг иложи йўқ. Йиқилса-да, ўларман ҳўкиздай қайта ва қайта ташланаётган Боборайим говнинг кўланкасини тўзон орасидан базўр илғар, наздида, шу созда минг йиллардан бери муштлашаётгандек эди. Тириклик маъносини йўқотган, яшашдан ягона мақсади сарғиш, қалин туман орасида ҳаракатланаётган қора кўланкани маҳв этишдан иборатдек туюларди. «Кўланка»нинг бу даражада қайсарлигидан тобора ҳайрати ошиб борарди. Аллақандай бир бало эди у. Чурқ этмай ёпишаркан, ўлдираман, дея ора-сира гулдираб қўярди. Табиий, йигит буни сезмас, сезадиган аҳволда эмасди. «Кўланка»ни тезроқ бартараф этмоқдан ўзгасини ўйламасди.

Кутилмаганда «кўланка» бирдан ғойиб бўлиб қолади. Йигит ёруғлик истаб, теваракка, сўнг кўкка тикилади. Қуёшнинг юзи кир, қуюқ чанг булути орасидан йилтиллаб аранг кўзга чалинади. Олам шу ҳол-шу созда қоладигандек, йигитнинг юраги увишади. Кейин шуури секин-аста тиниқлашиб, не воқеа содир бўлганини англай бошлайди.

Бу орада тўзон босилиб, Собир полвон ҳануз четда даҳшатдан қотиб турган қизни кўради. Тупроқ орасида ўликдай чўзилиб ётган Боборайим говни кейин илғайди. Ўлиб-нетиб қолмадимикан, деган ўйга боради. Йўқ, рақибни бирдан жонланади. Инқиллаб қаддини тиклайди. Энгил-бошидан шовуллаб тупроқ тўкилади. Негадир ўрнидан кўзғалишга ошиқмайди. Ялпайиб ўтирган ерида гоҳ қизга, гоҳ йигитга қаҳрли тикиларкан, совуқ ва ўта қўрқинчли оҳангда дейди:

«Бу тун икковингням бўғизлайман! Аввал сени, қанжиқ! Кейин сени!»

Собир полвон не балога йўлиққанини энди сезгандай, оғир сўлиш олади. Тутзор ёқалаб кета бошлайди. Бироқ рақибининг хирқи овози тинч кетишига қўймайди, ортидан қувиб етади: «Қанжиғингни тутзорга опкириб, искаб кет! Бу ёғи жуда оз қолди, улгуролмайсан кейин! Ўзиям зўр нарса-да, маза қиласан лекин!»

У ортига кескин ўгириларкан, изидан келаётган қизга тўқнашиб кетади. Қиз қалқиб, йигит унинг билагидан базўр тутиб қолади. Қиз, кафтлари йигитнинг кўксиди, ёлворувчан тарзда дейди: «Кўйинг, тенг бўлманг шу билан!» Йигит беихтиёр қизга тикилади. Йирик-йирик кўзларида чексиз миннатдорчилик белгиси қалқиб турган қизнинг рухсори ғоят гўзал эди. Собир полвон ундан кўз узолмай тураркан, негадир яноғига тушган бир тутам сочини аста тўғрилаб қўйгиси келади. Бироқ қиз ундан аввалроқ ҳаракатланади, кафтидаги дуррасини йигитнинг қонталаш манглайига босади. Бундан бир зумга сархушланган йигит майин дуррача чеккаси ва яноқлари бўйлаб сийпаланаётганини сезади. Афтининг беҳад кирлигини ўйлайди.

— Боя... — дейди ёқимли бир ҳисдан боши айланиб, — кун тутлдимикан деб ўйлабман!.. Кейин бундай қарасам, чанг-тўзон... Кулга ағнаган тайхардай, тоза юмалашибмиз-да ўзиям...

— Акаси тоғасини пичоқлаган, — наридан Боборайим говнинг хирқи кулгуси эшитилади, — синглиси эса... жиянини қучоқлаган! Зап зўр ишлар бўлаяптими, а? Буйтиб турмай, тутзорга обкир! Вақт борида тўйиб-тўйиб искалашиб олинглар!..

Собир полвон бирдан хушёр тортиб, қиздан четланади. Боборайим говнинг мазахли кулгуси остида йўлда давом этади. Изидан келаётган қизнинг шикаста овози қулоғини сийпаб ўтади:

— Тутзорда қўйларга печак юлиб юриб эдим. Бирдан кеп, ташланиб қолди.

Йигит, чатоқ бўпти, деган маънода «Ҳим-м» деб қўяди.

Қизнинг овози бу гал сал узоқроқдан эшитилади:

— Бетини тимталаб қочганим... яхшиям сиз кеп қолдингиз...

Йигит ўзини эшитмаганга олади.

Улар қишлоқ биқинидаги айри тол ёнида жимгина ҳайрлашадилар.

Қиз бошини эгганча кетди.

Йигит толга суянганча қолди. Ораларида нимадир пайдо бўлди, нимадир йўқолди. Юзага келган нарсанинг нелиги мавҳумдек, йўқол-

гани ҳам ноаниқ эди. Собир полвоннинг юракдан туйгани, қизнинг буткул ҳимоясизлигини туйқусдан англаш бўлди. Қизнинг акаси қамоқда, янгаси болаларини олиб кетиб қолган, кенг ҳовлида ёлғиз онаси билан туради. Тарафини оладиган яқин хеши йўқ. Дарвоқе, олди-орти тўла оға-иниси бўлган тақдирдаям, Боборайим говнинг кутилмаган тажовузидан омон қолмоғи қийин. Худо урган бу банда на уятни билади, на андишани. Одамлар у билан олишавериб чарчаган, охир-оқибат, тегмасликни маъқул топганлар. Тегсанг — ё жонингга тирғалади, ё молингга. Ит бас келсин унга!

Эшикдан Раҳим пакана пилдираб кириб келганида, Собир полвон ҳануз паришон ўтирарди. Йигитлар эса, одатдагидек, ош қилмоқ тараддудида эдилар. Не баҳонада тўпланишмасин, уларнинг бу хил йиғинлари ошсиз яқунланмасди. Бу одатни қишин-ёзин бўйнидан бўйинбоғ тушмайдиган Шоди пўрим русум қилган. Ҳозир ҳам ҳаммани ишга солиб қўйиб, ўзи валақлаб гап сотиб ўтирарди.

Раҳим пакана даврага бир қур назар соларкан, кўзи Собир полвонга тушгач, сирли кулимсиради. Сўнг «сўнгги ахборотни эшитинглар», дея супа лабига чўқди. Аммо ичи тошганиданми, яна ўрнидан туриб кетди.

— Бу ёққа келаётиб, — деди ҳамманинг диққати ўзига қаратилганини сезгач, — дўкон ёнида Бобур сариқни кўрдим. Фирт пиён. Бу қишлоқ менга ҳаром, кетаман бошимни олиб, дейди. Нимаякан десам, суйган қизини Боборайим гов бузиб қўйибди. Бу ишга жўрамиз Собир полвон шерик чиқиб, гов билан тоза ёқалашибди. Хуллас, қиз ўртада кўзичоқ, булар эса бўри бўпти. Тағин билмадим, ҳарҳолда гов шундай деб юрганмиш.

— Э, ҳали гап бу ёқда экан-да, — деди Шоди пўрим шум табассумини яширолмаи, — айтдим, нега бу сўлжайиб ўтирибди деб.

Даврада кулги кўтарилди.

Собир полвоннинг ошиғич ва газабли эътирози умумий галаговур орасида кўмилиб кетди. Кейинги уринишлари ҳам бесамар кетгач, кучи етгани дастурхондаги пахта гулли пиёла бўлди. Бироқ ўтирганлар на унинг вазоҳатига, на бақувват панжалари орасида бурдаланган пиёлага эътибор бердилар. Бобур сариқнинг устидан кулиб, қизнинг ғийбатини қилишаркан, Собир полвонни ҳам гап орасига қистириб ўтишарди. Бунга сари у қутурмоқ истар, қутурган кўйи қизнинг бокиралигини ва унга ҳеч ким даҳл қилмаганини исботлагиси келарди. Аммо тезда бу ҳаракати бекорлигини, йигитлар ишонгандек бўлишса-да, барибир ўз фикрларида қолаверишини

англаб етди. Азалдан шу — ғийбату гумон бўй чўзган ерда ҳақиқат топалади.

Йигитнинг титроқ лабларидан учган аламли сўзларни қайноқ ҳаво ютиб юборди.

— Ҳа-а, силар ул эмас, тўлсилар!

У полвон сифатида давра юзини кўра бошлаганидан бери эркак зотини икки тоифага ажратадиган бўлган. Дердики, йигит бор — ул, йигит бор — тўл. Унингча «тўл» деганлари шунчаки зуррият, «ул», яъни «ўғил» эса эл ғами ва орида юрадиган мард йигит экан. Бу ақидани қаердан кавлаб топгани номаълум, аммо ўзи бунга юракдан содиқ эди.

Ҳозир ҳам қизнинг кейинги тақдирини ўйлаб эзилиб ўтираркан, шу пайтгача англаб етмаган бир ҳақиқатни идрок этгандай бўлди: «Тоғамнинг қотили Ваҳоб эмас, одамлар...» У тоғаси билан боғлиқ воқеани кўз олдига келтиришга уринаркан, тишлари орасидан аламли ингради: «Яна ўша тутзор...»

Тоға билан жувон тутзордан бошлашиб чиқаркан, не фалокат бўлди-ю, бефаросат аёл этагини тўғрилайди, энгил-бошини қоқибсуқади. Буни тасодифан кўриб қолган қишлоқ кампирларидан бири тишсиз оғзини қийшайтириб қуйидаги гапни тарқатади: «Фалончилар оқшом тутзорда ўйнашиб ётган экан. Ўз кўзим билан кўрдим. Одамларда на шарм қопти, на хаё...» Шубҳа-гумон исканжасида қолган эр — Ваҳоб кўп қийналади, кўп азоб тортади. Аёлини калтаклаб, тоғанинг ёқасига ёпишади. Бунга сари қишлоқда ғийбат кўпчигандан кўпчийди. Ва Шовруқ посоннинг тўйида айтилган бир оғиз гап барига яқун ясайди: «Ана, хотинингни ўйнаши келаяпти». Ҳамма қатори еб-ичиб ўтирган Ваҳоб бошини кўтариб, тўйхонага кириб келаётган тоғани кўради. Сўнг ён-верига аланглаб, гап эгасини қидиради. Лаблар чапиллаб, бармоқлар ёққа ботган, гўё ҳеч қанақа гап айтилмагандай эди. У ночор бош эгаркан, товоқ ёнида ҳозиргина ўзи эт бурдалаган узун пичоққа кўзи тушади. Негадир унга тикилиб қолади. Шунда кимдир «пиқ» этиб кулади. Энди у тигга айрича назар билан қарайди. Қийналган жонига фақат шугина оро кирадигандек туюлади. Биргина ҳаракат билан барча изтиробларига чек қўймоқни истайди. Пичоқни энги ичига яшириб, хиёл гандираклаганча ўрнидан кўзғалади. Тўй эгаси билан чақчақлашиб турган тоға томон юради. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. У тоғанинг кўксига зарб билан тиг санчгандан сўнггина нима иш қилиб қўйганини англайди. Тўй эгасининг қўлида жон бераётган тоғанинг кўзларида шу маънони ўқийди: «Нечун? Нима айбим учун?!» Унинг

бирдан-бир айби тутзорда барг юлаётган аёлнинг қопини кўтаришга кўмаклашгани эди, холос...

— Лекин сен маладессан!

Собир полвон яғринига бехос тушган шапатидан чўчиб кетади. Ёнига ўгирилиб, супа лабида тиззалаб турган Раҳим паканани кўради. Кўлида ароқ тўла пиёла, афти бўғриққан.

— Синглисини бузиб, тоғаннинг ўчини олдингми, демак, сен ҳақиқий эркаксан! — деди у яна. — Шунинг учун мановуни ичиб юбор.

Собир полвон, бу нималар деб алжираяпти, деган ўйда даврадагиларга ҳайрон боқаркан, бошқаларнинг ҳам кўзларида шу маънони ўқигач, кўнгли шу даражада вайрон бўлдики, назарида, қуёш нурсизланиб, олам зимистон тортгандек туюлди. Аммо бу нарса қуйидаги гапни дангал, ўз навбатида, хотиржам оҳангда таъкидламоғига монелик қилмади.

— Тоғамни Ваҳоб эмас, силар, силарга ўхшаганлар ўлдирган!

Бу гапдан йигитлар, ҳатто дарахтдаги қушлар-у ҳовли юзидаги товуқларгача донг қотиб, ғир-ғир эсаётган кучсиз эпкин бир зумга тингандай бўлди.

— Энди эса шўрлик бир қизнинг бошини емоқчимисанлар?! — деди ғазаби тошгандан тошиб. — Йўқ, уни силарга едириб қўймаман! Энди эса жўна баринг! Йўқолларинг-е!

Йигитлар норози кўзғалишаркан, кимдир барибир тилини тиёлмади.

— Раҳмат, қандайдир бир қанжиқни биздан устун қўйганинг учун катта раҳмат!

Собир полвон забт ила улоқтирган пиёла гап эгасининг қаншарини сийпаб ўтди.

\* \* \*

— Анову ерда эркаклар муштлашапти!

Даштдан тезак териб қайтаётган бола етказган бу хабар гузардагиларни оёқлатмай қўймади. Кимдир ташвишда, кимдир қизиқишда, кимдир эса шунчаки томоша илинжида даштга ошиқди. Улар орасида кеча Собир полвон томонидан ҳовлидан ҳайдаб чиқарилган йигитлар ҳам бор эди.

Аслида Собир полвоннинг қишлоқ яқинида жанжал қўзғаш нияти йўқ эди. Рақиби Боборайим гов билан Яккабулоқнинг ўзида гаплашмоқчи эди. Жонини гаровга қўйиб бўлса-да, унинг, қизга туҳмат қилувдим, деган иқрорини олмоқчи эди. Наздида, шу бир-

гина гап қишлоқда тобора урчиётган турли хил миш-мишларга барҳам берадигандек эди. Бу ўй илгарироқ миясига келмаганидан ҳатто ҳайратда эди. Боборайим говнинг кутилмаганда ҳужум қилиб қолишидан хавотирланишга хавотирланибди-ю, бу иш ўзга бир йўсинда амалга оширилганлигини хаёлига келтирмабди.

Кеча оқшомдаёқ қиз не балога гирифтор бўлганини тўла англаб улгурганди. Қизнинг кўчасида бемақсад тентираётгандек эса-да, аслида уни истаб чиққанди. Ички бир туйғу ақл-идрокдан устиворлик қилмоқда эди. Ҳаётида илк бор қизнинг кўкиш дарвозаси кўзига сирли ва иссиқ кўринди. Аммо дарвоза олдида узоқ ҳаяллаб бўлмасди. У олға жилди ва салдан сўнг муюлишдан сув тўла челагини кўтариб чиққан қизга рўпару келади. Қизнинг кўриниши шу қадар эзгин эдики, челақ эмас, бир олам ғам кўтариб келаётгандек эди. Қиз сўлғин нигоҳини ердан узаркан, йигитга кўзи тушиб, юзига қизиллик югуради. Қувончга ўхшаш нимадир порлаган кўзлари қаъридан шу маъно акс этади: «Не кунларга қолдим, оғажон?!» Йигит оғир сўлиш олади. Қиз эса нигоҳи ила сўзлашда давом этади: «Бундан кўра ўлганим яхшироқ эди. Ҳатто ўз туққан энам ҳам менга гумонсираб қараяпти!»

Йигит гуноҳқорона ерга тикиларкан, кўзларини олиб қочмоқдан наф йўқлигини англаб, тагин бошини кўтаради. Қизнинг қайғуга тўла нигоҳи юрагини ўртаб юборади. Беихтиёр уни бағрига тортиб, овутгиси келади. Бироқ бунинг асло иложи йўқ эди.

Бу нигоҳлараро сўзлашув лаҳзанинг ўндан бири улушида бўлиб ўтган эса-да, йигитнинг назарида, йилга чўзилгандай туюлади. Аламини ердаги тошдан олади. Зарб билан тепилган тош кўча четидаги лойхандаққа бориб тушгач, у ердан афтини соқол босган, ирkit бир кимса бош кўтарди. «Бошни тешай дедингиз-ку, полвон», дея хандақ четига суянаркан, воқеани ўзича тусмоллаб, хунук илжайди. Сўнг танглайини маънодор тақиллатиб, қайта лойхандаққа шўнғиди.

Собир полвон бугун тонгда Яккабулоқни қора тортиб, отда йўлга тушаркан, қизнинг ҳовлисига илҳақ назар ташлаб ўтди. Ҳовли ўлик чиққан уйдаи сукунатда эди.

У қишлоқ четидаги кулбага етгачгина, қизни бир зумга унутди. Отдан тушмай, бир ёнга топ ташлаган эшикни тақиллатди. Девор оша ичкарига мўралаб, ҳовлининг рафторидан кўнгли айниди, юраги баттар ғашланди. У ҳовли юзини қоплаган ўт-ўланларга, синган кўзларига қоғоз ёпиштирилган деразага, отнинг калласидек кулф осилган эшикка, айвон устунисидаги миҳга илиғлик хуржунга бир-

бир разм соларкан, бу гўшада одам боласининг туришига ишонгиси келмади.

Йигитнинг қишлоқ оралаб сўраб-суриштиришлари ҳам натижа бермагач, изига қайтди ва Боборайим говга ҳеч қутилмаган ерда — қишлоқ яқинидаги подаётқода дуч келди.

Боборайим гов, қўлтигида чоғроқ тарвуз, чамаси, адирдаги палакдан қайтаётган экан, Собир полвонни кўриб кўзлари ёвузона чақнаб кетди. Тарвузни четга итқитиб, этиги кўнжидан пичоғини чиқарди.

— Уйингга ўтмоққа эринибгина турувдим-а, — деди ҳамлага шайланиб. — Зап учраб қолдинг-да! Қани, отдан туш!

Собир полвон қамчи билан даштга ишора қилди.

— Балки... сал нарига ўтармиз?

— Йўқ, шу ерда... қонингни ичаман! — Боборайим гов хирқираб кулди. — Агар чўчиётган бўлсанг, этигим учидан битта ўп, гуноҳингдан кечаман кўяман.

Собир полвон отдан сакраб тушди. Юган тасмасини эгар қошига илиб, отни қишлоқ сари ҳайдади. Сўнг бамайлихотир илгарилаб, ваҳшиёна илжайиб турган рақибига рўпару бўлди.

— Агар қизга тўхмат қилганингизга иқрор бўлсангиз ва буни эл олдида айтсангиз, этигингизни эмас, кетингизни ўпаман!

— Зўрсан-у, лекин кетимни булғаш ниятим йўқ — Боборайим гов хунук иршайди. Сўнг кулгиси зумда ўчиб, афти ўта қахрли тус олди: — Билсанг, Ваҳобда менинг қасдим бор. Қамоқдан чиқишимда қаттиқ ранжитган мени, шериклари билан... Ё энангни, ё синглингни булғайман деб, қасам ичиб кўйганман. Тунов кунни ниятим ушалай деганда, халақит бердинг. Менга қўл кўтариб, ўз бошингга ўзинг бало орттирдинг!

— Майли, бир бошга бир ўлим, деганлар! — Собир полвон оғир бўлишга тиришди. — Аммо аканинг ўчини сингилдан олмоқ учун бошга рўмол ёпинмоқ керак! Эркаксиз, бориб ўзи билан ора очди қилсангиз бўлмайдими? Ахир сизга ҳар икки томон ҳам бир-ку.

— Ўзим ҳам шуни ўйлаб турибман, — Боборайим гов совуқ илжайди. — Зўр-да у ёқ... Нонинг тайин, жойинг тайин... Қишлоқда нима бор. Мана, битта хом тарвузни деб ким қаерларга бориб келаяпман. Лекин қизни...

— Лекин бу қишлоқнинг ўз эгалари бор! — Собир полвон унинг гапини чўрт кесди. — Ўлмаган улар! Қизни сенга ҳафа қилдириб кўймаймиз!

— «Сен»лаб қолдингми?

- «Сиз»лашга арзимаёсан!
- Ахир унинг акаси тоғанғни...
- Ул йигитга бу баҳонамас...
- «Ул-ул»лаб ўларқансан-да, бу дунёда ул қоптими.
- Бор экан-ки, қошингда турибман!
- Сал ҳаддингдан ошмаяпсанми?
- Борим шу!
- Қизни деб ҳатто кетимни ўпмоқчимисан?
- Агар иқроринғни айтсанг!
- Айтмасам-чи?
- Тилинғни кесаман!
- Тилимни кесадиган одамнинг боши иккита бўлиши керак!

Сенда эса битта! Уям бўлса омонат.

- Демак, олишамиз?!
- Эмасам-чи!
- Унда пичоқни ташла!

Боборайим гов кулди.

– Агар ўзинғни ул билсанг, эр билсанг, ташла пичоқни! – Собир полвон жаҳл билан ер тепинди.

– О-о, жон ердан тутарқансан лекин, – Боборайим гов шундай дея қўлидаги пичоқни четроққа итқитаркан, негадир тиф бориб тушган ерга зимдан қараб қўйди. Сўнгра йигитнинг қўлидаги қамчиға имо қилди: – Қамчи...

Собир полвон қўлидаги қамчини зарда билан улоқтираркан, даргазаб оҳангда сўради:

– Сўнғи марта сўраяпман, иқроринғни одамларга айтасанми-йўқми?!

Боборайим гов хунук кулди.

- Айтмас экансан, дунё тугагунча олишаман сен билан!
- Дунём тугади деявер...

Аммо Боборайим гов гапини тугатолмади. Лунжига тушган кучли зарбдан чайқалиб кетди. Қорнига тушган иккинчи зарбдан эса тиззалаб қолди.

– Уҳ-ҳ, мазза! – деди у оғир-оғир нафас оларкан, қаншари остида йигитга ўқрайиб. – Яхши кўраман калтакни. Қанча кўп калтак есам, одам боласини еб-ютмоққа шунчалик иштаҳам очилади! Мана энди, сени ейман!

Улар муштлашишда давом этаркан, ўтган галги олишувдан тузуккина сабоқ чиқарган Собир полвон рақибини ўзига яқинлаштирмасликка уринар, бутун қаҳру ғазабини муштумларига жамлаб,

унинг дуч келган ерига гурсиллатиб туширар ва шунингдек, ўзи ҳам калтақдан бенасиб қолмаётганиди. Боборайим говнинг мушти оғир, гоҳида у зўр-базўр оёқда туриб қоларди.

Бора-бора Собир полвон қандайдир ёввойи бир маҳлуқ билан олишаётгандек сеза бошлади ўзини. Негаки, бу даражада аёвсиз мушглашишга бандасининг бардош бермоғи қийин эди. Кўзи рақибининг ваҳшийлашган афтидан ўзгасини кўрмаётган эса-да, қишлоқ томондан югургилаб келишаётган кимсаларни илғамай қолмади. Шунинг баробарида, офтобнинг хира тортаётганини ҳам пайқайди. Бироқ бу оёқ остидан кўтарилаётган тўзон эмасди. Негаки, улар олишаётган майдон қалин ажирикзор бўлиб, кўҳна ариқ ўзанидан бошланган майсазор ҳув наридаги подаётоқ этагида тугарди. Ажрикзор ушоқ моллар томонидан мунтазам чимдиб турилса-да, то кеч кузгача ўз тусини ва бўлиқлигини йўқотмайди.

Собир полвон эс-хушидан мосуво бир ҳолатда муштлашаркан, ажратмоққа уринганларга бегона овозда ўкирди.

— Аралашманглар! Аралашманглар деяпман!

Боборайим гов эса, қоч баринг, дея ундан баттар бўкирарди.

Орага суқилганлар уларнинг таҳдидидан эмас, адашиб тушган муштдан четга қочдилар.

Собир полвон шошиларди. Кишиларни аралашувидан чўчиб, ошиқарди. Ҳайвоний қувватга эга бўлган Боборайим говнинг тантана қилишидан, унинг туҳмату бўҳтонларни бафуржа туфлашига имкон яралишидан кўрқмоқда эди. Қандай бўлмасин, унинг иқрорини олишни ўйларди.

Бу эса оғир, жуда оғир кечмоқда эди.

У рақибининг навбатдаги қарши зарбасига бир амаллаб чап бераркан, кўзи тўсатдан одамлар орасида ранг-қути ўчиб турган қизга тушиб қолди. Айни шу нарса жангнинг тақдирини ҳал этди кўйди. Собир полвон бор кучини ўнг муштира жамлаб, чунонам урдик, Боборайим гов деганлари коптокдай юмалаб, мук тушганча чўзилиб қолди.

Йигит гандираклаганча, унинг тепасига борди.

— Иқрорингни айт! — деди бўғиқ овозда. — Иқрорингни айт деяпман! Баландроқ айт, ҳамма эшитсин!

У, кўзи ажриқ кучиб ётган рақибиде бўлса-да, куннинг тобора губорлашаётганини сезди. Фолиблик нашидасини сураётган юраги нохуш ниманидир ҳис этди. Офтобга нима бўлаяпти, деган ўйда бир зумга чалғиди. Кейин, иқроримни айтаман, дея гудранаётган Боборайим говнинг овозида истехзо, истехзодан ҳам кўра тантанага

ўхшаш нимадир борлигини пайқаб, у томон ҳайрон боқди. Рақибни, ўнг қўли қорнида, гўё беҳад бир оғриқдан азоб тортаяпти-ю, аммо шунга қарамай, ўрнидан қўзғалмоққа ўзини мажбурлаётгандек ҳаракатланаркан, тагин деди:

– Ҳозир айтаман иқроримни!

Собир полвон ичдан қувонди. Қизни ёнига чақирмоққа оғиз жуфтлади. Бироқ улгуролмади. Танига санчилган тигдан оҳ тортиб юборди. Боборайим говнинг тиртиқлар билан «безалган», терга ботган афтини жуда яқиндан кўрди. У нафратомуз илжайганча, нима-лардир деркан, йигитнинг қулоғига чалингани шу бўлди.

– Мабода ўлмай қолсанг, бундан кейин рақибингни «ухлатмай» туриб, чалғий кўрма!..

Кутилмаганда юз берган бу ҳодисадан даҳшатга тушганлар бошда қотиб қолишди. Кейин кимлардир изига қарамай қочди, кимлардир йигит сари интилди...

«Оғажон!» деган чинқирик қулоқни қоматга келтирганида, Собир полвон саросимада гувранишаётган одамлар орасида, ерда чўзилиб ётарди. У овоз келган томонга бошини ўтиришга интилди. Бироқ ёнидагилар қизни тўсиб қўйганди. Шунда унинг кўзи қонталаш қуёшга тушди.

– Кун тутилибди, – деди алаҳсираган оҳангда. – Кун тутилса, юрагим сиқилади, ёмон сиқилади...

Қиз яна чинқирди ва одамларни туртиб-суртиб, йигитнинг тепасига келди, чўккалаб, унинг бошини тиззасига олди. Кўзларидан дув-дув тўкилаётган ёш йигитнинг яноқларини юва бошлади.

Собир полвон қизга кулимсираб тикилди. Қалтираётган ўнг панжасини чўзиб, қизнинг пешанасига тушган бир тутам сочини тўғрилаб қўймоққа уринаркан, нимадир деди. Бироқ унинг заиф овозини Боборайим говнинг бўғиқ бўкириклари босиб кетди, янчиб кетди.

– Яқинлашманглар! Қўлингни торт! Қонун бор! Мен фақат қонунга бўйсинаман! Яқинлаша кўрманглар! Тиламан! Тилиб ташлайман! Ух-х, бошни единг-ку, энағар!..

Дупур-дупур – кимдир қочди, кимдир қувди.

Қизга тикилиб ётган йигит унинг кўзларида шу маънони ўқиди: «Сизни яхши кўраман! Жонимдан ортиқ! Фақат... фақат ташлаб кетманг мени!» Йигит, мен ўлмайман, деган маънода оҳиста киприк қочди. Қиз унинг бошини бағрига тортди.

Собир полвон димоғида қизнинг нафис, бокира ҳидини туярдикан, тилида қуйидаги жумла айланди: «Мен ҳам сени яхши кўра-

ман!» Унинг эътирофини ҳеч ким эшитмади. Қиз буни қалбида, бутун вужудида ҳис қилди.

Айни шу лаҳзада кўкдаги қуёш юзи тўла тўсилиб, олам янада хира тортган. Бу хиралик даштнинг аллақайси бурчида ҳануз қишлоқ йигитларига тутқич бермасликка уринаётган Боборайим говнинг ёввойи йиртқичларга монанд ғазабкор бўкиришларидан маҳзунлик, алланечук ваҳима касб этарди.



## ЖУДОЛИК ҚУВОНЧИ

Бола дўнгда бобоси Норбой чолни кун қайтгандан бери кутади. Чолдан эса негадир ҳануз дарак йўқ.

Бола бундан сиқилса-да, лекин ажабланмайди. Ора-сира қишлоқ томонга кўз ташлаб, Бозор тоғам қўймаётган чиқар, деб ўйлайди. Нега деганда, Бозор тоғаси анчагина кўрс ва жаҳддор одам, чолнинг дўнгда кўнқайиб, қотган нон шимиб ўтиришини ёқтирмайди. Кишилар олдида номусга ўлдираяписиз мени, дейди. Унинг гапида жон бор, қишлоқ аҳли бўлак мавзу қуриб қолгандай, кейинги пайтда нуқул чолнинг ғийбатини қиладиган бўлишган.

— Норбой чол ўлибди, кун қотган нонга қолибди.

— Нонни ўғли ва келинидан бекитиб еркан.

— Айтдим-а, бунчалик озиб-тўзиб кетди деб. Демак, боқувнинг мазаси йўқ...

— Қариганингдан кейин шу-да, нафас олишинг ҳам бировга малол келиб қолади.

— Кампир ўлдию чолдан путур кетди.

— Унга қийин, тўнг-туши йўқ, бойўғлидай қолди бўзрайиб, ёлғиз ўзи.

— Ўлса, изидан изиллаб йиғлагандан кўра, ҳозир дуосини олиб қолиш керак чолнинг.

— Бу гапингни бориб Бозорга айт.

— Айтаман, керак бўлса, анову овкар қизигаям айтаман.

Чолнинг эса бу хил паст-баланд гаплар билан иши йўқ. Куннинг тафти сал пасайиши билан ҳассасини дўқиллатиб, қишлоқ биқинидаги дўнгликка чиқиб келади. Ерга чўка-чўка, оғир уҳ тортаркан, ўзича гўдраниб қўяди: «Вой жоними-ий, тозагина сиқилиб кетдим-а уйда.» Сўнг ҳассасини тиззалари орасига олиб, ошиқмай

қўйнига қўл юборади. Тимирскиланиб, қўкиштоб жийдаси<sup>1</sup> чўнтагидан нимадир қидиради. Четдан қараганда, носқовоғини излаётгандай туюлиши мумкин. Йўқ, чол чўнтагидан носқовоқ эмас, суви қочган бир бўлак нон олади. У нонни оғзига олиб боришдан аввал обдан ўнгу терисига разм солади, пуф-пуфлаб, ўзича уни гарду гурдан тозалаган бўлади, сўнг тишсиз милклари орасига олиб, кўзларини ярим юмганича, ошиқмай, тамшаниб-тамшаниб шимйишга тушади, намланган нон увоқларини ямламай ютади. Қаватида тиззаларини қучганча, хаёлчан ўтирган болага гоҳида шундай деб қўяди.

— Қотган нон юракнинг селини олади, улим.

Чол емак билан андормандек эса-да, аслида икки кўзи кунботиш томон чўзилган энсиз тошйўлда, бирор қорани илғаши билан тамшанишдан тўхтаб, сергак тортади.

— Қара-чи, анову келаётган Мусо тоғанг эмасми?

Мусо — чолнинг иккинчи ўғли.

У узоқ шаҳарда туришига қарамай, чолни кўргани тез-тез қишлоққа келиб туради. Энасининг ўлиmidан сўнг чолни шаҳарга олиб кетмоққа кўп уриниб кўрди. Бироқ Норбой чол деганлари ҳалимдек юмшоқ, мусичадек беозор кўрингани билан ўзига етганча қайсар — кетишга унамади. Шунинг учун Мусо аввалгидан кўра анча серқатнов, гоҳида ўзидек камсуқум, хушрўйгина аёли билан келади. Ҳар қишлоққа келганида чолни ўзи чўмилтириб, ўзи кийинтириб кетади. Оғзига тансиқ емаклар туттади. Боланинг назарида, чол, кўринишиёқ одамнинг иштаҳасини кўзғайдиган, ширин таомларга нисбатан қотган нонни абзал кўрадигандай. У лабларини чўлпиллатиб, қотган нон бўлагини шу қадар узоқ, шу қадар ҳузур қилиб шимийдики, зерикканидан боланинг юраги тарс ёрилай дейди.

Баъзида дўнгликка тўрсиллаб-гурсиллаб Бозор тоғаси чиқиб келади.

— Ота, нима ўтириш бу, а?! — дейди аччиқланиб. — Кўрган кўз нима дейди? Эл нима дейди? Қишлоқда бош кўтариб юролмайд қолдик-ку, сизнинг дастингиздан! Туринг, уйга боринг!

— Йўқ! — дейди чол саркаш оҳангда. — Укангни кутаяпман. Ҳозир кеп қолади у.

— Ахир кечагина келиб кетди-ку, у, — Бозор унинг эғнидаги оҳорли либосига ишора қилади. — Кеча сизни, ёш боладай, ўзи ювинтириб, ўзи кийинтириб, фасон қип кетди-ку. Нима, дарров эсингиздан чиқдимми?

<sup>1</sup> *Жийда* — ятак устидан кийиладиган узун либос.

Чол кечаги кунни унутган, бугуни билан яшайди. Шунинг учун бошида гўддайиб турган ўглининг гап-сўзларига ортиқ эътибор бермайди. Уфққа санчилган тошйўлга илҳақ термулиб ўтираверади. Фақат нон шимимоқдан ўзини тияди, худди кўлидагини биров тортиб олиб қўядигандай, емакни кафтлари орасига яширади. Бозор тоғасининг дағдағаси чолга заррача таъсир этмаслигини яхши билган бола, унинг тезроқ кетишини истайди. Тоғасининг қораси ўчиши билан у бобосига яқин сурилиб, эғнидаги оҳорли либосини тўйиб-тўйиб ҳидлайди. Чол қотган нонни суйгандай, бола янги газмол ҳидига ўч. Бироқ икки-уч кундан сўнг у севган бу ҳиддан асар ҳам қолмайди. Чолнинг кийимлари униқиб, ундан тер иси анқий бошлайди. Бу ҳолдан Мусо тоғасининг қаттиқ азият чекишидан бохабар боланинг юрагига ташвиш оралайди. Чолни алдаб-сулдаб наридаги пастак қир ёқалаб ўтган Тошлисойга олиб тушади. Уни қуёш тафтида қизиган тошлардан бирига ўтқазиб қўйиб, эғнидан жийдаси-ю яктагини сидириб олади. Қайноқ қуёш нури чолнинг кексарган суягига хуш ёққандек, унинг бу ҳаракатларига кўпда монелик қилмайди. Қитиғи келгандай қиҳ-қиҳлаб кулиб қўяди, холос. Бола тер ҳиди анқиб турган кийимларни ўта укувсизларча чаяркан, илжайганча, ўзига калакамуз қараб турган чолга кўз қирини ташлаб, беихтиёр, унинг тезроқ ўлмоғини истайди. Кири малол келганидан эмас, худди кўҳна буюмдек яқинлари эътиборидан Мосуво бўлганидан ўкиниб, шу халғи боради ва сўнг бу ўйидан ўзи қўрқиб кетиб, ортиқ унга қармасликка тиришади. Чол эса териси ҳалвираган ориқ баданини қоқсуяк бармоқлари билан қашлаб, силаб-сийпалаб яна қиҳ-қиҳлайди. Эпсизларча қирини юваётган неварасининг ҳаракатларини масхара-лаб, кулишда давом этаркан, дейди:

— Йўқ, бу ишинг бўмайди. Ундан кўра мени бирор жар-парга оборда, итариб юбор.

Бола қовоқ уюб, тўнғиллайди.

— Йўқ, ҳеч қачон!

— Мендан энанг безор, тоғанг безор, ҳамма безор, нима қиласан қиримни ювиб. Биратўла қутилиб қўя қоласан дейман-да, болам.

— Мусо тоғам яхши кўради сизни.

— Сен-чи?

— Ёмон кўраман.

— Э, нечун? — Чол баттар қиҳ-қиҳлайди.

— Жардан итариб юбор деганингиз учун.

— Итариб юбормайсанми?

— Йўқ!

— Итариб юборақол, — Чол бу сафар эрмаклаб эмас, эркаланиб кулади.

— Йўқ дедим-ку, сизга! — Бола чинқириб юборади.

— Ўзимнинг улимдан-да!

— Мен сизга ул бўмайман энди! — Бола тумшайганча, тошлардан бирига чўкади. — Кирингизниям ювмайман.

— Ия, нимага энди? — Чол ажабланган киши бўлади.

— Ўша... ўша гапингиз учун, — Бола, беихтиёр, кўлидаги кирни қайта эза бошлайди. — Мусо тоғам келсин, барини айтиб бераман.

— Мусо тоғанг жуда қийналиб кетди-да, улим, — Чол жиддий тортиб, баданини сийпалашдан тўхтайди. — Болам бечора, мени деб ҳамма билан қирқпичоқ бўлаяпти. Узилишиб кетмасин, деб кўрқаман.

Бола нима деярини билмай бошини эгади. Мусо тоғасини тинимсиз қақшатадиган Бозор тоғасини-ю энасини ёмон кўриб кетади. Уларни кўлида суви силқиб турган кир яктак ўрнида тасаввур этиб, обдон эзфилагиси, қоқиб-суқиб, эсларини киритиб кўйгиси келади. Сўнг бу иш кўлидан келмаслигини англагандай, чолга гуноҳкорона жавдираб қарайди. Чол эса энди уни унутган, тошлар оралаб оқаётган сувга хаёлчан термулиб қолган, гўё умрнинг ўткинчилиги, оқар сувдай тезоблигини эндигина фаҳмлаб етгандай, маҳзун хаёлга ботган бўлади. У ака-укалар жиққиллашган кезлари ҳам мана шу тарзда хаёлга чўмади. Лаблари четида эса эрмакловчи бир табассум ана қанот қоқай-мана қанот қоқай деб туради. Бироқ бу табассумни боладан ўзга кимса пайқамайди. Негаки, бу пайтда Бозор тоғаси пайқайдиган аҳволда бўлмайди: «Ота фақат менга керакми,а? — дея бақиради кўлларини пахса қилиб. — Ана, қизиям қарасин, ясаниб-тусаниб, тўйма-тўй юргунча! Ахир бир янганг қай бирига бўсин, рўзғорга қарасинми, ё... Қийналиб кетди-ку, у шўрлик!» Мусо тоғаси энасига рўпарў келганида, унинг зардаси Бозор тоғасиникидан ошса ошадики, асло кам бўлмайди: «Отам бечоранинг нафақаси яхши-ю, ўзи ёмон бўп қолдими, — дейди қалин қошларини чимириб. — Белига тош тегмаган, қарасин ўша Ойсанам семиз!» Энаси сўзга чечан аёл, гап деганини тандир бошидаги ўтиндай қалаштириб ташлайди. Шунда Мусо тоғасининг бошига кутилмаганда бир оғриқ киради, ҳар ҳолда болага шундай туюлади. У бу оғриққа чидаёлмай, бошини чангаллаганча у ён-бу ён тебранади. Инграшади, инграшгандаям ёмон инграшади, сўнгра бу ададсиз дардга чидамоққа бардоши етмагандек, тўйқусдан кўлларини кўкка кўтарганча, аламла ҳайқириб юборади:

— Жаҳолат! Оҳ-ҳ, қанчалик жаҳолат!

Бола бу сўзнинг маъносини англаёлмас-да, туси ва совуқлигини бутун вужуди билан ҳис этади. Назарида, сўзга жамланган ҳарфлар тоғасининг кўкка ёйилган бармоқлари орасидан ситилиб, сочилиб, қишлоқ узра маҳобатли қорамтир қоя янглиғ қад ростлагандек туюлади. Ҳарфлар шаклидаги бу даҳшатли қоялар ҳализамон нақ устига қулайдигандек, у нозик елкаларини қисиб, кўзларини чирт юмиб олади. Қулоқлари эса одатдагидан ташқари динг — қудратли бир тўфонни кутади. Бироқ тўфон ўрнига дардчил бир нидони эшитгач, ажабсиниб кўзларини очади ва кўрадики, ҳозиргина ҳовлини бошига кўтариб ҳайқирган Мусо тоғасининг бояги важоҳатидан асар ҳам йўқ — тузалмас бемор қошида ночор қолган одамдек, қадди шалвираб турибди. Кейинги ҳаракати эса бунданда баттар афтодихоллик касб этади: эзилган, эзилиб кетган бир аҳволда аста чўнтагига қўл юбориб дейди: «Ўша зормандани мен берай сизга, опа...»

Опа бўлмиш, керакмас, деб тўнғилласа-да, пулни олади. Бу қилигини йўқ ердаги баҳоналар билан ҳаспўшлашга уринади. Мусо уни ортиқ эшитмайди, бошини ҳам қилганча, дарвоза томон юради. Қаршисида поччаси Ёмонкул пайдо бўлади. У қайниси билан илиқ-иссиқ кўришади. Сиз ҳеч алағда бўлманг, бу ишни шахсан ўзим назоратга оламан, дейди. Мусо содда, меҳри товланиб поччасининг елкасидан кучади. Бу фиди-бидиларнинг бир четида аслида поччаси турганини хаёлига ҳам келтирмайди.

Ёмонкул — табиатан писмиқ одам.

Ўтган йили кўкламда қайноғаси Бозордан бошлаб калтак еганидан бери аёлининг уруғига зимдан адоват сақлаб келади. Оқшом, кўпчиган ҳамирдай бўлиб, супада ёнбошлаб ётаркан, секингина пиллайди.

— Шу одамларда инсоф деган нарса қолмади-да, нафақасини қуртдай санаб, аканг олса-ю, бобойга сен қарасанг, бир товукқа ҳам сув, ҳам дон керак, дегандай... йўқ, одамлар жуда ёмон бўп кетди, — Ёмонкул бу гапларни шунчаки айтгандай бўлади. Айтгандаям тепасидаги ишқомга тикилиб айтади. Сўнг қўшиб қўяди: — Шу-у... бу йил узумнинг сал чўғи камми дейман, а, хотин?

Аёлни эса узумнинг чўғи эмас, шунингдек, чолнинг нафақа пулини қуртдек санаб олаётган акасининг кирдикорлари ҳам эмас, яқиндаги йиғинда тоғорасига арзимас мато қўйиб қайтарган янгаси Ойсанам семизнинг қилиғи кўпроқ қизиқтиради, яъни эрининг гапи ҳали эскириб улгурмаган аламини қайта ёдига туширади.

— Ёмонқул эса энди гўнг, узуму ишкомни унутган, шунингдек, чакаги очилган аёлининг гапларини эшитмайди — гўё пинакка кетган. Аёли янгаси Ойсанам семизнинг устига беармон мағзава ағдаришда давом этаркан, орада бўй бермас, қайсар чолниям яниб ўтади: «Кўчибгина кела қолса, ўшаларга зор қип қўймасдим. Ўзим қарардим, оқ ювиб-оқ тарардим! Йўқ, у кишим қизининг уйида яшашдан ор қиладилар! Худди уйимдан илон чиққандай, олдига қўйган бир пиёла чойимни зўрга ичиб, ҳадаҳа улиникига қочади. Ана, Мамарайим қийшиқ улиникида эмас, қизиникида турибди-ку. Одамлар гап қилса қилибди-да, нима, бирор ери камайиб қолармиди. Бинойидек яшаб юрибди қизиникида, невараларига қарабгина. Бу кишим эса бизникида туришдан номус қилармиш, қизининг тизза бўйи ёғлиққина ошидан улининг шилдир шўрваси абзал эмиш! Тавба, гўрга кирай деб турган одамга нозу карашма не чикора!» Ёмонқул аёлининг шанғиллашидан уйғониб кетган киши бўлади. Аввалига анқовсирайди, сўнг кўзларини пирпиратиб, тагин секингина оловга керосин сепеди: «Ҳа-а, меҳрибонликда бу атрофда сенга тенг келадигани йўқ, топганингни отангни оғзига тутасан.» Бу гапдан кейин аёл жигарлари етказган катта-кичик аламларини бир-бир эсга олиб, баттар санлашда давом этади. Ёмонқул йўлига уни инсофга чақирган бўлади. Аммо аёли энди осонликча тинчимайди — ўзи ёниб, ўзи ўчмагунча ҳовуридан тушмайди.

Бу хил ҳолат кўпроқ қишлоққа Содиқ почтачи оралаган уни рўй беради. У тарқатган нафақа пули Ёмонқулга негадир жуда кўп кўринади. Айниқса, бу пулни қайноғаси Бозорнинг қўлида кўрса, ичи ва тиши ўз-ўзидан ёниб кетаверади.

Чол эса бу каби аҳмоқона гиди-бидиларга ҳамиша бепарво, юзида ўша-ўша нимтабассум, қотган нонини аста шимиб ўтираверади.

Бола дўнгда чолни кутиб зерикди.

Бир ўйи, нима гаплигини билиш учун тоғасининг уйига бормоқчи ҳам бўлди. Бироқ энаси билан уришиғли янгасининг совуқ қарашларини кўз олдига келтириб, бу ниятидан қайтди. Керишганча қишлоққа илҳақ тикилди. Бозор тоғасининг ҳовлиси қуюқ дарахтзор ортида, дўнгдан кўзга ташланмайди. Айни шу пайт дарахтзорга туташ кўчада тоғасининг маҳмадона қизларидан бири пайдо бўлди. У, ит қувлаган мушукдек, югуриб келарди. Қиз кўча юзидаги товукларни хуркитиб, «Кўнғироқча» лақабли ушоқ, оппоқ кучукни акиллатганча, беш уй беридаги каттакон яшил дарвозага етади. Уни куч билан тақиллатади. Ҳамиша қийин очиладиган дарвоза нолакор ғийқиллаб аввал қия, сўнг кенгроқ очилиб, унинг қарши-

сида аммасининг тажангтоб қиёфаси намоён бўлади. Амма уйдаги-лари таъсири туфайли кейинги вақтда саломиниям йиғиштириб қўйган жиянига ҳайрон боқаркан, лаҳзанинг юздан бир улишида хаёлидан ўтгани шу бўлди: «Шу қиз туғилганида амма сифатида қанчалик қувонганди-я!» У пайтларда туйғулари марварид янглиғ гўзал ва сержило эди. Ажаб, бу туйғулар юзига қачон гард ўтира қолди экан? Баъзида амма ўша ёқимсиз гардни енгил бир ҳимо билан сидириб ташлаб, қалбининг қай бир кунжагига яширинган ўша сержило туйғулар ёғдусидан баҳра олгиси келади. Бироқ юрагига мисли қўрғошиндай қўйилган адоват бунга монелик қилади. Ҳозир ҳам у адоватни ўзига эш ва қадрдон билиб, жиянига ўқрайиб қарайди. Дарвозани илкис қоқиб, чўчитиб юборгани учун нордон сўзлар билан сийламоқни ўйлайди. Бироқ ҳализамон уйларида юз бериши эҳтимоли бўлган мусибатдан гангиб қолган қиз унинг қавоқ-тумшуғига қараб ўтирадиган аҳволда эмасди. Аммасини кўриши биланоқ мижжаларига қалқиган кўз ёшларини тийиб-тиймай, бобом... тезроқ юринг, деганча изига бурилади. Қиз яноқлари бўйлаб думалаган кўзёшлари аёл юрагидаги адоватни ювиб, қисқа муддатга бўлса-да, қон-қариндошлик туйғусини қайта уйғотади. У охи-роқибати йўқлик эрмиш бу бевафо дунёда жигарлари билан нимани таллашиб, нимани тортишганини эслаёлмагандай, эслаган тақдирда ҳам мақсад ва моҳиятини тўла англашга қурби етмагандай, бир муддат серрайиб тураркан, агар шу тобда нарида товуқларни хуркитиб, кучукни акилатиб, елиб бораётган жияни ортидан чопқилламаса, гўё ғамдан адои-тамом бўладигандек, унинг изидан югура кетди.

Дўнгда тиззаларини кучиб ўтирган болага энасининг аввал йўрғалаб, сўнг беўхшов лўкиллаб югуриши жуда қизиқ туюлади. Сўнг унинг бу қадар ҳовлиқишидан юраги нимадир сезиб, беихтиёр, бобосининг кечаги гапларини эслайди.

— Момонг чақириб қўймаяпти, улим, — деганди чол. — Мусодан эса ҳалиям дарак йўқ.

— Яқинда кеп кетди-ку, боважон.

— Мусога тез хабар беринглар, — Чол йўлга маҳзун тикилади. — Отангни сафари қарибди, денглар...

Чол йўлдан кўз узмаган кўйи, қўлидаги нон бўлагини оҳиста оғзига олиб боради. Тамшаниб, шима бошлайди. Ивиган нон ушоқ-лари соқолига, эгнига илашади, ерга ва тиззалари устига сочилади. Уни зимдан кузатиб ўтирган боланинг эса йиғлагиси келади. Мен ҳеч қачон бова бўлмайман, бова бўлиш жуда ёмон экан, деб ўйлайди.

Хаёлини чолнинг жонсарақ овози бўлади.

— Анову келаётган Мусо эмасми?

— Йўқ, Қаландар амаки, — дейди бола ва сўнг ҳар доимгидек, андак гурур билан изоҳ беради. — Мусо тоғам пиёда эмас, мошинада келади. Ўзининг оқ мошинаси борку, бова.

— Э-э, Кўзивойнинг улими? — Чол, одатдагидек, машина ҳақидаги гапга эътибор бермайди. — Унинг бизга сал қариндошлик жойи бор, узоқроқ. Ҳар кўрганингда саломингни аяма. Булар ўзи уруғи билан дуруст одамлар. Отангга ўхшаб писмиқ эмас.

Бу гапдан боланинг қовоғи осилади.

Лекин индамайди.

Кечаям у, ҳар галгидек, чолни тоғасининг дарвозасигача кузатиб борган. Аммо ичкарига киришга янгасидан ҳайиққан. Уйга қайтгач, ўзи киришга чўчидиган хонадонда бобосини ёлғиз қолдириб келганидан ичи ачиб, энасига ялинган.

— Эна, жон эна, бобомни уйга опкелайлик.

— Йўқ, бизнинг уйдан илон чиққан, чаён чиққан!.. — деган энаси бобиллаб. — Бекорга уринма, барибир келмайди бобонг!

Отасига айтишдан эса бирор наф йўқ. Бу ҳақда оғиз очар-очмас негадир у ҳали боғдан, ҳали тоғдан кела бошлайди ва жуда бўлмаса, болани бирор юмушга уннайди.

— Э, кўп бошни қотир! Бор, мол-қолга қара!

Бу сафар бола ҳеч нарсани ўйлаб ўтирмади. У ҳадик ва андишани деганларини тўлғаб отди-да, энаси, гавдасига мос бўлмаган лўкиллашда, дарахтлар ортида кўздан ғойиб бўлиши билан оёғини қўлига олди. Қоқилиб-суқилиб чопди. Бовам ўлиб қолган бўлса-я, деган кўрқувда йиғламсираб чопди.

Ланг очиқ дарвозадан учиб кирди.

Ҳовли сув қуйгандек жим-жит эди.

У ҳовли этагидаги хужра томон ошиқди. Остонага қоқилиб, мункиб кетаркан, тўрда чўзилиб ётган чолга-ю, уни тевараклаб ўтирган хешларига кўзи тушгач, бор овозда бақриб юборди.

— Боважон!

— Мусо! — Чол шовқунни эшитиб ингранди. — Келдингми, болам!?

— Хабар бердик, ҳадемай кеп қолади, — деди Бозор тоғаси гўлдираб.

— Мусо! — Чолнинг овози бу гал жуда заиф чиқди. — Мусо-о!

Чолнинг бошига боришга болани қўймадилар. Кўрқасан, мумкин эмас, деб ҳайдаб солдилар.

\* \* \*

Эртаси тонг-азонда қишлоқ сукунатини йиғи овози бузди.  
 Бола юзини чала-чулпа юва солиб, тоғасиникига ошиқди.  
 У гангиб, супада тўп бўлиб йиғлаётган хешлари сафига бориб  
 қўшилганини сезмай қолди.

Кимдир қўлига таёқ тутқазди.

Кимлардир секин шипшиди.

— Изиллаб йиғла!

— Овозинг борича бақириб йиғла!

— Эмасам, одамлар уят қилишади, — деди яна бошқа бири. —  
 Ахир бовонгни яхши кўрардинг-ку. Қани, бир бовомла-чи!

Чолнинг хеш-ақробалари-ю неваралари жуда кўплиги ўша куни  
 билинди. Таёқ тутганлар сероблигидан супада жой етишмади. Қис-  
 қаси, кенг ҳовлининг деярли чорак қисмини таёқ тутганлар банд  
 этганди. Бироқ улар орасида фақат икки кишигина чинаккамига  
 кўз ёши тўкарди. Бири — Мусо, иккинчиси эса, бола эди. Аммо у  
 Мусо тоғаси каби айрилиқдан эмас, қувончдан йиғларди. Мана энди,  
 бобосини ҳеч ким жеркимайди, силталамайди, уятга қолдирыпсиз,  
 деб қўлидаги бурда нонини тортиб олишмайди.

Бола эзилиб-эзилиб, қувониб-қувониб йиғларди. Айтиб-айтиб,  
 ичида эса кимларнидир яниб-яниб йиғларди.

Дераза рахида эса кеча чолнинг қўлидан тортиб олинган нон  
 бўлаги ётарди. Аллақачон унга эга чиққан чумолилар бандалар-  
 нинг бу ёлғон, юзаки уввослари билан иши йўқ, нон умоқларини  
 бир жону бир тан ҳолда, ими-жимиди ўз инларига таширди, таш-  
 маларди.



## ЕТИМ ҚОЛГАН ГУЛЛАР

Қайноқ гармсел ҳар кўтарилганда, шаҳарча қуюқ тўзон ичида  
 қолади.

У бийдек даштнинг қоқ киндигида бўй ростлаган бу шаҳарчани  
 ер юзидан супуриб ташламоққа аҳд қилгандек, тўлғониб, юлқиниб,  
 қуюн уюриб эсади. Сўнг шиддати андак сусайгандек бўлади-да,  
 тагин янгидан куч олиб, кўп қаватли қизғиш гиштин уйлар-у, кўкка  
 найзадек санчилган қувиридан куну тун кўкиш-қорамтир тутун ари-  
 майдиган корхонанинг катта-кичик, баланд-паст биноларини қайноқ

нафаси билан ялаб, шаҳар кўчалари бўйлаб оч бўридай изғирган, ўткинчиларнинг юзи-кўзига қум сочгани етмагандек, қандайдир мўъжиза билан омон қолган йўл бўйидаги яккам-дуккам дарахтларга ёпирилади, улар вужудидаги охирги намликни сўриб олиш пайида куйиб-пишади.

Гармсел азалдан яшил рангни ёмон кўради.

Дашт сап-сарик,

Шаҳарча ҳам шу тусда.

Дарахтлар эса яшил доғдек жуда хунук кўринади кўзига.

Яшил рангга эса, синглиси — сарин ел ўч. У кўкламда уйғониб, саратонгача даштда жавлон ураркан, борлиққа баҳор нафасини уфурди. Бу пайтда қайноқ гармсел қирнинг гадой топмас бирор ўнгирида биқиниб ётади. Ҳаво қизиб, сарин ел олисдаги тоғлар бағридаги арчазорга чекиниши билан гармселга жон киради. Тушов узган айғирдай ирғишлайди. Майсаларни қуритиб, чечакларни қақшатиб, шундай қутурадики, унинг ўтли нафасидан яшил борлиқ сарғиш тус олади. Кўча бўйидаги ариқчалар қуриб, ўт-ўланлар хас-хашакка айланади. Қисқаси, акаси — куз шамоли кўзфонгунга қадар, у даштда танҳо ҳукмрон — яшил тусда неки бор, барини қуритиб, маҳв этмоққа уринади.

Ҳар йили шу ҳол, шу аҳвол.

Бироқ бу сафар шундай синоат юз бердики, тонгданоқ ер-кўкка оташ пуркаб келаётган гармсел ҳайратдан бир лаҳза донг қотди. Қайноқ нафаси ичига тушиб, бир қалқиб тушди. Сўнг кўзларига ишонмай, айланиб-ўргилиб боқди.

Йўқ, кўзлари алдамаган.

Шаҳарчага кираверишдаги тўрт қаватли бинонинг чап қанотида, оппоқ ҳарир парда тутилган энг қуйи дераза тагидаги кафтдек ерда бир неча туп атиргул чамандай очилиб турарди.

Қип-қизил!

Шаҳарчага хос бўлмаган ҳол эди бу.

Сарин елнинг эркаси бўлмиш бу гуллар, ўзларига не бало кўз тикиб турганидан мутлақо беҳабар, тонг нурларини хушнуд қаршиламоқда эди. Гармсел уларнинг бу навозишидан қаҳ-қаҳ уриб кулди. Қайноқ нафас уфуриб кулди. Пировардида, кечга томон атиргул япроқлари шалвираб тушди.

У тантана қилди.

Аммо эртаси гулларни тийрак ҳолда кўриб, таажжубдан гармселнинг эси оғиб қолаёзди. Бу жумбоқнинг тагига етмоқ ниятида, чир айланаркан, оқшом ва тонгда гуллар тагига сув қуйилгани —

суғорилганини пайқади. Билдики, атиргуллар даштдаги ҳимоясиз чечак эмас, ғамхўри, меҳрибони бор уларнинг.

Қайноқ гармсел шундагина илк бор кишилар хонадонига мўра-ламоқ истагини туйди. Оппоқ тўшақда пиш-пиш ухлаётган қизчаси тепасида хаёлчан ўтирган хушрўй жувонга кўзи тушди. Негадир ғамгин эди у. Шаҳарчага бегона, гармсел илгари уни ҳеч учратмаган. Ётлиги — шаҳарча аҳлига хос лоқайдлик йўқ эди чехрасида. Туриш-турмушидан нафосатга мойиллиги сезилиб турарди. Ҳаётга ташна, ўз навбатида, ғоят маъюс эди.

У гоҳ жувонга, гоҳ сув тўла стаканга солиб қўйилган бир дона атиргулга, гоҳ ҳарир парданинг бежирим бурмаларига, гоҳ тўшақда беғам, беташвиш ухлаётган қизалоқнинг лўппи юзига ўшшайиб тикиларкан, бирдан ғазаби жўшиб, ичкарига интилди. Аммо унинг бу ҳаракати дераза ойналарига беҳуда бош уриш билан якунланди. Кейин беихтиёр жувоннинг хаёлига эргашиди. Шу пайтгача ўзини энг тезкор деб биларди. Ахир дашт бағрини қовжиратиб, қирлар тўшини қақшатиб, шаҳарчани тўзонга буркаш унинг учун бир лаҳзалик иш эди-да. Буни қарангки, жувоннинг хаёли ундан учқур чиқиб қолди.

У қизчаси бошида қолган жувоннинг хаёлига эргашиб, унга зўр-базўр етишиб елди. Хаёли уни кўм-кўк водий бағридаги ям-яшил қишлоққа бошлаб келди. Бироқ бу ерда унинг шашти пасаяди. Негаки, бу ўлка катта синглиси — майин шабада тасарруфида эди. Синглиси бўлиқ бошоқлар бошини сийпаб, кўм-кўк дарахтлар япроғини ўйнаб, бу томонга йўл йўқлигини назокат ила англатди.

Кўз ўнгида ястанган ям-яшил манзарадан ториққан гармсел синглисидан жувоннинг кимлигини сўради. Деразаси тагига гул экиб, ёмон гашига тегаётганидан нолиди.

Майин шабада дарахт япроқларини эркалаб, ариқ бўйидаги майсалар бошини силаб, маъюстоб бир ҳолатда қишлоқ ҳовлиларидан бирига имо қилди.

Гармселнинг оловкор кўзлари ўткир эди. У ҳовлида ивирсиб юрган қандайдир бир йигитни кўрди. Унинг дидсиз ва ҳиссизлигини бир қарашдаёқ илғади. Аммо бундан бирор ёмон маъно топмади. Ахир ўз ҳудудидаги шаҳарчада бу хил кимсалар ким қанча. Шу боис, синглисининг маъюс тортишидан ўзича кулди. Фаҳмлагани шу бўлдики, ўз хонадонига сиғмай, қишлоғидан бош олиб кетган. Унга қолса, жувон дунёнинг нариги чеккасига улоғиб кетмайдими. Неча пуллик иши бор бу билан унинг. Ёқмаётгани, дераза тагидаги атиргулларга нисбатан бўлакча меҳри эди.

Ўша атиргулларни қовжиратмаса, кўнгли сира жойига тушмаслигини бот сезган гармсел, синглисига хайр-маъзурни насия этиб, шиддатла изига қайтди. Қирлар бетини ялаб, яйдоқ даштдан супуриб-сидириб келган тўзонни шаҳарча устига сочаркан, дераза тагидаги гулларга шу қадар ғазаб билан ташландики, унинг бу бемисл қаҳридан дала чечаклари зумда қовжираб тушган бўларди.

Атиргуллар эса пинак бузмади.

Бунга сари, гармселнинг жувонга нисбатан адовати кучая борди. Боиси, жувоннинг қарови бўлмаганида, атиргул деганлари бир кундан ортигига бардош беролмасди-да. Бундан ҳам баттари, жазирама иссиқ туфайли ланжлик балосига гирифтор шаҳарча аҳли мабода жувондан ибрат олгудек бўлса, тамом — шаҳарча гулга тўлиб, бу ҳудуд ўз-ўзидан синглиси майин шабада тасарруфига ўтиб кетиши мумкин.

Бунга эса чидаш қийин.

Гармсел ҳадик оғушида шаҳарчани бир айланиб чиқди. Йўқ, хавотирли ҳеч нарса илғамади. Деразаларини қалин пардалар билан тўсиб олган шаҳар аҳли ўша-ўша ланж ва мудроқ ҳолатда эди.

Ҳатто итлар қимир этмас, қушлар қанот қоқай демасди.

Бутун борлиқ қайноқ саратон измида, ёлғиз атиргулларгина оловдай яшнаб турарди.

Кейинги тонгда у даштдан қувват олиб, шаҳарча томон ошиқаркан, одатдагидек, кўчаларда изғиб, бинолар сиртини ялаб-юлқади. Узун қувурдан бурқсиётган қора тутунни тўзонга қориштирди.

Чангга беланган кўримсиз дарахтлар юрагига ваҳима солиб ўтди.

Қаровсиз болалар майдончасида қуюн кўтариб, бамисоли илондай эшилиб, тўлғаниб, беарман ўйнади.

Ва сўнг бирдан атиргулларни эслаб қолди.

Улар томон ошиқди.

Бинони ёнлаб ўтаётганида, тўртинчи қават деразаларининг бирдан улоқтирилган чиқиндилар гармсел қанотига илашди. У бир юлқиниб, уларни чор-тарафга сочиб юборди. Қоғоз парчалари, пиёз қобиқлари ҳавода ўйнаб, гўшт ва балиқдан бўшаган консерва банкалари ерда думалаб кетди.

Бу хил чиқинди итқитишлар гармселга таниш ҳолат. Шунингчун, бундан ажабланиб турмади. Аммо атиргул пуштасига тўкиб кетилган ахлат уюмига таассуфла тикилиб турган жувонга кўзи тушгач, бу манзарадан ўзида йўқ қувониб кетди. Ҳайрати баттар жўш уриб, гулларга ёпишганди, чиқинди уюмидан бадбўй ҳид таралди. Жувон оғзи-бурнини тўсганича ортга чекинди. Сўнг уйидан челақ

ва супурги олиб чиқиб, чиқиндиларни йиғиб оларкан, орада қаддини тиклаб, зич ёпиқ деразаларга бир-бир кўз ташлаб чиқди.

Жувон, буни биров атай тўккан, деган гумонга борганди.

Гармсел унинг бу ўйидан кулди. Биладики, жувонга бировнинг қасди йўқ, шунчаки эринчоқ қўшниларидан бири наридаги тўкиндихонага боришга эриниб, челагини гуллар тагига ағдариб кета қолган.

Пана-да, биров кўрмайди.

Ўша кундан эътиборан, у деярли ҳар тонг жувонни атиргуллар ёнида ғамнок ҳолда учратадиган бўлди. Қарамасданоқ англардики, яна кимдир гул пуштасига чиқинди тўла челагини ағдариб кетган. Атиргулларни қовжиратиб, суюкли туси — сарғиш ранг қатига сингдира олмаслигига аллақачон кўзи етган гармселга бу жуда қўл келди. Эндиликда у аламини жувоннинг изтиробга тўла нигоҳини томоша қилиш эвазига босадиган бўлди.

Жувоннинг аламнок кўзлари эса ҳар сафар қатор деразалар бўйлаб бесамар кезинар, аммо ўнлаб хонадонлардан иборат бу уйдан айбдорни топмоқ маҳол эди. Охири жувон ҳайбатидан от ҳуркадиган қўшниларидан бирига дил ёрмоққа аҳд қилди.

Аммо ҳозиргина муюлишдаги пастқамгина емакхонадан еб-ичиб чиққан кимса жуда бепарво эди. У тиш кавлай-кавлай, бир гулларга, бир жувонга тикиларкан, на гулнинг бўйини туйди, на жувоннинг дардини илғади. Қайноқ ҳавода нафас олмоқнинг ўзи душвор бўлиб турганда, қулоғига гап кирармиди. Кимса ҳиссиз нигоҳини қайта гулларга тикаркан, қисталиб турган эмасми, туйган бирдан-бир истаги шу бўлди. «Танг пайтда бўшалиб олмоққа зап боп жой экан-да, лекин...» Сўнг тушга яқин зиёфатга таклиф этилгани, ун-гача бир зум мизғиб олиш лозимлигини ўйлади. Унинг бу қадар боқибегамлиги гармсел томонидан «ўпич» ила тақдирланди. Бундан янада бетоқатланган кимса ўзини салқин йўлакка урди.

Гармсел эса тинмай қутуришда давом этар, шаҳарчани тўзонга буркаб, ўша-ўша беармон чарх урарди.

Борлиқ ёлғиз унинг измида эди, гўё.

Фақат атиргулларгина...

У навбатдаги тонглардан бирида шаҳарча чеккасида қизчасини етаклаб бораётган жувонга дуч келди. Бундан ажабланган гармсел шаҳарчани бир қур айланаркан, атиргуллар ноласидан, жувон шаҳарчани бутунлай тарк этганини англади. Бу хил ноаларни сезмоққа инсон боласи ожиз. Аммо гармсел ҳар балони идрок этмоққа қодир эди. У жазирама иссиқдан инграётган дарахтлар оҳини, қақра-

ган ариқлар зорини, яшил майсалар фарёдини, хуллас, ҳамма нарса-ни англарди ва фаҳмларди.

У тантанавор қаҳ-қаҳ урганча дастлаб жувонга ёпишди, этагидан тортқилаб, юзи-кўзига қум сочиб, обдон аламини олди. Кейин эса эгасиз қолган атиргуллар томон ошиқди. Гулларни сил-килаб, тагидаги чиқинди уюмини чор-тарафга сочқилаб ўйнамоқ-ни бошлади.

Шу пайт эшикда ахлат тўла челак кўтарган бир йигитча пайдо бўлди. У эринчоқ бир ҳаракатла эшикдан берида тўхтаркан, қўли-даги челакни ерга қўйиб, сигарет тутатди. Сўнг кенг майдонда бир-бирини қувлашиб ўйнаётган майда куюнларга, тўкиндихона теvaraгида ўралашаётган итларга, тошйўлакни деярли тўсиб қўйган пачоқ машинага бирин-сирин боқаркан, кир оламга кўниккан ло-қайд нигоҳи гармсел исканжасида тўлғанаётган атиргулларни чет-лаб ўтмади. Шу орада у зумга узилган кўзларини қайта гулларга қадаркан, бу сафар хийла узоқроқ тикилиб қолди. Четдан қара-ганда, гўё у гулларга маҳлиёдек эди. Аслида эса, гулларни сезмас, тунда унинг пуштасига тўкиб кетилган чиқиндиларнигина кўриб турарди.

У наридаги тўкиндихонага ўшшайибгина қараб қўйди-да, сўнг челакни кўтарганча, гуллар томон зипиллади.

Қайноқ гармсел эса ҳануз тинмай қаҳ-қаҳ урар, ҳар қаҳ-қаҳ урганида, кўкдан тўзон ёғилиб, ердан чанг кўтариларди...



## КЕКСА ТУТ

Тепки зарбидан кекса тут дарахти қаттиқ сесканди.

У бу хил кутилмаган зарбаларга кўникиб кетган эса-да, негадир бу галгисига чидаши хийла қийин кечди. Кекса танаси ич-ичидан қақшаб, новдаларигача зириллаб ва титраб кетди. Шунга қарамай, пинак бузмасликка уринди — ичдан тўлқин урган ингроғини шаба-дада тебранаётган япроқлари шовурига кўмиб, одатдагидек, қадди-ни адл тутди.

Кекса тутни Ашур узуннинг тўнғич ўғли тепган эди.

У томорқа адоғидаги даштдан иниларидан аввалроқ қайтаркан, тутқич бермас рақиби — Ёвқочнинг аламини тутдан олган — ўзича ҳовурини босган эди. Чунончи, кекса тутнинг вақт-бевақт тепкила-

ниб туриши азалий одат – қўшнилар аввалига ёқалашади, сўнг дашт бўйлаб қувлашади ва изларига қайтаётиб, албатта, уни бир-икки тепиб ўтишади. Шу боис, кекса тут навбатдаги тепкиларни чидам ва сабр билан кутмоқда эди. Аммо шунча кутса-да, кутилган зарбдан дарак бўлавермади. Боиси, уни тепкилаб ўтиши лозим бўлган Ашур узуннинг иккинчи ўғли бу вақтда изига қайрилиб, оқшом пардаси қаъридан отасини қидирмоқда эди.

Томорқа адоғидаги дўнгликда ҳануз ўзига келолмай, ҳарсиллаб ўтирган Ашур узун ўзини қидиришаётганини сезиб, қўлидаги суйилга таяниб, зўрға қаддини тиклади. Сўнг ўзини тетик ва бардам кўрсатишга тиришиб, даштга кўз ташлаган, Ёвқочнинг қорасини илгашга уринган бўлди. Билади, бу кенг даштнинг қайси бир бурчига биқиниб олган рақиб ҳали-вери қора бермайди. Бу томон тўла-тўқис ҳовуридан тушмагунча биқинган жойидан чиқмайди. Ҳар сафар шу аҳвол – Ёвқоч осонгина қочиб қутилади, Ашур узун эса унга етолмай доғда қолаверади. Қани энди, мана шу сўйил билан елкасига бошлаб бир туширса, сўнг тагига босиб, хуморидан чиққанча пиймаласа. Эсингдами, бир замонлар олдинга солиб қувлардинг, хўш, энди ҳолинг қалай, дея юзига бир-икки мушт туширса! Бироқ Ёвқоч кийикдек эпчил – сира тутқич бермайди, ҳатто ўғиллари ҳам қувиб етолмайди уни. Ё кўрққан одам учқур бўлармикан? Дарвоқе, бир вақтлар ўзи ҳам Ёвқочга тутқич бермасди-ку! Ҳа-а, ўғиллари унда гўдак эди, қўшнисининг олдига тушиб қочмоқдан бўлак иложи қолмасди уни.

Энди эса...

Ёвқочдан қочиб юрган даврларини эслаб, Ашур узуннинг газабни қайнайди. Қўлидаги силлиқ сўйилни маҳкам чангаллаб, яна бир сидра даштга кўз югуртиради. Кейин ошиқмай, голиб қиёфада йўлга тушади. Катта ўғли аллақачон ҳовлига етган, иккинчиси, ана, тутдан берироқда, полизга қўйилган қўриқчидай, ҳануз сўппайиб турибди, учинчиси, қоқилиб тушган шекилли, оқсоқланиб бормоқда. Унинг изидан пилдираб бораётган кенжаси бу йил еттига тўлган, «қув-қув»га илк бор иштирок этиши... Ашур узун мамнун ишшайди: «Ҳе-е, отасининг ули, бўш кемайсан!»

Ашур узуннинг дўнгдан эна бошлаганини кўрган иккинчи ўғил аста йўлда давом этаркан, кекса тутга етганда, худди жин чалгандек, бирдан унга ташланиб қолди. Аввалига кафтлари қирраси билан тутнинг ғадир-будир танасига кетма-кет зарба берди, сўнг бир неча бор тепди, шўрлик дарахтни Ёвқочга қиёслаб, ўзича бошлаб пўстагини қоққан киши бўлди.

Кекса тут, одатдагидек, зарбалардан эмас, ададсиз кек, чексиз нафрат ва адоватдан қалтираб кетди. Тавба, одам боласи шунча нарсани қандай қилиб кўнглига сиғдира оларкан? Юраги тарс ёрилиб кетмаганини бунинг!

Йигитча тутдан узоқлашаркан, сўқмоқда ётган муштдай кесакни ҳам тинч қўймади. Уни бор кучи билан қўшни томорқа томон тепиб юборди. Кейинги тепкисидан эса сўқмоқ бўйидаги гулхайри қоқ белидан чирт узилиб тушди. Бу ишидан мамнун бўлган йигитча, тепмоққа нарса қидириб, зимдан теваракка аланглади. Шунда унинг кўзи шудгордан наридаги бедапоя четига қантариғли Ёвқочнинг эшагига тушди. Бир ўйи уни тепкилаб ташламоқчи бўлди. Бироқ шудгор кечиб юришдан эринди.

Аслида бугунги жанжал ушбу шудгор туфайли юзага келганди. Ёвқоч экиндан бўшаган ерини ҳайдатаркан, ёввойи ўт илдизларини териб, сўқмоқ ёқасига уйганди. Кенг икки томорқа ўртасидаги сўқмоқ умумий эса-да, бу ҳолат Ашур узуннинг ғашига тегади. Оқибат, яна ўртада уруш чиқиб, кўпчиликка бас кела олмаган Ёвқоч, ўзига ўғил туғиб бермаган хотинини лаънатлаб, тагин қочмоққа тушади.

Кекса тутнинг эндиги ҳадиги оқсоқланиб келаётган йигитчадан эди. Бир оздан сўнг унинг ўзи билан ўзи оворалигини сезгач, хиёл энгил тортди. Ҳолбуки, жангариликда бу йигитча акаларидан сира қолишмайди. Уларга таассуб қилиб, тутга кўп азоб беради. Хайриятки, энг кейинда пилдиллаб келаётган кенжа ўғил бу борада акаларидан ўлгу олмаган, тутни яхши кўргани боис кунда бир неча марта унга тирмашади. Азалдан болаларга меҳри баланд кекса тутга унинг бу қилиқлари жуда хуш ёқади.

Айни дамда кекса тут шуни истамоқда эди. Жоҳил йигитчалар тепкисидан карахт тортган танасига болакайнинг келиб суйкалишлари худди малҳамдек татийди-да. Бироқ болакай ҳали ҳув нарида, то у етиб келгунга қадар кекса тут «тепкичилар» томонидан қолдирилган ёмон ҳисларни ўз танида туйиб туришга мажбур эди.

Кекса тут барча дов-дарахтлар каби ташқи муҳитга, шунингдек, яхши-ёмон туйғуларга ғоятда сезгир эди. Танасига теккан бармоқларданоқ кафт эгасининг кайфиятини дарров уқиб олади. Қисқаси, у меҳрдан яйраб, қаҳрдан титрайди. Бироқ ночор жиҳати шунда эди-ки, дарахтлардаги бу ҳолатни одам боласи пайқай билмайди. Масалан, улар учун бу дарахт ўзи униб-ўсган шунчаки бир тут эди. Пилла қурти даврида, жонини оғритиб, новдаларини чала-ярим кесиб олишади-да, қолган пайт у билан бировнинг иши бўлмайди.

Кекса тут эса тиф тегмаган новдаларида қолган мевалари билан болаларни сийламоқни ёқтиради, мисли ёқутдай товланувчи меваларига болаларнинг оғзи теккани сари, ғалати бир ҳисдан сармастланиб, бежиз қуёшдан нур эмиб, бежиз заминдан қувват олмаётганини туйгандек бўлади.

Кекса тут илдиз отган бу замин қадимда яйдоқ даштнинг чекка бир бўлаги эди. Восиқ полвон кўчиб келганда, қишлоқ ҳозиргидан кўра, юз баравар кичик, ер дегани бисёр эди. Восиқ полвон ўзини қора тортиб келган жонажон дўсти Бакир полвонга ўзига тегишли ернинг тенг ярмини ҳадя этганида, ушбу тут икки ер ўртасида белги бўлиб қолганди. У пайтда дўстлар эндигина уйланишган, ягона ширин орзулари бир этак полвон ўғил кўриш эди. Бироқ бандасининг истаги эмас, Худонинг буюргани бўлади дегандек, тўнғичларида полвонлик сиёғи сезилмагач, Восиқ полвоннинг қовоғи осилиб, хомуш тортади. Бакир полвон жўрасидан ҳам кўра, ўзини юпатмоқ илинжида дейди: «Суягини қотириб, меҳнатга солсак, одам бўп қолишар...» Бунга жавобан Восиқ полвон кенг кўксини сийпаб-сийпалаб, умидмиз бир оҳангда дейди: «Бўлар бола бошидан деганлар! Бекорга овора бўласан, булардан икки дунёда ҳам полвон чиқмайди!» Аммо шунга қарамай, жўраларнинг умидлари катта эди, ахир беллари тўла бола, ҳали бунақа ўғиллардан ким қанчасини кўришади. Бироқ яна ўғил кўриш дўстларга насиб этмайди. Айни қишда Бакир полвоннинг ота юрти бўлмиш тоғ қишлоқларидан бирига тўйга отланишган жўралар йўлда қор кўчкиси остида қолишади...

Шундай қилиб, дўстлар сўнгги нафасларигача аҳил қолдилар. Турган гап, улар ўғилларини ҳам шундай бўлишларини исташар эди. Бироқ ёмғирли куз оқшомларидан бирида Восиқ полвон тузатиб бўлмас бир хатога йўл кўйганди. У тўрда хирмондай бўлиб ёнбошлаб ётаркан, бехосдан оғзидан шу гап чиқиб кетади: «Бакир полвоннинг ери аслида бизга товин, дўстлигимиз важдан ернинг тенг ярмини ҳадя этганман унга...» Восиқ полвон бу гапни не мақсадда айтди, буниси қоронғи-ю, ҳар ҳолда ўшанда овозида зигирча таъна йўқ эди. Аммо бу гапни пойгакроқда, қалин кигиз устида ўйнаб ўтирган тор манглайли бола — Ашур узун қулоғига кўрғошиндай куйиб олганди. Орадан сал вақт ўтиб-ўтмай, у тенгқури Ёвқочга писанда қилади: «Ув-в, биласанми, силарни ерларинг аслида бизники...» Ёвқочи тушмагур хийлагина дадил бола эди, тап тортмай, бош бармоғини бошқа бармоқлари орасига жойлаб, муштумини унинг бурнига тақайди: «Шу гапингга мановуни ебсан!»

Одатда, илиқ-иссиқ кунларида жўраларнинг тушки чойхўрлиги ва бошқа шу каби тадбирлари ўртада дўстлик рамзи сифатида қад ростлаб турган кекса тут соясида кечарди. Бироқ уларнинг ўғиллари бу гўзал удумни давом эттирмадилар. «Ер» дея ёвлашдилар. Ҳолбуки, ернинг Ашур узунга сира кераги йўқ эди. Табиатан майда ва худбинлиги боис, шунчаки ғайирлиги келарди. Бу борада Восиқ полвон адашмаган — полвонлик сиёғи йўқ бу йигитлар майдаликдан ташқари, ўлгудек жоҳил ва нодон ҳам эдилар. Ашур узун кенг бағирли бўлолмаганидек, Ёвқоч ҳам ориятга ошна тутинмади, ол ерингни, дея ўзга манзилда томир отмади. Қайтамга «Сенга ер бергунча, ўзимнинг қора ер бўлганим яхши!» дея тирашишда давом этди. Ваҳоланки, у пайтларда ҳам ер қаҳат эмасди.

Улар ўртасидаги илк жиддий тўқнашув Ашур узун ўғил кўрган йили юз беради: «Бола-чақамга ер керак, бўшат томорқамни!», дейди. Ёвқоч уни мазахлаб, қоғоз кўрсат, дейди. Ашур узун бу сафар ўзини тутолмай, унинг юзига бошлаб бир тарсаки туширади. Ана шундай сўнг Ёвқочга худо беради... Унга бас келмоққа чоғи етмагач, Ашур узун шармандаларча қочмоқни бошлайди.

Ёвқоч қувлайди.

Ашур узун қочади.

Бу «қув-қув» келинчакларнинг кўз ўнгида содир бўлади. Бошда улар роса оҳ-воҳ кўтаришади. Сўнг-сўнг эса бинойидек кўникиб кетишади, негаки, бу нарса бора-бора одатий ҳолга айланиб, эрлари ҳафтада бир-икки қувлашмаса, еганлари ичига тушмайдиган даражага етишди-да.

Одатда гиди-бидини Ашур узун бошлаб беради. Анчайин меҳнаткаш бўлган Ёвқочнинг саъй-ҳаракати туфайли гуллаб-яшнаб турган қўшни ерга қараркан, ичидан қиринди ўтиб, ўз-ўзидан алами тошиб келаверади:

— Отамнинг ери бу!..

Бу ёғи эса жуда тез... пировардида, жанжал ҳамиша Ашур узуннинг шаталоқ отиб қочиши-ю, Ёвқочнинг қувлаши билан якун топади. Бу масалани қонун йўли билан ҳал этиш эса, на унисининг, на бунисининг хаёлига келади — бири, «меники», дея; иккинчиси эса, «йўқ, сеники эмас, меники», дея умргузаронлик қилиб келишади.

Улар ўртасида жанжал кўпиши билан кекса тут айни қиш чилласида кунботишдан эсадиган аччиқ изғирин захрини туйгандай бўлади. Фақат аччиқ бу изғирин кунботишдан эмас, мисли уриш-қоқ хўрозлардай бир-бирига ҳезланган икки қўшни вужудидан уфура-

ди. Қиш изғиринига, ҳарчанд аччиқ бўлмасин, тоқат қилиш мумкин, аммо жоҳил бу кимсалар жисмидан уфураётган газаб ва нафрат тўфонига бардош бермоқ ғоятда мушкул. Бунинг устига, бу камдек, улар қувлашганда ҳам, қайтишганда ҳам кекса тут ёнидан ўтишаркан, изига қайтишда, уни тепиб қўйишни сира қанда қилишмайди, яъни таъқибчи тутқич бермаган ғаними аламини дарахтдан олади. Шўрлик кекса тут бу «тепки»лар зарбидан ўзига келишга улгурмай, томорқа адоғида қочоқ — мағлуб томон пайдо бўлади. Аммо у тутни тепмайди, унга ғамгин суянади. Кекса тутнинг унга ичи ачийди, яшил япроқларини шивирлатганча бечорага далда берган бўлади.

Бошда Ашур узун унинг раҳмини келтирарди. У Ёвқочдан бир амаллаб қочиб қутуларкан, изига қайтишда, тутнинг ёнида тўхтар, унга елка тираб, қўшни кулба томон ғаним кўзи билан тикилар экан, рақибидан ўч олишнинг минг бир йўллари уйлар ва сўнг отаси Восиқ полвоннинг кучи ўзида йўқлигидан жуда-жуда ўкинарди. Мабода, мўъжиза юз бериб, Восиқ полвоннинг куч-қудрати ўғлига қайтар бўлса, Ашур узун деганлари отасига ўхшаб давраларга тушиб ўтирмасди, қишлоғи ори учун ўзга ер полвонлари билан курашиб юрмасди, адо этадиган бирдан-бир иши — лаънати Ёвқочни ерга босиб, обдон мижиқлаш бўларди, холос. Бундай пайтда у рақибини шу қадар ёмон кўриб кетардики, назарида, қўшниси Ёвқочнинг тумшуғини ерга бошлаб ишқалаш важдангина бу ёруғ оламда нафаси олиб юргандек туярди ўзини: «Ярамасни тагимга босиб, анжирдай эзгиламасам, тоза армонда кетаман-ов!» — деб ўйларди.

Унинг армонларини туйган кекса тут яшил япроқларини силкиб, бобо қуёшнинг чароғонлиги-ю, она заминнинг ҳаётбахш тафти хусусида оҳиста шивирлаб, тириклик улкан бахт эканлигини уқтиришга беҳуда уринарди. Ва дилидагини бу жоҳил кимсага англата олмагани сайин, ҳар сафар, ич-ичидан дарз кетиб борарди.

Бу орада Ашур узуннинг ўғиллари улғайиб, вазият тубдан ўзгарди. Энди мағлуб сифатида Ашур узуннинг ўрнини Ёвқоч эгаллади. У ғолиб ота-болаларнинг олдига тушиб қочаркан, қайтишда худди Ашур узундек тутга суянади, тер босган манглайини унинг ғадир-будир танасига тираб, аламдан кўзларини намлайди, ўзига ўғил бермаган Худодан нолийди. Кекса тут тагин борлиқнинг улуғворлиги-ю, ҳавонинг мусаффолиги тўғрисида сўзлаб, унинг кўнглига меҳр ийдирмоқчи бўлади. Минг афсуски, Ёвқочнинг тошқотган кўнглига меҳр дегани сира сингмайди, адоватга тўла қалби бу хил нарсаларни чучмал ҳис этиб, туфлаб ташлайверади.

Бунга сари кекса тутнинг томирига муз югургандек бўлади. У гоҳида шу созда қуриб қўя қолгиси келади. Бироқ борлиқ унинг ўлмоғига изн бермайди — танасини қўчиб турган аламзада қўланка уни тарк этиши билан шохига қушлар келиб қўнади, майин шабада япроқларини тортқилайди, қуёш мўл-кўл нуруни ундан аямайди, шунда у замин тароватини қайта ҳис этиб, енгилгина керишиб, теваракка масъуд назар ташлайди ва узоқ-яқиндаги дов-дарахтларга ел орқали салом йўллаган кўйи, арғимчоқ учадиган қизларни илҳақ кута бошлайди. Қизлар шохига арқон ташлаб, арғимчоқ учганида, уларга қўшилиб, яйрайди, шодликдан «қийқиради», яъни яшил япроқларини шўхчан тебратади.

Қизларнинг арғимчоқ учишлари ҳовли этагида Ашур узуннинг қораси пайдо бўлгунга қадар давом этади. Қизлар Ёвқочники. Улар Ашур узунни пайқаши билан тутни ошиғич тарк этишади ва болалигига бориб, баъзида арқонни унутиб қолдиришади. Унутилган арқон Ашур узун томонидан пичоқда бўлакраниб, қўшни томорқага улоқтирилади.

Ашур узуннинг арқонни бурдалаш пайтидаги важоҳати кекса тутни доимо даҳшатга солади. Бу онда Ашур узуннинг вужудидан шундай бир ёвуз қувват уфурадики, тут бу қувват таъсиринигина эмас, ранги ва қўланкасини ҳам илғайди. Қорамтир тусдаги бу қўланка хунук тебраниб, теварак-атрофга ёйилганда, қуёш сўник, замин тафтсиз туюлиб, у карахтлашади, яъни худди биров чопмоқ ниятида болта кўтариб келгандай, қўрқувдан ўзини йўқотиб қўяди.

Бугун Ашур узун сўқмоқ бўйидаги ёввойи илдизларни қўшни ерга жаҳл билан улоқтирмоққа тушганида, кекса тут қушлар чуғуридан маст эди. У кечки ётоққа ҳозирлик кўраётган хуркак чумчуқлар галасини кифтида эркалаб, уларнинг чуғур-чуғуридан хузур қилаётган эди. Ашур узуннинг бежо хатти-ҳаракатларидан қушлар хуркиб қочгач, танҳо қолган дарахт юрагини ҳовучлаганча воқеанинг давомини кузата бошлади. Ана, Ашур узун ёввойи илдизларни улоқтириш билан кифояланиб қолмай, ўз ҳовлиси кунжагида кетмондаста йўниб ўтирган Ёвқочнинг тепасига ўдағайлаб борди. Одатдаги, қисқа олишувдан сўнг қўшнисининг қўли баланд келиб, Ашур узун ерга чўзиларкан, бўғизланган буқадай бўкириб, ўғилларини кўмакка чорлади. Ўғиллари милтиқнинг ўқидай уйдан отилиб чиқишлари билан Ёвқоч ер ҳидлаб ётган Ашур узуннинг кетига бир тепиб, оёғини қўлига олди...

Қўрқиб кетган кекса тут Ашур узуннинг тўнғич ўғли тепкисидан ўзига келганида, «қув-қув» аллақачон ниҳоясига етган, Ёвқоч-

ни қувлаб етолмаган «қўшин» пароканда бир аҳволда изига қайтмоқда эди. У, ҳансирашганча, танасига қотиниб ўтаётган йигитчалардан таралаётган қора қувват — ададсиз кек, чексиз адоватдан жонсаракланиб, теваракка разм солганда, қуёш аллақачон пинакка кетган, боя уни ошиғич тарк этган қушлар чуғури қўшни довдарахтлардан келар, шунингдек, қиқирлаб кулишлари кўнглига хуш ёқувчи қўшни қизлардан ҳам энди умид йўқ. Унинг бирдан-бир илинжи Ашур узуннинг миқтигина кенжа ўғлидан эди. Катталарнинг бетайин жанжали туфайли юзага келган танидаги оғриққа, ҳар галгидек, болакайнинг болаларча маъсумлиги малҳам бўлиши мумкин эди.

Кекса тут оқсоқланаётган акаси изидан пилдираб келаётган болакайга илҳақ термуларкан, куни кечагина уни шохлари орасига олиб эркалаганини эслади. Ёвқочнинг қизлари бир шохида арғимчоқ учганида, иккинчи шохида болакай ўз ўйини билан андармон бўлган, сўнг қизларга қўшилиб арғимчоқ учган. Кекса тут бу хил шўхчан дамларнинг узокроқ давом этишини истади. Бироқ кенг томорқа бошидаги деворсиз ҳовлилардан бирида Ашур узун пайдо бўлиши билан қизлар тутни тарк этишади. У бўшаб қолган қучоғини керганича қолаверади. Улар орасида фақат болакайгина катталар кайфиятига бўйсинмайди, шохлари орасига жойлашиб ўтириб олганча, кекса тутни гоҳ от, гоҳ машина, гоҳ тайёрага қиёс этиб, берилиб ўйнашда давом этади.

Бу орада болакай ариқчадан чаққон сакраб, оқсоқ акасини қувиб ўтди. Ана, бу ёғи кўп қолмади, яна бир неча сониядан сўнг у тутнинг ёнига келиб, ҳар сафаргидек, унга суйкалади, қучади. Кекса тут ҳадемай юз бериши лозим бўлган бу таниш лаззатдан ҳузурланиб, беихтиёр, сархуш тортаркан ва... тўйқусдан қаттиқ сесканиб тушди. Ё дориг, болакай худди акаларидек, уни тепганди. Кекса тут заиф тепки зарбидан эмас, ушбу тепкининг юзага келмоғига сабаб бўлган нафратдан сесканганди. Тавба, қачон у адоватга ошна тутина қолди? Ахир салгина бурун унинг қалбида беғуборликдан ўзга нарсанинг ўзи йўқ эди-ку! Наҳотки, катталардаги бу нокус иллат шу қадар юкумли бўлса?!

Кекса тут бу саволларга жавоб тополмай, бир муддат анг-танг туриб қолди-да, сўнг болакайнинг навбатдаги тепкисини кўтармоққа чоғи ва бардоши етмай, нолакор ғирчиллаганча, гурсиллаб ерга қулади...



## ТУНГИ МЕҲМОН

У қишлоқ чеккасидаги кулбада жияни билан яшайди. Ота-онаси ўтган йили олдинма-кейин қазо қилишган. Ёлғиз қолиб, кенг ва катта ҳовлиси ютиб юборадигандек туюлавергач, кўшни овулга тушган синглисининг уч қизидан бирини сўраб олганди.

Ҳар ҳолда кўнгилга таянч-да!

Синглиси соғинган кезлари қизини олиб кетади. Уч-тўрт кун бағрида сақлаб, ўзи айтмишли, обдон дийдорига тўйгач, ноилож яна қўйиб кетади. Ҳар келганда бир гапни таъкидлашни ҳеч қанда қилмайди: «Тезроқ эр-перга тексангиз яхши бўлармиди, опажон!» Қизик, ота-онаси тирик пайтида эр ҳақида сира оғиз очмасди. Яхшиямки сиз борсиз, эмасам, қарияларнинг ҳоли не кечарди, дея нукул уни алқаб кетарди.

Энди эса...

У гоҳида синглисининг афтига синчков тикилади, наҳотки, бахтимни ўйлаётган бўлса?! Йўқ, унинг бахти билан синглисининг мутлақо иши йўқ. Ҳамма гап қизи вазидан. Шунда унинг зардаси қайнайди: «Олиб кетавер қизингни! Ёлғизликдан ўлиб қолмасман!» Синглиси дарров сергак тортади. Вой, нега унақа дейсиз, бахтингизни ўйлайман-да, опажон, бахтингизни, дея бир дунё чучмал гапларни қалаштириб ташлайди. У бундан баттар гижиниб, беихтиёр, бурчакдаги катта тошойнага кўз ташлайди. Кўзгудан ўзига аламон тикилиб турган аёлнинг бўлиқ ва кўркам қоматини илғамайди, ҳали оқ оралашга улгурмаган қуюқ, тим қора, узун сочларининг гўзаллигини ҳам пайқамайди, юзидаги хунук чечак изларинигина кўради, холос. Бу рухсори билан ўзини ҳеч ким хотинликка олмаслигини ич-ичидан қайта ҳис этади. Синглиси эса буни била туриб, ярасига туз сепгани сепган. Қизини ташлаб кетишга кўзи қиймаганидан, уни бирор чўлоққами, кўргами тегишини жуда-жуда истайди. Бироқ қани ўша чўлоқ ёки кўр?! Худо деб, ўша банданинг ёқасини оқартириб, ўчоғини ёқиб ўтирмасмиди!

Аёлнинг кўнглидан, ини — ота, сингил — она бўлолмас экан-да, деган аламли ўй ўтаркан, кўзгуни уриб синдиргиси келади. Зўр-базўр ўзини босади. Бу кўтир дунёда кимга нимани ҳам исботларди! Кучи кўзгу юзига рўмол ташлаб қўйишга етади. Бироқ жияни уни тезда сидириб ташлайди. Муштдек боши билан намунча ўзига ора бермаса, бу тирмизак!

Бугун иккинчи кундирки, у ёлғиз.

Одатдагидек, уйқуси келмай, анчагача тўлғониб ётди.

Кўзи эндигина илинган экан, бирдан ҳовлида нимадир дупурлаб қолди. Чамаси, кимдир девор ошиб тушгандай бўлди. Чинданда салдан сўнг ташқи эшик тирмаланиб, аста ғийқиллаб очилди.

У хаёл билан бўлиб, эшикни тамбалашни унутганини эслади. Кейинги пайтда анча ҳардамхаёл бўлиб қолганидан ич-ичидан ғижинди. Меровсирамай ўл, дея ўзини янишга ҳам улгурди. Сўнгра тунлари ҳамиша қаватида олиб ётадиган кўшоғиз милтиқни кўлига олиб, сапчиб ўрnidан турди. Отасидан ёдгорлик бўлиб қолган бу яроқни ҳудуд нозирига бериб юбормаганидан илк бор чинакамига суюнди.

Кутилмаган «меҳмон» яроққа рўпарў келишни сира ўйламаган шекилли, қоронғидан кўрқув тўла шикаста овоз қулоғига чалинди.

— Отма... отма, Чаманой! Илойим, болагинангни кўтарай, отмагин! Тунги чироқ нуридан хира ёришган хона ўртасида милтиқ ўқталиб турган аёл ҳалигача ўрта эшиги ўрнатилмаган қоронғи даҳлизга беҳуда тикиларкан, овоз эгасини дабдурустан танимади.

— Кимсиз?! — деди милтиқни ўша томонга тўғрилаб.

— Бу мен... Қиличбекман!

— Қиличбек?! — Аёл ҳар қанча ажабланса-да, ҳолатини ўзгартирмади. — Ярим тунда нима қилиб юрибсиз бу ерда?

— Қочдим, Чаманой, қочдим! Жоҳил ва нодонлар тўдаси мени дўппосламоқчи эди, жонимни олиб қочдим! Уйингга... бекингани кирдим.

— Бекингани менинг уйимдан бўлак жой қуриб қолганмиди?

— Илиқ-иссиқ кунларда уйинг ортидаги тўқайзорда жон сақлардим — Кимса чуқур хўрсинди. — Ҳозир ҳаво салқин... Тўғриси, бу гал негадир шошиб қолдим. Ана ортимдан қувлаб келишаяпти.

Чинданда узоқдан эшитилаётган қадам товушлари, дупурлаб, тобора яқинлашмоқда эди. Ҳализамон улар уйга бостириб киришадигандек, аёлнинг юраги орқасига тортиб кетди. Тунда ёлғиз эркак билан кўришса, нима, деб ўйлашади? Эртан қишлоқда қандай бош кўтариб юради? Бу кунидан ўлгани дуруст эмасми кейин!

Ҳайтовур, у кутган ҳол юз бермади — таъқибчилар дарвозаси ёнида тўхташмади, дупурлашганча тўқайзор томонга ўтиб кетишди.

Бутун диққат-эътибори ташқарида бўлган аёл ҳануз кўриниш беришни истамаётган даҳлиздаги кимсани бир лаҳзага унутди. Қишлоқ адоғи катта йўлгача қалин тўқайзор. Тунда тўқайзорда бировни қидириб топиш пичан гарамидан игна излашдек бир гап. Таъқибчилар ҳақиқатдан фирт нодонга ўхшайди.

Даҳлиздаги кимса шивирлаб ўзидан дарак берди.

— Ана, қайтиб кетишяпти.  
— Унда сиз ҳам секин чиқиб кета қолинг!  
— Шу салқинда қаёққа бораман?  
— Қаёққа боришингизни мен қайдан билай! — Аёлнинг жаҳли кўзиди. — Нима, мени гапга қолдириб ўлдирмоқчимисиз? Қани, жўнанг!

— Шу кеч даҳлизингда тунаб қолай, Чаманой.  
— Тушингизни сувга айтинг! — Аёл овозини хиёл баландлатди. — Отаман лекин!

— Отма, Чаманой!

Орага бир сония жимлик чўкди.

Бир пайт «меҳмон» сўраб қолди.

— Милтиғинг ўзи... ўқланганми, Чаманой?

Аёл жавоб қайтармоқни лозим топмади. Кўлидаги яроқни жонлироқ тутиш билан чекланди. Қани энди, Қиличбек деганлари тезроқ қорасини ўчирса-ю, иссиқ ўринга шўнғий қолса. Оқшом печка ёқилганига қарамай, хона ичи анча совуқ эди. У ўртадаги эшикни ана қуриб бераман, мана қуриб бераман, деб ҳануз сўзининг устида чиқмай келаётган қўшни эркакнинг гўрига фишт қалар экан, алининг ўчини валидан олмоқчидай, таҳдидли оҳангда деди:

— Агар чиқиб кетмасангиз, ҳозир нақ пешонангиздан отаман!

— Биладан.

— Нимани биласиз?

— Кўлингга яроқ тутибсанми, демак, отасан-да, демоқчи эдим.

— Ҳозир ҳазилнинг мавруди эмас!

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ, — деди кимса ёруққа чиқишни хаёлига ҳам келтирмай. — Улардан калтак егандан кўра, сенинг кўлингга ўлганим яхши.

— Шу тобда хушомадга бало борми!

— Отанг қадрдоним, энанг меҳрибоним эди, — қоронғидаги кимсанинг овози тўлқинланиб, ниманидир эслагандай, бир муддат жим қолди-да, сўнг маҳзун оҳангда яна гапда давом этди: — Кўлингга неча марталаб чой ичганман, ота-онанг ҳаётлигида. Кимлигинг ва нимага қодирлигингни яхши биладан, Чаманой! Бугун негадир оёғим шу томонга тортди. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Совуқ тўқайзордан кўра, инсон меҳрини истадим шекилли. Сенга нисбатан хаёлимда ёмон ўй йўқ. Тузингни тотганман ахир, Чаманой! Ёмон хаёлга бориб ўлибманми! Сен баҳузур ухлайвер, мен... бирпасдан сўнг чиқиб кетаман. Қаттол душмандай менга бундай тикилма, Чаманой! Кўзинг тешиб юборай деяпти!

Ота-онаси эслатилгач, Чаманойнинг кўзларида ёш айлана бошлади. Кўлидаги яроғини беихтиёр қуйига тушираркан, кутилмаганда ўзини тутолмай йиғлаб юборди. Жоним отам, жоним энам, нечун мени эрта ташлаб кетдинглар! Сизлар тирик бўлганда, буйтиблар яроқ кучиб ётармидим! Мусичадек беозор манову одамдан ҳуркиб ўтирармидим! Уни даҳлизда тутмай, ичкарига таклиф этиб, оғзига бир пиёла иссиққина чой тутмасмидим. Бу не кўргуликки, одам боласига яроқ ўқталиб ўтирибман!

— Йиғлама, Чаманой! — деди ҳануз кўриниш беришга ботинмаётган «меҳмон» йиғламсираган овозда. — Ҳозир, мана ҳозир чиқиб кетаман! Совуқда қотсам-да, анову жоҳиллар кўлида ўлсам-да майли! Фақат сен йиғлама! Йиғласанг, кетишим қийин бўлади.

Аммо аёлнинг қулоғига гап кирмасди.

Ота-онасини кўмсаб йиғлашда давом этди.

Яроқни кучганча, йиғлай-йиғлай ухлаб қолди.

У тонгда хуррак овозидан уйғониб кетди. Бошда ҳайрон бўлди, сўнг кўрқди. Қоронғи шифтга, тонг ёғдусидан ёришган деразаларга аланг-жаланг боқиш баробарида кучоғидаги яроқни кўлига олди. Қачонки, бармоқлари милтиқнинг совуқ сиртига теккачгина, тундаги воқеа эсига тушди. Кўнгли андак хотиржам тортиб, кўрпа остидан сирғалиб чиқди. Бўйнини чўзиб, даҳлизга мўралади. Яланг шолча устида совуқдан ғужанак бўлиб ётган қора — кимсани кўрди. Аввалига қаҳри кўзиди, сўнг раҳми келди. Одамлар турмасдан тезроқ жўнай қолинг, дея турткилаб уйғотмоқчи бўлган ерида, негадир фикридан қайтди. Уйғотишга кўзи қиймади. Тахмондан кўрпа олиб, авайлаб устига ёпди.

Кейин кундалик юмушига уннади.

Ҳовлида иш дегани сероб эди.

Кўрадаги молларга қараш, соғиш, тагини тозалаш каби майдачуйда ишларнинг ўзиям унинг кўп вақтини оларди. Ота-онасининг ўлимидан кейин иш дегани аёлнинг ягона овунчоғи, халоскори бўлиб қолганди. Кўли юмушда кезлари жудоликниям, ёлғизликниям паққос унутади. Тунлари ҳам сира тек ўтирмайди. Жун титиб, ип йигиради. Кўрпа ва кўрпачалар қовийди. Эрмакка оппоқ сочиқлар четига кашталар чатийди. Аёлнинг ҳеч тиним билмаслиги синглини ҳайрон қолдиради, ёлғиз бошингизга шунча давлат не чикора, дейди. Унинг очкўз нигоҳи аёлнинг ғашини келтиради: «Эримни бой қилмоқчиман», дейди. Синглиси унинг молу дунёсини йўқ эрдан қизғанади. Илондай тўлғаниб алланималар дейди. Ўзига қолса, ме-

рос талашиб, жанжал кўтарарди-ю, аммо опасидан ҳайиқади, кучи номаълум поччасини ичдан қарғашга етади, холос.

Аёл иш билан бўлиб, тундаги воқеани ҳам, даҳлизда уйқуни ураётган кимсани ҳам унутган экан, ўчоққа ўтин қалаётган пайтда бирдан эслаб қолди. Шошиб уй томон юрди. Бироқ даҳлизда ҳеч ким йўқ, қалин ва юмшоқ кўрпа бир четга чиройли қилиб тахлаб қўйилганди.

Аёлнинг кўнглида хижолатга ўхшаш нимадир уйғонди. Юрагинг ёрилмай, ўл! Одамга ўхшаб кутиб олсанг, отдан тушиб қолармидинг! Акадай бир одам эди-ку у, сенга! Яқинда томингни тузатиб берганди. Эсида, ўшанда ҳарчанд зўрласа-да, Қиличбек пул олишга унамаган, аммо бурчакдаги каттакон кўғирчоқни сўраб олган. Аёл ҳайрон. Биладики, Қиличбекнинг қизи йўқ, бақироқ, жанжалкаш хотини Тўлғанойдан икки ўғли бор. Унинг ажабланиб турганини сезган Қиличбек кунботишдаги шаҳар томонга ишора қилиб деган: «У ёқда менинг қизларим кўп. Буни олиб борсам, уларнинг кўзлари бахтдан қанчалик чақнашини бир кўрсанг эди, ҳайратдан оғзинг ланг очилиб қоларди! Мен бахтдан чақнаган кўзлар шайдосиман, Чаманой!..» Аёл баланд иморатлари базўр кўзга ташланиб турган шаҳарга, сўнг ёш боладай кўғирчоқ кўчган кап-катта эркакка таажжубла боқаркан, уни хотинбозга чиқариб, аввалига андак ёмон халёлларга борган, сўнг ўзича нималарнидир тушунгандай бўлган.

Қиличбек ғирт етим, шаҳардаги болалар уйида вояга етган. Йигит ёшида мархўм Асқад темирчига шогирд тушиб, фалакнинг гардиши билан унинг қизи Тўлғанойга уйланган. Темирчининг қизи битта, ўғиллар бир талай, бари бир-биридан ўтган жоҳил ва нодон кимсалар, йўқ жанжални пулга сотиб оладиганлар хилидан. Бехосдан бирига тегиб кетсанг, зумда бари йиғилиб келади — на уят, на андишани билишади. Бу борада Тўлғаной оға-иниларидан сира пеш эмас, эрига зуғум қилишни яхши кўради. Етимлигини рўкач қилиб, ҳаромидан олиб, ҳаромига солади. Агар жиндек қаршиликка учраса, додлаб, ака-укаларини бошига йиғади. Бу уруғнинг қўли жуда югурик, натижада, Қиличбекнинг қочмоқдан бўлак чораси қолмайди.

Чаманой оғзидан сақич тушмайдиган йўғон бу аёлни жинидан ёмон кўради. Унинг ёш боладай жонсарақ эрига раҳми келади. Қани энди, қўлидан келса-ю, ундан ҳеч яхшилигини аямаса. Бироқ кўрдикки, яхшилик қилиш у ўйлаганчалик осон иш эмас экан. Кеча тунда уйига қочиб кирган шўрликнинг дардига малҳам бўлиш ўрнига, унга яроқ ўқталиб ўтирибди. Энди ўйлаб кўрса, у эркакдан эмас, гап-сўздан кўрққан экан.

Бу кеч аёл негадир «тунги меҳмон»ни қўмсади. Кечагидай уни даҳлизида тунашини истади. Тонгда туйган ҳиддан нафас олиш умидида даҳлизга чиқди. Бироқ тонгда хонани тўлдирган эркак ҳиддан дарак йўқ, ачиган хамир иси анқирди, холос.

Аёл маҳзун ҳолатда хонага қайтиб кираркан, ихтиёридан ташқари бир ишга қўл урди — даҳлизга қалин қилиб жой солди, янги кўрпа, янги болиш қўйди. Эшикни тамбалашни эса гўё унутган киши бўлди. Лекин яроғини биқинидан жилдирмади. Ахир бежизга милтиқни мусодара қилмоқчи бўлган ҳудуд нозирига, дангал тарзда, уни «эрим», «тунги посбоним» демаган-да. Демак, эр дегани хотин кишининг қаватида, биқинида ётиши керак! Ҳудуд нозири яхши йигит, уни тушунган: «Лекин қонунни бузаяпманда, опажон», деган. Аёл уни эркалаб елкасига қоқаркан: «Опанг учун қонунни бузсанг бузибсанда, оғажон, — дея аламноқ жилмайган. — Тунда мендай ёлғиз аёлга эрдай бир гапда бу! Яхши бор-ёмон бор, бемаҳалда ёмон ниятда остонамни ҳатлаган кимсани нима билан чўчитаман? Тилим биланми?...»

Аёл тунда зийрак ётди, алланимани кутгандай, илҳақ ётди. Қани энди, ҳокисор нигоҳли эркак, яна бир тунгина даҳлизида тунаса, яланг шолча устида эмас, қалин тўшакда ухласа, уйини эркак ҳидига тўлдирса!

У шуни истади.

Бундан ортиғини хаёлига келтирмади.

Тонгда эса боши ғовлаб, қарахт ҳолда уйғонди. Даҳлиздаги ўринни бўм-бўш кўриб, хўрлиги келди. Кўзига ёш айланди ва бу ҳолатидан ўзи ҳам ажабланди. Тентак бўлаяпман шекилли, деган ўйга борди. Бироқ негадир тентак бўлгиси келди. Аммо кўрадаги улкан тарғил сигир тентак бўлмоғига изн бермади, мўраб овоз берди. Унга бошқа жониворлар ҳам жўр бўлди.

У кўра томон ошиқди. Яхшиям иш бор, юмуш бор, дея суюнди. Шу билан эркакниям, ўй ва истакларини ҳам унутди. Одатдагидек, боши билан юмушга шўнғиди.

Шу кеч эса ўзини ёмон қарғади. Кеча тундаги хоҳиш ва хаёллари бугун жуда эриш туюлиб, ўзига ўзи тухмат қилди: «Эрсирамай, ўл, мегажин!» бунга ҳам қаноат этмай, оппоқ, бўлиқ сонларини аямай чимчилаб-чимчилаб олди.

Оғриқдан жони роҳат топди. Шу йўсинда бемаъни истагига чек қўйган киши бўлди.

Бу тун даҳлизга жой солмади.

Эшикни очиқ қолдирмади

Бироқ яроғини қаватига қўйиб, эндигина тўшакка чўзилган ерида яна бирдан ўрнидан сакраб туриб кетди. Ички бир ундовга бўйси-ниб, тахмон ёнига борди. Тўшаклар қатига қўлини тикқан ерида узоқ туриб қолди. Сўнг шалвираб, жойига қайтди, ерда ётган яроққа қоқилиб, бармоғини қайириб олди. Оғриқ миясига уриб, оҳ тортиб юборди. Бармоғини тутганча тўшак устида тўлғанаркан, ҳеч истама-сада, негадир бот эркакни ўйлади: «У шўрлик тагин қувғинга учраса, бу совуқ тунда қайси тешикка бош уради?!» Аёл оғриқни унутиб, шу ўй заптида, оқсоқланганча, эшикка югурди. Аввал илгакни туширди, сўнгра тамба – тутқич орасига қистирилган йўғон ўқлов-ни суғуриб олди. Кейин фикридан қайтиб қолишидан кўрққандек, энтиккан кўйи, ўзини кўрпа тагига урди.

Ўраниб-чирманиб, бамисли гувалага айланди.

Сирасини айтганда, айниб қолишдан ҳам кўра, истагидан уялди.

Тонг саҳарга яқин таниш хуррак овозидан уйғониб кетди. Даст-лаб қулоқларига ишонмади. Сўнг қалби адоқсиз қувончга тўлиб, даҳлизга деярли югуриб чиқди. Титроқ бармоқлари билан деворни пайпаслаб, чироқни ёқди. Кўзи қоқ шолча устида ёш боладай ғужа-нак бўлиб ётган Қиличбекка тушди. Аёлга у эркак киши эмас, ташландиқ, ҳимоясиз бир гўдак бўлиб туюлди. Меҳри жўшиб, ичи туздай ачишиб, ичкаридан кўрпа ва тўшамча кўтариб чиқди. Тўшам-чани бир четга қўйиб, йигитнинг устига кўрпа ташлаб қўя қолди.

Қиличбек кўрпа тагидан бошини чиқара-чиқара, уйқусираб гуд-ранди.

– Улар мени тагин уришди, Чаманой!

Аёл индамади. Худди онадек, унинг бошида чўнқаяркан, би-ринчи бор эркакнинг чехрасига синчков разм солди. Ўнг яноғи ва иягида зарб изларини кўриб, юраги эзилиб, кўнгли бузилди. У сас-сиз-садосиз йиғларкан, эркакнинг манглайига қўл юборганини ўзи сезмай қолди.

У силаб туриб йиғлади, йиғлаб туриб силади.

Қиличбекнинг аллақачон уйғонгани ва ёш боладай сузилиб ётга-нини кейин, қачонки, у унинг кафтини тутиб, бармоқлари учидан ўпгандан сўнггина пайқади. Қошида ҳимоясиз собий эмас, ростма-на эркак киши чўзилиб ётганини фаҳмлади. Йигитнинг бу ўпичида меҳрга ташна инсоннинг миннатдорчилиги ҳамда тушуниксиз яна алланималар қоришиқ эди. Аёл аввалига бундан қаттиқ уялди, сўнг ранжиди. Қўлини илкис тортиб оларкан, ғоятда қадрли нарсасини йўқотгандай, унга ёмон қаради. Қиличбек ўз вақтида шуни сезди-ки, хиёлгина ортиқча ҳаракати ёқимли тушдек лаззатли онларини

пароканда қилиб юбориши мумкин. У қўлини ошиғич кўрпа остига яшириб, аёлга мўлтираб боқди. Узр сўрагандай гўлдиради.

— Яна нима гап?.. — деди аёл унинг бежалган юзига боқаркан, ҳаддан ошманг, деган оҳангда.

— Ҳеч гап... — Қиличбек култ ютиниб, кўрпани иягига тортди. Кейин бу ётиши ўзига эриш туюлиб, ўрнидан турмоққа чоғландию, устига аzza-баzza кўрпа ташлаган аёл гўё бу ишидан ўпкаланадигандек, фикридан қайтди. Бу хил меҳрибончиликни ўз аёлидан кўрмагани эсига тушиб, ичдан ўксинди: — Ҳеч гап, Чаманой!

— Ҳеч гапга ўхшамайпти-ку? — Аёлнинг овози энди яна мулойим тортди.

Эркак унинг боши узра шифтдаги номаълум нуқтага ўйчан термуларкан, дардчил, ғоятда дардчил оҳангда деди:

— Сен, Чаманой, ўз падарингга... ҳеч адоватла боққанмисан?

— Ни-и-ма? — Аёлнинг ранг-қути учди. — Кўзига тик қарамаганман ҳатто!

— Билсанг, улар менга худди заҳарли илонга қарагандай боқишади! — Қиличбек нигоҳини бошқа нуқтага олди. — Бу туришларида, эрта-индин нодон тоғаларига қўшилиб менга қўл кўтаришдан ҳам тойишмайди. Уларни ўзимча тарбиялашга хўп уриниб кўрдим. Бироқ ҳар икки гапнинг бирида ота деган жонивор лойга қорилиб турса, берган тарбиянг қумга сепилган сувдай бир гап экан. Раҳматли қайнотам, сен бизга тўғри келмайсан, деганда, мен аҳмоқ, у кишидан хафа бўлганман, етимлигимни назарда тутаяпти деб. Энди билсам, мен нодонни аяган экан. Муҳаббатдан кўзим шафақланиб, жоҳил тўдага интилган эканман. Мана энди, яхшининг ёмон, ёмоннинг яхши бўлмоғига гумонланган ҳолда ўзим пиширган заҳарли ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ичиб келаяпман...

Аёл унинг «дийдиё»сини ёқтирмай, бошини бурди. Ўзининг бу алфозда ўтириши-ю, кап-катта эркак кишининг бу тарзда ялпайиб ётиши энди таъсир қилгандай, айбни унинг ўзидан қидиришга чоғланди.

— Барини эшитдим, — деди дағалтоб овозда, — ҳадеб сағир болаларга нарса ташийверсангиз, албатта, хотинга ёқмайсиз-да!

— Қанақа нарса?! — Қиличбекнинг кўзлари тўсатдан оловланиб, устидаги кўрпани итқитиб ташлади. — Сағир болаларга олиб борадиган совғаларим топганимдан бир зарра, холос. Аслида гап нарсада эмас, нарса нима... у ердаги болалар мени қанчалик интиқ кутишини биласанми? Билмайсан! Агар билганингда эди, бунақа гапирмасдинг! Мен анову Жаҳон гуппидай қўш-қўш иморат сол-

майман, Олим чиноқдай топганимни ўмганимга тортмайман, нодон қайниларимга ўхшаб ҳаётга басир кўнгил билан қарамайман! Кучим етганча бахти ярим норасидаларнинг кўнглини овлайман! Чунки етимлик не яхши биламан! Эсимда, дарвозадан кирган нотаниш аёлни — онам, эркакни эса — отам деб ўйлардим, олдига югуриб борардим. Кўзимиз кўчада бўларди. Бирор кимса бошимизни силаган кунни мендан бахтли одам йўқ эди! Шуларни биласанми ўзи?

— Йўқ, билмайман — Аёл билмаслигидан хижолат тортди.

— Қаердан ҳам билардинг, — Эркак ўтирган жойида оғир сўлиш олади. — Отанг қошингда, онанг қошингда... Мен эса на отамни биламан, на онамни! Худди осмондан тушгандайман!

— Энди улар йўқ... — Аёлнинг кўзларида ёш халқаланади.

Улар бир муддат бошларини эгганча жим туриб қолишди.

Аёл энди ўрнидан кўзғалмоқчи эди, эркак хижолатомуз оҳангда деди:

— Чаманой, агар қаттиқ гапириб юборган бўлсам, узр. Шу... сенга кичкина бир илтимосим бор эди. Бугун менга озгина қарз бериб турсанг. Кеча тундаги жанжал пайтида анову ёсуман чўнтагимда борини қоқиб оп қўйибди. Сўрамасдим-у, лекин шу... ҳафта бурун болалар уйига бир қизалоқ келтирилган. Кўзлари охуникидай катта-катта, ширингина қизалоқ. Шўрлик уззукун дарвозадан кўз узмай ўтиради. Бугун тушгача вақтим бор, ўша қизалоққа нимадир обормоқчи эдим. Агар имконим бўлганида, уни ўзимга қиз қилиб олардим-у, афсуски, шу кунларда ўзим уйимга сиғмай турибман. Фақат «йўқ» дема. Кўлимга пул тушиши билан қарзингни қайтараман.

Аёл ўзига, бирор айб иш қилиб қўйган боладай, кўзлари жавдираб қараб турган эркакни яхши кўриб қолганини тўйқусдан ҳис этаркан, бирдан юраги гупуриб, нафас олиши қийинлашди. Беихтиёр равишда, унинг бош-кўзини силаб-сийпагиси, ҳеч кўрса, эгнидаги ёқасиғимиз ва кир кўйлагини ювиб бергиси келди. Бу телбаноме истак шу қадар кучли эдики, Қиличбекнинг, ловлагидай қизариб, «э, йўқ-э, йўқ» дейишига қарамай, эгнидан кўйлагини сидириб олди. Сўнг яғир пахталигига ўраниб, ҳануз тили калимага келмай, ўзига ҳанг-манг тикилиб турган эркакка бир қараб қўйиб, ташқарига отиларкан, ошхонага етиб-етмай, қўлидаги кўйлакни димоғига олиб борди. Тўйиб-тўйиб ҳидлади. Эркак ҳидидан боши айланиб, тандир четига беҳол суяниб қолди...

Тўлганой бақирганча дарвозани тепиб кириб келганида, кун аллақачон пешиндан оққан, аёл ҳовлида кундалик юмуш билан банд эди.

— Эримни йўлдан ураяпсанми, манжалақи!

Аёл негадир ундан ҳайиқмади, шунингдек, кўни-қўшнилари олдида шарманда бўлишдан ҳам чўчимасди. Бир тундаёқ энг азиз одамига айланиб улгурган инсонга беҳад азоблар бериб келаётган бу жувонга нисбатан шу қадар ўтли нафратни ҳис қилдики, эркакчасига унинг башарасига мушт туширганини сезмай қолди.

Тўлганойнинг тили, аёлнинг мушти зўр эди. Шаллақалиги билан қишлоқда донг таратган жувон Чаманойнинг зарбаларига бардош беролмай, охири ўзини кўчага урди. Кўп ўтмай оға-иниларини бошлаб келди. Уларнинг важоҳатига қараганда, аёлнинг тирик қолиши даргумондек эди. Аммо у зиғирча довдирамади. Пўписага узилган биринчи ўқ дарвозанинг тепа тахтасини учириб юборгач, иккинчи ўққа ҳожат қолмади — тўда қандай келган бўлса, шундайлигича қорасини ўчирди. Ўша кеч улар бор аламини Қиличбекдан олишди.

Аёлдан қарзга олган пулига кўғирчоқ ва бир талай ширинликлар харид қилиб, оху кўзли қизалоқнинг кўнглини чоғлаб қайтган Қиличбек бу сафар тезда қочишнинг эвини қилолмади. Оға-инилар уни думалатиб уришди. Шунга қарамай, у барибир қочишга улгурди. Бу галги ур-сур Чаманой туфайли бўлгани боис, аёлниқига кирмай, тўқайзорга бекинди. Ака-укалар обдан хумордан чиққани сабабли, уни ортиқ таъқиб қилиб ўтирмадилар.

Қоронғи салқин тунда Қиличбекнинг аёлдан ўзга қидирувчи бўлмади. Чаманой, қалби амрига бўйсиниб, уни ҳовлиси адоғидаги қалин бутазордан топди. Шу ердалигингизни кўнглим сезди, дея гамга чўмиб ўтирган эркакнинг бошини бағрига босди.

Шу созда сўзсиз ва сассиз узоқ туриб қолишди.

— Сизга азоб берганларнинг барини отаман! — деди ниҳоят аёл тилга кириб. — Битта қўймай қираман!

— Умрингни хазон қилишга арзимаёди улар, Чаманой! — деди эркак унинг қайноқ бағрида мумдек эриб. — Баъзида мениям шайтон қитиқлаб қолади. Ҳамиша бир илож қилиб, ўзимни босаман. Муҳими, сени топдим, Чаманой! Бу азоблар бўлмаганида, сенга етмоқ қайда эди! Сени ўйласам, азоб ва оғриқларни унутаман!

Аёл қафтлари орасидаги бошни бағрига янада маҳкам босди, уни ортиқ сўзланмоғига қўймади...

Эртаси қизининг оғриб қолганини баҳона қилиш учун бирровга кирган синглиси уйдан Чаманойни тополмади. У зумга қўшнилари-

дан бириникига чиққандек, эшик ва дарвоза қия очиқ эди. Бирок бу ҳовлида нимадир рўй берганини жувоннинг кўнгли дарров сездди. У эшик-тешиқларга бирма-бир бош суқиб чиқаркан, қачонки, кийим жавонни бўш кўргачгина, тошойнанинг ўнг чеккасига қис-тирилган хатга эътибор берди. Мактубга қуйидаги жумла битилган эди: «Мен кетдим».

Қаёққа?!

У ҳовлиқиб кўрага ўтди.

Ҳайтовур, моллар тугал, атай бўш қўйилган бузоқлар ҳадеб она-ларини эмаверганидан, қоринлари дўмбирадек шишиб кетганди.

Кўрадан лолу ҳайрон чиққан жувон ҳовлида бақироқ Тўлғаной билан ҳудуд нозирига рўпара келди. Тўлғанойнинг бош-кеди кети йўқ, пойинтор-сойинтор гап-сўзларидан шуни базўр англадики, эри унинг опасини ўзига ўйнаш тутиб, бутунлай бошвоғини йўқотиб қўйган эмиш, кеча опаси, эр талашиб, уни дўппослаган эмиш. Бирок жувон бу воқеа залворини тўла идрок этолмади, у эгасиз қолган ҳовли-жой ва кўра тўла мол-ҳолнинг ташвишига ўралашиб, бу ҳақда тезроқ эрига хабар беришни ўйларди.

Ҳудуд нозир аёлларнинг гашавасига кўпда эътибор бермай, хоналарни бирин-сирин кўздан кечириб чиқаркан, милтиқни то-полмагач, норози оҳангда тўнғиллади.

— Опам тушмагур «эри»ниям ўзи билан олиб кетибди-да...

— Қанақа эр?! — Тўлғаной баланд овозда бобиллаб берди. — Нимага энди, у шум етим унга эр бўларкан! Айтинг, бекинишмай бу ёққа чиқсин! Ҳали у хотинбоз қўлимга тушсин, суяқларини бит-талаб синдираман!

Ҳудуд нозир манглайини тириштириб, аста минғирлаб қўйди.

— Илойим, ҳеч қачон кўлингга тушмасин!

Тўлғаной тугун кўтарган «қочоқ»лар ҳақида хабар етказган қўшни кампирнинг гапларини ҳалигача тузук англамаганидан, аёлнинг яро-ғидан чўчиб, ҳудуд нозирини бошлаб келаркан, эрини Чаманой-нинг қўйнидан ёхуд уйининг бирор бурчагидан топишига ҳануз ишончи комил эди. Ва қачонки не воқеа юз берганидан огоҳ бўлгач-гина, аламдан бўкириб юборди. Ёнидаги иккиси эса унинг дардига бутунлай бефарқ — худуд нозир Қиличбекнинг бу балодан осонги-на қутулганидан, сингил эса шунча молу давлат энди ўзига қолга-нидан мамнун эди. Тўлғаной эса «қочоқ»ларни гўрдан олиб, гўрга тикқанча, тобора қишлоқни бошига кўтармоқда эди.

## КУЁШИ БОТМАЙДИГАН ЮРТ

Тиниқ саратон осмонининг тоққа туташ этакларини алангала-тиб турган қирмизи шафақ тезда сўниб, тоғ ўрқачлари узра куёш мўралади. Анвар, елкасида мольберт, қўлтигида мойбўёқ учун махсус ишланган бир неча жуфт картон, кўзларини қисганча, бу манзарага маъюс термулиб қолган, чехрасида алам ва ўкинч ифодаси қотган. Шу тобда у ўзини ҳамда дўсти Мирвали ва унинг серзавқ-сершовқин жўраларини ич-ичдан янмоқда эди.

Анвар ўзича қишлоқ ҳаёти ва табиати билан яқиндан танишиш ниятида ўтган куни Мирвалини қора тортиб келган эди. У келган оқшом Мирвали кўнгил етар жўраларини уйига чорлаб, унинг шарафига тўкин-сочин зиёфат берди. Кеча эса у елкасига мольбертини осиб, дала-даштни айланди, унинг таъбири билан айтганда, дил тортар манзараларни қидирди. Соё соҳилидан туриб, қирмизи тонг манзарасини полотно юзига муҳрлаш фикри ҳам кеча хаёлига келганди. Шу куни у чимзор соҳилда кечгача қолиб кетди ва намозгарга яқин қишлоққа қайтганда, Мирвали ювиниб-тараниб пойлаб турган экан, Анвар чарчаганини минг бор баҳона қилса-да, у оёқ тираб туриб олди.

— Ия, нималар деяпсан, жўра?! Айтилган жойга бормаслик... бунақада одамни уятга қўясан-ку! — дея қишлоқ одатларини рўқач қилиб, ҳали эртага Ўроқбой, индинига Турди қора, улардан сўнг яна бошқа жўралари меҳмонга чақиритгани ва ҳозирдан навбат талашиб юришганини гурур билан таъкидлади.

Атрофи баланд пахса девор билан ўралган ҳовлига кириб бо-ришганда, ўндан зиёд йигит супада суҳбатлашиб ўтирган экан, алоҳида иззат-иқром билан уни тўрга ўтқазиди. Анвар, қўли кўксиде, йигитлар билан бирма-бир сўрашиб чиққач, зимдан ҳовлини кўздан кечирди: ҳамма ёқ саранжом-сариташта, ошхона бурчагидаги ёзги ўчоқда қозон қайнапти, бошига гулдор пешонабоғ танғиган ёшгина жувон ўчоққа майдалаб гўзапоя ташламоқда, сал берида уч-тўрт ёшлар чамаси, бошдан-оёқ тупроққа беланган қоракўз болакай бармоқ сўриб, «нотаниш амаки»ни қизиқсиниб кузатади. Ҳовлида фақат қишлоққа хос кенглик, осойишталик, эркинлик ҳукм сураб, ҳатто хумдай бошини оёқлари устига қўйиб, ариқ бўйида мудраётган баҳайбат ит ҳам кенг дунёнинг эркасидек кўринади кўзига...

Анвар шаҳарда туғилиб ўсган.

Шаҳар тевааракларида кўп кезинган эса-да, лекин олис кенгликларда ҳеч бўлмаган. Олис кенглик деганда — йилда бир марта, кун

иссиқ бўлишига қарамай, эгнида қора костюм, сандиқдай бесўнақай катта чамадонни турли мева-чеваларга тўлдириб, кўрга ҳассодай кўнғироқ тугмаси кўриниб турган бўлишига қарамай, дарвозани гурс-гурс қоқиб, уйига довулдай кириб келадиган девқомат, ҳабашдай қоп-қора дўсти (улар ҳарбий хизматда бирга бўлишган) Мирвалини тушунарди. Мирвали ўзи билан дашт эркинлиги-ю тўпорилигини ва у англаб етиши қийин бўлган яна алланималарни олиб келади. У келиши билан чоққина ҳовлиси бирдан тўлиб қолгандек, шинам меҳмонхонаси эса тор тортгандек туюлади.

Мирвали тўрни тўлдирганча, «Ҳой, жўрам-ий», дея гурунг бошлайди. Эшикдан болалари бош суққудек бўлса, уларни чақириб олиб, тиззасига ўтқазади, тақсимчаларда кўргазмага қўйилган хил-хил ширинликлар билан сийлайди. Болаларни яхши кўради. Ўттизга чиқмай олти ўғилнинг отаси. Шу боис, ҳар шаҳарга келганда, чамадонни турли матоларга тўлдириб кетади. Тўй матосиз ўтмасмиш. Кета туриб: «Жўра, сенам одамдай бўп, мундай биз томонларга ўтгин!» дея қаттиқ тайинлайди. Анвар: «Хўп», дейди. Ўн йилдан зиёдки «хўп» деб келди. Ниҳоят, мана бу йил қорасини кўрсатди. Анчадан бери олис дашт табиатига қизиқиб келарди. Аммо қишлоққа хос бу хил тонготар зиёфатларни хаёлига келтирмаган эди...

Қишлоқ йигитларининг гурунги содда, тилаклари ҳам шу хилда. Ярим ойча бурун даврадагиларнинг бири кўчқордай ўғил, шунчаки ўғил эмас, кўчқордай ўғил кўрган экан, бири ўша ўғилнинг девдай йигит бўлиши учун, яна бири эса яқинда уйлаган йигитга бир ҳовли фарзанд тилаб, қадаҳ кўтаради.

Шу тариқа тунни адоқлаб тарқалишади.

Анвар шуларни хаёлдан ўтказиб, хийла вақт сукут сақлаб ўтирди. Кейин: «Бугун бўлмаса, эртага бўлар», дея ўзини овутди. Мольбертга картонлардан бирини ўрнатиб, ишга киришди.

Кечаёқ бошлаб қўйган бу суратда рўпарадаги манзара — сой соҳилидан хув узокдаги қир этагига қадар ястанган кўм-кўк пахтазор, пахтазор узра елканли қайиқлардай оқариб турган дала шийпонлари, сузиб юрган чопиқ тракторлари ва яна кўп нарсалар тасвирланган эди. Манзара ҳали анча-бунча ишловни тақоза этарди.

У мўйқаламни сўнги бор тортганда, кун қиёмга келганди.

Мольбертнинг бир парча соясига бошини тортиб, юмшоқ чим устига чўкди. Теваракка хотиржам, энгил бир кайфият билан разм солди. Юз одимча қуйида, кўҳна тегирмон харобасига қамти қад ростлаган балх тут соясида, синиқ тегирмон тош устида, пайкал тарафга кўз тикканча, чўнқайиб ўтирган болакайга кўзи тушгач,

андак ажабланди. Чунки у болакайни кеча ҳам худди шу ерда, шу алфозда кўрган эди-да. Азбаройи қизиққанидан эмас, шунчаки ҳам-сухбат истаб, оғзига бармоқ суқиб, қаттиқ хуштак чалди; болакай ялт этиб қарагач, берман кел, дея қўлини тўлғади. Болакай истамайгина ўрнидан қўзғалди-да, тегирмондан беридаги лиқилдоқ, ингичка оғоч кўприкдан ўтиб, соҳил бўйлаб кела бошлади.

— Ассалом, — деди у этиб келгач, нега чақирдингиз, деган оҳангда. Болакай саккиз-тўққиз ёшларда, қарашлари жиддий, иягидаги чурчаси чеҳрасига ғоятда ярашиб тушган эди.

— Салом-салом, — деди Анвар унинг иштончан танига эътибор қаратиб. — Ўх-хў, бу... роса қорайибсан-ку, а? — Болакай индамагач, қўлини чўзди: — Кел, би-ир танишиб кўяйлик, Анвар.

— Берди, — деди болакай қўл бериб.

— Бу ерда нима қилаяпсан, Бердивой?

— Ўзим... — деди у истамайгина ва орада мольбертга қизиқсиниб кўз ташлаб қўйди.

— Бу... маза қилиб бир чўмилмаймизми, а?

— Йўқ, — Болакай кескин бош чайқади.

— Бекор қиласан, қара, сув қанчалик тиниқ! — Анвар ечина бошлади.

Болакай бошда унга ишонқирамай қараб турди-да, сўнг шошиб эътироз билдира бошлади:

— Ие, бунда чўмилиб бўлмайди... Салим чўкиб ўлган бунда! Чўмила кўрманг! Чўмиладиган жой ҳув адоғда.

Бу гапдан Анварнинг юрагига андак ваҳима оралади. Ҳақиқатдан ҳам сойнинг бу тор ўзанидан сув қайнаб, пишқириб оқар, оғоч кўприкдан берида сувдан йўғон-йўғон темир қозиқларнинг боши чиқиб турарди. Аммо у ечиниб кўйган, қайта кийинишга уялди. Таваккалига сувга калла ташлади. Сойнинг гумлиги, оқимнинг шиддатини туйиб, қирғоққа интилди. Аммо оқим шиддати уни қуйига суриб кетди. У қирғоқ бўйлаб, ранг-қути учганча, югуриб келатган болакайни кўрди. Жонҳолатда қайта қирғоққа талпинди. Сувга бош эгиб турган мажнунтолга шаппа ёпишди. Болакай тиззалаганча, қўлини чўзиб, алланима деб қичқирар, чамаси, «қўлингизни беринг» дер эди. Анвар толга тирмашиб, ҳарсиллаб-гурсиллаб соҳилга чиқди.

— Сиз сира эси йўқ амаки экансиз! — деди болакай катталардай теграб. — Оқиб кетсангиз нима бўларди, а?!

— Оббо сен-эй... — Анвар йўлига узр сўраган киши бўлиб, унинг елкасига қоқиб қўйди. У жонсарак болакайни ёқтириб қолган эди.

Улар мольберт ёнига қайтишгач, болакай суратга қизиқиб қолди. Анвар велосипед рулига осигли тугунни олиб ёзди. Унда Мирвалининг камсуқим аёли томонидан тугиб берилган тушлик — икки бош эртачи узум, бир бўлак яхна эт, беш-олтида помидор, иккита суви қочган нон ва бошқа майда-чуйдалар бор эди. У нон ушатиб шеригини чақирди. Болакай келиб, унинг қаршисига чўкаркан, бош бармоғини мих қилиб:

— Расмни мана бундай чизаркансиз! — деди.

Энди у олдинги ҳолатига асло ўхшамас, чехрасидан жиддийлик ва маъюслик ариб, ҳақиқий болага айланган эди.

— Сенинг ҳам расмингни чизайми? — дея сўради Анвар, ундаги ўзгаришни пайқаб.

— Ўзимга ўхшатиб-а? — Болакай ишонқирамади.

— Ҳа, худди ўзингга ўхшатиб.

— Майли...

Анвар туриб, мольбертдан блокнот ва қалам олди. Жойига ўтириб, нон кавшаганча, қоғоз юзига қалам юргиза бошлади. У, бояги жонсарақлиги эвазига, болакайнинг суратини қоралаб, уни қувонтириш ўйида эди. Аммо бирдан ишдан тўхтаб, оғзига уч-тўрт дона узум солди-да, болакайга узоқ тикилиб қолди. Сўнг дик сакраб ўрnidан турди. Болакайга тегирмон томонда тўстаман тушиб ётишни буюрди. Шу тобда унинг миясида янги асар ғояси пишиб етилмоқда эди: бўлғуси бу картинада чимзор соҳил, болакай, кўҳна тегирмон, кунботиш тарафда сароб мисол живирлаб турган қишлоқ акс этиши лозим эди...

У мольбертга янги картон ўрнатди.

...Болакай бардошли экан, кечки пешингача бемалол чидаб берди. Сўнг мудраб кетди. Гапга тутиб чалғитмоқ керак.

— Бердивой, бу йил нечанчи синфга ўтдинг?

— Учга — деди болакай уйқусираб.

— Расм чизишга қизиқасанми?

— Ҳа, жуда...

— Унда чизган расмларинг кўпдир, а?

— Кўп...

— Унда эртага чизганларингни опке!

— Нима қиласиз?

— Кўраман.

— Майли.

Бирпасдан кейин болакай бирдан кетаманга тушиб қолди. Анвар, яна бир муддат, деса-да, оёқ тираб туриб олди.

Бола кетди.

Негадир пайкал томонга қарай-қарай кетди.

Анвар қишлоққа намозгарга яқин қайтди. Мирвали эндигина ишдан келиб турган экан, биргалашиб Ўроқбойникига меҳмонга жўнашди.

\* \* \*

Анварнинг кайфи чоғ эди.

Бугун у азонлаб келиб, қирмизи тонг манзарасини чизишга деярли улгурганди.

У тоғлар ортидан бош кўтарган қуёшга хушхол тикилиб, роҳатланиб керишди-да, болакайни кута бошлади.

Болакай пешинга яқин келди. У бугун яшил майка ва калта қора иштонда, қўлида тугун бор эди.

— Бу нима? — Анвар унинг қўлидаги тугунга ишора қилди.

— Чакки, — деди болакай. — Норхол момом бериб юборди. У киши сизни меҳмонга кесин деди.

«Чакки» сўзини эшитиб, Анвар ширин тамшанди. У шу кунларда чалопнинг мазасини жуда яхши билиб олган, айниқса, райҳон қўшилганини жуда хуш кўрарди.

— Унда битта чалоп қилинг, Бердивой!

Болакай «хўп» деди-да, майкасига қўл тикиб, яшил муқовали қалин расм дафтарни чиқариб, узатди. Ўзи эса сой бўйида чўнқайиб, чалоп қилишга тутинди.

Анвар унинг ҳаракатларини пича кузатиб турди-да, кейин ҳафсаласиз бир алфозда қўлидаги дафтарни варақлашга тушди. Аммо варақлагани сайин қизиқиши орта бошлади: дафтар саҳифаларига рангли қалам ва сув бўёқда дурустгина суратлар солинган эди. Бироқ деярли барча суратларда бир мавзу такрорланарди. Мана, биринчи расм: ям-яшил майсазор, ота-онасининг қўлидан тутган болакай шодон ирғишлайди, тепада — қуёш; иккинчи расм: болакай қулочини кенг ёйганча отасига пешвоз чопмоқда, қия очиқ дарвозадан она мўралаб турибди, тепада — қуёш; учинчи сурат: ота, она, бола кенг ҳовлида нонушта қилишмоқда, тепада — қуёш, фақат бу ерда қуёш дарахтга боғлаб қўйилган эди. Бошқа суратлар ҳам шу хилда, яъни мазмун битта — ота, она, бола ва қуёш...

— Нега қуёшни дарахтга боғлаб қўйдинг? — дея ҳазиллашган бўлди Анвар.

— Ботмасин деб...

— Тушунмадим, нима?

— Ботмасин деб, — деди болакай жиддий, чалоп тўла косани кўтариб келаркан. — Ўзи... қуёш нега ботади-я, амаки? Ботмаса бўлмайдими, а?

— Бу энди табиатнинг иши-да, ботади, чиқади, ботади... — Анвар бундан тузукроқ жавоб тополмади.

— Агар мен табиат бўлганимда, қуёшни ҳечам ботқизмасдим!

— Зўрсан-ку!

Анвар қўлидаги дафтардан бош кўтариб, болакайга қаради. Қаради-ю, ҳайрон бўлиб қолди. Болакай ярим ўгирилганча, икки юз одимча нарида, пайкал ичидаги ўқариқдан секин кетига қайрилаётган тракторга мунг тўла кўзларини қадаб турар, қўлидаги коса қийшайиб, чалоп тўкила бошлаган эди.

— Бердивой, тинчликми? — Анвар унинг қўлидан косани олди. — Нима бўлди, жиян?

Болакайнинг пуштиранг лаблари аламли титраб, хаёлчан шивирлади:

— Ҳеч нима...

Анвар жимитдек бу вужуднинг юрагида бир олам дард борлигини дарров пайқаган бўлса-да, сўраб-суриштиришдан ўзини тийди. Унинг ўзига келиб олишига имкон бериб, чалопга чалфиган бўлди.

— Отам мен томонга ҳеч қарамайди!.. — деди болакай бир муддатдан сўнг унинг қаватига аста чўқарган, ҳануз трактордан кўзини узмай. — Бу ёқда эса энам юм-юм йиғлагани йиғлаган...

Анвар шуурсиз бир ҳолатда унинг нозик елкасидан тутаркан, овози хириллаб деди:

— Бу... онанг нега йиғлайди?

— Отам кетиб қолган-да, уйдан! — деди болакай мунг тўла овозда. — Учтепалик Ойша хола отамни ўзига иситиб олган эмиш. Норхол момом, ҳар куни отангни кўзига кўринаверсанг, отанг Ойшадан совуб, қайтиб келади, деган. Мени кўрса, отамнинг кўнгли исиркан... Отам эса мен тарафга қарай демайди. Ана, тагин қарамади!

Бу орада трактор яна ўқариқдан изига қайрилмоқда эди. Унинг оқиш соябони остида кўкиш кўйлакли, қоматдор бир одам ҳайкалдай қотиб ўтирарди.

— Энам тузалсин, отам, албатта, қайтиб келади! — деди болакай ишонч билан.

— Онангга нима қилган?

— Қўллари ишламайди. Тунда отамга овқат олиб бораётганида, мозор ёнида жинлар чалиб кетганмиш.

«Кўрқувдан шол бўлиб қолган», дея ўзича мулоҳаза қилди Анвар ва беихтиёр, болакайнинг елкасидан кучиб, бағрига тортиди. Болакай ўзини четга олмади, қайтамга бағрига суқилди, сўнг «тоға» деган иборани илк бора тилга олиб, қўққисдан сўраб қолди:

— Тоға, сиз кечаси ҳечам қўрқмайсизми?

— Йўқ, қўрқмайман.

— Мен... қўрқаман! — Болакай чуқур хўрсинди. — Энам ҳар тун йиғлайди-да, шунинг учун (болакайнинг луғат бойлигида «юрагим эзилади» деган ибора йўқ эди) қўрқаман! Энам доим йиғлайди! Мени билмайди, деб ўйлайди... Мен ҳаммасини биламан!

Анвар ялт этиб қўлидаги дафтарга қаради. Энди англади: суратларда болакайнинг орзуси, умид ва ишончи акс этган эди... У дафтарни оҳиста варақлашда давом этди.

— Тоға, — деди болакай унга пастдан термулиб. — Собир жўрамнинг акаси, дунёда қуёш ботмайдиган юртлар ҳам бор, дейди. Шу чинми?

— Чин, — деди Анвар дастлаб нима деяётганини англамаган ҳолда ва сўнг болакайнинг кўзларида чақнаган ёлқинни кўриб, қизгинлик билан қайта маъқуллади: — Рост, дунёда қуёш ботмайдиган юртлар бор!

— Вей, қандай маза! — деди болакай ҳавасланиб. — Қани энди, бизда ҳам қуёш ботмаса! Қуёш ботмаса, энам ҳам йиғламайди-да, тоға...

— Отанг ҳеч келмайдими?

— Ўтган сафар келганди, анову Мирвали амаки кўчада тутиб олиб урди.

— Мирвали амаки урди?

— Ҳа, сен одам эмас, ҳайвонсан, деб урди. Мажруҳ аёлни ташлаб кетишга қандай кўзинг қийди, деб урди. Мирвали амакининг ошналари ҳам қўшилишиб урди. Катта бўлай ҳали, барини ураман! Кўради ҳали улар мендан!

Анварнинг эсига кечаги воқеа тушди. Улар оқшом Ўроқбойни-кига кета туриб, кўчада озғин, қоп-қора бир кампирга дуч келишганди. Мирвали «Ҳа-а, Норхол момо!», дея у билан куюқ сўрашган, сўнг: «Ҳамсоянгиз тузук бўп қолдими? Тузук! Ҳа, яхши. Бир қоп унми? Бўпти, ўзим эрталаб ташлаб ўтаман. У-бу керак бўлса, тортинмай йигитларга айтаверинг, майлими?», деган. Кейин йўл бўйи кампирни алқаб, кимнидир сўкиб кетган.

Демак...

Анварнинг қўли ишга бормади.

Тушга яқин болакай: «Норхол момом кир ювмоқчи эди, мен бориб у кишига қарашим керак», дея хайрлашиб кетди.

Бир оз ўтиб, Анвар ҳам қишлоққа йўл олди.

\* \* \*

Анвар тўш кўрди.

Тушида болакай қип-қизил пуфакни ипидан тутганча, ям-яшил ўтлоқда чопқиллаб юрган эмиш. Пуфак ўзидан нур таратармиш, нурига чидаб бўлмас эмиш. Кейин бундай қарасаки, боласи тушмагур пуфакни эмас, қуёшни тизгинлаб олган эмиш ва ўзида йўқ шодон қичқирармиш: «Энди, қуёш ҳечам ботмайди! Энди, энам йиғламайди! Мен қуёшни тизгинлаб олдим! Мен қуёшни тизгинлаб олдим!..»

Анвар одатдагидан кўра кеч уйғонди.

Қуёш нури ҳовлига мўл-кўл ёйилган. Бугун дам олиш куни бўлгани сабабли, Мирвали ёнида баҳузур хуррак отиб ётарди. Анвар ҳар кунгидек туришга ошиқмади, ухлаб қопман, дея ўкинмади. Кўм-кўк осмонга тикилганча, қуёшни тизгинлаган болакайни ўйлаб ётаверди.

Шу пайт қўшни супадаги қатор кўрпалардан бири секин гимирлаб, Мирвалининг уч яшар ўгли сирғалиб пастга тушди-да, пилдираганча улар ётган супага келди. Анварни четлаб ўтиб, отасининг қўйнига кирди. Сўнг ирғишлаб, унинг кўкрагига чиқиб олди. Қиқирлаб отасининг мўйловига ёпишди. Мирвали пишқириб уйғонди. Ўғлини қўйнига олди. Болакай тек ётмай, яна унинг кўксига чиқиб олди. Уйқуси батамом ўчган ота ўғлининг яланғоч қорнига мўйловини ниқаб, қитиқлашга тушди... Болакай қийқирар, ота кулар, қуёш мўл-кўл нур сочар, ўчоқда чойгум шақирлаб қайнар, уй бекаси сутнинг қаймоғини сидириб олиб, уларнинг туришини кутиб ўтирар эди...

Анвар бу манзарага ҳавасланиб боқаркан, кўнгли ёп-ёруғ ҳисларга тўлиб-тошиб, беихтиёр пичирлади: «Ҳа-а, бу юртнинг қуёши ҳеч қачон ботмайди!»



## ҚУДУҚ

Абду чаққон топиб келган гапдан қишлоқ аҳли бир қалқиб тушди. Нима эмишки, қишлоқлари тагида улкан ерости дарёси шовуллаб оқармишу, кўп эмас, атиги йигирма-ўттиз газ кавланса, бас, сув дегани ўз эпкинида шарқираб чиқаверармиш.

У бу хабарни келтирганда, қуёш уфққа ёнбошлаган, қишлоқ чеккасидаги сайҳонликка йиғилган чоллар ярмисигача ерга ботган кўҳна машина рамасига тизилишган, нисбатан ёшроқлари эса шундоққина яланг ерга чордона қуришганди. Пода йиғиладиган майдондан беридаги кафтдек ялангликда ёш-яланглар тўп суришар, қайноқ дашт ели оёқ остидан кўтарилган тўзонни ўтирганлар оша тўғри қишлоқ томон ҳайдарди. Кундузги жазирама офтобдан тўйиниб, эндиликда бамисоли қизиган тандирдек, ўзидан ҳовур таратаётган томлар, тупроқ кўчалар бу тўзонни ўзига сингдираверганиданми, жамики нарса тупроқ тусига кирган, симлари салқиган қатор симёғочлар бу файзсизликни янада бўрттириб, киши дилида нохуш кайфият уйғотарди. Аммо теварак-атроф қанчалик бефайзлик касб этса, инсон туйғулари шу қадар ўтмаслашади деганларидай, давра аҳли бошларига ёғилаётган чангга бепарводек, теваракка ҳам шу хил муносабатда эди. Улар назарида, олам ва одам шу йўсинда яратилгану, шу созда қолмоғи лозимдек эди. Бир пайтлар қишлоқнинг корига яраб, эндиликда чолларнинг жўнгина ўриндигига айланган юк машинаси ҳам шу кайфият қурбони эди. «Политорка» деб номланмиш бу машина бундан кўп йиллар муқаддам, серёмғир кунлардан бирида йўлнинг қоқ ўртасида сўнги «нафас»ини олганча қолиб кетган. Қишлоқ аҳли уни йўлдан четга суриб қўйиш ўрнига, даштда ер қаҳат эмас-да, айланиб ўтмоқни маъқул топган. Вақтлар ўтиши билан машина шип-шийдам қилиниб, эндиликда ундан фақат «устихон» қолган. Оқшом олди чоллар мавқеига қараб рамага жойлашиб олишади. Темири қолган ўриндиқ қишлоқ кайвониси Бегим оқсоқолники. У рул ўқига ўнг елкасини тираб, мисоли шоҳлардек керилиб ўтириб олади-да, даврадаги бир пулга қиммат гурунглари бошқаради.

Бу хил гурунгларга тасодифан келиб қўшилган кимса умумий гала-ғовурда дастлаб ҳеч нарсани англаёлмай, бир муддат гангисада, кейин шуури тиниқлашиб, кўз ўнгида қандайдир бир тўйнинг шовқинли манзараси намоён бўлади: гуррос-гуррос меҳмонлар, қатор-қатор қозонлар, яшик-яшик ичимликлар, номи тилларда дoston хонандаларнинг хонишлари-ю, улоқдаги чавандозларнинг ҳайқириғи,

отлар дупури — ҳаммаси қоришиб, ранго-ранг тусда жилва касб эта бошлайди. Ҳаёт деганлари мана шу суронли манзарадан иборатдек, у бир муддатга тўзонли қайноқ ҳавони ҳам, фэйзсиз чўлни ҳам, чангга ботган қишлоқни ҳам унутади, ушбу шукуҳли манзарадан мириқиб завқланмоқ истайди. Бироқ даврадаги кимсаларнинг эскиган, кирланган энгил-боши, ҳафтадирки, устара юзини кўрмаган, қуёшда қорайган афт-ангорлари бунга изн бермайди. Шунда у гурунг «қаҳрамон»ига ҳавас қилиш ўрнига, беихтиёр ачинади: «Оббо, тўй қиламан деб, бечоранинг роса ийиғи чиқиб кетибди-ку...» Аммо ўзича мамнун бу қиёфа бунинг аксини айтади, натижада, ачиниш таассуф билан алмашилиб, дилда англрсиз бир ғашликни туғдиради.

Даврага келиб қўшилган Абду чаққон айни пайтда ушбу кайфиятда эди. Бунгача у миниб келган мотоциклини бир четга суяб қўйиб, уст-бошини қоқиб-суқиб, ўзини тузатган ва ялангликни чангитиб тўп сураётган болалар томонга бир-икки норози қараб қўйишга ҳам улгурган. Энди у ҳафта бурун дабдабали тўй берган Маъруф чавандозга сабабсиз чимирилиб боқаркан, унинг бахтиёр ишшайиши ва нодон турқидан ғаш келиб, ерга туфлаб қўяди. Боиси, доимо ниманидир бошлаб юрадиган бу тиниб-тинчимас йигитнинг ҳаётга нисбатан қараши, тутуми ўзгача бўлиб, бошқалардан яққол ажралиб турар, овулдошлари наздида, у шаҳар кўрган олифта эди.

Ҳозир ҳам айримлар қатори ерга гуппа чўка қолмай, чоллар қавагига жойлашаркан, қизиган темир юзини киши билмас сийпалаб қўйди. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан ички бир дид балқиб турар, қиртишланган ияғи, эғнидаги даштга мос кўйлаги-ю, уринган жинси шимидан бу хил турмуш тарзига зўрға кўникаётгани очиқ англашилларди. Аслида бундай йигитлар ҳар бир қишлоқда учрайди. Аввалига улар ўзларича нимагадир уринган-суринган бўлишади-ю, сўнг бошқалар қатори тирикчилик тўзонига қоришиб кетишади. Кейинчалик ҳамқишлоқлари уларнинг одатдан ташқари феъл-атвори устидан анча вақтгача кулиб юришади.

Абду чаққоннинг томдан тараша тушган қабилида айтган хабаридан даврага сукунат чўмди. Мақтовларга кўмилиб ўтирган Маъруф чавандозгина, ошга пашша тушди, деган маънода унга ўқрайиб қараб қўйди. Бироқ йигит ҳаяжонда эди, унинг норози боқишига парво қилмади. У давра яқинига думалаб келган тўпни майдон сари тепаркан, сўнг қайта жойига чўкиб, ўтирганларга бир-бир кўз ташлаб чиқди.

Машина рамасидан сўппайиб чиқиб турган рул ўқига елка тираб, савлат тўкиб ўтирган Бегим оқсоқол томоқ қира-қира, истехзоли илжайди.

— Ишқилиб, ёнғоқ-понғоқнинг тагидан туриб келмаяпсанми? — деди сўнг нописандроқ оҳангда. — Ер тагида дайра нима қилади? Дайра дегани ер юзалаб оқади шекилли.

Абду чаққон чолнинг каттазанглигини хушламай, боши билан қишлоқ томонга ишора қилди.

— Қишлоғингизда лоақал тиккайган тиканак йўғу, сиз ёнғоқни гапирасиз-а.

Давра аҳли беихтиёр қишлоқ томон юзланишди. Қишлоқ шипшийдим, кечки дайди елдан кенг кўчанинг тупроғи тўзғиб ётар, магазин эшиги ёнида Саттор дўкончи ҳавасга эккан ёлғиз толгина тебраниб, мужрайиб турарди. Тол ярим қуриган, омон қолган яшил япроқли қисми эса овулнинг умумий сарғиш-қизғиш тусига сингишолмай, мисли сарғиштоб либосга томган сиёҳдай яққол ажралиб турарди. Бу манзарага кўзлари тушиши билан ўтирганларнинг бирдан томоқлари қақраб, шу атрофда юрган болалардан бирини сувга юборишди. Кейин — сув келгунга қадар ва сўнг кўлтиллаб, галма-гал сув ичиш давомида, ер ости дарёсининг бор-йўқлиги хусусида қизгин баҳс юритишди. Баҳсга Эшна муаллим яқун ясади, дедик, ер остида нафақат дарёлар, балки бутун-бутун кўллар мавжуд. Унинг бу гапига кимдир ишонди, кимдир эса йўқ. Алами ичида қолган Маъруф чавандоз пайтдан фойдаланиб, йигитни чақиб олишга уринди.

— Шуни деб гурунгни белига тепиб ўтирибсанми ҳали! — деди ўдағайлаб. — Ўша дайрангдан нима фойда бизга, а?

— Айни шу масала юзасидан гаплашгани келдим-да, — деди Абду чаққон унинг замзамасига эътибор бермай. — Тагимизда дарё... Хўш, нечун биз ундан фойдаланиш ҳақида ўйламаслигимиз керак?

Даврага жимлик чўқди.

Чоллар, сиз нима дейсиз, деган маънода Бегим оқсоқолга қарашди.

Бегим оқсоқол узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб, бу хил ташаббускорларнинг элдан бурун ҳовлиқишларини кўп кўрган эмасми, биргина нордон гап билан йигитнинг унини ўчирмоқчи бўлди-ю, сўнгги сонияда эндиликда эл қатори оддий одамлардан бири эканлиги эсига тушиб, базўр тилини тийди-да, ер остидаги дайрани юзага оқишиш осон экан-да сенга, дейиш билан чекланди.

— Нимаси қийин? — деди Абду чаққон кўзлари чақнаб. — Кудук қаздираимиз.

— Ким қазиб беради?

Абду чаққон кенг даштга зимдан кўз ташлаб, сирли кулим-сиради.

— Агар ҳақини келишсак, қазиб берадиганлар бор.

Бегим оқсоқол унинг кулимсирашидан ҳадикланиб, ўша томон назар солди. Кўзи узоқдан чанг кўтариб қайтаётган подадан ўзгасини илғамагач, тўнғиллаб деди:

— Бу гапингни бориб, анову Холиқ элбошига айт.

— Бе-е, — деди чоллардан бири ингичка овозда, — кўчага тош тўктиришга ярамаган Холиқ, сенга қудуқ қаздириб берармиди. Нурали мешни ули дейдилар уни. Қачон қарама, қўйнингни пуч ёнғоққа тўлдиришдан бошқасига ярамайди.

Бу гапдан сўнг давра қайта жонланиб, катта-кичик раҳбарларни ғийбат қилишни бошлади. Бу ҳол бирор беш дақиқа давом этиб, гапнинг нишоби Рўзикул бодининг ўқишга киролмай, катта пулнинг бошига етиб келган ношуд ўғли томон бурилганда, Абду чаққон чидаб туrolмади.

— Менга қаранг! — деди Бегим оқсоқолга юзланиб. — Ҳадеб раҳбарларга ёпишавермасдан, ўзимиз ҳам жиндек жон куйдирсакчи бундай! Шахсан Холиққа қудуқнинг ҳеч кераги йўқ, қишлоғи Қўшсувдан сув ичади. Демак, ўз кумачимизга ўзимиз қўр тортишимиз керак...

Ўтирганлар чувиллаб кетишди.

— Э, раҳбар бўлгач, қибирсин-да!

— Талабингни уларга айт.

— Бизга қудуқ-пудуқнинг ҳеч кераги йўқ, худога шукр, ҳаммамизда ҳовуз бор.

— Қазиган билан сув чиқадими-йўқми ҳали.

— Шуни айт.

Абду чаққон ғала-ғовур тинишини чидам билан кутаркан, бирдан Мамадали шофёр ҳаммадан кўра кўпроқ ғавғо кўтараётганини пайқаб қолди. Аввалига ажабланди, сўнг масаланинг тагига етиб, жини қуришди. Негаки, агар қудуқ қазилса, Мамадали шофёр кундалик тушумдан маҳрум бўлади-да, сўнг биров, ҳовузимни тўлдириб бер, деб келмайди-да.

Аслини олганда, ҳовуз ҳам Абду чаққоннинг ташаббуси туфайли русум бўлган. Шаҳардан қайтиб, биринчи қилган иши ҳовлиси кунжагидан ҳовуз қаздириш бўлган. Ҳовуз деворларини бетонлаб, устида челақ сиғарли қопқоқли тўйник қолдириб, укаларини қўш бидон ортилган эшакда сув ташишдек азобдан халос этганидан ке-

йин, бошқалар ҳам ўз ҳовлисида ҳовуз қаздиришни одат қилди. Оқибатда, бу иши учун у «Абду чаққон» деган лақабга эга бўлди.

— Мамадали ака! — деди у ич-ичидан хуруж қилиб келаётган ғазабини базўр жиловлаб, — Бу таклифим сизга ёқмаслиги табиий. Чунки сиз кундалик чой-чақадан қуруқ қоласиз-да. Аммо-лекин шахсий манфаатни умумникидан устун қўйиш яхши эмас-да, ака! Бу қадар худбин бўлманг!

— И-ия, қачон мен шахсий манфаатимни устун қўйибман, а?!

Сарҳадсиз дашт офтобининг куйдирувчан ҳарорати остида ўсиб-улғайган бандасининг хулқи бирдан юзага тепчиб, Мамадали шофёр тўсатдан йигитга ҳезланиб қолди. Орага тушганлар бир амаллаб уларни тинчитишгач, чоллар бошларини сарак-сарак қилиб, сеvimли машғулотлари — насиҳат қилмоққа тушдилар. Насиҳатнинг бир учи қизиқ устида тоғасини пичоқлаб қўйган Башир бангига бориб тақалгач, Абду чаққоннинг тоқати тугаб, тағин портлади. Авалига у худди ўчакишгандай аллақадан пайдо бўлиб, даврани чир айланганча, зумда ғойиб бўлган кичкина қуюннинг тинишини кутиб турди-да, сўнг ер тепиниб, бор овозда бақириб берди.

— Хўш, қудуқ қаздирамизми-йўқми?

Даврага яна жимлик чўкиб, ўтирганлар кўтарилган чангдан юзларини паналаб, бармоқлари орасидан йигитга тикилишди.

— Қачонгача қуюнларга ем бўламиз, а?!

Абду чаққон шу гапни айта-айта, ирғиб ўрнидан турди-да, қизишиб гапира кетди. У жўшқинлик билан сўзларкан, ўтирганларнинг кўз ўнгида қуйидаги манзара жонлана бошлади: бошда ер тубидан қайнаб чиқаётган бир тегирмон — балки уч-тўрт тегирмондир — сувдан ариқлар тўлиб-тошди, кейин сувсизликдан янтоқ босиб ётган томорқаларда ишкомлар қад ростлади, полиз экинларига чиройли-чиройли жўяклар тортилди. Томорқа тўридан мевали дарахтлар ўрин олди. Уларнинг бир қисми кўча ёқаларига ҳам чиқиб кетди. Натижада, яшил тусга кирган қишлоқдан гармсел чўчийдиган, бетизгин қуюнлар ариқ бўйларида қад ростлаган тераклар сафидан нарига ўтолмай, чўл ичкарисига жуфтақ ростлайдиган бўлди. Буни қарангки, орадан ўн йил ўтиб-ўтмай, экилган тераклар кишилар корига яраб қолди. Янги иморат солмоқчимисан, марҳамат, бир бошдан кесиб, томга босавер.

Тераклар борасидаги гап давра аҳлига жуда ёқиб тушди. Лоқайд нигоҳлар жонланиб, гард босган идрокларда нималардир ғимирлаб қолди. Кучаниб, тиришиб эътироз билдирмоққа тушган Мамадали шофёрнинг уни ўчирилиб, йигитнинг тераклар хусусидаги нутқи

қизгин маъкулланди-да, сўнг гап ёғоч қаҳатлиги туфайли иморат солмоқ ишлари йилдан-йилган тобора қийинлашиб бораётгани тўғрисида борди. Кимдир акасидан калтак еган боладай манқаланиб, етти дона оғочни отасининг баҳосида харид қилганидан шикоятланди-ю, гурунг дегани айни қиём пайтида қутурадиган қуюндай гупуриб кетди. Агар Абду чаққон бот бетоқат ер тепинмаганида эди, қудуқ масаласи бир четда қолиб, бу мавзу токи пода келгунга қадар сақичдай чайналиши тайин эди.

— Хўш, ўртага ташлаймизми? — деди у чўлнинг узоқ ичкарисига жонсарак кўз ташларкан, бармоқларини бир-бирига маънодор ишқалаб. — Бориб қудуқчилар билан гаплашаверайми?

Бегим оқсоқол узоқ кутдирмай, барчанинг номидан розилик билдирди-да, сўнг қаватида ўтирган Нортожи чолнинг ҳассасини қўлидан олиб, ҳардамхаёл бир алфозда ер чўқилай-чўқилай сўради:

— Хай-й, қудуқни қаердан қаздирмоқчисан?

— Буни сизлар ҳал қиласизлар.

Бегим оқсоқол ердан илкис кўз узиб, йигитга сергак боқди. Кейин Абду чаққон инъом этадиган қимматли нарсани бошқа биров илиб кетишидан ҳадиклангандек, хиёл ҳовлиқиш билан деди:

— Агар буни биз ҳал этадиган бўлсак, ҳовлим қишлоқнинг қоқ киндиги... Эшигим ёнидан қаздирамиз.

Бу гап кўнгиллар тубида сокин мудраб ётган худбинлик туйғусини кўзгаб юборди. Даврада ғала-ғовур қўпти. Ҳатто шилпиқ кўзлари сузилиб, гап-сўзларга қотинмай ўтирган Холдор чолга ҳам жон кирди. Қуртдек бошини бежо чайқаб, ажиб бир тарзда бифилламоқни бошладики, одам боласининг бу тарзда овоз чиқариши мумкинлигига кишининг сира ишонгиси келмасди. Бироқ гаройиб бу сасни эшитадиган қулоқ йўқ, давра аҳли қудуқ ўрнини талашиб, шу қадар жазавага тушишгандики, ким тинглаб, ким сўзаяпти — ажрим этмоқ мушкул эди. Тўп кетидан югуриб келган болакай ҳам бу талотўпдан чўчиб, коптогини қўлтиқлаганча ура қочиб қолди.

Гурунг бошидан буён Бегим оқсоқолга лутф қилиб ўтирган Нортожи чол унинг қўлидан ҳассасини юлқиб олди-да, бўғиқ овозда ўдағайлаб қолди.

— Элбошиман деб, ҳамма нарсанинг сархилини еб, ширин томоқ бўп қолгансиз-да, а?! Энди қудуққаям эга чиқмоқчисиз! Ўзи сизда инсоф борми?! Гап шу, агар қудуқ эшигингиз ёнидан қазилар бўлса, у қудуққа ўт кўйиб юбораман мен!

— Қудуқ ёнмайди, гаранг! — Бегим оқсоқол унинг нодонлигидан ранжиб, қудуқнинг ёнмаслигини жон-жаҳди билан исбот эт-

моққа киришади. — Чўпмидики, ёнса у! Ер-сувнинг ёнганини ҳеч кўрганмисан? Э, соқолинг серкилламай, ўл!

Кечки ҳароратдан ҳансираётган замин ўз бағрида яширинган обу ҳаёт илинжида, кишилардан кўмак истаб, уларнинг газабдан бўғриққан афтларини майин шабадаси ила сийпаламоққа тушади. Бироқ давра аҳли ҳануз бир қарорга келолмай, шу қадар қутуриб бақиршар эди-ки, улар, шабада тугил, хурлиқонинг кишига жон ато этувчи илиқ кафтиниям сеза олишмасди. Охир-оқибат, бу хил жазавадан бирор натижа чиқишига кўзи етмади шекилли, замин туйқусдан қаҳрланиб, даштнинг жизғанагини чиқариб юрган қайноқ гармселни қишлоқ томон йўллади. Қайноқ ел болалар копток тепаётган ялангликда қуюн ҳосил қилиб, ўтирганлар устига шиддатла ташланди-да, уларни бошдан-оёқ чангга белаб ташлади. Аммо давра аҳли бунга парвоям қилмади. Бегим оқсоқол оғзига тўлган тупроқни туфлай-туфлай, тагин баҳсда давом этди. Маъруф чавандоз эса ўнг қаватида ўтирган улфатини бўралатиб сўкар, Хидир чол ортиқ овозига зўр берганиданми, ё бўғзига чанг тикилдими, кўкарганча қув-қув йўталар, ориқ, чангак бармоқлари эса Эшна муаллимнинг энгида қотиб қолган, Эшна муаллим бўлса, унинг боши узра кимгадир ўшқирган кўйи, ора-сира энгини тортиб-тортиб қўяр, аммо чол, мабода панжасини бўшатгудек бўлса, жони танидан «порт» этиб чиқиб кетадигандек, қўйворишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Бандаларга чоғи етмаган қуюн алаמידан ёлғиз толга ташланди. Уни бир майдон силкиб, майиштириб, япроқларини юлқилаб ўйнади. Кейин Тўра полвоннинг девори ёқалаб бориб, болалар копток сураётган майдонни кесиб ўтди-да, тагин чўл қўйнига сингиб кетди.

Абду чаққон қуюн изидан қараб қоларкан, кўзи даштнинг олис буржида тиккайиб турган қудуқ қазувчиларнинг «вишка»сига тушиб, тажангланиб қичқирди.

— Бориб нима дей? — деди ўша томонга бош ирғаб. — Бу оқшом улар ишини яқунлаб, эртан кетишади. Кейин ялиниб, туя сўйиб чақирсанг-да, келишмайди.

— Айтганча, хонадон бошига қанчадан тушаркан? — деди охири кимдир хушёр тортиб.

Абду чаққон тўловни айтганда, давра бирдан тинчланди. Газабдан тиришган-буришган чехралар асил ҳолига қайтиб, сағал кўпроқ эмасми, деган маънода бир-бирига боқишаркан, шу орада чоллар, сиз нима дейсиз, дея Бегим оқсоқолга юзланишди. Бироқ Абду чаққон унинг оғиз очмоғига йўл қўймади.

— Қисқаси, қудуқни мана шу атрофдан қаздирамиз, — деди кўзи билан қудуққа жой қидириб. — Бу ердан чор-тарафга сув бир текис оқади. Аммо айтиб кўяй, тезроқ бир тўхтамга келмасак, қудуқсиз қоламиз...

— Яқинда тўйдан чиққан одаммиз, кўп эмасмикан?.. — деди табиатан қўримсоқ бўлган Маъруф чавандоз нимдош кўйлаги ичига қўл суқиб, кўксини қирт-қирт қашларкан.

— Тўйга этаклаб тўккандан кўра, хайрли ишга бир чимдимгина сарфласангиз нима бўпти.

— Тўй энди... обрўй-да!

— Бу эса, ҳаёт! — деди унинг нодонлигидан Абду чаққоннинг энсаси қотиб. — Қачонгача сувга ташна яшаймиз?! Ахир умр бўйи чангга қоришиб яшаймиз, деб қасам ичмаганмиз-ку!

— Майли, сен айтганча бўлақолсин, — деди Бегим оқсоқол баҳс пайтида жиндек чатнаган аввалги нуфузини тиклаш умидида. — Бориб, овул аҳли рози, деявер. Айтган пулингни эртан эрталаб йиғиб берамиз. Бизни шу ердан топасан.

Кўп ўтмай қишлоққа пода яқинлашиб, ўтирганлар бирин-кетин оёққа қалқиди. Сўнгра моли кетидан уй-уйларига тарқалишди. Қудуқ ва ерости дарёси ҳақидаги хабар қишлоқ хонадонларига улар билан кириб борди...

Бу вақтда Абду чаққон қудуқчилар даврасида, ер қаъридан қайнаб чиқаётган сув бўйида, тўкин дастурхон атрофида ўтирарди. Қудуқ эгаси иш якунида уларга қуюқ зиёфат бермоқда эди.

Эртаси эрталаб Абду чаққон сайҳонликка мотоциклини елдириб келганида, одамлар деярли йиғилиб бўлган. Бегим оқсоқол одатдаги жойида негадир хомуштоб ўтирарди.

Абду чаққон унинг авзойига эътибор бермай, белидаги қизғиш чорсини ерга ёзиб, чўнтагидан бир даста пул чиқарди-да, қани, тезроқ бўлақолинглар, деган йўсинда, уни чорси устига намойишкорона ташлади. Сўнг ўзи четга ўтиб турди.

Маъруф чавандознинг ўнг қўли чўнтагига ёпишиб қолгандай, негадир чиқиши жуда қийин бўлди. Охири бир ён қийшайиб, аста илгари жилди-да, ички бир зўриқиш билан кафтидаги пулни чорсига ташлади. Кейин шалвираган қоматини тиклаб, теваракка мағрур боқди. Шу боқишда кетига тисарилиб, Абду чаққонга бақамти келиб турди. Мақтов кутиб, йигитга бир-икки кўз ташлади. Ундан садо чиқмагач, томоқ қириб қўйди.

Даврадан учинчи одам — Эшна муаллим имиллаб чиққанида, Бегим оқсоқол бирдан тилга кирди.

— Кеча оқшом уллар билан маслаҳатлашдик... — деди димоғли оҳангда. — Гапнинг пўст калласи шу, қудуқ эшигим ёнидан қазилмас экан, бир тийин бериш йўқ. Чунки ҳовлим дўнгсалда, бу ерда қазилган қудуқдан мен бир чаксаям сув ичолмайман...

— Унақада менгаям кераги йўқ қудуқни, — деди Жалил бақироқ, кафтини дўппайган чўнтагига уриб. — Сен айтган ўша боғроғсиз ҳам кунимиз ўтади. Ана, бозор тўла мева, егим келса, пулимга сотиб оламан.

Уларнинг тайсаллаши бошқаларга зўр баҳона бўлди. Сизларга керак эмас экан, бизга не даркор, дея тўрт-беш киши шу заҳотиёқ изига қайрилиб, ими-жимида жўнаб қолишди. Қолганлар эса, нима, сизнинг шохингиз борми, дея Бегим оқсоқолга ёпишиб кетишди. Бу энди кечаги самарасиз баҳсинг давоми эди.

Мамадали шофёр, бу ҳолдан ўзида йўқ қувониб, югургилаб бориб дўкондан икки шиша ароқ кўтариб чиқди-да, талабгарлар бўлса, келаверсин, дегандай тол тагига чўкди. Буни кўрган учтўрт улфат қудуқни унутганча, секин у томон жилишди. Нортोजи чол Бегим оқсоқолнинг қайсарлигидан ўзича ўпкालаниб, ҳасасини дўқиллатганча, қишлоқ сари йўналди. Қолганлар унга «дум» бўлишди.

Абду чаққон, бир оёғи машина рамаси устида, ёлғиз ўзи ҳангманг туриб қолди. Аллақаердан пайдо бўлган майда қуюн унинг атрофида чир айланиб, чорсида қолган пулларни чор-тарафга учириб, юзига тупроқ сочиб ўтди. У эрталабдан заптига ола бошлаган ҳавонинг қайноқ ҳароратини ўз вужудида ҳис этаркан, бўм-бўш кўчаларга, чангга беланган кулбаларга, дўкон эшиги ёнидаги ярим қуриган толга, Мамадали шофёрнинг қувончига шерик бўлаётган улфатларнинг бўғриққан афтларига, наридаги подаётоққа бир-бир назар соларкан, кўзи узоқда ортидан енгил чанг кўтариб бораётган машиналар карвонига тушди. Олдинда «вишка»ли машина салобатла чайқалиб борар, изидан қолганлари эргашганди. Қудуқчилар уни субутсизга чиқариб, ўзга манзилни қора тортишганди.

Абду чаққон машиналар карвонига ҳасратла боқаркан, бу чангтўзонлар салтанатида минг йиллардан бери яшаб келаётгандек ва ҳадемай жисму жони ушбу тўзонга қоришиб, кўз илғамас зарралардан бирига айланиб кетадигандек ҳис этди ўзини.

Азалий сукунатни тол тагидаги улфатларнинг шовқинигина бўзар, уларнинг бу қадар қувонишининг боиси шунда эди-ки, Мамадали шофёр шу бугуноқ ҳар бирининг ҳовузига текинга сув қўйиб беришга ваъда берганди.

## КАПАЛАК

Ота болакайни шаҳарга олиб кетиш учун келган куни ошхона томида биринчи қизғалдоқ очилган эди.

Қип-қизил...

Болакай улоқчадай ўйноқлаб кўчага отилди, жўраларига мақтанди... Кўрадаги жажжи кўзичоқлар, куни кеча туғилган тарғил бузоқча ҳам унинг эртанги сафаридан «бехабар» қолмади. Кейин томга чиқиб, қизғалдоққа ўз қувончини баён эди:

— Эшитдингми, мен эртага шаҳарга кетаяпман!..

Кун куёшли бўлгани боис, супага жой қилинган эди. Қўш қават атлас кўрпача устида беўхшовроқ чордона қурганча, томдаги болакайнинг қувноқ хатти-ҳаракатларини зимдан кузатиб ўтирган ота — Ҳайдарали унинг бу гапини эшитиб, кулиб юборди. Бунга жавобан Махсум бобо жиддий эътироз билдирди:

— Боланинг устидан кулмайдилар, улим. Кўнгли ўксийди.

Бу пайтда болакай қизғалдоқ теварагидаги майин майсаларни юлиб, уни ўт-уланлар қуршовидан холос этмоқда эди.

— Улинг жуда аломат-да! — деди чол неварасига меҳри товланиб. — Эшит, шамол турганда ғумайлар кўшиқ айтиб, откулоқлар чапак чалармиш... Умринг узоқ бўлгир, хўп гапларни топади-да!

— Бунақа бекорчи нарсаларга алаҳсигандан кўра, ҳарф ўрганса тузук бўлармиди... — дея тўнғиллади ота.

— Мен нулевойга бермоқчи эдим, энанг қўймади, — деди Махсум бобо ошхона томонга имо қилиб. — Ҳалитдан мактабингиз нимаси, бола болалигини қисин-да, дея туриб олди.

— Энди бунингиз бизни анча қийнайди, — деди ота ўша норози оҳангда. — Ҳозирги болалар мактабга боргунча алифбени шариллатиб ўқийдиган бўлиши керак. Бунингиз эса қизғалдоқ билан гаплашиб, ғумайлар кўшиқ айтади, деб юрибди. Ҳаддан зиёд эркалатиб юборгансизлар буни, ота!

— Бекор айтибсан! — деди боядан бери ўглининг, худди бегонадай, қовушмай ўтиришидан гаши келиб турган Махсум бобо, зардаси қайнаб. — Бу ўзи бўлакча! Ана, укангди бачалари, осмондан қизил қор ёғадими, жала ўрнига тош ёғадими, сира пинак бузишмайди, худди шундай бўлиши керакдай, бари ўта лоқайд. Улинг эса тийрак — йўқ-бор нарсадан ўзича маъно қидиради, ҳайратининг эса чеки йўқ. Менга ўхшабди дейсанми? Бекор гап! Бунинг ёшида сен ўр эдинг, тўнг эдинг, пулга жуда ўч эдинг. И-я, нечун жаҳлинг чиқади? Эсингдами, амманг раҳматли қидириб келгани-

да, ёнида ётган киши бўлиб, сочбоғидаги ҳамма тангаларни кесиб олгансан... Тагин куласан-а! Шуни билиб қўй, неварамни шаҳарга обориб синдириб-нетиб қўяр бўлсанг, ўзим сени синдираман! Уқдингми?!

Болакай шаҳарда туғилган. Ота – талаба, она – талаба, ёшига тўлиб-тўлмай қишлоққа ташлаб кетишганди. Ўқишлари биттач эса, улар шаҳарда муқим туриб қолишди. Ҳар гал қишлоққа келишганда, болакайни ўзлари билан олиб кетмоқчи бўлишарди-ю, бироқ Махсум бобо: «Ҳеч қурса, мактаб ёшига етсин», дея изн бермай келарди. Бу сафар ўғлининг нияти жиддийлиги боис, ноилож ройиш билдирганди.

Оқиш биноли Темир йўл бекати яқин бўлгани сабаб, эртаси ота-бола кунботишдаги бедазор оралаб кетган сўқмоқ бўйлаб йўлга тушишди. Қизиган ҳавода кўкат ҳиди анқийди. Ҳозиргина бекатдан кўзгалган юк эшелони салдан сўнг ингичка, қорамтир тасма сингари олис уфқ қаърида кўздан ғойиб бўлади. Поездлар ҳаракатини томдан туриб кўп бора кузатгани учун бу манзаранинг болакайга ҳеч бир қизиғи йўқ, қоп-қора мунчоқдай кўзлари теваракка югургилаб, қизгалдоқ қидиради. Аксига олгандай, яқин ўртада улар кўринмайди, борлари ҳам узоқда.

Бирдан болакайнинг кўзлари шодликдан чақнаб кетди, сўқмоқнинг шундоқ ёқасида, қалин ўт-уланлар орасида бир жуфт қизгалдоқ мисли чўғдай лов-лов ёниб турарди. У, қувончи ичига сиғмай, қизгалдоқларни авайлаб узиб оларкан, уларнинг биридан ари ҳавога кўтарилди. Ана шундагина болакай ҳар ёнда арилар ғувуллаб, майсалар орасида ҳашоратлар қимирлаб, сўқмоқда эса чумолилар карвони гимирлаб юрганини пайқади.

Бундан юраги баттар энтикди.

Болакай азалдан кўм-кўк майсалар устига мукка тушиб, гимирлаб юрган турли жониворларни, айниқса, тиним билмас чумолилар карвонини соатлаб кузатишни ёқтирарди. Баъзида девор тағларини чўқилаб, захда ётган бирор қирқоёқни чўпга илаштириб оларди-да, уни чумолиларга ташларди. Боиси, қирқоёқни жинидан ёмон кўради. Қайсидир йили шофёр амакисининг қулоғига қирқоёқ кириб қолиб, шўрлик роса азобини тортган. Шу-шу қирқоёқни кўрди дегунча, уни чумолиларга талатади. Ўзи эса тепада, худди бобоси тўйда кураш тушаётган полвонларга пишанг бергандек, «Ҳа, бўш келманглар!» деб туради. Оқшом эса амакисига ҳисобот берарди: «Амаки, мен бугун яна битта қирқоёқ ўлдирдим. Энди машинангизга миндирасиз-а?» Амакиси доимо ваъдани қуюқ қилади-ю, бироқ ҳеч

вақт сўзининг устидан чиқмайди. Болакай бобосига шикоят қилади. Бобоси: «Ҳа, уни-ми, келсин ҳали, бир қулоғидан чўзиб қўймасам-ми!» дея пўписа қилган бўлади. Сўнг уни эргаштириб, сой бўйидаги сайхонликка олиб тушади. Тевараги дарахтлар билан қуршалган сайхонликда бобосининг ўндан зиёд асалари қутилари бор. Бобоси бошига тўр қалпоқ кийиб, қутилар орасида узоқ ивирсийди. Болакай эса, теварагида виз-виз учаётган минглаб арилардан бирортаси ҳам ўзига тегмаётганидан ўзида йўқ қувонади: «Ари тилини биламан-да, шунинг учун улар менга қотинмайди!» деб ўйлайди. Арилар тилини бобосидан ўрганган. Бир куни, арилар нима деяпти, деб сўраганида, бобоси, «бекор турмай, ишлаш керак-ишлаш керак деяпти», деган. Болакай ажабланган: «Шундан бўлак айтар гапи йўқми уларнинг?» Бобо деган: «Бўлак гап айтишга уларнинг фурсати йўқ».

Болакай қўлидаги қизғалдоқни авайлаб тутиб, бир муддат у ён-бу ён учиб, сўнг майсалар орасида ғойиб бўлган арини кузатиб тураркан, бирдан ари тилини билишини айтиб, отасига мақтангиси келди.

— Ота, биласизми, ари нима деб фўнғиллайди?

Қўлида залворли портфель, эгнидаги қора чарм курткази қуёшда қизиб, танини қиздираётганидан лоҳас тортиб бораётган ота малолланиб ортига ўгириларкан, арчилган тухумдек силлиқ юзида норозилик ифодаси пайдо бўлиб, тўнғиллади.

— Уф-ф, эгнингни кир қилмасанг-чи!

Бу хил қўрс муомилани сира қутмаган болакайнинг кўнгли чўқди. Эгнидаги оҳори тўкилмаган кийимларига тумшайиб қараб қўйди. Бу кийимда ўзини жуда ноқулай ҳис этмоқда эди.

— Қизғалдоқни нима қиласан? — деб сўради ота, унинг қўлидаги чечакларга энди эътибор бериб.

— Энамга обораман!

— Ташла!

— Йўқ! — Бола қўлидаги қизғалдоқни ортига яширди.

— Боргунча, барибир сўлиб қолади.

— Сўлимайди.

— Агар ташласанг, шаҳарга боргач, ўзим сенга бозордан бир даста лола олиб бераман. Хоҳласанг, бир кучоқ.

— И-е, лолани ҳам сотишадими? — Болакай таажжубланди.

— Ҳа, сотишади.

Болакайнинг ҳайрати янада чексизланди. Худди момоси гоҳи кунлари қирдан тушиб келадиған геолог амакиларга товуқ ёхуд ту-

хум сотгандай, лолани ҳам сотишлари мумкинлигини тасаввур доирасига асло сиғдиrolмади — ишонмади.

— Алдайсиз.

— Етар! — Ота жеркиниб, йўлида давом этди. — Чалғимасдан етишиб юр! Акс ҳолда...

Бола унга етишиб юришга уринаркан, бироқ кўзи ғумай баргида ўрмалаб бораётган хонқизига тушгач, тагин алаҳсиди. Хонқизини авайлаб кафтига олди-да, кўрсаткич бармоғини тик тутиб, шодон овозда қичқирмоққа тушди:

— Уч! Уч! Бойнинг қизини олиб бераман! Уч! Уч! Бойнинг қизини олиб бераман!

Хонқизи унинг бармоғи учигача кўтарилиб, хиёл тарадудланиб турди-да, сўнг қора холли қизғиш қанот қабиқларини ғалати кержанича, визиллаб учиб кетди. Болакай унинг ортидан завқланиб қараб қоларкан, қувончи ичига сиғмай, турган ерида шўхчан ирғишлади. Кейин бирдан анча нарига бориб қолган отасининг ўзи томон ҳўмрайиб қараб турганини пайқаб, қимтинганча унга яқинлашди.

— Мен сенга чалғимай юр дедим-ку!

Болакай жажжи туфличалари учига термулганча, ер сузиб тураверди.

— Сени яхши десам, гап уқмайдиган бола экансан-ку, а!

Улар яна йўлда давом этишди.

Болакай бирпас тинч борди.

Атроф эса ғоятда фусункор эди: кучсиз эпкинда тебранаётган майсалар, виз-виз учаётган арилар, сўқмоқни у ён-бу ён кесиб ўтган чумоли карвонлари, шишадек тиниқ осмонда муаллақ туриб қолган тўрғай, хув наридаги ясси тепалик бағрини қизартирган алвон ранг қизғалдоқлар, кенг бедазорнинг ҳали у еридан-ҳали бу еридан дув кўтарилаётган чумчуқлар ғаласи, беданалар сайраши... Бунинг бари болакай учун ғоятда қизиқ, ғоятда жозибали эди.

— Ота, тўрғай нега осмонда бунақа қилиб туради-а? — дея сўради аллақачон гинасини унутган болакай қўлларини қанот қилиб.

Ота тепага қаради.

Елкасини қисди.

Тўрғай нечун бу тарзда муаллақ туришини ҳеч ўйлаб кўрмаган экан.

Бу орада бола иккинчи саволни берди:

— Нега чумчуқлар бунақа турмайди, а, ота?

— Билмадим.

— Шаҳарда чумчуқлар борми?

– Бор шекилли.

– Мусича билан тўрғай-чи?

– Бор, – Ота шундай деди-ю ўз-ўзидан ҳайратланди. Чунки шунча йил шаҳарда яшаб, ҳар иккала қушнинг бор-йўқлигини тузукроқ билмас экан. Дарвоқе, бир гал очиқ дераза раҳига кўниб турган мусичага кўзи тушгандай бўлувди. Лекин тўрғайни-чи?.. Йўқ, кўрмаган экан. Баттар ажабланди: «Тавба, «дом»да турганингдан кейин, аҳвол шу экан-да!..»

– Шаҳардаям қушларни рогаткада отишадими, ота?

– Уф-ф, бунча бижилдоқ бўлмасанг! – Отанинг тагин жаҳли кўзиди.

Болакайнинг юраги сиқилиб, полапондай ҳурпайиб олди.

Шу созда пича сукут сақлаб жим борди.

Бироқ кўп ўтмай, капалакка алаҳсиди. Капалак гулхайри япроғига кўниб, қора доғли оппоқ қанотларни митти елпигичдай дам-бадам силкиб-силкиб турарди. Капалакка кўзи тушгач, у оёқ учида юриб, унга яқинлашди. Капалак учиб бориб, наридаги майсалардан бирига кўнди. Кейин бу ҳол яна такрорланди. Бунга сари болакайнинг баттар ҳаваси кўзиб, ўт-ўланларни оралаганча, унинг ортидан эргашди. Капалак тагин учди, гоҳ пастлаб, гоҳ юқорилаб, ўн-ўн беш одим нарига бориб кўнди. Болакай унинг изидан қолмади.

– Нусрат!

Бу бехос чақириқдан чўчиб кетган болакай, бир хаёли, отаси томон югуриб бормоқчи бўлди. Аммо шундоқ бурни тагида дириллаб, ял-ял товланиб турган капалакни ташлаб кетишга кўзи қиймади. Бошидан соябони узун кепкисини қўлига олди.

Тап!..

Капалак қўлга тушди.

Болакай типирчилаётган капалакнинг қанотларидан авайлаб тугтиб, танглайини тақиллатганча, уни у ён-бу ён айлантириб томоша қиларкан, ҳаяжондан томоғига нимадир тиқилиб: «Вуй, бунча чиройли! – деди-да, сўнг самимий оҳангда кўшиб қўйди: – Кўрқма, ҳозир сени қўйиб юбораман!

– Нусрат!

У капалакни эҳтиётлаб тутганча, отаси томон югурди.

– Ота, қаранг, бирам чиройли!

Ота ҳўмрайганча, аввал унинг ўтдан кўқарган шимига, оқиш кўйлагига, сўнгра қўлидаги капалакка разм соларкан, ғазабдан бўғриқиб, бир муддат тик туриб қолди. Кейин тўсатдан капалакка чанг

солиб, кафтида ғижимлаб ерга итқитди, сўнг бунга ҳам қаноат этмай, оёғи билан эзиб, тупроққа қориштириб ташлади.

— Нима бало, йилинг чўчқами, аҳмоқ!

Болакайнинг ранги докадек оппоқ оқариб, бақрайганча туриб қолди. Қаршисида отаси эмас, эртақларда тасвирланган ёвуз рух тургандек, беихтиёр икки одим ортга чекинди. Орада чўп учидаги қирқоёқ тўйқусдан бармоғига ёпишгандай, ғалати тарзда бир-икки сесканиб ҳам олди. Сўнг кўзларига ёш қалқиб, пуштиранг лаблари титраб, кескин ортига бурилди-да, хув узокда, ясси дўнгликлар ортида қолган қишлоқ сари елдай учиб кетди.

— Нусрат! Нусрат!..

Ота унинг ортидан югурди ва биринчи қадамдаёқ болакай тушириб қолдирган икки дона қизғалдоқни босиб, янчиб юборди.

— Нусрат! Қайт изингга! Нусрат!..

Болакай тобора узоклашиб борар, шу тобда у боягина яшил майсалар узра чарх уриб юрган оппоқ капалакка жуда-жуда ўхшаб кетарди.



## ҚУЮН

Келини Омонгулнинг аломат феъли бор — ҳуши тоблаган кун, ҳе йўқ-бе йўқ, бирдан тушлик кўтариб келиб қолади. Сўнг эса, иддао йўсинда шу гапни такрор этади: «Иккитагина сомсага қорнингиз тўяди. Шу иссиқда овора бўлишим шартмиди...» Қайнонаси Эшқулнинг сомсасига қия боқмаслигини яхши билса-да, негадир, андак кесатиқ тарзда бу гапни таъкидлашни хуш кўради.

Санам хола келинининг ғамхўрлигидан қувонмаганидек, пичинг-нома гап-сўзларига ҳам ортиқча эътибор бермайди. Бу вақтда унинг кўзи наридаги дўконларда, аниқроғи, эркакларда бўлади.

У тахта ва фанерлардан тикланган пастак дўконда, қатор осилган гўшт нимталари ортида гумбаздай бўлиб ўтирган Баҳром қас-собга, тор манглайи тиришиб, қийиқ кўзлари ғилай тортиб, тандир ковлаётган Эшқул сомсапазга, тевараги очик, тепасига эса наридан-бери чий ташлаб қўйилган емакхонадаги кир-чир икки столдан бирини эгаллаб, дам-бадам томоқларини ҳўллаб, қарта ўйнаб ўтирган бир тўп кунда-шунда бекорчиларга бир-бир кўз ташларкан, сўнг аста дейди:

– Мановуларнинг кўзини ўйнатиб, келишинг шартмиди!

Кутубхона пешайвонига қуйилган узун оғоч ўриндиқ четига омонат чўккан Омонгул иссиқдан нолиб, кафти билан елпинаркан, лабини буриб, ўта бепарво йўсинда тўнғиллайди.

– Қармай, кўзлари тешилсин! Нима, уларни деб кўчадаям юролмайми энди!

Аёл оғирсиниб, келинига бошдан-оёқ разм солади. Сўнг унинг бўлиқ қадди-бастидан ғаши келиб, тагин эркаклар томон юзланади. Яна ўша ҳол – у қараши билан Баҳром қассоб кўзларини олиб қочади. Эшқул сомсапаз, қўлида узун темир косов, гўё қирларни томоша қилаётган бўлади. Улар ҳокисор, индамас бу аёлдан ийманишади. Бироқ бу ийманиш замирида масхаромуз нимадир ётганлигини Санам хола сезади. Ўтибор бермаслиққа уринади. Яккаш келини кўтариб келган дардисар тугунни тезроқ ичкарига олиб киришни ўйлайди.

Кутубхона ичи пешайвондан салқинроқ, қайноқ ҳаво эпкинидан ҳоли. Аёл, одатда, китоблар терилган эскиган жавонлар орасига бир амаллаб жойлаштирилган кенг столда тушлик қилади. Шунингдек, йилнинг совуқ ойларини ҳам ушбу хонада ўтказади. Кунлар исиши билан пешайвонга кўчиб чиқади. Узун оғоч ўриндиққа тўшамча ташлаб, кунини эскиган китобларни елимлаш-у мутолаа қилиш билан ўтказади.

Ажиб феъли – ишга вақтида келиб, вақтида кетади.

Ўриндиқни эса тушдагина бир зумга тарк этади. Бироқ келини тушлик кўтариб келган кунлари бу юмуш унга ўлимдан қийин туюлади. Қани энди, кулоқлари том битса-ю, ташқаридан келадиган жирканч сасларни эшитмаса. Аммо аксига олгандек, қайноқ ел қанотига илашган ўша хунукдан-хунук шартли садо, у остона ҳатламаёқ изидан қувиб етади. Кулоқларига тирмашиб, миясига ўқдек қадалади. Шунда унинг шуури кўзга айланиб, ташқаридаги бор сиру синоатни аниқ-таниқ кўради: ана, келини йўғон қўймичини лорсиллатиб, бепарво кетиб бормоқда, Баҳром қассобнинг бўғзидан кўчган хунук сас – шартли ишорадан сергак тортган барча эркаклар кўз остидан жувонга еб қўйгудек тикилишади, ҳар бири хаёлан уни ечинтириб, оппоқ баданларини силаб-сийпашади...

Бу нокаслар ёлғиз келинини эмас, ўтган-қайтган барча қизу жувонларни мана шу тарзда «кўрик» дан ўтказади. Бунинг устига, нарида бекат – келди-кеттининг кети узилмайди.

Аёл бекатни ёмон кўради, нега деганда, бари шу бекатдан бошланган. Қир оралаб келиб, қишлоқ ёқалаб ўтадиган катта йўл бўйи-

да бекат бунёд этилди-ю, илгари бу сайҳонликда ёлғиз бўлган кутубхона қаторига аввалига Баҳром қассобнинг дўкони тушди. Бир эмас, иккита. Бирида ўзи, майда-чуйдага мўлжалланган иккинчи дўконда эса укаси Абрай қилтириқ ўтиради. Акасининг ғирт акси бўлмиш бу банданинг аёллар билан сира иши йўқ. Шу атрофда ўралашиб юрадиган улфатлари томонидан узатилган бир пиёла, ярим пиёла винони ликқа ютади-ю, манглайи терчиб, мудраб ўтираверади. Сўнг эса Эшқул сомсапаз келди. Тўрт-беш ходадан емакхона куриб, тандир ўрнатди. Бекатга ҳар автобус келиб тўхтаганда, қичқириб қўяди: «Қайноғидан бор, кеп қолинг!» Баъзан эса сомсадан бўшаган тоғарасини чилдирма ўрнида чертиб, чийилдоқ овозда Баҳром қассобга мақтаниб қўяди: «Касбимдан ўргилай, бизди мол кўчадаям пул бўлаверади».

У бу гапни айтаркан, ҳар сафар Санам хола томонга кўз ташлаб қўйишни канда қилмайди. Нега деганда, қандайдир китобхонларни дея, кунини кеч қиладиган бу аёлни ҳеч тушуна олмайди. Ўзича унга ачинган бўлади. Баҳром қассоб эса, аёл қолиб, келиб-кетувчи китобхонларга ачинади. Қорин тўйғазмайдиган бу зормандага намунча ўч бўлишмаса булар? Эшқул сомсапаздан фарқли ўлароқ, у кутубхонани дўконга айлантиришни ўйлайди. Пешайвонли каттагина бино... Шу баҳонада аёлнинг тагдор қарашларидан ҳам қутулган бўларди. У борида ўткинчи қиз-жувонларга кўз тикиш қийин. Кўзларни ўқдек қадаб, асабига тегеди. Шу боис, Баҳром қассобнинг томоқ қиришлари вазиятга қараб турланиб туради. Санам хола пешайвондалигида унинг томоқ қириши қуйидаги маънони англатади: «Кўзларингга кўп эрк бераверманглар-ов, манову ит чайнагур, қора кузғундай кўнқайиб ўтирибди». Кейин қўшиб қўяди: «Жуда жонга тегди-да лекин...» Аёл йўқлигида эса унинг бу хил ишоралари бутунлай ўзгача ифода касб этади: «Манови меҳмонни қаранглар! Мўрчамийён, бодомқовоқ... ўлдиради бу!» Ёки: «Буниси қайси палакнинг меваси бўлди экан?! Шу бир кечалик ишваси учун дўконимни тикиб юборишгаям тайёрман!»

Азбаройи маҳлиё бўлганидан, гоҳида Баҳром қассоб ёмон қовун тушириб қўяди, ичкаридан қайтиб чиққан Санам холани пайқамай қолади. Аёл зина босиб, пастга тушади. Одатдаги оғриқни сезмайди. Ярим ойча бурун уни ит тишлаган, зинадан тушиб-чиқишда, ўнг тиззасидаги жароҳат ўрни симиллаб азоб беради. Бу гал оғриқни сезмайди. Ошиқмай бориб, қассобга тикланади. Баҳром қассоб гўё уни энди кўраётгандек, беўхшов илжаяди: «Этдан тортайми, хола?». Санам хола индамайди. Индамагани сайин Баҳром қассоб

баттар тараддулданади. Аёл унинг жундор кўксига, йўғон билакларига, этдор афтига бир-бир разм соларкан, кўзларининг бу қадар совуқ, бу қадар маъносизлигидан таажжубга тушади. Бунга кўни-киб кетган эса-да, ҳар сафар ажабланаверади.

У қассобни нигоҳи ила «нимта»лаб, нарига ўтади. Емакхонадан берида тўхтайтиди. Кўзлари Эшкул сомсапазни гангитиб, стол тева-ригада ўтирганларда кўним топади. Нечундир фақат тук босган энса-лару яғир ёқаларнигина кўради. Ўтирганлар қиёфасини илғамай-ди, тўғрироғи, илғай олмайди. Шунда олам кир, тириклик чиркин туюлади. Нажот истагандай, уфққа тикилади. Уфқ тупроқ ранги-да, осмон ҳам шу тусда. Қайноқ ҳаво унинг изтиробларини англа-гандек, ўқтин-ўқтин тўлғаниб, қуюнга эрк беради. Қани энди, бу қуюн мановуларни узоқ-узоқларга ўчириб кетса! Аммо унинг кучи майдонни чангитишга етади, холос. Оқибат, кишилиқ қиёфаси чанг-тўзон остида қолиб, ундан мана шу тук босган энсалару яғир ёқалар бўртиб тургандек, аёлнинг юраги баттар ториқади ва беих-тиёр дейди:

— Худойими-ий, буларни яратиб нима қилардинг, а?!

Бу дардли нидони ҳамма, дўконда ўтирган Баҳром қассоб ҳам эшитилади. Бу хитобга жавобан кимдир синиқ ишшаяди, кимдир бар-моғи учи билан чеккасини маънодор қашлайди, ҳадеб китоб ўқий-верганидан мияси суйилиб қопти бунинг! Бошқа бири, киши бил-мас, бош ирғаб, зимдан маъқуллайди. Тўғри-да, феъли ҳеч бир аёл-никига ўхшамайди — на қарғанади, на койинади. Аёл дегани шаллақиланиб, ичидагини тўкиб сочса экан, у билан пича ади-бади айтишсанг. Бу эса сумрайиб жонингни олади.

Санам хола таассуфли қиёфада пешайвонга қайтади. Қаншарига кўзойнагини қўндириб, қўлига саҳифалари орасига сўлиган райҳон новдаси солинган китобни олади. Райҳонни қўлоғига қистириб, та-гин мутолаага тутинади. Бироқ бу сафар ҳарфлар чалкашиб, мияси ҳеч нарсани уқмайди. Ўзининг китобга термулиб ўтириши тева-рақда-гиларнинг истеҳзоли илжайишларига сабаб бўлаётганини ботинан ҳис этиб, иягини олдинга чўзганча, узоқдаги мозортепага маъюс термулиб қолади. Қулоқлари остидан энасининг хазин овози сирға-либ ўтгандай бўлади: «Отанг ўр эди, охири гўр бўлди, қизим...» Аёл отасини эслаёлмайди. Сарғайиб кетган кичкина бир суратини кўрган, холос. Суратдаги одам асло қайсарга ўхшамас, қарашлари қатъият-ли, зиёлинома бир киши. Бунга сари энасининг овози қулоқлари остидан нари кетмай, сирғалишда давом этади: «Отанг ўлганда уч ойлик чақалоқ эдинг. Отангни уйинг куйгир Берди упир уриб ўлдир-

ган. Мозорга икки қоп китоб яширгани учун қамаб урган. Топиб бер китобларни деган. Отанг раҳматли ўр эди, қизил қонига беланса-да, чурқ этмаган. Хўш, оқибати нима бўлди? Бекитган китоблари ҳузурини ер кўрди...» Шу орада овозлар ўзгариб, унинг шуурида ўзга сўзлар жарангги сас бера бошлайди. «... китоблар чиқди, чириб кетган хийла китоблар чиқди. Арабча имлода... Қўлга олгиллиги йўқ... Бармоқ тегиши билан титилиб, тўкилиб кетади денг. Қўрқдим мен. Қулқоранинг гўрини бошқа ердан қазидим. Китобларни шундайгина жойига кўмиб қўя қолдим...»

Жамол гўрков бу гапни узоқ вақт гапириб юрди.

Аммо бу китобларни ким кўмгану ва қанақа китоблиги билан биров қизиқмади. Негаки, хотиралар ниҳоятда эскирган, китоблар қатори аллақачон ўтмиш қаърига кўмиб юборилганди. У фақат кампирнинг юрагида яшаб келарди. Кейин уни қизи Санамга мерос қолдирди. Санам хола ҳар гал мозорга тикиларкан, ўзи умрида кўрмаган Берди упирнинг гўрига гишт қаламоқ истайди. Бироқ бу борада ҳам у бошқа хотинларга ўхшамайди. Андиша қилади, чириб битган одамнинг нимасини қарғайсан! Энасининг овозида бу сафар мамнунлик сезилади: «Упирман деб тозагина қутуриб кетганди. Одил ҳукумат уни отиб юборди. Сен унда уч яшар эдинг. Қизамиқдан ана кетди, мана кетди бўп ётардинг. Берди упир отилибди, деган уни шу йиғлабман-шу йиғлабман, ҳеч айтгиллиги йўқ...»

Аёл отасини уриб ўлдирган кимсанинг келбатини тасаввурида тиклашга уринади. Авваллари тасаввури қатидан шопмўйлов, қоратўри кимса қалқиб чиқарди. Кейинчалик унинг ўрнини ўша қиёфага ўхшаш Баҳром қассоб эгаллади. Қассоб Берди упирга неварга. Аммо аёл бу авлодга нисбатан адоват ҳис қилмайди. Баҳром қассобнинг қиз-жувонларга беҳаёларча тикилишини ёмон кўради, холос. Баъзан эса ўтмишда яшаб ўтган аёллар каби ёвқур ва шаддод эмаслигидан ўкинади. Ўз навбатида, мунисликнинг акси бўлмиш шаддодликни жинидан ёмон кўради. Аёлга мунислик, эркакка орият ярашади, деб ўйлайди-ю, лекин гоҳида ўзининг ҳоқисор феълидан жуда ғаш келади. Ўтмишда ўтган аёллардан бирига ўхшамоқни истайди ва беихтиёр ўзини бийдек даштда, от устида тасаввур этади. Қаватида ким денг, ўзи китобда кўп бора ўқиган Тўмарисга ўхшаш бир қиёфани кўради. Чақноқ кўзлари узоқларга тикилган, қоп-қора кокиллари шамоқ ўйнайди... Аёл унга томон талпинади. Аммо чақноқ кўз жувоннинг оти қуюндек учқур, уни ярим йўлда қолдириб, бийдек чўл четига ҳошия тортган қирмизи ранг уфқ қаърига сингиб кетади. Аёл аламда қолаверади. Баъзида эса

уфқ қаърига сингиб кетган қора бир муддатдан сўнг анча йиллар бурун ўлиб кетган кўшниси Ўғилой момо сиймосида қайта намоён бўлади. Момо енгил ва виқорли одимлар билан тикка босиб келаркан, унга норози боқади: «Аёлсан, анову бетовфиқларни сал тийиб қўйсанг бўлмайдами, лаллаймай ўлгур!» Аёл момо қаршисида ўзини гуноҳкор сезади.: «Қандай қилиб, моможон?» Бироқ саволи жавобсиз қолиб, хотиралар гирдоби яна уни ўз домига тортади ва натижада, Ўғилой момонинг айрим қилиқларини энди-энди тушуниб етаётганини англайди.

Момо дарвозаси олдига аizza-базза ўриндиқ қўйиб, ўтган-қайтганларга кўзини луқ қилиб ўтирадиган айрим эркакларни сира аяб ўтирмасди: «Ув-в, аёлларнинг этагини, қизларнинг тўпигини томоша қилиб ўтиришинг нимаси?! — дерди мисли чақмоқдай чарсиллаб. — Ё уйингдан илон чиққанми?!» Кўча юзида тўдалашиб, соатлаб валақлашиб турадиган аёллар унинг қорасини илғашлари билан тумтарақай бўлишарди.

Ҳамма ундан ҳайиқарди?

Нимасидан ҳайиқарди?

Сири нимада эди унинг?

Бу сирни тагига етиш мумкиндек эди. Бироқ қассобнинг маънодор томоқ қиришлари ҳамиша хаёлини бўлади.

Баҳром қассобнинг бу хил томоқ қиришидан, бекатга келиб тўхтаган автобусдан ким ва қанақа аёл тушганини қарамасданоқ билиш мумкин...

Ҳар куни шу ҳол, шу аҳвол...

Қачон буларга ақл киради, қачон қўйилади?

Бугун ҳам у қаватида елпиниб ўтирган келинига безовта тикиларкан, қўлидаги тугунни ичкарига олиб киришдан юраги безиллаб турарди.

— Ичкарига юр, салқингина...— деди ўзи қўрқиб кутаётган ноҳуш дақиқаларни имкони борича кейинга суриш умидида.

Омонгул, йўқ, деган маънода бош чайқаркан, кетмоқ ниятида ўрнидан кўзғалади. Санам хола, кутиб тур, қўлимдагини қўйиб чиқай, деёлмайди. Ва шунингдек, ўтирган еридан келинини кузатиб қолишниям ўйламайди.

Шунчалик соддами у?

Сиртдан қараганда, шундай.

Аслида тугунни ичкарига қўйиб чиқиш баҳонасида фар нигоҳлардан, уларнинг юзсизлигидан қочарди. Биладики, пешайвонда туриб қанчалик қоровуллик қилмасин, ёхуд келинини наригача ку-

затиб қўймасин, барибир уни эркакларнинг ерости беҳаё қарашларидан асрай олмайди. У эркакларнинг мана шу қилигидан номус қилиб қочарди. Бу сафар ҳам эшикдан кириши билан Баҳром қас-собнинг бўғзидан кўчган сас — шартли ишора ортидан қувиб етди. Миясига миҳдай санчилиб, юрагига тигдай ботди...

Санам хола қўлидаги тугунни стол четига қўяркан, негадир бу сафар ичкарида узоқ ўралашмай, ошиғич изига қайтди. Ва таниш манзарага гувоҳ бўлди: майдонда неки эркак зоти борки, барининг кўзи келинига қадалган, бу етмагандек, қир тўшини ялаб-юлқаб эсаётган қайноқ ел, гўё ўчакишгандай, жувоннинг этакларини тор-тқилаб, унинг бутун жисми-жаҳонини ҳаммага кўз-кўз қилмоқда эди. Стол теваарагида ўтирганлардан бири беихтиёр «оҳ» тортиб юборди. Унга бошқаси қўшилди. Бу энди даҳшатли янгилашиш эди!

Улар илгари нигоҳ билан чекланишарди.

Чамаси, энди кўз билан «пайпаслашиш»га ортиқ қаноат этмайдиган даражага етишибди.

Санам холанинг бағрига ўт туташгандек бўлди. Аввалига зина босиб, майдонга тушмоқ истади. Сўнгги зинада дарров фикридан қайтиб, ниманидир унутгандай қайта ичкарига кирди. Ҳазабни тошганидан, довдираб, тиззасини жавон қиррасига уриб олди. Оғриқ сезмади. Теваракка аланг-жалавг қараниб, ўша ниманидир қидиришда давом этди. Аёлнинг ғазабнок нигоҳи жавон тўла китоблар, деворга осилган адибу шоирларнинг суратларидан силжиб ўтиб, бурчакдаги чоққина темир печка қаватида ётган болтада тўхталди.

Нима учун?

Ахир хаёлида болта йўқ эди-ку?

Нечун болтани қўлига олмоқни бу қадар истаяпти?

Аёл нигоҳини тезгина болтадан олиб қочди. Шунда оқиш девор қатидан Ўғилой момонинг ўктам сиймоси қалқиб чиққандай бўлди. Момонинг маҳкам қимтилган лаблари қуйидаги сўзларнинг сирғалиб чиқмоғига монелик қилолмади: «Кўз зинокор...» Дарвоқе, момага куч берган сир шу эмасмикан? У умр бўйи шу ақидага амал қилиб, суллоҳ табиатли эркакларни кўча юзидан қувиб келмадимикан? Уни ёмон кўришарди, ғийбатини қилишарди. Бироқ у сира чекинмасди. Чекинмас одамдан эса, табиий, ҳамма ҳайиқади.

Санам хола кўзларини бир сонияга юмди. Қани энди, кўзлари каби қулоқларини ҳам чирт юммоқнинг имкони бўлса ва шу туришда кар бўлиб қўя қолса! Қайтамга, шуни истагани сари, бутун вужуди қулоққа айланиб, ташқаридан келаётган барча шартли сасларни янада аниқроқ илғамоқда эди: ана, энсасини тук босган эр-

каклардан бирининг «бир кечагина...» деган гапини барала эшитди. Бунга жавобан Эшқул сомсапаз ҳиринглади, Баҳром қассоб эса са-лобатла томоқ қирди: «Ҳаддан ошманглар-ов!»

Аёл шиддат билан ташқарига интиларкан, остона ҳатлаётиб, қўлида болтани кўрди. Қачон олишга улгурди, буни ўйлаб турмади. У як-каш бир нарсани, бу ҳол ортиқ давом этиши мумкин эмаслигини ўйларди. Анчадан бери ичида димланиб ётган алами охири сиртига тепкан, майдонни одам шаклидаги турли чиқиндилардан тозалашга қасдида ўтдек ёнарди. Биринчи бўлиб стол теварагида ўтирганларни қувлайди, кейин Баҳром қассоб билан гаплашиб қўяди, Эшқул сомсапаз ана энди ундан кўрадиганини кўради.

Эшикдан болта кўтариб чиққан аёлни дастлаб ҳеч ким пайқа-мади. Столга эндигина қўйилган вино шишаси болта зарбидан чил-парчин бўлгач, улфатларнинг қути учиб, у томон ўгирилишиди ва нақ бошларида болта кўтариб турган аёлни кўришиди. Кимдир жон-ҳолатда болтага қўл чўзди. Улгурулмади. Болтанинг терс томони тук босган энсалардан бирини қиялаб ўтиб, столдаги чойнак-пиё-ла ҳамда газак солинган, чеккалари чатнаган тақсимчани учуриб юборди.

— Э, бу қутурибди-ку!

Бу хитоб ўтирганларга болта зарбидан кўра, кучлироқ таъсир қилди. Улфатлар бир зумда тумтарақай бўлишиди.

— Яқинда ит қопган буни, қоч!

— Қоч, тишласа ўласан!

— Қутурасан!

Аёлнинг назарида, бу ғалаба эди.

Аmmo бундан заррача қувонмади.

Аламу нафратдан оташ бўлиб ёнаётган аёл ҳаялламай, қассобхо-на томон йўналди.

Баҳром қассоб сочлари тўзғиган, кўзлари ўта бежо чақнаган кўйи, тикка бостириб келаётган аёлни одам боласига ўхшатолмади. Алвас-ти эмас, номсиз бир бало эди у. Довдираб қолган қассоб қочмоқ лозимлигини англади. Оғир гавдасини илкис кўтариб, ортдаги эшик-ка интилди. Эшик ташқарисидан ёнлаб ўтган тор йўлакдан нарисиди қиялик эди. У остонада қоқилиб, ели чиққан коптоқдай пастга думалаб кетди.

Бу воқеадан хабарсиз аёл қассобни жойидан тополмагач, шуур-сиз бир ҳолатда кескин ортига бурилиб, тагин сомсахона томон юрди. Аланглаб Эшқул сомсапазни қидирди. Бироқ у, балодан йироқ, дея аллақачон жуфтакни ростлаб қолган эди.

Болтани ўнғай тутган аёл тандирга туртилиб, аланга таптини ҳис эткач, Эшқул сомсапазни бу ердан йўқотмоқ учун аввало тандирни яксон этмоқ лозим деган қарорга келди. Шу ўй миясига келиши билан яксон этилган тандир туфайли мақсадига жуда тез эришадигандек, тандирга ташланди. Аммо тандирда гуриллаб ўт ёнмоқда эди.

У болтани ташлаб, тандир оғзидан чиқиб турган шох-шаббаларга ёпишди ва уларни тутамлаб дуч келган томонга итқита бошлади. Итқитилган ўтиннинг бир қисми омонат емакхонага бориб тушганини сезмади. Олов тили аввалига эпкин қаерлардандир учириб келган ердаги қоғозларга ёпишди. Бунинг устига, ўт бор жойда шамолнинг жини кўзийди деганлардек, борлиқни қуритиб-қақшатиб эсаётган қайноқ шамол бағридан юлқуниб чиққан чоғроқ қуюн ёна бошлаган қоғоз парчалари-ю, чала ёнган шох-шаббаларни оғушига тортиб, майдон бўйлаб бир айланиб чиқди-да, емакхона ортида кўздан ғойиб бўлди. Ундан емакхона билан дўкон оралиғида тахланган қуруқ янтоқ ва ўтинларда оловли из қолди.

Аёл эса буларни сезмас, қутуриш борасида қуюндан ўлгу олгандек, гурсиллатиб тандирни чопиш билан банд эди. Тандир гирди пишиқ фиштдан тикланган экан, болта дами тошга урилгандай қарсиллаб қайтарди. Бу эса аёлнинг баттар жинини кўзитарди. У тўкилиб тушаётган тандирга навбатдаги кучли зарбани бериш ўйида кўлидаги болтани боши узра баланд кўтарган ерида, емакхона томидаги чий гуриллаб ёнаётганига кўзи тушди, шунингдек, ўт тушган қўшни дўкон ҳам назаридан четда қолмади. Беихтиёр қичқириб юборди:

— Вой, ёнапти!

Ўзига келган аёл жонҳалпида ўша томонга интилди. Аммо энди кеч эканини англаб, қилмишидан кўрқиб кетди. Зумда кўркуви ҳайрат билан алмашинди. Дастлаб кўзларига ишонмади. Яқинроқ борди, ёнаётган дўкон ичида чинданда кимнингдир боши ликиллаб турарди.

— Чиқ-ий, касофат!

Абрай қилтириқ орқа эшикдан гандираклаб чиқиб келаркан, оғзидан вино ҳидини бурқситиб, деди:

— Уйғонсам, ҳамма ёқ ёнапти. Ўзи нима бўлди, хола?

Боя жуфтакни ростлаганлар, кайфи тарқаб, эс-хуши ўзига келиб, бирин-сирин майдонга қайтганларида, дўконлар тамомила ўт ичида қолган, болта тутган аёл, қаватида Абрай қилтириқ, худди сеҳрлангандай алангага термулиб турарди.

## ОЛИМ ЎФИЛ

Ўфил, фалончи чолнинг ўртанчиси олим бўпти, деган гапнинг эртаси қишлоққа кириб келди. Бу пайтда Шайман чол эндигина сомондан қайтиб, айвонда чалоп ичиб ўтирарди. Тўнг чехрасига иш қайнаган кезлари юзаланмиш тажанглик инган, ора-сира гапири-ниб, оғзидаги луқмасини ошиқмай чайнарган, кечгача даштга яна икки-уч бор қатнашни ўйларди: «Ҳафта-ўн шу созда қимирласак, бу ёқда Вали гуппи озгина ҳиммат қилса, етиб қолар шу билан. Ишқилиб, қиш оёғи қоп кўтариб бировга ялингулик қилмасин».

Тик офтобдан тандирдай қизиган ҳовлида ўфил пайдо бўлганида, чол шу хил ўйлар билан банд эди. Ўғлини кўргач, одатига хос жиддий тарзда кампирига им қоқди.

— Меҳмонга қара!

Ўғлига кўзи тушган кампир, азбаройи қувонганидан, жойидан кўзғалаётиб, тўла чойнакни ағдариб юборди. Бошқа пайт тутақиб кетадиган чол, бу сафар парво қилмади. Ўғлини соғинган, лекин аксарият оталар каби сир бергиси келмай ўтираверди. Ҳамиша ўғли келиб кўришмоққа қўл чўзгандан кейингина ўрнидан туриб, бағрига босади уни. Ортиқча ҳаяжону ялаб-юлқашни жини севмайди. Бироқ бу дафъа одатига хилоф иш қилди, яъни ўғлининг олимлиги бирдан эсига тушиб қолиб, ўзи сезмаган ҳолда ирғиб ўрнидан турди. Ялангоёқ ҳовлига тушди. Минг қўйли бойга рўпарў келиб қолган юпундай қимтиниброқ ўғлига яқинлашди. Кучоқ очишдан аввал унга бошдан-оёқ разм солишди. Бир оз ориқлаганини демаса, ўғли ҳеч ўзгармабди. У кучоқ очгунча бўлмай, ўфил отани дадил бағрига тортаркан, меҳри товланиб койинди: «Ҳалиям ер тирнаб юрибсизми, ота!..» Чол ситам тортган одамдай, андак овози титраб, минғирлади: «Тирикчилик-да, болам!» Бунга жавобан ўфил унинг эғнига ёпишган хас-хашакларни терган, қоққан бўлди. Бундан чолнинг кўнгли ўсди. Бир вақтлар туман катталаридан бири елкасига қоқиб мақтаганида ҳам шу ҳисни туйган эди. Юраги ҳаприқиб, ўғлига соғинчла боқаркан, катта одам бўлгани чинга ўхшайди буни, деб ўйлади. Боя ялпайиб ўтирмай, дарров пешвоз чиқа қолмаганидан жиндек хижолат ҳам тортди.

Орадан бирор соатлар ўтиб, ўғлининг ташрифидан беҳад димоғи чоғланган чол эшак аравасини шалдиратиб, даштга жўнади. Адирда сомон тўдалаётган кенжа ўфил билан бирга қайтмоқчи эди. Нега деганда, меҳмон шарафати туфайли ҳовлида иш кўпаяди, кечгача ҳаммасига улгуриши зарур эди. Аммо қишлоқ этагидаги қуюқ да-

рахтзор бағрида жойлашган жувозхона ёнидан тўхтамасдан ўтолмади. Уловини йўл бўйида қолдириб, ёнғоқ тагидаги узун харида қатор тизилишиб ўтирган чоллар томон юраркан, тезда жиддий хатога йўл қўйганини фаҳмлаб қолди. Қадам олишлари олим одамнинг отасига муносиб эмасди. Қанақа юриш керак, буниям билмасди. Бошда раис юриш қилиб кўрди: қўллари ортда, оёқ учлари икки ёққа керилган... Ўн-ўн беш одим юрмай, тиззалари шиқирлаб, чотига оғриқ кирди. сўнг товонларини кўтариброқ ҳаракатланди. Туякушдай лўкиллаб, юриши хунук чиқди. Охири фоз юришни маъқул топиб, шу созда чолларга яқин борди.

Назарида, чоллар олим ўғли ҳақида гапираётгандек эди. Яқин бориб қарасаки, кундалик минғир-минғир. Шайман чол ўзича уларни гумроҳ санаб, ичдан янди. Кимдир таклиф этган ўринга чўкмай, гўддайиб тураверди. Олим одамнинг отаси келса-ю, буларнинг ялпайиб ўтиришларини қара-я! Бахтига шу пайт Ўроқ чол деб қолди.

— Улингиз олим бўпти, деб эшитдик, — деди қуртдек бошини у томон буриб. — Қандай чиқин олим бўпти, а, Шайманвой?

«Олим» дегани турли хил бўлишини Шайман чол энди эшитиб турарди, жуда ажабланди.

— Қандай чиқини нимаси, — деди сўнг қаншари остидан иддаоли тикилиб. — Олим дегани битта бўлади-да.

— Ҳа-а, уямас-буямас, улингиз қишлоқнинг олди бўлди, — дея гапга аралашди Тожи чол, унга ҳавасланиб боқаркан. — Кечадан бери эл оғзида шу гап. Вақтида тузук ўқимагансиларда-да, деб кеча уларнинг барини тўзғитиб сўқдим.

— Бизда ўқишга ҳавас йўқ, — Ўроқ чол тили тагига нос ташлаб, кафтини тиззасига суртди. — Ана, шўркудуклар, итидан-битигача ўқиган. Районди тус катталариям шулардан.

— Аммо-лекин уларда олим йўқ, — деди Қудрат чол иягини ҳассасига тираб. — Ўқишга келсак, анову Эшқул чўлоқнинг боласиям ўқиган-да. Ҳалиям тузуклаб укол қилишни билмайди. Қайтамга келини дуруст, чимиллатмасдан қилади.

— Чин гап, шўркудукликлардан олим чиқмаган, — дея Ўроқ чол уни қизгин қувватлади. — Эшқулнинг боласига келсак, бачалигида-ям гўр эмасди. Кўринган билан тебалашиб юриб, мана энди, дўхтир бўпти. Сала чўтирнинг кампирини шу ўлдирган.

— Ундай деманг, эшитган қулоққа ёмон.

— Кампирни районди дўхтирлари ўлдирган.

— Районга етганда, кампирнинг қилдай жони қолган экан, — Ўроқ чол ҳассасини қия тутиб, ўнг оёғини унинг остига оширди. —

Айбдор Эшқулнинг боласи. Тузалиб кетади, деб уйида уч кун сақлаган. Районга кеч оборишган. Оборганда кампирнинг ҳаром ичаги ёрилиб бўлган экан. Сала чўтир буни тушунмай, районди дўхтирлар билан ёқалашиб юрибди. Мен айтдим, кампирни район дўхтирлари эмас, Эшқулнинг ули ўлдирди деб. Бунга Эшқулнинг ули нима дебди денг. Шодикул машинасини луқшитиб-луқшитиб ҳайдагани учун кампирнинг кўричаги ёрилиб кетган, дебди. Сала чўтир, мошинасига ўт қўяман, бир ғовим ҳезланиб юрди-да, сўнг сеси чиқмай кетди. Энди кампирининг йилини ўтказиб, Абдурайимнинг бевасига уйланаман, деб юрганмиш.

— Абдурайимнинг беваси уни эр қимайди, — деди кимдир. — Байталдай тирсиллаган нарса, Сала чўтирни писанд қилармиди.

— Кўнгил-да...

— Кўнгилдан ўргилдим...

— Сала чўтир ўзи бўмайдиган одам, — деди Қудрат чол. — Кеча, янгиликни эшитдингизми, Шайман чолнинг ўртанчиси олим бўпти десам, нима бўпти, менга бир сўм берармиди, олим бўса ўзига, деса бўладими. ярамас! Қишлоғингдан олим чиқиб, шўркудукликларнинг олдида тилимиз бир қарич бўлганидан марсинмайсанми, нодон, деб ўзиниям тоза тузладим, обориб опкелдим. Баданини тук босган бу қари маймунга хотини қандай чидаган экан, а?

— Унинг бир томири Шўркудукқа тортади-да, шунинг учун юраги куйган чиқар...

Бу гаплардан Шайман чолнинг ичи ёниб, Сала чўтирнинг қизғиш дарвозаси томон ёвқараш қиларкан, деди:

— Ҳали шундай дедими?! Даштдан қайтай, тилини узиб қўлига бераман, у нокасни!

— Олим одамнинг отасига ярашмайди бу ишингиз, — деди Ўроқ чол бошини чайқаб. — Оғир бўнг, жуда оғир бўнг!

— Ҳа-а, энди кичкина одам эмассиз, — деди Қудрат чол унинг гапини маъқуллаб. — Майдалар билан тенг бўп юриш энди сизга сира ярашмайди.

Мақтов хуш ёқиб, Шайман чол, энди ўтирсам бўлар, деган ўйга борди. Поён чолнинг ёнига бориб чўкди. Ўзини бепарво тутишга ҳарчанд уринса-да, ияги ўз-ўзидан олдинга чўзилиб, ичидан мамнунлигини билдириб қўйди.

— Ўзиям улингиз тозагина ўқиди-да, Шайманвой, — деди Поён чол қатордан қолмаслик важдангина гап қотиб. — Агар адашмасам, бирор ўн-ўн беш йил ўқиди-ёв, а?

— Ҳа-а, эсини танибдики, ўқишнинг кетидан қувгани қувган, — деди Шайман чол ясама лоқайдлик билан. — У олим бўмай, мен бўлайми...

— Сиз бундай нописанд бўманг, Шайманвой...

— Қувонинг!

— Кўкракни кериб юринг!

— Агар менинг улларимдан бири сизди улингиздай олим бўлганида борми, унча-бунча одам билан гаплашиб ўтирмасдим.

— Кечадан бери ҳамманинг оғзида шу гап. Улингизни катта одам бўлгани чинга ўхшайди. Одамлар бекорга гапирмайди.

— Муаллимлар талашиб юрган эмиш, менинг шогирдим, йўқ, менинг шогирдим, деб...

Чоллар узун-қисқа кулишди.

— Олимлиги яхшику-я, лекин камномалиги ёмон-да, — деди бирдан ҳасратга тушиб Шайман чол. — Йилда бир қорасини кўрса-тади. Энди бундай бўмайди-да! Бу оқшом яхшилаб бир тергаб қўймоқчиман. Уришиб қўймасам, жуда шитираб кетаяпти бу бола.

— Ҳой-ҳой! — Ўроқ чол ёнлаб, унга норози қараш қилди. — Соғиндим деб, ҳадеб чопиб келаверса, қачон олим бўларди? Олимлик сизга осонми. Осон бўса, ҳаммаям олим бўмасмиди. Эсимни танибманки, бу ўртадан ҳали олим чиқмаган. Улингиз биринчи!

— «Олим» дегани нима ўзи, а? — деди боядан бери гапга қўшилмай, бир четда мусичадай беозоргина ўтирган Садир чол, калта киприкларини пирпиратиб. — Кечадан бери шу гапни эшитаману, лекин нелигига ҳеч фаҳмим етмаяпти.

Бу сўздаги мавҳумлик улар онгида сирли ва ғаройиб бир тасаввурни уйғотгани боис, унинг маъноси ҳақида ҳеч кимнинг бош қотиргиси келмас, қолаверса, юзага келган тасаввурни сўзда ифода этмоқ осон эмасди. «Олим» дегани не, дея бир-бирига жавдираб турганида, ҳамиша ўзини билофон чоғлаб, одам боласига гап бермайдиган Ўроқ чолнинг ўктам овози сукунатни бузди.

— Муллаларнинг мулласи дегани.

— Оббо! — деди Садир чолнинг ичи ачиб. — Шароф мулланинг уйи куйибди-да унда.

— Нечун?

— Ахир бу ёқда муллаларнинг мулласи турганда, қишлоқда нон қолармиди унга.

— Шайманбойнинг ули ундай чикин мулла эмас, — Садир чолнинг нодонлигидан Ўроқ чолнинг жаҳли чиқади. — Профиссир у! Бу — олимларнинг олими дегани!

— Ана-а! — Қодир чолнинг ҳаяжонга тўла хитоби давра узра кўпқон шовқунни босиб тушди. — Эшитдингизми, Шайманбой?! Бундан кейин тезликни бас қинг! Олим одамнинг отасига шапшаклик ярашмайди. Тунов куни кенжа улингизга қамчи ўқталиб турганигизни кўриб, жуда уялиб кетдим. Энди шу қилиқ эпма сизга, а? Кўрган кўз демайдими, ули олим бўсяям, отаси қип-қизил жинни экан деб. Бундан сўгин оғир бўнг, босиқ бўнг! Хайми?

— Шайманбойнинг феъли чатоқ, — деди хари четида илиниб ўтирган Олим пакана. — Керак бўса, дамида ош пиширади бу киши. Бизга ўхшаб кўнгил-пўнгилга қараб ўтирмайди. Масалан, бизди уллар мендан ҳайиқмайди. Энди ўйласам, болани бачалигида кўзини кўрқитиб олиш керак экан. Эсайгач, тарсаки тугул, қамчиниям писанд қилмай кўяркан. Агар Шайманбой қаттиқ турмаганида, ули олим-полим бўмасди. Нима дедингиз?

— Энди сиз аёл мижоз одамсиз-да, Олимбой, — деди Ўроқ чол унинг сўзамоллигидан жини қуришиб. — Бундай отадан бола ҳайиқмайди.

Асосий масала бир четда қолиб, улар айтишиб кетишди. Олим пакана ўзининг эркак эканлигини пеш қилиб, туриб вағиллашга тушди. Шайман чол унинг пачоқ жуссасига боқаркан, Ўроқ чолни ҳақ деб билди. Сўнг диққати дала йўлини чангитиб келаётган қора нуқтага чалғиди. Йўл бўйидаги эшаги бетоқат оёқ қоқди. Шайман чол пинак бузмай, даврадагиларнинг тинчишини кутди. Бу орада қора нуқта секин-аста аравачали мотоциклга айланди. Унда бети товоқдай, қорни қопдай бўлиб ҳудуд нозири Қобул қора келарди. Чоллар баҳсдан тўхтаб, барчанинг эътибори унга қаратилди.

— Чангитмай ўли-ий! — Қудрат йўқ чангни елпиб, сўкинди. — Худди отасининг ўзи-я. Соли ўпкаям шунақа ҳовлиқма эди.

— Ўпкалиги туфайли отдан йиқилиб ўлган-да...

— Бу елиши бўлса, буям... — Ўроқ чол ўнғайсизланиб, томоқ қирди. — Саломиниям ўзи билан олиб кетди шекилли? Олим пакананинг бу ғийбатдан четда қолиш нияти йўқ эди. Аммо Ўроқ чол билан айтишиб тургани боис, атайдан Қобул қорани ёқлади.

— Салом берди, бошини ирғаб-ирғаб ўтди.

— Унда яхши, — Ўроқ чол қитмирланиб кулди. — Боши йўқми-кан деб ўйлабман мен.

— Сиз шунақасиз... — деди Олим пакана гижиниб. — Бировдан кир қидирмаган куни ўласиз.

— Улларни ўқитиб-чўқитиб юргандан кўра, — деди Поён чол, — милиса-пилисага жойлаб қўйган дурустмикан дейман. Биттаси

манову Қобул қора. Бунда на сомон ташвиши бор, на хашак. Таёғини бир силкитса, бас, сомониям, хашагиям ҳовлисига тушиб турибди-да...

— Тавба, манову одамнинг ҳавас қилган нарсасини қаранг, — деди Ўроқ чол истехзоли илжайиб. — Берадиган одам бекордан-бекорга берадими, ичида ҳей энангни фалон қилай, деб тўқсон тўққиз марта сўкиб беради-ку. Нафс деб йўқ-бор нарсага энани рўпарў қилавериш яхшими! Ундан кўра, даштда чанг ютган афзал эмасми!

Олим пакана кичик жуссасини бежо тебратиб, қарши гап қилмоқчи эди, Қудрат чол вақтида орага суқилди.

— Кўйинглар шу майда-чуйда гапни! Мана, Шайманбойди олим улини гапиринглар. Ишқилиб, улингиз келдими, Шайманбой?

Шайман чол унга миннатдор қараб қўйди.

— Келди, — деди андак димоқ билан. — Гап шу, бу ерда бекорга валақлашгандан кўра, бизди ҳовлига ўтинглар. Улди келишига бир жонлиқ атаб қўйгандик, шуни сўйдириб, саронжамлатиб туRINGлар. Мен шундай даштга бораману қайтаман. Кенжамиз даштда... иссиқ хийла бўлган чиқар. Қани, Ўроқвой, бошланг бобойларни. Нима қаердалигини кампирга айтиб қўйганман.

— Бу ишингиз соз бўпти-да, Шайманбой!

Чоллар бири олиб, бири қўйиб, уни алқаб кетишди. Кутилмаган бу тадбирдан ўзида йўқ руҳланиб кетган Шайман чол виқорли одимлар билан арава томон юрди. Эшак аравада юриш биринчи бор эриш туюлиб, отни орзулади, аммо от дегани емишни шўри эканлигини ўйлаб, тагин аҳдидан қайтди.

...Оқшом зиёфат жуда қуюқ бўлди. Фала-ғовурдан Шайман чол шу нарсани англадики, ўғли осмон жисмларини ўрганадиган олим экан. Тунда у супада осмонга тикилиб ётаркан, эшитганларини ҳазм қилолмай, роса боши қотди: «Тавба, осмоннинг нимасини ўрганар экан у? Отам замондан бери сўнариб, йилтиллаб турган манови юлдузларнинг нимасини ўрганиш мумкин? Тагин ердан ўн, юз ҳисса катта юлдузлар бор деганига ўлайми! Юлдуз ҳеч вақт ердан катта бўларканми? Жуда нари борса муштдайдир, хай, ана, қўшмуштдайдир. Қандайлиги, ана, кўриниб турибди-ку. Ўнтасини йиғсанг, бир чўнтак тўлмайди. Улим ё ўтирикчи<sup>1</sup>, ё мен анқов». Табиий, чол кейинги гапга қўшилмасди — ўзини жуда ақлли ҳисобларди. Кўрганларини бор ҳолича идрок этиб, шу йўсинда фикр қиларди. Шу боис, юлдузларга янада диққат қилди. Эсини таниганидан бери илк бор самога айрича назар солди. Бора-бора коинот кўзига олтин тангалар сочилган бахмал тусини ола бошлади: «Бу ул бежизга ос-

монга тикилмайди, — деб ўйлади. — Бунда бир гап бор. Ҳукумат бунга ўхшаганларга пулни қоплаб берса керак, эмасам, ер қолиб, осмонга тикилиб юармиди бу...»

Кўкдаги юлдузлар олтин тангалар тусини олгани сайин чолнинг димоғи ўз-ўзидан чоғланиб, охири, «олим деганидан ҳукумат пулни аямаса керак, эмасам...» дея ширин тўхтамга келди-да, фаройиб тушлар оғушида аста уйкуга кетди.

Эртаси пешиндан кейин ота-бола ҳоли қолишди. Бошда гаплари унча қовушмади. Ота шўрлик нима деб сўрашини билмас, ўғилнинг жавобларини эса унча тушунмас, оқибат, гап тополмай, иссиқдан шикоятланади. Елпинган киши бўлади. Ҳолбуки, улар шабаданинг кўзида ўтиришар, кенжа ўғил ҳавасга қурган баланд шийпондан чор-атроф кафтдек кўзга ташланиб турарди.

Шайман чол ўғлининг озгин чехрасидан кўз узиб, теваракка алаҳсиди. Кўча бошида икки қоп сомон юкланган эшагини олдига солиб келаётган Ҳайдар кўса кўринди. Уни кўргач, кундалик ташвишлари эсига тушиб, чолнинг қовоғи хиёл солинди.

— Ҳайдарвойга қуда бўлаяпмиз, — деди ярим жиддий тарзда.

— Эшитдим, — деди ўғил бепарво.

— Қалинни сағал кўпайтиринг дебди, — деди чол атай норози оҳангда. — Шайман чолнинг ули олим бўпти, олим дегани пулди исига ётолмайдиган халқ бўлади, шундайкан, Шайман чол қалиндан қизганмасин, деб эрталаб Салом кўсадан айттириб юборибди. Совчилар орқали хабар етказишгаям сабри чидамабди...

Ўғил кулимсираб, Ҳайдар кўса томонга бир қараб қўйдию, лекин индамади.

— Қайси қизига? — деб сўради бир муддатдан кейин хаёлчан тарзда.

— Кенжасига, — Чол ёнбошлаб, манглийини сийпалади. — Укангни ишқи шу қизига тушибди. Ҳашша шуни оберасанлар, деб туриб олгач, рози бўлдик, рози бўмай, қаёққаям борардик. Эмасам, Ҳайдар кўсани ўзимга тенгситармидим. Аммо қизнинг эна томони тоза, ота тарафийам... ёмон эмас. Тўйни ўтказамиз-да энди гуруллатиб...

Шу гапларни айтarkan, чол ўғлининг ранг-рўйига, сўнг чўнтакларига ўғринчи кўз ташлаб қўйди. Ўғилнинг чўнтаклари у қадар дўппайиб турмасди. Кейин чол шийпон четидаги қора каттакон қора сумкага умидвор тикилди. Боз устига, ўғли юрт сўраган кишидай хотиржам ўтирар, чолнинг тўй ташвишларига алоқадор харажатларини эшитдан сўнг ҳам пинак бузмади. Авзойидан чолнинг бир оғиз гапиданоқ олдига бир дунё пулни нописанд итқитиб таш-

лайдигандек эди. Шунда чол унинг қанча маош олишини билгиси келди. Қани, олим деганига давлат қанча ойлик тўларкан? Ўзича катта рақамларни кўз олдига келтириб сўради:

— Мана, олим ҳам бўлдинг, — деди қироат билан сўзлашга уриниб. — Ойига қанча тўлашади?

— Нима қанча? — тушунмади ўғил.

Шайман чол ийманиброқ, худди Сардор дўкончидай бармоқларини бир-бирига ишқалади.

Чолнинг бу қилиғи ғалати туюлиб, ўғил кулиб юборди. Бундан чолнинг димоғи чоғланиб, ўзида йўқ яйраб кетди: «Айтдим-ку, бунда пул кўп деб, эмасам, буйтиблар ёзилиб, эмин-эркин ўтирмасди. Аммо қандай қилиб бундан пул сўрайман. Фарзанддан пул сўраш... э-э, ўзим учун эмас, жигари учун сўрайман-да. Ахир шундай пайтда қайишмаса, қачон қайишади. Хай, киши билмас, астагина қитиқлаб кўрай-чи. Тушунса тушунар, тушунмаса, отасининг жилигига, дан-галини айтаверамиз-да».

— Индамайсан? — Чол қулоғи ортини қашлаб, унга зимдан тикилди.

Ўғилнинг жавоби бўғотдаги мусичанинг кукулашига қўшилиб чиқди. Чол айтилган гапни тўла англамаган эса-да, нохушроқ сўзни илғашга улгурди. Шу боис, ўсиқ қошлари бир-бирига туташиб, мусичага норози боқди. «Кишт!», дея қўлини тўлғаркан, қайта сўради.

— Ангсармадим, қанча дединг?

Ўғил бу мавзудаги суҳбатни хушламаслигини билдириб, нигоҳини пастга оларкан, жавобни жуда қисқа қилди ва бир сониядан сўнг аста бошини кўтариб, қошида ўтирган отасининг ҳолатидан донг қотди. Чолнинг жағи осилган, кўзлари бақрайган, ҳануз кукулаётган мусичани ҳайдамоққа кўтарилган ўнг қўли ҳавода муаллақ қолган — бамисли ҳайкал, ҳатто киприк қоқмасди.

Ниҳоят, «ҳайкал»га жон кирди: аввалига қўли шалвираб тиззаси устига тушди, сўнг ияги жойига қайтиб, кўзлари оғриқли бир ифода билан аста юмилди: «Ишқилиб, бу бола менга ҳазил қилмаяпти-микан?» Шундан кейин кўзлари умид билан янада каттароқ очилди. Ўғилга синчков боқди. Йўқ, унинг ҳазиллашадиган сиёғи йўқ, тамомила жиддий эди. Чол қаватидаги болишни ўзидан нари суриб, қаддини хиёл олдинга ташлади.

— Мабода, одамни калака қилмаяпсанми?

Таажжуби кучайган ўғил, йўқ, дея бош чайқади.

Шайман чол қаддини илкис тиклаб, ўтирган жойида ғалати чайқалди. Туси ўзгариб, қўллари билан ниманидир қидирди. Қидирган

нарсасини тополмагач, тиззаларини чангаллаб, ўғилга ғазабкор тикилди.

— Ули олим бўпти деб, у ёқда Ҳайдар кўса қалин пулини оширган бўса, — деди алам билан. — Мен бу ёқда, сенга ишониб, катта кетиб қўйган бўсам, оладиган ойлигингга дурустроқ... шунча ўқиб нима қилдинг, а?!

— Илм пул билан ўлчанмайди-ку, ота, — деди энди ўғилнинг ҳам туси ўзгариб.

— Эмасам, нима билан ўлчанади? Энангни сандиқда ётган пайпоғи биланми!

— Ота, қўйинг шу гапларни.

— Сени ўқитаман деб қанча қўйим кетганини биласанми? — Чол унга еб қўйгидек бир важоҳатда тикилди. — Ана, Қобул қора ҳеч қаерда ўқимаган, лекин бир им қоқса, ҳовлисига сомониям, хашагиям тушиб турибди. Отаси Соли ўпка сомон ташвиши нелигини билмайди. Тўй-маъракаларда валдираб, бировга гап бермайди.

— Майдаларга тенглаштирманг ўзингизни, ота, — Ўғил илм дея чеккан заҳматларини эслаб, бир зум сукутга ботди-да, сўнг чеҳраси нурланиб, доналарга хос сокинликлик билан деди: — Агар ҳамма ўзини тирикчиликка, ўткинчи орзу ҳавасларга қурбон қилаверса, илмни, буюк кашфиётларни ким қилади, ота? Тирикликни ҳар ким ўзича тушунади.

— Билдик, жуда гапга ўқибсан! — деди ота ўғилнинг мантиқли гапларини бодиликка йўйиб. — Айт-чи, сенам бир имо билан уйимга сомон тушириб бера оласанми?

— Йўқ, бу каби ишлар менга тўғри келмайди, жирканаман! — деди ўғил қатъий.

— Жирканаман? — Шайман чол баттар тутақиб, тагин қўллари билан пайпасланди. — Унда сенинг олимлигингдан менга нима фойда?

Чолнинг қўлига илинган пиёла четга учди. Азиз меҳмонлар келган пайтлардагина дастурхон юзини кўрадиган пахтагулли пиёла ҳовли юзига тушиб чил-парчин бўлди. Ортидан иккинчиси, сўнг учинчиси шу ҳолга тушди. Бироқ шунда ҳам чол тинчимайди, қаршисида ўғли эмас, баттол душмани ўтиргандай, гап билан уни тупроққа қориштириб ташлади. Бу хил ҳақоратларни умрида эшитмаган ўғил бошда ҳанг-манг туриб қолди. Кейин этак силтаб ўрнидан турди. Кетаман, деди аразлаб. Она ҳай-ҳайлаб орага тушди. Чолини қарғаб, ўғлининг кўлидаги сумкага ёпишди.

Шайман чол алам ва ғазабдан чаёндай гажак тортиб, ташқарига йўналди. Негадир, Ҳайдар кўсани топиб, қолган аламини ундан

олмоққа қасд қилди. Шу тобда чолга икки дунё бир, яккаш бақирарди: «Осмонингдан не фойда менга! Жавдираган туссиз юлдузларингни бошимга ураманми! Э, сени ўқитганнинг падарига минг лаънат!» У остона ҳатларкан, кўча бошида сомон юкланган машина кўринди. Чолнинг ажин тилган афти баттар тиришиб, буришиб кетди. Нега деганда, машина олдида улкан қорнини намоёишкорона силкитиб, мотоциклда Қобул қора келарди. Товоқдек башараси, одатдагидек, ўта жиддий, худди муҳим ишни тиндиргандай, димоғидан эшак қурти ёғиларди. Бундан чолнинг ичи баттар ёнди. Диконглаб, беихтиёр, ўша томон юрди. Кейин бирдан фикридан қайтиб, шартта изига қайрилди-да, кўча бўйида чим чимдиётган эшагининг қорнига бир тепиб, қуйига одимлаб кетди.

Бу вақтда олим ўғил, коинот сирларини англамоққа етган ақли, заминдаги бу хил синоатларни идрок этмоққа ожиздек, тушкун бир кайфиятда оёғи остидаги чинни бўлакларига термулиб турар, унинг кетиб қолишидан ҳайиққан она шўрлик эса ҳануз қўлидаги сумкага тармашар, ора-сира чолни яниб-яниб қўярди. Салдан сўнг тобора олислашиб бораётган жаҳлдор отанинг узук-юлуқ сўкинишлари-ю, онанинг жонсарак койинишлари трактор овозига қоришиб кетди. Ўғил секин бошини кўтарди. Кўзи девор ортидан имиллаб ўтиб бораётган сомон ғарамига тушгач, олган билимлари, изланишлари бу овлоқ гўшада ушбу сомончалик қадрга эга эмаслигини фавқулодда англаб етгандек, аста юлқуниб, дарвоза томон юрди.

Она чирқиллаганча унга эргашди.



## ДЎНГКАЛЛА

Қовун-тарвуз пайкалининг ясси қирга туташ қисмида Нормат қоранинг чайласи қўнқаймагунга қадар жонсарак дала сичқон — Дўнгалла ўзича қув, ўзича бахтиёр эди. Қувлиги шундаки, кўкдаги ва ердаги турли ғанимларни ўз вақтида пайқаб, ҳамиша яшин тезлигида бекина билар, сўнг эса гўё уларни бошлаб доғда қолдира олганидан қувонганидек, рақибининг қораси ўчиши билан оҳистагина чийиллаб қўярди. Бахтиёрлигига келсак, сертармоқ йўлак ва йўлакчалардан иборат мўъжазгина худуди даштнинг овлоқ кунжагида, яъни податуйёқлардан ҳоли ерда жойлашган: бир томони тик

жарлик, бир тарафи баланд тепалик, қолган қисми эса ҳар йили қовун-тарвуз экиладиган кенг лалми даштга туташ бўлиб, макони-ни топтайдиган пода тугул, адашган-улоққан бирор-бир эчки-улоқ ҳам дорий олмасди бу ёққа.

Дўнгалла, чивиндек жонига қарамай, фавқулудда тиришқоқ, ҳайратли даражада меҳнаткаш. У ҳар тонг ёввойи ўсимликлар ора-лаб, чор-тарафга чўзилиб, тармоқланиб кетган катта-кичик йўлак-ларини бирин-сирин кўздан кечириб, ўта ҳафсала билан уларни саришталаб чиқади. Албатта, унинг бу қадар жонбозлиги бежизга эмас, негаки, саришталик бу турдаги жониворлар учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиб, бирор-бир ёт жисмнинг йўлакда туриб қолиши му-қаррар ўлим демакдир, яъниким кўкдан ёхуд ердан кутилмаганда ҳамла қилган ғанимдан қочиш пайтида ушбу «тўсиқ» туфайли у осонгина ўлжага айланиши мумкин. Шунинг учун Дўнгалла нўхат-дек тошу кесакни ҳам йўлакда қолдирмасликка уринади.

Бу серйўлак ҳудуд унга она сичқондан мерос бўлиб қолган. Дар-воқе, онасидан хийла эрта жудо бўлган Дўнгалла тирик қолиш-нинг хилма-хил сир-синаотларни қисмангина онасидан, қолганла-рини эса, дашт сичқонларига хос бўлмаган дўнг манглайини минг бир тошга уриб-уриб, секин-асталик билан ўзи ўзлаштира борган. Шунинг учунми ҳудудида пишиқ-пuxта ҳимоя тизими – йўлаклар-ни яратиш борасида онасидан кўра омилкорроқ чиқди. Онаси ти-риклик пайтида эҳтиёт инлар саноқликдек, йўлаklar тармоғи ҳам у қадар сероб эмасди. Дўнгалла, мустақил ҳаётга қадам қўйгач, за-ҳирадаги инлар сонини ошириб, уларни қўшимча йўлак ҳамда тўйниклар билан таъминлабгина қолмай, теваракдаги қоятош уюм-ларини ҳам ўз тасарруфига олди. Масалан, илгари жануб томонга чўзилган асосий йўлаklarдан бири каврак остидаги эҳтиёт ин оғзи-да ниҳояланарди. Аммо Дўнгалла бунга қаноат этмай, ин тўридан қўшимча тўйник очиб, мазкур йўлакни наридаги тошқаламага қадар чўзди. Боиси, қоятошлар орасидаги чалкаш тирқишлар ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг жонига ора кира олади-да. Кейин у аввалига ковул остидан, сўнгра ташқалама пойидан икки ёнга янги йўлак-лар, яъни туташтирувчи йўлакчалар тизимини бунёд этди. Хуллас, эндиликда унинг ҳудуди худди ўргимчак тўридек сертармоқ йўлак-лардан иборат бўлиб, онаси ёхуд бошқа турдошлари икки дунёда ҳам бу хилдаги мураккаб тизимни ярата олмаслиги мумкин эди.

У элбурутдан вояга етиб, аллақачон мустақил яшаш кўникмаси-га эга бўлган эса-да, ҳали-ҳануз онасини қумсайди. Боиси, она сич-қон ҳаддан зиёд ғамхўр эди. Жигаргўшасини аксарият ҳолларда қўзи-

қулоқ тубидаги илиқ инида сақлаб, уни тезроқ қаторга киритиш ўйида тинмай парваришларди. У онасининг серҳадик хатти-ҳаракатларидан ер юзаси у қадар осайишта эмаслиги-ю, фанимлари бисёр эканлигини ўша пайтдаёқ идрок этишга улгурганди. Табиатан худди онасидек ўта зийрак, ўта эҳтиёткор эди. Бироқ, шу хусусиятларга эга бўлишига қарамай, онаси, кунлардан бирида, барибир тулкига ем бўлди. Онаси ганим чангалида қай тарзда ўлим топди, буни тасаввур этмоққа Дўнгалла жуда ожиз. Негаки, мазкур фожеа ҳақида унинг бирдан-бир билгани шу — ўша кун и онаси, дамингни чиқармай, тек ўтир, дея тулкини чалғитиш ниятида йўлак бўйлаб чопқилаб кетди-ю, шу билан бошқа қайтиб келмади.

У онасини икки кун кутди.

Охири очликка чидаёлмай, ҳар сафаргидек, астагина тишга мўралади. Тумшукчасини олдинга чўзиб, бир майдон ҳид олди, яъни ўзича ташқи оламдан бохабар бўлган бўлди. Сўнг ўпка-гина ва соғинч қоришиқ оҳангда чийиллаб, онасини йўқлади. Ва ҳализамон онаси югуриб келиб қоладигандек, ўт-уланлар оралаб кетган йўлакка умидвор тикилди. Аммо зор-интизор кутишлари бесамар кетди — ҳар қанча чорласа-да, онасидан дарак бўлмади. Бу орада кўзи кўзикулоқ япроқларидан бирига қўниб турган яшил тусдаги ҳашоратга тушиб қолиб, ортиқ очликка тоқат қилолмай, жонҳалпиди унга ташланди. Бу — унинг биринчи ови, илк ўлжаси эди.

Биринчи ўлжа чап ичагига ҳам юқ бўлмагач, емак илинжида, минг бир ҳадик ва қизиқишда она мерос мулкини секин-аста кўздан кечирмоққа тушди. Унинг учун ташқи дунё ҳам завқли, ҳам ғоятда хатарли эди. Ҳозирча бирор хавфни илғамаётган эса-да, аммо унинг мавжудлигини ҳар қадамда ҳис этган кўйи, ғоятда сергаклик билан ҳаракатланар экан, турган гап, бу нарса йўлакка тўкилган ўсимлик уруғлари ва бошқа дон-дунларни паққос туширмоққа асло монелик қилмасди.

Кўкда қирғий кўланкаси пайдо бўлганда, у иккинчи йўлак муъолишига етиб қолганди. У қушнинг бежо қанот қоқишидан хавфланиб, ура қочаркан, азбаройи ҳовлиққанидан, йўлакка кўндаланг тушиб ётган сўлиган кўзикулоқ япроғига тўқнашиб, умбалоқ ошиб кетди. Ҳолбуки, салгина бурун унинг устидан бемалол юриб ўтган, теварагида сочилиб ётган уч-тўрт донни тергилаб еганди. Ушбу қоқилиш асносида йўлакни тоза тутиш лозимлигини, акс ҳолда оқибати жуда ёмон бўлишини яшин тезлигида идрок этаркан, онаси йўлакда бу хил ёт нарсаларнинг ётмоғига сира изн бермаслиги ялт этиб ёдига тушди. Бу пайтда у онасидан ёдгорлик бўлиб қолган

қўшимча инлардан бирига биқинишга улгурган, тумшуғини хиёл олдинга чўзганча, қулоқларини динг қилиб турарди.

У хавфнинг нари кетганига тўла ишонч ҳосил қилгач, тагин инидан бош чиқарди. Бу сафар йўлакдаги япроққа адоватла назар ташлади, уни зудлик билан йўлдан олиб ташлаш чорасини ўйлади. Бироқ ҳали банди узилмаган япроқ жуда қайишқоқ чиқиб қолди. Аввал тумшуқчаси билан туртикилаб, сўнгра тортқилаб кўрди — бўлмади. Ана шунда унинг бирдан фаҳми ишлаб қолди ва япроқ бандига ўзгача бир жаҳд билан оғиз солди. «Қайсар» япроқ унинг ўтқир тишчаларига бардош беролмай, чирт узилиб тушди. У бундан баттар руҳланиб, уни йўлак четига суриб ташлади. Кейин тозаланган йўлак бўйлаб нари-бери юриб ва югургилаб кўраркан, ич-ичидан мамнунлик ҳисини туйди.

Шу-шу йўлакларни саронжам-саришта тутиш унинг асосий юмушига, ўзи эса кенггина серйўлак ҳудуд эгасига айланди. Онаси ҳамда ўзининг саъй-ҳаракатлари туфайли юзага келган қатор инлар ҳамда чалкаш йўлаклар уни турли бало-қазолардан асрабгина қолмай, тинчлигини таъмин этиб келарди. Афсуски, пайкал бошига туси учган кажавали мотоциклини тариллатиб Нормат қора кўчиб келди-ю, унинг тинчига путур етди. Сирасини айтганда, унинг ҳаловатига Нормат қора эмас, унинг ўн бир яшар камгап, кўзлари ўйчан невараси миниб келган кулбет эшак раҳна солди.

Бу хил шалпангқулоқ жониворни умрида кўрмаган Дўнгкалла, дастлаб уни даҳшатли ғаним фаҳмлаб, инларидан бирига биқиниб олди. Унинг тезроқ даф бўлишини тоқатла кутди. Боиси, ондасонда тепалик ёқалаб келиб қоладиган малла тулкиям, қуйидаги дўнглик бағрини макон тутган типритиканлар оиласи ҳам, ахён-ахёнда бир кўриниш берадиган ёвуз эчкиэмар ҳам, гоҳида кимгадир нимадир демоқчидай орқа оёғи билан ер тепиниб қоладиган қўшни кулранг қуён ҳам, ва ҳаттоки сусткаш тошбақалар ҳам, одатда, бу манзилда ортиқ даражада ҳаяллаб қолмас, аксарияти қандай келган бўлса, шундай қорасини ўчирарди-да. Аммо, мана, кун яримляптики, манови ярамас шалпангқулоқ ҳеч кетай демасди.

Охири Дўнгкалланинг сабр-бардоши тугаб, инидан сирғалиб чиқди-да, ҳар лаҳзада қочмоққа шай ҳолда, эшакка яқинроқ келди. Кўп ўтмай шуни фаҳмлаб етдики, дам-бадам баланд овозда ҳанграб қўядиган бу баҳайбат жониворнинг ғанимлик сиёҳи йўқ, келганидан бири ердан бош кўтармай, хас-хашакни карт-куртлатиб чимдигани чимдиган. Шунга қарамай, аниқлик киритмасдан туриб, бирор хулоса чиқариш қийин. У, одати бўйича, ҳушёрликни асло унутма-

ган кўйи, аввал аста, сўнг бор овозда атайдан чийиллаб кўрди. Бироқ эшак деганлари унга қайрилиб ҳам қарамади. Бундан у янада дадил тортиб, тагин яқинроқ борди. Мўйловини қимирлатиб, қўшимча йўлак бўйлаб нари-бери бориб келди. Аммо шунча уринса-да, барибир «ғаним» диққатини ўзига жалб эта олмади. Эшак уни ерда ётган тош ўрнида ҳам кўрмади. Бундан у хийлагина ботирланиб, худди беозор тошбақа ёхуд хуркак чумчуқлар галасидан чўчимаганидек, ортиқ ундан ҳайиқмай кўйди.

У эшак билан андарман бўлиб, нарида ўзига ҳайратла тикилиб турган болага кўпда эътибор бермади. Болага келсак, «дала сичқони» деб аталмиш бу жонивор ўзининг узунчоқ тумшуғи, тўқжигаранг боши, очсарик туси ҳамда ўзи кўрган ва билган уй сичқонларига нисбатан уч баравар катталиги билан жуда қизиқтириб қўйганди уни. Шу боис, болаларга хос қитмирлиги кўзиб, уни бир оз чўчитиб қўйгиси келди. Бироқ бу тур жониворлар, табиатан, одам боласидан кўпда ҳайиқавермайди, агар индамасанг, гўё мазах қилгандай, кўз узмай тикилиб тураверди. Аммо кўлингни салгина бежо сермашинг билан, худди ерга киргандай, бирдан йўқ бўлиб қолади.

Бола ўнг оёғини ерга тап-тап урди.

Сичқон қилт этмади.

Бола эгилиб ердан кесак олди.

Сичқон ҳолатини ўзгартирмади.

Бола кўлидаги кесакни отмоқ бўлиб, қулочини ёзди.

Сичқон бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Бола уни қайта кўрмоқ истади.

У боя сичқонга кўзи тушиши билан кавшанишни унутган кўлидаги бодрингдан озгина ушатиб, сичқон кириб кетган ин яқинига ташлади.

Сичқон кўп куттирмади.

У инидан мўралаш асносида узунчоқ тумшуғи билан ҳавони ҳидлаб кўрди-да, сўнг хўрак ёнига дадил югуриб келди. Уни панжалари орасига олиб, худди олмахондай чўнқайган кўйи, жағларини кулгули қимирлатганча, кирт-кирт ейишга киришди.

Жониворнинг бу қилиғи болани бутунлай лол қилиб қўйди. Қаршисида дала сичқони эмас, ҳақиқий олмахон тургандай, унга маҳлиё бўлиб қолди. Қани энди, бу жониворни тутиб олса-ю, уйига олиб кетса, қафасда сақлаб, жўраларига кўз-кўз қилса! Аммо бу осонликча тутқич берадиган жонзодга ўхшамайди. Бу ёқда эса бобоси, қани, уйингга жўна, дея қисталанг қилиб турибди. Бола сичқондан кўнгил узиб-узолмай, ноилож эшагини минди-да овули то-

мон жўнади. У кетгач, аламдан Дўнгалла чийиллаб юборди. Бунинг қаранги, ярамас шалпангқулоқ ҳудудининг ўндан бир қисмини бутунлай яксон қилиб ташлабди.

Бу не бедодлик!

Бу ҳолдан бутунлай саросимада қолган Дўнгалла бир неча муддат узун-қисқа чийиллаб турди-да, сўнг тақдирига тан бергандай, эшак туёқлари остида авёсиз топталган йўлақларни қайтадан саришталашга тушди. Бошда иши бир оз дуруст кўчгандек эса-да, аммо йўлақларни тўлдирган гўнг уюмларига рўпарў келгач, не қиларини билмай шўрликнинг боши қотди. Бир ўйи тезаклар уюмини ўзидек тиниб-тинчимас гўнгқўнғизлар ихтиёрига қолдирмоқчи ҳам бўлди. Бироқ қўнғизлар қачон пайдо бўлади-ю, қачон гўнгни юмалоқлайди. Агар унинг ўрнида бошқа жонзот бўлганида борми, бу тарзда аламоқ чийиллаб турмаган, ҳудудининг бутун қолган қисми билан қаноатланиб қўя қоларди. Бироқ у осонликча жон берадиган жонивор эмасди. Ҳатто яқингинада ҳудудига эга чиқмоқчи бўлган зўравон бир турдошига ҳам осонликча бўй бермаган, олиша-олиша уни жар томонга сўриб ташлаган эди. Шу боис, у меҳнатдан қочмади, чоғи ва кучи етганча ҳудудининг яксон бўлган қисмини эпақага келтиришга киришди.

Бироқ орадан икки кун ўтиб, бола тағин эшагини миниб келди-ю, барча қилган меҳнатларининг кўкка совурилиши хавфи туғилди. Устига устак, бу гал бола хас-хашакнинг мўллигини кўзда тутиб, эшаги қозигини янада ичкарироққа — Дўнгалла ҳудудининг қоқ марказига маҳкамлади. Аммо чайла томонга бир неча одим юришга улгурмай, безовта чий-чийдан хаёли бўлиниб, ортига ўтирилди. Қарасаки, кечаги ғаройиб сичқон каврак ортидан бўйинини чўзганча, эшагига норози, ўта норози боқиб турибди. Ана, у жойида тек туролмай, кавракнинг бу томонига ўтди-да, янада баландроқ овозда чийиллади. Қани энди, чоғи етса-ю эшакка ҳамла қилса, уни еридан ҳайдаб солса. Табиий, бу сафар ҳам бола ҳеч нарсага тушунмади ва пировардида, бунинг сабабини бобосидан сўрашга мажбур бўлди.

— Эшагингни унинг ерига қантарибсан-да, — деди Нормат қора одатига хос бепарво йўсинда, — шундан норози у.

— Ия, сичқонларнинг ҳам ери бўладими? — бу бола учун қутилмаган янгилик эди.

— Тирик жон борки, барининг ўз ери, ўзи мулки бўлади.

— Нима қилай унда? — деди бола эшагини бошқа ерга жилдиришни назарда тутиб.

— Ҳеч нарса, ўзи тиниб, ўзи тинчиб қолади.

Бола жониворнинг чорасиз ва жонсарак ҳолатини қайта кўз олдига келтираркан, бу фикрга қўшилмоқни истамеди. У йўлга ҳозирланаётган бобо кўнглида сичқонга нисбатан андаккина бўлса-да, илиқлик уйғотиш умидида деди:

– Лекин ўзини тутиши худди олмахонга ўхшаб кетаркан...

– Ўхшамай кетсин, – дея тўнғиллади Нормат қора, – ҳадемай пайкал оралаб, қовун-тарвузларни тешиб, тоза гаранг қилди бизни у.

– Одамга худди тушунгандай тикилиб тураркан... – деди бола бўш келгиси келмай.

– Унда бир-бирингга тикилиб ўтираверинглар...

Нормат қора мотоциклини тариллатиб, энсиз тупроқдан қуйига эниб кетгач, бола эшаги ёнига қайтди. Шўрлик сичқонни ўша-ўша бесаранжом ҳолатда кўриб, пича ўйга ботиб турди-да, сўнг ички бир ундовга бўйсиниб, эшакни жойидан жилдириб, тошқалама ортидаги чоғроқ сайҳонликка обориб қантарди. Кейин ўзи секин изига қайтиб, бўйланганча, жониворнинг хатти-ҳаракатларини қизиқишла кузатмоққа тушди. Кўп ўтмай ҳайратдан оғзи ланг очилиб қолди. Боиси, унинг қаршисида ғаройиб бир олам юз очган бўлиб, ўтган сафар олмахонга ўхшашлиги билан эътиборини тортган бу мўъжазгина олам эгаси эндиликда фавқулодда ишчанлиги ва тиришқоқлиги билан унинг ақлини шошириб қўйганди. Бола олди-ортига қарамай, ғоятда эпчиллик билан йўлак тозалаётган жониворнинг ўзига хос чапдаст хатти-ҳаракатларини ҳанг-манг кузатаркан, беихтиёр пичирлади: «Вуй, кўзингдан, буям иш қилишни биларкан-а!» Кейинги сафар бола эшагини қуйига қантарди.

Бу гал эскиган чакки халтани дон-дунга тўлдириб келди.

– Бу нимаси? – Нормат қора ҳайрон бўлди.

– Бундан кейин у сизнинг қовун-тарвузингизни тегмайди, – деди бола халтани чайла кунжагига жойлаштириб.

– Дориланганми?

– Йўқ.

– Унда қанақасига?..

– Мен... у билан келишиб олдим.

Нормат қора, ҳазил қилаяптими бу, деган маънода у томон ўгирлиди. Йўқ, камгап невара, одатдагидек, жуда жиддий эди. У салдан сўнг чўнтагига бир чимдим дон солганча, Дўнгалла худуди томон жилди. Нормат қора эса унинг изидан ҳайрон термулиб қолди.

## МУНДАРИЖА

### Ҳикоялар

Вақт.....	3	Куёш тутилган кун.....	93
Янги эртақ.....	12	Жудолик қувончи.....	105
Бўғалоқ.....	19	Етим қолган гуллар.....	113
Лойхандақдаги беш қитъа.....	27	Кекса тут.....	118
Чол ва илонлар.....	33	Тунги меҳмон.....	126
Энатош.....	39	Куёши ботмайдиган юрт.....	137
Четдаги одам.....	50	Кудуқ.....	145
Йўлак.....	57	Капалак.....	154
Булоқ.....	66	Куюн.....	159
Мунг.....	73	Олим ўғил.....	168
Кўшниллар.....	87	Дўнгқалла.....	177



## НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ

### ЧЕТДАГИ ОДАМ

#### Ҳикоялар

#### Иккинчи нашри

*Муҳаррир Даврон Улуғмуродов*

*Бадий муҳаррир Исломжон Азаматов*

*Техник муҳаррир Елена Толочко*

*Мусаҳҳиҳ Qutlibika Rahimova*

*Матн терувчи Гулчехра Азизова*

Лицензия рақами АИ № 163. 09.11.2009. Босишга 2019 йил 12 июнда рухсат этилди. Бичими 60×84<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет қоғози. Times TAD гарнитураси. Шартли босма табоғи 10,69. Нашр табоғи 11,31. Адади 5000 нусха. Шартнома № 75–2019. Бууртма № 19-350.

Оригинал макет Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида тайёрланди. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: +998-71244-10-45. Факс: +998-71244-58-55.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг «O'zbekiston» номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. 100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

38  
13



**Нормурод Норқобилов** 1953 йил Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманида таваллуд топган. 1982 йилда ТашДУнинг журналистика факультетини битирган. Нормурод Норқобилов ўз бадий асарлари билан ҳам китобхонлар назарига тушган. Унинг 1987 йилда илк ҳикоялар тўплами – “Зангори кўл” чоп этилган. Шундан сўнг “Унутилган кўшиқ” (1990), “Юзма-юз” (1993), “Сарик гул” (1996), “Паҳмок”

(1997), “Темур ғори” (1999), “Аразчи чумчук” (1999), “Бекалдаги ок уйча” (2000), “Овул оралаган бўри” (2005), “Жўшқин дарё” (2005), “Бўрон кўпкоч кун” (2007) ҳикоя ва қиссалардан иборат тўпламлари ва “Дашту далаларда” (2009) романи босилди. “Тоғдаги ёлғиз одам” (2011), “Амир Темур изидан” (2016) дунё юзини кўрган. Адибнинг “Қуёши ботмайдиган юрт”, “Шим ёхуд хотинлар жанжали”, “Белбоғ” каби асарлари асосида кўп қисмли видеофильмлар яратилган. Бир қанча ҳикоя ва қиссалари рус, қозок, беларус, қирғиз, татар, араб, турк, хитой ва бошқа ўнлаб тилларга таржима қилинган.

Н. Норқобилов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” унвони ҳамда “Шухрат” медали билан тақдирланган.



**Чўлпон номидаги  
нашриёт-матбаа  
ижодий уйи**

ISBN 978-9943-05-862-0



9 789943 058620